

R 566

ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 4 / 2018



Эм
№



**Ўзбекистон Миллий университети
1918 – 2018**

Эркин ВОҲИДОВ

J

Alisher Navoiy
namiidagi
O'zbekiston MK**DORILFUNUNGA**

Яна йигирма – йигит ёшимга
Узоқ йиллар ўтиб қайтган бу куним
Таъзим қилиб келдим сенинг қошингга,
Азизим, мунисим, Дорилфунуним.

Недирсан? Олисга ундаган садо
Ё олис йиллардан чорлаган уним.
Сени согинаман ва тирикман то
Сенга интиламан, Дорилфунуним.

Болангман, бор ҳали ўзингга ҳамдам
Шўхлик, эркалагим, андак жунуним.
Ким бўлсам, не бўлсам ва қайда бўлсам,
Сен мени тергаб тур, Дорилфунуним.

Ҳаёт бешафқатдир, яшаш мураккаб,
Ёзолмай гоҳ дилга чўккан тугуним.
Илтижо қиларман, бедор юракка
Қудрат бер, ёшлигим – Дорилфунуним.

Ҳали бу оламга саволим кўндир,
Ҳаёлим қушида йўқ лаҳза қўним.
Яна шамчирогинг керак бўлибдир,
Йўлимни ёритгин, Дорилфунуним.

Шеър ушқ, бахт, қувонч – дунё бири кам,
Фақат эътиқодим – танҳо бутуним.
Қалбим тубидаги энг ёруғ нуқтам,
Сенга талпинарман, Дорилфунуним.

Эзгулик согинчи ўртаб кўнглимни
Бош уриб қошингга келган бу куним –
Сидқимни қабул эт, тарк этма мени,
Азизим, мунисим, Дорилфунуним.





ТАФАККУР



Тафаккур

ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош муҳаррир
Эркин АЪЗАМ

Тахририят
Собиржон ЁКУБОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Султонмурод ОЛИМ
(бўлим мудир)

ШОҲСАНАМ
(бўлим мудир)

Ольга ЖОЛДАСОВА
(бўлим мудир)

Наргиза УСМОНОВА
(техник муҳаррир)

Жамоат кенгаши

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

Хуршид ДАВРОН

Шухрат РИЗО

Хайриддин СУЛҲОН

Абдурахим ЭРКАЕВ

Муртазо ҚАРШИБӨЙ

Алишер ҚОДИРОВ

Қахрамон ҚУРОНБӨЕВ

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган.

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба қайд этилиши шарт.

Манзилими: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 9-бино

@ 215-57-30

215-57-36

📧 tafakkurtahririyati@mail.ru

Журнал андазаси тахририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. 100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-бино.

2018 йил 30 октябрь куни босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16, 8 босма табоқ. 287-буюртма. Нашр адади 1728 нусха.

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Театр надир. Атоқли режиссёр Олимжон САЛИМОВ билан суҳбат.....4



ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ

Миллат қандай юксалади. Анкета саволларига жавоблар.....20

ЯНГИ АСР МУАММОЛАРИ

Дилсора КОМИЛ. Глобаллашув: ғолиблар ва мағлублар....36

АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Абдулла АЪЗАМ. Илм дарёсидан гавҳар.....42

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Дилором САЛОҲИЙ. Қалбга йўл.....53

ШАРҚУ ҒАРБ ФАЛСАФАСИ

Иван ИЛЫН. Фалсафанинг икки аксиомаси.....58

SAHIFALARIDA

саҳифаларида

САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

Минг йиллик илдишлар. *Мусаввир Имяр*
Мансуров ижодидан намуналар.....66

САОДАТ СОҲИЛИ

Сирожиддин САЙИД. Ўтинчларим,
ўкинчларим... ..68

ХАЗИНА

АБАЙ. Қора сўз.....78

ТАҚДИРДАГИ ТАДБИРЛАР

ШОҲСАНАМ. Икки ўжарнинг муҳаббати.....88

Темур зулфиқоров



СУРАТ ВА СИЙРАТ

Темур зулфиқоров. Ривоят ва риоят.....98

Имяр Мансуров. "Донишманд ҳузурда"



МОҲИЯТ ЖИЛОЛАРИ

Шерназар ҚЎШНАЗАРОВ. Ростнинг ёл-
гондан фарқи.....102

ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Алишер Назар. Уммонга айланган томчи....106

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Иргаш ДАМИНОВ. Маънавият ҳам эски-
радимми?.....114

Равшанжон АБДУЛЛАЕВ. Қурбонжон
додхоҳнинг тахаллуси нима?.....116

Ўктам ШАКАРОВ. "Аدل шундай неъ-
матдирки...".....117

Қодирқул РЎЗМАТЗОДА. Хувайдо маъ-
рифати.....119

Насиба ТУРҒУНОВА. "Тановар"га яши-
рин ҳақиқат.....121

Гулдона ТАНИЕВА. Мусофир бўлма-
гунча... ..122

Нурулла ТУРСУНОВ. Асп ошган анъа-
налар.....124

Журналнинг англизча мухтасар
мазмунни.....127



TEATR NADIR

*Атоқли режиссёр Олимжон САЛИМОВ
билан сўхбат*

– Олимжон ака, яқинда машхур театр режиссёри ва педагоги Георгий Товстоноговнинг “Саҳна кўзгуси” номли китобини варақлай туриб, режиссура ҳақида айтилган ўта муҳим, оҳорли фалсафий мушоҳадаларга дуч келдим. Бир ўринда у “XX аср – атом, Ер йўлдошлари, кибернетика ва... режиссура асри бўлди”, дея ўз касбининг энг илғор соҳалар билан ёнма-ён қўйса, бошқа бир ўринда “Режиссёрлик осонми ёки мураккаб?” деган саволга қуйидагича жавоб беради: “Агар режиссурани хунармандлик деб билсангиз, ундан осон, санъат сифатида қарасангиз, ундан мураккаб вазифа йўқ”. Бу гапни кўчадаги одам айтганида, “Қўй-э, оғайни, фалсафангни!” дея қўл силтаб кетардик, аммо оламшумул режиссёр шундай “изҳори дил” қилса, масалани жиддий ўйлаб кўрмоқ лозим бўлади. Омма назарида режиссёрлик жўнгина бир юмуш: ҳа нима, тайёр матнни актёрларга ёдлатиб, беш-ўнта воқеани бир-бирига улаб, “лаб-лунжи”ни қовуштира бўлди-да, қолганини томошабин ўзи тушуниб олаверади! Шугина бўлганида олам гулистон эди, лекин бу касбнинг азобу машаққати, не-не қийноқлари борлигини шу қозонда обдон қовурилган сиз каби фидойилар яхши билади. Умумий саволга қўймасангиз

сўраганим бўлсин, сизнингча, РЕЖИССЁР ўзи ким? Бугун у жамиятга фильм ва спектакль яратиш ё бирор оммавий тадбиру маросимни ўтказиш учунгина керакми? У ҳолда жаноб Товстоногов айтган олий санъат тушунчаси қайда қолади?

– Аввало, айтиб қўяй, фикрларимни мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилмайсиз. Мен шунчаки театр оламида кўрган-кечирганларим, шахсий кузатувларим ва тажрибамга таянган ҳолда саволингизга жавоб бераман. Товстоногов – шубҳасиз ҳақ: режиссёрликни ҳунар ҳисоблаб, маълум қонун-қоидасини билиб, дов-дастгоҳини ўзлаштира олсангиз, “қўлигул” бир ҳунармандга айланасиз, кунингиз ҳам ўтаверади. Мана, оддий мисол. Яқинда қариндошларимиздан бирининг вафоти сабаб Кўқонга таъзияга бордим. Дафн маросимида бир одамни обдон кузатдим: у азонлаб марҳумнинг хонадонига келиб, ким нима қилиши, қаерда туришидан тортиб тобутни қай тараф билан кўтариш, майитни қабрга қандоқ қўйишгача бари-барини миридан-сиригача ўргатиб турди. Ишини азбаройи тартиб ила ўринлатиб бажардики, камина бу мукамал “бошқарув механизми”ни кўриб, касбимнинг ибтидоси шу эмасмикан, деган хаёлга бордим. Ахир, “режиссёр” сўзининг луғавий маъноларидан бири ҳам “жой-жойига, ўрнига қўювчи” дегани-да! Аминманки, бу инсон ҳамма маърака-маросимларда ана шундай камарбаста бўлади, чунки шу юмушларга одатланган, ҳаёт тарзи, кўникмасига айланган уни. Масалага чуқурроқ ёндашсангиз, асли Ўрта асрлар Европаси, ўзимизнинг шарқий диёрларда ҳам қирол ва подшоҳ саройлари, зодагону амалдорларнинг уйида кечадиган турфа маросимлар, базмижамшидларни ташкил этувчи, бошқарувчи ва яқунда хизмат ҳақиға шарақлатиб тилла санаб олувчи махсус одамлар бўлган. Мана, сизга Товстоногов айтган “ҳунармандлик”ка ёрқин мисол. Энди иккинчи тоифа – ҳақиқий санъатга хизмат қилувчи, дунёи дундан гўзаллик, нафосат изловчи, том маънода дидни тарбияловчи ижодкор режиссёрга келсак, унинг кори аъмоли – жуда оғир. Бу ёғига шунчаки поезд йўлидан чиқмай манзилга бориб-келиш билан иш битмайди. Шу боис театр санъати пайдо бўлганидан сўнг анча вақт ўтиб, тахминан XIX асрнинг бошида мустақил ижод тури – режиссурага эҳтиёж туғилди ва унинг аниқ мезонлари, мақсаду вазифалари белгиланди.

Режиссура – санъатнинг бир неча турини ўзида мужассамлаштирувчи, синтез қилувчи мураккаб соҳа. Бу касб эгалари драматург, актёр, рассом, композиторнинг вазифасини ҳам мукамал билмоғи, кези келганда, саҳнани жиҳоз билан таъминловчи ва ёритувчи бу-тафор, реквизитор, чироқчи, муҳандисга ҳам айланмоғи, қўйингки, бир спектаклнинг яралиши учун неки лозим бўлса, ҳаммасини удда-

ламоғи зарур. Шунчаси камлик қилгандек, тагин донгдор режиссёр Марк Захаров “Боз устига режиссёр шоир ва сиёсатчи, дипломат ва ишбилармон, файласуф ва ...баъзан золим-зўравон бўлиши керак”, дея лутф қиладики, бунисига энди унча-мунча мардумнинг салоҳияти, сабр-бардоши етмайди. Кўзларингиз ҳайратдан жавдираётганига қараганда, “Бу кишим намунча касбини мақтамаса, бу кетишда режиссёр фаришта бўлиб қолади-ку!” дея ботинан сўроққа кўмилиб ўтирибсиз. Начора, умри, асаб толаларини бус-бутун театрға сарфлаган режиссёр алаалоқибат “деспот”, “диктатор”, “золим” каби кўплаб лақабу тамғалар билан “сийланади”. Бундай айбловларни кўпинча ўртамиёна, истеъдодсиз актёрлар ўйлаб топади, сабаби улар режиссёр тафаккури, идроки билан бўйлашолмайди, ўзидаги ожизлик, ақли қосирликни ҳис қилгач, ана шундай маломат ёғдиришдан бошқа чораси қолмайди. Актёр қавми ҳам ҳар хил-да: Худо нимадир юқтирган бўлса, айтганларингизни дарров тушунади, кўрсатиб берганингизни бажаради, илло акси бўлса – режиссёрнинг шўри! Машҳур салафимиз Анатолий Эфрос айтганидек, “Режиссёрнинг асосий мақсади мукамал спектакль саҳналаштириш бўлатуриб, бу мақсадни амалга ошириш деярли бажариб бўлмайдиган вазифадир. Нимага? Чунки ҳамма нарса ҳам сенга боғлиқ эмас. Ҳаммаси ўзимнинг кўлимда, деб ўйлаш, бу мутлақо хом-хаёл. Масалан, созанда бўлсангиз, бошқа гап, саксафонни қўлга оласизу қолгани ўзингизга боғлиқ, ижодни қилаверинг! Менинг касбимнинг тўртдан уч қисми тушунтириш, тушунтириш ва кўндиришдан иборат. Мен бамисоли зийрак дирижёр, каттакон оркестрдаги ҳар бир чолғуни ва бутун оркестрни баравар ҳис қилишим керак. Ҳарҳолда, мен барчани, “бошқа томонга қараётганлар”ни ҳам кўриб-билиб турган ҳолда ўз томонимга оғдириб олишим даркор”.

Спектаклда роль етмай қолган актёр баайни режиссёр чўнтагидаги “бомба”, у истаган пайтда портлаши мумкин. Боз устига, актёрдан ташқари театрда яна қанча ходим ишлайди, ҳаммасининг феълу сажияси, ҳасби ҳолини ўрганиб, кўнглини овлаш ҳазилакам иш эмас! Режиссёр ана шу “бомбалар”ни “зарарсизлантириб”, ижодий кучга айлантириши керак.

Ёзувчига “маза”: осуда тун кўйнида компьютерини чиқиллатиб, бамайлихотир ижод қилаверади, асарининг ютуғи ҳам, қусури ҳам ўзиники; композитор пианино ёнида ўтириб, соатлаб машқ қилади, шу зайлда ишлайверса, ажабгина санъаткорга айланади. Майли-да, ундан Моцарт чиқмаса ҳам, ҳеч йўғи Сольери бўлар бир кун! Рассом-ку буларнинг ичида энг бахтлиси, бирор нимадан илҳомланса, дарров мўйқаламини олиб, чизибгина кўяқолади, қани, биров ақл ўргатиб кўрсин-чи! Айтмоқчиманки, бу ижод турлари индивидуал ҳолатда

туғилади, ҳар ким ўз яратибига ўзи эгалик қилади. Режиссёр-чи! У бир вақтнинг ўзида санъатнинг бир неча турини пухта ўрганади, уларни ягона махражга бирлаштириб, спектакль аталмиш яхлит бадиий ҳодисани яратади. Шу боис ижоднинг бошқа соҳаларидан фарқли ўлароқ, режиссурада бадиий мукамалликка эришиш ноёб ҳодиса ҳисобланади. Мана, ўзим турли театрларда саксондан ортиқ спектакль саҳналаштирганман, булар орасида хорижда қўйилганлари ҳам бор, аммо шулардан, нари борса, икки-учтасини, бадиий яхлитликнинг муайян даражасига етган ҳодисалар, деб биламан.

Гап келганда айтиб қолай, кўп мамлакатлар қатори, бизда ҳам режиссёр ижодкор сифатида тўлиқ тан олинган эмас. Ҳатто унинг вазифаси, санъатдаги ўрнини аниқ-тиниқ тушунтириб берадиган бирор қонун ёки рисола ҳанузгача йўқ. “Режиссёр ҳам ижодкор” десангиз, “У нима ижод қилади? Драматург ёзса, актёр ижро этса, рассом чизса, композитор мусиқа басталаса, хўш, режиссёр нима каромат кўрсатади?” дея елка қисишади. Ҳали-ҳамон режиссёрнинг “ижоди” нимадан иборатлигини унча-мунча валламатни билмайди, рости, бунга қизиқмайди ҳам. Режиссёрлик борасида ҳукм чиқаришдан олдин унинг ҳақ-ҳуқуқлари, мажбуриятларини қонунан белгилаб қўйиш даркор, шунда бу касбга нисбатан жамоатчиликда маълум фикр-муносабат уйғонади. Такрор айтаман: мен касбимни илоҳийлаштираётганим йўқ, булар “Режиссёр ўзи ким?” деган саволингизга жавоб излаш асносида туғилган баъзи мулоҳазалар, холос.

Келинг, энди, жавобимнинг охирида адабиётшунос олим, театр санъати билимдони Шухрат Ризаевнинг “режиссёр ким”лиги ҳақидаги мулоҳазасини айтай: “Режиссёр аввало фикрловчи, интеллектуал даражаси фавқулудда юксак, воқеа-ҳодисаларга муносабати аниқ, уларнинг айни ҳолатию келажаги қандай бўлишини тўлиқ тасаввур қила оладиган стратег, миқёсли фикрлайдиган ва театр соҳасининг салкам башоратчиси, ярим авлиё ва табиатан мутлақ ўзига хос, гоҳи Шайтон – гоҳи фаришта, бағоят мураккаб Шахс. У гўё ҳамиша тажриба ўтказётган тадқиқотчи, кашфиётчи олим, му-



тафаккир. Фақат унинг тажрибалари объекти инсон ва жамият устида, одамлар қалби ва туйғуларидан иборат бўлади. Бинобарин, унинг кашфиётлари онгу шуурни карахт қилувчи, бутун вужудни ларза, титроққа солиб, хаёлларни ҳайратларга чулғайдиган ҳодисалар бўлади”.

– *Биласиз, ҳар йили Санъат ва маданият институтини режиссура йўналиши бўйича ўнлаб ёшлар битиради. Ўзингиз ҳам шу даргоҳда талай йиллар бўлажак ҳамкасбларингизга сабоқ бердингиз. Камина ҳам санъатшунослик йўналишида таълим олганман, доимо куюниб, ёзғириб юрадиган бир домламиз ярми чин, ярми ҳазил қилиб айтар эди: “Тавба, институтимиз катта бир корхонага ўхшайди. Йилига “пачка-пачка” режиссёр “экспорт” қиламиз. Аммо ишлаб чиқаришга келганда бирортаси кўринмайди-я!” Бу гапда жон бор. Ҳозир бирор театрда режиссёрлик қилиб у-бу каромат кўрсатган ёшларни санай десангиз, бармоқлар кўплик қилади. Тўғри, бор, бири – Миллий театрда ишлаётган, соҳа “ҳадис”ини сиздан ўрганган Асқар Холмўминов, яна воҳа, водий тарафларда ҳам беш-олти азамат чиқар. Бироқ бу – институтни битираётган кадрларнинг умумий саногига чоғиштирганда жуда паст кўрсаткич. Ҳақли савол: қолганлар не юмуш билан банд? Нега навқирон режиссёрларнинг бугунги театр жараёнида фаоллиги сезилмайди? Агар уларга ҳали тажриба керак десангиз, устоз Баҳодир Йўлдошев Ҳамза (ҳозирги Миллий театр) жамоасига бош режиссёр этиб тайинланганида йигирма саккиз ёшли йигит эмасмиди! Улуғ театр реформатори Станиславский ҳақ шекилли: режиссёрликни ўргатиб бўлмайди, уни ўрганиш мумкин! Ё сиз бошқача фикрдамисиз?*

– Дастлабки саволингизга жавобимда режиссёрлик сифатларини баҳоликудрат таърифладим. Ўйлаб кўринг, шунча вазифани гарданига олиб бажарадиган одам табиатан кўп бўладими? Йўқ-да! Жайдарироқ қилиб айтсам, режиссёрнинг “уруғ”и ўзи кам бўлади. Андрей Кончаловский айтади: “Кўпчилик навқирон режиссёрларнинг майдонга келишини театрларда Уйғониш даври бошланганидан мужда деб ҳисоблайди. Менимча, ундоқ эмас. Янги режиссёрлар ҳар доим ҳам бўлган. Баъзан кўп, маълум тузумда эса, масалан, моғор босган социализм даврида жуда кам. Яхши режиссёр кўп бўлиши керак, лекин жуда кўп эмас. Асосан ўртамиёна режиссёрлар асқатади, энг ёмонларини эса ҳайдаш шарт!” Бу гапларни мисол келтириб, бўлғуси режиссёрларни тарбияловчи илм даргоҳини масъулиятдан соқит қилмоқчи эмасман. Модомики, бугун режиссура оқсаётган ва айни жараёнда авлодлар алмашинуви кечикаётган экан, хоҳлайсизми-йўқми, асосий эътибор бўлажак режиссёрларни учирма қилаётган институтга қаратилади. Биз, биринчи навбатда, бу касб эгаларини танлаш масаласида хато

қиялпмиз. Омма ўйлайдики, бошқа дорилфунунларга нисбатан театр институтига кириш осонроқ, сал-пал “масхарабоз”ликни эпласангиз, бас, жонни жабборга бериб тест ёдлаш шарт эмас. Ана шунақа адашганларга “яшил чироқ” ёқиб қўйганимиз боис режиссуранинг таълим тизимидаги ўрни ва савиясини йўқотиб бўлаёздик.

Яна бир муаммо шуки, режиссёрларни ўқитиш учун ишлаб чиқилган “методика” шиддаткор давр талабларига мос эмас – у касб сир-синоатини мукамал ўзлаштириш имконини бермайди. Камина турли мажлису издиҳомлар, илмий кенгашлар, кафедра йиғилишларида мутасадди ўртоқларга ёмон кўриниб бўлса-да, такрор-такрор айтдим: “Ҳой биродарлар, режиссёрларни ўқитиш учун жаҳондаги илғор мамлакатлар, масалан, Россия, Италия, АҚШ театр услубларини қўллаш керак, биздаги дастур билан кутилган натижага эришиб бўлмайди”. Таассуфки, ҳеч кимни ўрнидан силжитолмадим.

Театр санъати равнақ топган мамлакатларнинг таълим тизимида эътибор қилсангиз, уларда мутлақо бошқача методика, бошқача ўқув амалиётини кўрасиз. Камина Москвадаги олий режиссура курсида таҳсил олган йилларимни ҳамон завқу шавқ билан хотирлайман: дарслар ноодатий шаклда ўтар, ўқитувчилар ҳар куни недир янгилик топар, талабанинг имконияти, иқтидорига яраша махсус машғулотлар ўтказилар эди. Устозимиз кун бўйи кўрган-кечирган воқеаларимизнинг камида ўнтасини қоғозга тушириб келишни талаб қилар, шу ишни бажармаган талаба дарсга киритилмасди. Режиссёрнинг ижодий фаолияти учун лозиму лобид бўлган атамалар, истилоҳлар шу қадар кўп ўқтирилардики, беихтиёр ўша ибора шуурингизга ёпишиб қоларди. Айниқса, “художественная целостность спектакля” (“спектаклнинг бадий яхлитлиги”) деган атамани мен ҳатто уйқуда ҳам такрорлардим, кейин ўйлаб қарасам, режиссёрнинг бош мақсади ҳам шу – бадий яхлит спектакль яратиш экан. Ҳозирги талабалар бу гапни тўрт йил мобайнида бирор марта эшитармикан, деб ўйлайсиз.

Шунингдек, бўлажак режиссёрнинг нотиклик, етакчилик қобилиятини тарбиялашга ҳам жиддий эътибор қаратиларди. Овоз, нутқ бора-сида соатлаб ишланарди, чунки режиссёр ўз сўзига атрофидагиларни ишонтиролмаса, лидерлик маҳоратини намоён этмаса, жамоани мақсад сари йўналтира олмайди.

Бўлажак режиссёрнинг тасаввур, тахайюл оламини кенгайтириш, фантазиясини бойитиш, уни бадий ва образли фикрлашга ўргатиш, унда онг ва онгости сезимларини уйғотиш учун ранг-баранг вази-фалар берилардики, биз талабалар топшириқдан қутулишни эмас, бирон бир топилма билан устозимизни лол қолдиришни ўйлардик. Ўшанда файласуф шоиримиз Абдулла Ориповнинг “Митти юлдуз”

шеърига сахнавий композиция тайёрлаб, кўпчиликнинг олқишини олганим эсимда. Курсдошларим Пушкину Пастернак шеъриятидан илҳомланиб, шундай янгича ижодий изланишлар қилардики, ҳайрат бармоқларини тишлашдан ўзга илож қолмасди. Қаранг, биздан бирор кичикроқ водевиль ёхуд адабий парчани сахналаштириш эмас, айнан лириканинг сахнавий тажассуми талаб этилган! Икки мисра шеърни театр тилига кўчириш учун режиссёрнинг зеҳни, образли тафаккури ўткир, дунёқараши теран, тасавури бўлиқ бўлиши керак, боиси шеър – интуитив ҳиссиёт маҳсули, у шамолдек тутқич бермас ҳодиса, бинобарин, уни “қафасга солиб”, атрофдагиларга кўз-кўз қилиш қанчалик машаққат эканини чамалаб кўраверинг.

Бир сафар рус рассоми Николай Касаткиннинг “Ким?” деб номланган картинасини ўзимча сахнада жонлантирганман. Биларсиз, расмда воқелик ғоят драматик йўсинда акс эттирилган: урушдан қайтган жангчи не кўз билан кўрсинки, муштипаргина хотини уволгина бир болақайни бағрига босиб ўтирибди. Ҳарбийнинг қадди дол эгилиб, қўллари столни муштлаган, кўзида аламу азоб қоришиқ бир ҳолат зоҳир, гўёки вужуд-вужуди, сўнгги ҳужайрасигача саволга айланган: “Ким?”, “Ким бу бола?”, “Отаси ким?”... Шўрлик аёлнинг униққан сарғиш либоси, бошидаги рўмолию юмилган кўзларига боқиб эса хиёнат кўчасига яқин йўлашини тасаввур қилолмайсиз. Шу оний фурсатни хаёл чиғириғидан ўтказиб, юз хил талқин қилса бўлади, мен ҳам ўз кўримимни ифодалаганман.

Бугунги театр санъати аллақачон бизнинг тасаввуримиздан анча илдамлаб кетган, тўғри, унинг моҳияти ўша-ўша, бироқ ифода воситалари, томошабинга таъсир ўтказиш услублари аллақачон ўзгарган. Бинобарин, режиссёр бу янгилинишлар яратувчиси бўлмоғи зарур.

– *Драматургияга аралашган ижодкор борки, “Фалон режиссёрдан жуда мамнунман. Ўзимнинг асаримни ўзим танимадим-а!” дея камдан-кам эътироф этади. Айниқса, кейинги вақтларда режиссёрдан норози бўлиш одат тусига кирган: “Бу образ бошқача эди, сиз тамом тескарисини қилибсиз”, “Анави актёрингиз нега юрак қони ила ёзган монологларимни чайнаб ташляпти?”, “Финал расво бўлибди-ку! Бир оғиз маслаҳат солмабсиз-а!” Аслида, драматург билан режиссёр бир тану бир жон бўлиб ижод қилиши лозим, шундагина боя таъкидлаганингиз бадий яхлит спектакль дунёга келади. Албатта, пьесани қўлига олган режиссёр ўз талқинини таклиф этишга ҳақли, бироқ бу асарни хоҳлаган ноғорасига ўйнатиш дегани эмас-да?*

– Тўғри айтасиз, режиссёр аввало – талқин қилувчи. Дейлик, у асар қандоқ бўлса, шундайлигича, сўзма-сўз сахнага кўчириб қўйса,

бу энди режиссура бўлмайди-да. Агар режиссёр драматургнинг фикрини жонлантириб, янада бойитиб, унинг таъсир қуввати, бадиий-ғоявий юкини ошириб кўрсатишга салоҳияти етса, демак, пьесани ўзгартиришга ҳаққи бор, ҳатто у классик асар бўлса ҳам! Мен литвалик новатор режиссёр Эймунтас Някрошюснинг “Ҳамлет” ини кўрганман. Биласизми, финали қандай? Ҳамлет ҳалок бўлгач, саҳнада ота арвоҳи пайдо бўлиб, жасад тепасида нола қилади: “Кечир, ўғлим! Сени мен ўлдирдим! Қасосга ундамаганимда бу кунлар йўқ эди. Нобакор отангни кечир!..” Дания тимсолида башариятни зиндонга айлантирган чиркин тузум нақадар чуқур илдиз отгани, ўтмишдаги гуноҳу маъсиятлар учун келажак авлод хун тўлаётгани спектаклда аччиқ ифодасини топган. “Ҳамлет”нинг саҳна ва экрандаги юзлаб вариантларини биламиз, аммо шунча режиссёрнинг тушига ҳам кирмаган ечимни Някрошюс топа олган. Қани энди, айтинг-чи, режиссёр Шекспир даҳосини юзхотир қилиб, шу экспериментга қўл урмаганида, бундайин ноёб спектакль дунёга келармиди?!

Ўз фаолиятимдан мисол келтирсам, ўн йилча бурун Мухтор Аvezов номидаги Қозоқ давлат академик драма театрида “Ромео ва Жульетта” фожиасини саҳналаштирган эдим. Ўшанда мен ҳам юрак ютиб, Шекспир асари хотимасига кичкина “тахрир” киритганман: маълумки, трагедияда Жульетта роҳиб берган дорини ичиб, уйкуга кетади, Ромео эса уни ўлди деб ўйлайди ва заҳар ютиб, ҳалок бўлади. Жульетта ўзига келгач, ҳассос шоиримиз Мақсуд Шайхзоданинг жозиб ўгирмаси билан айтганда, “Қандай хасис! Ўзи ичиб ҳамма заҳарни, бир қатра ҳам қолдирмабди менга кўмакка”, дея фарёд чекади, сўнг кўксига ханжар уриб; жонига қасд қилади. Бизнинг спектакль бошқачароқ яқунланади: Ромео оғуни сипқоргач, Жульетта ичган дорининг кучи кетиб, у ўзига келади, икки маҳбуб ўлимидан аввал бир-бирини бағрига босади, кейин эса сиз билган фожа юз беради. Назаримда, чин муҳаббат тимсоли – Ромео ва Жульетта ёруғ оламини тарк этишдан олдин бир-бири билан охирги бор учрашиши лозим эди, нигоҳлардаги сўнгги илинж боқий дунё висолини ваъда қиларди гўё... Спектакль қардош юртда ҳалигача намойиш этилади, ўзимча ўйлайман, балки Шекспирникидан фарқ қилувчи финалнинг “ажр-мукофот”и шудир?!

Инглизларнинг номдор режиссёри Питер Брук айтадики, “Режиссёр учун, Шекспир шахсини барбод қилди, деган маломатдан кўра, Шекспирга мурожаат қилиш орзум эди, дея армон билан ўтиш афзалроқ”. Албатта, барбод қилиш бошқа нарса, наинки Шекспир, умид билан кўлига қалам тутган ижодкор борки, унинг қарашлари, мақсадини ағдар-тўнтар қилиш бу – нонкўрлик, сурбетлик, бунинг режиссурага ҳеч қандай алоқаси йўқ.

– Кўпинча режиссёрлар яхши спектакль яратилмаётганига драматургияни рўқач қилади: “Ҳа энди, оковси, пичоққа илинадиган пьеса йўқ-да! Биз на қилайлик?” Жаҳон театрлари тажрибасидан унча-мунча воқиф бўлганим учун режиссёрларимизнинг бундайин муносабати камида бодилик бўлиб туюлади. Ахир, дунё театрлари ҳали адабиёт аҳли ҳам етарлича идрок этолмаган, баҳсу мубоҳасаларга нуқта қўёлмаган “Улисс” (Жеймс Жойс)ни саҳналаштириб турганида, танбаллик демай, яна не деб атайсиз буни! Ўзингиздан мисол, чинакам адабиёт театрга нималар беришини “Соҳил бўйлаб чопаетган олапар” (Чингиз Айтматов), “От йиғлаган томонда” (Тоғай Мурод), “Уфқ” (Саид Аҳмад) спектакллари орқали исботлагансиз. Бугун ҳам шу тажрибани жонлантириб, ўзбек ва жаҳон насрининг сара дурдоналарини саҳнага қўчирсак, театрларни танқид тошларидан асровчи дурустгина қалқон топилармиди, нима дейсиз?

– Адабиётнинг пешқадам жанрларидан бири наср ҳар доим ва ҳар қачон театрнинг мустаҳкам тиргаги бўлган, унинг бўй-басти, қаддини бир бош кўтарган, ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва даражасини кучайтирган. Насрда баралла сўз айтиш учун имконият кенг, бу айниқса режиссёрга кони фойда, биттагина ҳикояни саҳналаштириш устида ишлаётган режиссёр катта маҳорат дарсини ўтайди. Афсуски, театрчилар китоб ўқимаслик касалига чалинганига анча бўлди. Адабий газета-журналларимизни мунтазам кузатиб бораман, ҳар сафар камида тўрт-бешта тузуккина ҳикояга кўзим тушади, ишончим комил, сал ҳафсала қилинса, шуларнинг ҳар биридан спектакль “ясаса” бўлади. Лекин қани буни ўқийдиган режиссёр?!



Драматургия гуркираб ривожланган даврларда ҳам насрий асарларни саҳналаштириш иштиёқи асло сусаймаган. Руслар Гоголь ва Чехов комедиялари театрларни тўлдирганда ҳам Толстойу Достоевский романларидан воз кечмаган, французлар Мольер ва Расин билан ёнма-ён Бальзак, Флобер, Мопассанларни ҳам саҳнага қўяверишган, ҳозир ҳам қўйишади.

Режиссёрнинг драматургиядан нечоғли хабардорлиги айнан насрий асарни драмага айлантириш, яъни инсценировка жараёнида кўринади. Мен ҳали сиз тилга олган спектаклларнинг инсценировкасини ўзим ёзганман. Таъкидлашим керакки, ушбу асарларни саҳнага кўчириш осон кечмаган. Айниқса, Тоғай Муроднинг икки бетакроп қиссасини ўқиганимдан сўнг қарийб беш йил ўтиб спектакль яратиш ғояси пайдо бўлган. Унгача сюжет ўй-хаёлимда айланиб юраверган.

Театр насрга кўп мурожаат қилаверса, драматургия ривожланишдан тўхтайтиди, қабилдаги фикрларга мутлақо қўшилмайман. Бу – кўлидан иш келмайдиган, истеъдодсиз режиссёрларнинг гапи. Профессонал режиссёр насрни саҳнага кўчиришдан асло чўчимаслиги керак, азал-абаддан бу тажриба театрга қўл келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажак.

– Бугун республикамизда 37 та профессионал театр фаолият кўрсатмоқда. Бизнингча, халқимизнинг саҳна санъатида бўлган маънавий эҳтиёжини қондириш учун шунча театр етарли. Бироқ сон ва сифат уйғунлиги масаласига келганда, дўппини бошдан олиб, жиддий мулоҳаза қилишга тўғри келади. Баъзи театрлар ёппасига томошабин хоҳиш-истаклари кетидан қувиб, маиший-сентиментал томошалар ила касасини тўлдираётган бўлса, баъзилари бадиий-ғоявий жиҳатдан саёз, савияси ҳаминқадар асарлар билан ўзларини ҳам, театр муҳибларини ҳам авраб юришибди. Инсоннинг эстетик диди, гўзаллик ҳақидаги қарашларини тарбияловчи санъат, хоссатан, театр моддий манфаат келтирувчи воситага айланишини ўйласам, анча йиллар муқаддам Ёш томошабинлар театрида саҳналаштирган “Турна патлари” (Дзуиндзи Киносито асари) спектаклингиз ёдимга тушади. Яраланган турна Цу исмли гўзал қизга айланиб, Йохё деган йигитга турмушга чиқади; у ўзидаги нафосат, покиза тийнатни инсон қавмидан ҳам излайди, таассуфки, одам боласи нафси амморасидан устун келолмайди, охири турна ердаги ҳаёт тарзига кўниколмай, осмону фалакка учиб кетади. Бу кўҳна япон ривоятини эслаганда, театрнинг қудратини “ўтин ёришга сарфлаётган” юҳо дунё Цудан маҳрум бўлган Йохё бўлиб кўз олдимга келади. Осмоний мажозлардан ерга тушақолай, замонавий ўзбек театрининг бугунги қиёфаси ҳақида қандай фикрдасиз?

– Жамиятда бирор соҳа гуллаб-яшнаши, тараққий этиши учун аввало унга эҳтиёж туғилмоғи зарур, бўлмаса, ҳар қанча ёниб-куйманг, натижага эришиш амримаҳол. Эҳтиёжнинг пайдо бўлиши халқнинг турмуш тарзи, ижтимоий маъқеи, фикру идроки, руҳий ҳолати, диду савияси ва яна қатор-қатор омилларга боғлиқ. Яна шуни қўшимча қилоламанки, қачонлардир эҳтиёж тусини олган, одамларнинг қон-қони, жисму жонига сингиб кетган ҳодисалар муайян вақт ўтиши, ёинки инсониятнинг ботиний мувозанатига қараб кун тартибидан тушиб қолади. Лўндароқ қилиб айтганда, эҳтиёж – ўзгарувчан тушунча, бугун бор, эртага йўқ.

Саволингизнинг жавоби дастлаб бошқа бир масалага ойдинлик киритишни тақозо этади: сиз аҳоли ва театрлар сонини бир-бирига нисбат олиб, халқнинг маънавий эҳтиёжи учун саҳна масканларини етарли деб ҳисоблаяпсиз. Бундай арифметикага шошилмаганимиз маъқул, олдин менга айтинг-чи, қайси эҳтиёж ҳақида гапиряпсиз? Тан олиш ҳам марднинг иши: ҳозир бизда театрга эҳтиёж йўқ. Мен бу гапим билан бозор иқтисодиёти шароитида юртимизнинг моддий фаровонлиги, ижтимоий-иқтисодий юксалишига кўпроқ эътибор қаратилаётгани боис театр каби маънавият ўзанлари четга чиқиб қолди, демоқчи эмасман. Аксинча, бугун мамлакатимизда маънавий соҳада юз бераётган ўзгаришлар иқтисодий ислоҳотлар билан тенг-тошли рақобат қила олади, ҳатто баъзи жабҳаларда устун келса ҳам ажабланмайман. Гап шундаки, халқимизнинг ўзи театрдан йироқлашиб кетди, орзу-ҳаваслар, уй-рўзғор, кийим-кечак, қўша-қўша ҳовли-иморату дабдабаю асъасали тўй-тадбир, қисқа қилиб айтганда, тириклик йўлидаги серташвиш, бесаранжом ҳаёт мажбурлади бунга. Тўғри, бадавлат одам ҳам азбаройи зерикса ёки бирор ичакузди томоша кўргиси келса, оиласига бош бўлиб театрга боради, бироқ бу ишни маънавий эҳтиёж етовида қилмаяпти-да! Тасаввур этинг, бир киши театрга қўнғироқ қилиб, ойлик репертуар билан танишади, ўзи ва оиласи таъбиға мос спектаклни танлайди, керак бўлса, ўша кун ёдидан кўтарилмаслиги учун тақвимга белгилаб, шу фурсатни интизор кутади. Спектакль куни оиласи билан чиройли кийиниб, бир даста гул кўтариб томоша бошланишига ўн беш дақиқа қолганда ўриндиқларга келиб жойлашади ва парда очилишини кута бошлайди. Мана, театрга эҳтиёжмандликнинг рисолавий намунаси! Бугун шунақа одамлар кўпмикан? Афсуски...

Қаердадир ўқиган эдим, Италиядаги машҳур “Ла-Скала” театрининг директори спектакль бошланиши арафасида театр атрофини айланиб юраркан. Сўнг билет етмай спектаклга киролмаган ўн нафар томошабиннинг исм-шарифини ёндафтарчасига ёзиб олиб, эртаси ва индинига ҳам шу ишни такрорларкан. Тўртинчи куни дафтарини кўз-

дан кечириб, кимда-ким уч кун мобайнида ҳам билет тополмай, “омад-сизлар рўяхати”га тушган бўлса, ўша одамга бепул чипта бераркан. Балки бундай мухлис биттадир ё бир нечтадир, муҳими, ўша инсонда театрга чинакам эҳтиёж бор, буни албатта тақдирлаш лозим. Шу йўл билан “Ла-Скала” жамиятнинг театрга эҳтиёжмандлик даражасини аниқлаб боради, бошқача айтганда, халқнинг маданий-маърифий савияси, бадиий-эстетик дидини тарози паллаларида ўлчаб туради.

Бизда ҳам театрга эҳтиёж бор эди, таъбир жоиз бўлса, кучли эҳтиёж бор эди. Оталаримиз Аброр Ҳидоятловнинг Отеллосини кўриш учун эшик турумани бузар даражада шовқин солишгани, Маҳмуджон Ғофуровнинг “Тоҳир ва Зухра”даги биргина ариясини тинглаш учун от-араваларда келиб, кунлаб навбатда турганини эшитганмиз. Ўша кезларда ҳаёт ҳозиргидек тошқин ва тезкор, одамларнинг миясини ғовлатадиган ўй-ташвишлар бугунгидек сероб бўлмагандир? Яна ким билади дейсиз...

Эҳтиёж бўлмагач, театр хоҳлаган йўриғига юради, исталган томошасини кўяди. Сиз таъкидлаган таги пуч маиший мавзулар, қайнона-келин муносабатлари, сохта муҳаббат изҳорлари, мухтасар қилганда, савиясиз томошалар ҳаммаси ўша эҳтиёжсизликдан куртак отяпти. Оқибатда “Турна патлари” спектаклидаги кечмиш реал ҳаётимизда бўй кўрсатаётир. Эҳтиёжни шакллантириш эса ўз-ўзидан бўладиган жараён эмас, моддиончи дунёнинг бешафқат тегирмонида эзилиб, янчилиб кетмаслик учун давлатимиз раҳбари жон куйдириб айтаётганидек, “халқимизнинг онги, дунёқарашини ўзгартиришимиз лозим”.

– Кейинги йилларда санъатнинг барча турлари қатори театрда ҳам замон қаҳрамони образини яратиш ҳақида кўп ва хўб гапирилди. Драматурглар енг шимариб ижод қилди, режиссёрлар баҳолиқудрат саҳналаштирди, хуллас, ижодий изланиш тўхтагани йўқ. Аммо “Замон қаҳрамони қани?” деган савол кўндаланг келганида елка қисичдан нарига ўтолмаяпмиз. Аксар театрларимизнинг бу масалага ёндашуви ўта схематик: масалан, спектакль қаҳрамони бирор ҳарбий бўлса, у албатта жангарилар билан олишувда яраланиб, Ватан ҳақидаги оташин монологини айтиб, ҳалок бўлади. Ё журналист бўлса, бирор катта-конни кўрқмай танқид қилиши, шифокор бўлса, душманини даволаши, қурувчи бўлса – ҳайҳотдек заводни бир ўзи барпо этиши керак. Драматургларимиз замон қаҳрамони ҳам бошқалар сингари фикрловчи, ҳис қилувчи онгли мавжудот экани, бинобарин, у ҳам адашиш, қоқилишга ҳақлилиги, уни рўёдан эмас, реал ҳаётдан излаш лозимлигини унутиб қўйишди, чоғи. Катта тажрибага эга режиссёр сифатида айтинг-чи, давримиз қаҳрамонининг бирор белгиси, шаклу шамойили борми?

– Замон қаҳрамони ва уни саҳнада яратишга бўлган талаб кеча ё бугун пайдо бўлгани йўқ. Барча даврларда ҳам сиёсий раҳнамолар мавжуд тузумнинг қиёфасини кўзгудагидек акс эттирувчи, оммага ибрат, сўнмас маёқ бўлувчи қаҳрамонлар яратишни адабиёт ва санъат аҳлидан талаб қилишган. Лекин бошқа санъаткорлар каби театр ижодкорлари ҳам бу даъватга доим ҳам “лаббай” деб жавоб беролган эмас. Доҳий Сталин театр ислохотчиси Константин Станиславскийга “Иттифоқ халқ артисти” унвонини топшира туриб, дафъатан сўраб қолади: “Хўш, ўртоқ режиссёр, биз янги жамият кўряпмиз, революцияни бошдан кечиряпмиз, бунга осонликча эришаётганимиз йўқ, қани, шу йўлда курашган, тобланган қаҳрамонни театрингизда кўрсатинг-чи!” Бунга жавобан Станиславский Михаил Булгаковнинг “Оқ гвардия” романи асосида ишланган пьесани саҳналаштириб, спектакль тақдимо тига доҳийни таклиф қилади. Инқилоб умидида не-не орзу-мақсадлари, ўй-ниятлари саробга айланган, сохта келажакка қўйилган тузоқни кўролмаган оддий кишиларнинг ўкинчли қисмати, алам-оғриғи спектаклда ҳаққоний акс этган ҳамда режиссёр шу мазлумларни қаҳрамон сифатида таништирган. Сталин даҳо санъаткорнинг маҳоратига тан бериб, қарсак садолари билан спектаклни тарк этган экан. Бу шундан далолатки, қаҳрамон осмондан тушиб қолмайди, уни давр тетапоя қилади, оёққа турғизади, синовларда чиниқтиради, курашларда тоблаяди, керак бўлса, ўзи қаҳрамонга айлантиради.

Замон қаҳрамони бу – оддий инсон, ҳамма қатори умргузаронлик қилаётган, ҳаёт тарзи, туриш-турмуши рисоладагидек бўлган, фазилату қусури бошқаларникига ўхшайдиган теграмиздаги одам, фақат уни умумоқимдан ажратувчи қандайдир зарра борки, шуни илғай олсангиз, бас. Қаҳрамон бўлиш учун жонни фидо қилиш ё ақл бовар этмас мўъжизалар кўрсатиш шарт эмас, бу масаланинг фақат зоҳирий томони: ўша қаҳрамоннинг виждони уйғоқми, қалбидан нелар ўтяпти, Ватан тақдирига қай даражада дахлдор – мана шуларга эътибор қаратиш даркор. Эҳтимол, умри ўзгаришлар чорраҳасига тўғри келган, тузумлар алмашгач, янги давр эпкинларига бирдан юз тутолмаган, лекин имони уйғоқ мураккаб ШАХС бугун қаҳрамон рутбасига лойиқдир?! Умуман, театрдан бундай образни узил-кесил талаб қилиш, буюртма йўли билан қаҳрамон яратиш ҳар доим ҳам самара беравермас. Икки йилда бир марта ўтказилаётган “Сени қуйлаймиз, замондош!” республика театрлари фестивалида бу ҳол яққол кўриняпти, ёппасига замон қаҳрамонини излаймиз деб, сунъий, ясама образларнинг урчишига йўл очиб бериляпти. Бу ҳаракат тенденцияга айланса, калаванинг учи баттар чувалашиб кетади, боз устига, ҳақиқий қаҳрамоннинг қадрини тушириб юборамиз.

Хали таниқли драматург Шароф Бошбековнинг “Ер барибир айланаверади” драмасини саҳналаштирганимни таъкидлаб эдингиз. Шу пьесанинг охирида ҳокимнинг қабулига ёрдам сўраб бир аёл келади. Шўрликнинг эри ҳовлисига уч тупгина кўкнор эккани учун саккиз йилга қамалган, ортидан болалари йиғлаб қолган, энди бор умиди шу ҳокимдан. Аёл эрининг озодликка чиқиши учун шу қадар ялиниб-ёлворадики, унинг дарду изтироби, сочидан товонигача вафою садоқатга йўғрилганини кўриб, беихтиёр кўзингиз намланади. Мен муаллифдан шу аёлнинг кечмиши ҳақида алоҳида пьеса ёзиб беришни сўрадим, агар асар ёзилса, ҳозироқ саҳналаштирган бўлардим. Бойси бу аёл – қаҳрамон, барча аламу ситамларга чидаб, ўз эътиқоди, аёллик тийнатига гард юқтирмагани учун ҳам қаҳрамон! Драмада тавсифланганидек: “...Гапини эплаб гапиролмаса ҳам, бундан бир иш чиқишига кўзи етмаса ҳам, бу дунёда адолат деган нарсанинг йўқлигини билса ҳам, бола-чақасидан ортиб, эрини қутқариш илинжида эшикма-эшик юрибди-ку! Бундай аҳдига содиқ, вафодор аёл дунёнинг яна қаерида бор?! Сизнинг олдингизга келгунча қанчадан-қанча кабинет остоналарига бош урган! Охирги илинжи сиз эдингиз. Сиздан ҳам бирор ёруғлик чиқмагач, сўнгги ишончиям сўнди! Лекин синмади! Керак бўлса, адолат излаб Тошкентгача боради. Йиғлай-йиғлай, жаврай-жаврай мингта прокурору судьяларга бас келади. Эрини қутқармагунча тинчимайди!”

Замон қаҳрамонини кўрсатиш учун жуда маҳобатли сюжетлар ҳам шарт эмас, оддийгина маиший воқеликни умуминсоний миқёсга кўтариш, шу орқали илғор ғоялар, юксак фикрларни ифодалаш мумкин. Таассуфки, театрларимиз кўламни кенг олмайди, тор, биқик мавзулар атрофида ўралашиб қолган, оқибатда, чинакам қаҳрамон деганда, бош деворга урилади. Замон қаҳрамони – моҳиятан оддий инсон, бироқ унинг залвори оғир, фалсафаси асрларга татиғулик, шу ҳақиқатни унутмасак бўлгани.

– Ўзбекистон давлат драма театрига бош режиссёр ва директор этиб тайинланганингиздан буён маданий жамоатчиликнинг диққат маркази шу театрда бўлиб қолди. Ўз вақтида бу масканда не-не режиссёрлар, маҳоратли актёрлар фаолият кўрсатганини яхши биламиз. Афсуски, атоқли режиссёримиз Баҳодир Йўлдошевдан кейин театр йўлини йўқотди, тўғри, гоҳо ўзимиздан, гоҳо қўшни юртлардан катта-кичик режиссёрлар келиб, унда-мунда спектакллар қўйиб юришди. Сайфиддин Мелиев деган алпқомат шогирдингиз ҳам уч-тўрт йил ишлаб, нималарнидир ўзгартирди, лекин баъзилар айтган “тупикдаги театр”ни маълум ўзанга солишининг имкони бўлмади. Бугун шу театр-

га сизнинг қўмагингиз ва тажрибангиз жуда-жуда зарур эди. Аввал Карло Гольдони отлиғ италян классигини (“Икки бойга бир малай”), сўнг ўзимизнинг классик Шароф Бошбековни (“Ер барибир айланаверади”) сахналаштириб, йўлга чиққангизни англатувчи “сигнал”ларни чалдингиз. Олимжон ака, кейинги манзилни қандай тасаввур қиляпсиз?

– Асли театрға бош бўлиш ниҳоятда қийин иш. Театр шундай бе-шафқат даргоҳки, уни бошқараман деганларнинг ҳаммасини ҳам қабул қилавермайди. Ижодий фаолиятим мобайнида бир неча театрда бош режиссёр бўлиб ишладим, шу жамоаларга озми-кўпми меҳнатим сингди, маълум бир ёшга етгач, кўрган-кечирганларимни обдон сарҳисоб қилиб, театрға бошчилик қилиш фикридан батамом қайтган эдим. Таклиф қилишса, майли, битта-яримта спектакль қўйиб бераман, лекин театр рўлига ўтирмайман! Талай йил шу аҳдимда собит турдим, сўнг, қарангки, тақдир тақозоси ва ўзим ҳурмат қилган инсонларнинг хайрихоҳлиги, ташаббуси сабаб яна театрға бош режиссёр бўлиб келдим.

Шаксиз, бу театрнинг ўз анъаналари, эслашга арзигулик тарихи бор. Театрға тамал тошини ажойиб режиссёр ва дилкаш инсон Эргаш Масафоев қўйган эди. Кейин бу масканда Баҳодир Йўлдошев самарали ижод қилди, ўзбек сахнасининг абадиятга дахлдор асарларини яратди. Баҳодир ака кетгач, театрда ижодий муҳит издан чиқди, дея ўзингиз айтгандек, орада келиб-кетган режиссёрлар ўзларидан недир қолдиришга уринди, албатта, бироқ кимдир мунтазам бош бўлмагач, актёрлар ва бошқа ижодкорларда ҳам кўнимсизлик кайфияти уйғонади. Шундай паллада театрға бош режиссёр бўлиш учун икки йўлдан бирини танлаш лозим: биринчиси, сизгача ҳукм сурган муҳитга индамай кўникиш, иккинчиси, ҳаммасини қайта ислоҳ қилиш. Иккинчи йўл катта сафарбарлик, жасоратни талаб қилади, чунки жамоа ўзи билганича ишлашга ўрганган, энди уни ўз йўриғингиз, тартиб-қоида-дангизга мослаштириш учун анчагина вақт керак.

Театр бош режиссёрининг вазифаси фақат яхши спектакль сахналаштиришдан иборат эмас. Режиссёрликнинг яна бир муҳим талаби бор: у – тарбиячи, педагог, яъни театрда ишлаётган ҳар бир ижодкорнинг қалбига йўл топувчи, унинг ўзига хос дунёсини инкишоф этувчи шахс. Мана, театрға келганимга бир йил бўлди, шу вақт оралиғида иккита спектакль сахналаштирдим, иккови ҳақида ҳам илиқ-иссиқ гаплар айтилди. Бунга-ку эришдим, қунт билан ишласам, кейин ҳам эришавераман, мени бошқа масала ўйлантиради: хўш, жамоага қанчалик таъсир кўрсатдим? Уларнинг тақдири, дунёқарашида бурилиш ясай олдимми? Касбга бўлган муносабати, тушунчасини ўзгартирдимми?

Актёрларга спектаклдан бўлак яна нима қолдирыпман? Шу каби саволлар эртаю кеч безовта қилади, баъзан жавоб тополмай қийналиб кетаман, битта бош чаноғингга шунча ўй, шунча ташвиш зарилмиди, дейман. Йўқ, бу касбга ўта фидокорликдан эмас, бу шунчаки виждоннинг холис сўроғи!

Истиқбол ҳақида сўраяпсиз, вужудида аланга ўрмалаётган ўн саккиз яшар йигит бўлганимда, камида йигирмата пьесани олдингизга қўйиб, “Мана шуларни саҳналаштирмоқчиман!” дея ғоздек керилиб турардим. Ёшим етмишдан ўтиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган палламда масалага вазминлик ва совуққонлик ила қарашни маъқул кўраман. Майли, баъзи режаларни ошкор этақолай: “Икки бойга бир малай” спектаклимизга Италиядан таклиф келган, насиб қилса, Гольдони ватандошлари олдида имтиҳон топширамыз, масъулият ўн карра юқорилигини, айтмасам ҳам, биласиз. Шунингдек, олмон театрининг улуғ намояндаси, “эпик театр” асосчиси Бертольд Брехт ижодидан бирор асар саҳналаштириш ниятимиз бор. Айнан қайси асар экани ҳозирча номаълум, бутун жамоа Брехтни ўрганишга астойдил киришган, қолганига вақт – ҳакам.

Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ суҳбатлашди.





MILLAT QANDAY YUKSALADI

Бугун оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда мамлакат таълим тизимини ислоҳ этиш борасида қизғин баҳсу мунозаралар кечаётир. Давлат ҳам таълим-тарбия ҳаёт-мамомт масаласи эканини эътироф этиб, аллақачон амалий чора-тадбирларга киришган. Бу ўринда йил бошидан буён Ўзбекистон Президентининг соҳага доир олти та қарори эълон қилинганини қайд этиш жоиз. Ушбу ҳужжатларда таълим тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, педагогларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир вазифалар белгиланган. Йиллар давомида йиғилган муаммоларни кўз очиб юмгунча ҳал этиш амраҳол, албатта. Таъбир жоиз бўлса, лойга ботиб қолган аравани равон йўлга олиб чиқиш ва юргизиб юбориш талай фурсат, кўп меҳнат талаб этади.

Хўш, юртимиз таълим тизимини тараққий эттириш, педагог-ўқитувчиларнинг мақом-мавқеини кўтариш учун яна нима қилмоқ керак? Бу борада зиёлиларимиздан фикр сўрадик.

Шаҳноза ТЎРАХЎЖАЕВА, журналист:

Таълим, таълим, таълим... Сўнги бир неча йил давомида бу ҳақда кўп гапиряпмиз, кўп ёзаяпмиз. Гапиравердик, ёзавердик, охири маълум натижаларга ҳам эришдик: таълимга масъул вазирликлар сони яна биттага кўпайди, Халқ таълими вазирлиги бошига илғор фикрли раҳбар келди, ўқитувчиларнинг маоши ошмоқда, қоғозбозлик камайиб, имтиёзлар кўпаймоқда... Бу таълимни ислоҳ қилиш йўлидаги биринчи ва муҳим босқич – моддий аҳволни яхшилаш, ўқитувчиларнинг маъқеини кўтариш ва шу орқали соҳага малакали кадрларни жалб қилиш босқичи эди. Тизимда сезиларли ўзгаришлар рўй бергани қувонарли, албатта. Лекин олдинда қилиниши керак бўлган ишлар кўп, жуда кўп. Биз сифат ўзгаришини истар эканмиз, мазмун-мундарижа обдон ислоҳотга муҳтожлигини тан олишимиз ва бу борада ҳам жиддий ислоҳотлар қилишимиз лозим. Пул-ку топилар, аммо ирода, журъат ва ғоя-чи? Хўш, таълим тизимида яна нималарни ўзгартиришимиз керак?

Таълимни оптималлаштириш керак. Синфдошларимдан айримлари “4” га, ҳатто “3” га ўқирди, аммо математика тўғарагида ноодатий фикрлаш талаб қилинадиган масалаларни биринчи бўлиб ечарди. Гап шундаки, истеъдод стандартларга сиғмайди, унга индивидуал ёндашув керак. Қолаверса, “ўртачалар” деган тушунча ҳам нисбий. Маълумки, таълим тизимимизда аълочилар мезон қилиб олинган. Бунга кўра, яхши ўқийдиган, иқтидорлилар

саралаб олинади ва улар қайд этган кўрсаткич таълим сифатини баҳолашда мезон вазифасини ўтайди. Зотан, бу усул фақат бир томонлама самара беради. Ҳаётий мисол: мактабда бошланғич синфларда аълочилар кўп бўлади. Кейин вазифалар мураккаблашгач, синфнинг ўзлаштириш кўрсаткичи пасайиб боради. Яъни фанни яхши тушунадиган, фаҳмли, истеъдодли ўқувчилар ўзлаштириб, бундайроқлари ортда қолиб кетаверади. Аслида, таълимнинг самарасизлиги, методиканинг эскиргани сабаб шундай бўлади. Сиз иккичидан аълочига айланган битта ўқувчини мисол келтирсангиз, мен аълочидан иккичига айланган ўнлаб ўқувчини мисол келтиришим мумкин. Бир ҳовуч иқтидорлилар эса, афсуски, умумий ҳолатга таъсир кўрсата олмайди. Боз устига, уларнинг салмоқли қисми олий таълим эшигида коррупция тўсиғидан ўта олмай, кумга тушган томчидек йўқ бўлиб кетишини ҳисобга олинг.

Таклифим шуки, ўртача ўқийдиганлар билан ишлашни кучайтириш, уларнинг қобилиятини аниқлаш ва юзага чиқариш йўлларини топиш лозим. Тушунмаяптими – янги усул-услуб, қизиқмаяптими – инновация, тортиб кета олмаяптими – қўшимча дарс! Бунинг учун грант ва молиявий манбалар топиш эса таълим идоралари зиммасидаги вазифадир. Аълочиларга



мўлжалланган таълим тизими эскирди. Аслида, таълим тизими мослашувчан-ўзгарувчан бўлиши керак. Ўртачалардан ҳам даҳолар чиқиши мумкинлигини ҳисобга олиш муҳим. Дарсдан ташқари тўғарак ва факультативлар кўп бўлиши ҳам айна муддао.

Тизимга ностандарт ёндашув лозим. Бир неча йил аввал асли эронлик бўлган математик аёл Марям Мирзахоний ҳақида мақола тайёрлаш асносида қизиқ статистикага дуч келган эдим – математика бўйича жаҳон олимпиадаларида ғолиб бўлганлар орасидан даҳолар кам чиқар экан. Таълим стандартлари шундай – истеъдодни аниқлаш ва ривожлантиришга хизмат қилади, аммо даҳоларни тарбиялашга ярамайди. Даҳоларни шароит, эътибор ва омад етиштириб чиқаради. Таълим стандарти қанчалик мукамал бўлмасин, синфда ўтирган 30 ўқувчидан биттаси, балки ўнтаси ностандарт фикрлаши мумкинлигини ҳам назардан қочирмаслик керак. Соддароқ айтганда, ўқувчи имтиҳонда саволларга жавоб бера олмадими, “билмайди” деб ҳукм чиқаришга шошмаган маъқул. Балки билгани бу қолипларга тушмаётгандир, бошқачароқ усулда имтиҳон қилиш керакдир...

Кадрлар, кадрлар, кадрлар... Адабиётшунос олим Раҳмон Қўчқор бир суҳбатда айтиб берган эди: “Ўқитувчилар малака ошириши курсидаги маърузаларимда Ғафур Ғуломнинг “Шум бола”си ҳақида гапиратуриб, асарда йўқ эпизодни киритиб кетаман ва шу жойини кўкларга кўтариб мақтайман, асарнинг кульминацияси, дейман. Ҳам-

ма қўшилиб маъқуллайди. Биронтаси “Шум бола”да бундай саҳна йўқ-ку, демайди. Хулоса: ўқитувчилар ё асарни бошдан-оёқ ўқимаган, ё ўз билимига ишонмайди, ё нотўғрини нотўғри дейишга журъати йўқ. Ҳар учала ҳолат ҳам ўқитувчи учун иснод. Лекин аҳволимиз шу”.

Блогер ва педагог Исроил Тиллабоев бу йилги блогерлар чемпионатида ўқитувчилар малака ошириши тизимидаги муаммолар, кўзбўямачиликлар, коррупция ва тизимсизликни аниқ фактлар билан очиб берди. Ижтимоий тармоқларда ҳам бу ҳақда кўп ёзилди. Дангал айтганда, тизим ичдан чириган, уни тубдан янгилаш керак. Аввало, малака оширишни мажбурий эмас, ўқитувчи ўзи истаб амалга оширадиган ихтиёрий жараёнга айлантириш лозим. Бухгалтерлар, таржимонлар, ошпазлар... кўплаб касб эгалари ўз ёнидан пул тўлаб ўқийди, сўнг ортирган билимини ишига татбиқ этиб, фойда кўради. Малака ошириш моддий-маънавий наф келтиришини англаган ўқитувчи ҳам албатта йўлини топиб билим-тажрибасини орттиради. Бундан ташқари, малака ошириш тизимини давлат монополиясидан чиқариб, хусусийлаштириш лозим. Айна чоқда, малакали ўқитувчи кадрландиган, маоши ва бошқа имтиёзлари малакасиз педагогикидан юқорироқ бўладиган тизим жорий этиш керак.

Дарсликлар – умуммиллий муаммо. Бугунги аксар дарсликларни ўқиб, шундай тасаввур ҳосил бўлади: кимдир ёзиб, мутасаддилар столига ташлаб кетган-у, улар ё ўқишга эринган, ёки

шунчаки кўз югуртириб чиққандек. Беҳисоб хатолар, ноўрин фактлар, турлича талқинлар (тизимсизлик), оригинал материалнинг камлиги, беҳуда такрорлар... Эҳ-ҳе, бу ҳақда қанчадан-қанча танқидий мақолалар ёзилди. Лекин вазият ўнганмади, олға силжиш бўлмади. Мен бир йил аввал дарслик тайёрлаш жараёнига оз-моз аралашиб, тизим қандай ишлашига ичдан гувоҳ бўлдим. Йилда-йил ора таълим дастурига ўзгартириш киритилар экан (мана, нима учун бизда дарсликлар ҳар тўрт йилда қайта босилади!). Бирда асосли, бирда тасодифий ўзгартиришлар дарсликларни шу қадар остин-ушун қилиб ташлайдики... Масалан, дастур бўйича 5-синфда ўқитилиши керак бўлган Зулфия ижоди мавзуси 6-синфга ўтказилди. 5-синф китобидаги Зулфия ижодига бағишланган матн у ер-бу ерига қалам теккизилиб, янги чиқаётган 6-синф дарслигига киритилади. Томоша кейин бошланади: 6-синф китоби янги чиққан бўлса-да, 5-синф дарслигидан ҳали яна икки йил фойдаланиш керак. Демак, 5-синфда Зулфия ижодини ўрганган бола 6-синфда яна ўша маълумотларни такрор ўқиши лозим. Шахмат тилида айтсак, бундай “рокировка”лар билан биз қаёққача борамиз?

Алишер УМИРДИНОВ, Нагоя Иқтисодиёт университети профессори (Япония):

Агар биз чиндан ҳам ривожланган давлатлар қаторига қўшилишни, жаҳонда ўз сўзига эга миллат бўлишни истасак, ўқитувчиларни эъзозлашимиз шарт. Дунё тажрибасидан маълумки, муаллимларини қадрламаган мам-

Дарслик экспертизаси – алоҳида мавзу. Битта дарсликнинг экспертизаси устида камида 50 киши ишласа керак-ов! Лекин шунда ҳам Давлат таълим маркази (дарсликлар экспертизасига масъул ташкилот) ҳар сафар қўлёзmani қабул қилиб олаётганда муаллиф ва муҳаррирдан “дарсликдаги хатоларга ўзим жавобгарман” деган мазмунда тилхат ёздириб олади. У ҳолда, Марказ нимани экспертиза қилади, деган савол туғилади. Жавоб: биз фақат дарсликнинг дастурлар ва давлат таълим стандартига мослигини кўриб берамиз! Демак, дарсликлар минг чиғириқдан ўтади, уни катта-катта мутахассислар кўради деб, бекорга ишониб юрган эканмиз-да! Ҳаммасига муаллиф ва муҳаррир (икки кишигина!) жавоб берадими? Аслида эса Давлат таълим маркази дарслик экспертизаси учун мутахассисларни, малакали педагогларни жалб қилади. Шундай экан, ҳамма масъулиятни муаллифга юклайдиган ўша тилхатларнинг мантиғи нимада? Унинг мантиғи – масъулиятни гардандан соқит қилишда. Масъулият соқитми, ишнинг сифати “эл қатори” бўлаверади. Бу соҳани жиддий тафтиш қилиш, ислоҳлаш ва инновацияларни жалб этиш, асосийси, қатъий тизимлаштириш зарур.



лакат таназзулга маҳкумдир!

Саволга Япония мисолида жавоб беришга ҳаракат қиламан. Масаланинг

ўқитувчи, давлат ва жамиятга дахлдор уч жиҳати мавжуд. Аввало, ўқитувчиларнинг шахсий масъулияти хусусида гапирсам. Камина университетда дарс бериш асносида япон ўқитувчилари фаолиятини яқиндан кузатганман. Педагоглар ўзига ғоят талабчан. Масалан, докторлик диссертациясини ҳимоя қилишда менга илмий раҳбарлик қилган профессор эрталаб соат 7 дан кечаси 10 га қадар университетда бўлади. Профессорнинг оиласи нотинчдир ёки ёлғиз яшар, шу сабаб алламаҳалгача ишхонада қолиб кетса керак-да, дея эътироз билдиришга шошилманг. Йўқ, ундай эмас. Гап шундаки, Японияда педагоглар орасида рақобат ниҳоятда кучли. Демак, профессор ҳам муттасил изланишда бўлиши шарт. Акс ҳолда, сафдан четга сурилиб қолиши мумкин. Бу диёрда ўқитувчиликни чидаганга чиқарган!

Профессор-ўқитувчилар илмий анжуманларда қатнашади, япон ва инглиз тилида мақолаю рисоалар чоп этади. Оммавий ахборот воситалари Эфиопиядаги сайловми, Бутандаги давлат тўнтаришими ёки Япониянинг чекка бир музофотида рўй берган зилзилами – дунёда ва мамлакатда юз берган муҳим ҳодисалар бўйича фикр сўраб, аввало профессор-ўқитувчиларга мурожаат қилади. Яъни жамоатчилик долзарб масалаларда улар оғзига қараб туради. Бу эса жамиятнинг профессор-ўқитувчиларга ишончи юқори эканидан далолат беради.

Иккинчи жиҳат – давлат ва ўқитувчи муносабати. Японияда ўқитувчининг моддий таъминоти ва эркинлиги

қонунан кафолатланган. Албатта, мутараққий давлатларда ўқитувчилар моддий фаровонликда ҳаёт кечириши маълум. Аммо мен таълим соҳаси вакилларининг эркинлиги масаласига тўхталмоқчиман. Японияда давлат идоралари университетларнинг ички ишига аралашмайди. Дейлик, таълим вазири университет ректорини ишга тайинлаш ёки бўшатиш ваколатига эга эмас. Бундай масалалар билан ўқитувчилар кенгаши шуғулланади. Тўғри, ҳукумат университетларга субсидия, молиявий кўмак ажратади, бироқ бу – давлат идоралари олий таълим муассасалари фаолиятига аралаштиш ҳуқуқига эга дегани эмас. Фараз қилайлик, таълим вазири бирор университет ректорига қўнғироқ қилиб, буйруқ берди. Бундан жамоатчилик хабар топса борми, вазир амал курсисидан айрилиши аниқ.

Таълим вазирлиги университетларнинг ўқув дастурига ҳам аралашмайди. Масалан, мен профессор сифатида талабаларга қайси мавзуларни ўтиш, қандай адабиётлардан фойдаланишни ўзим ҳал этаман. Ҳатто ректор ёки декан ҳам бу борада менга тавсия бера олмайди. У ҳолда ўқитувчи фаолияти самарадорлигини ким назорат қилади, деган савол туғилиши табиий. Ўқитувчи ёки университетнинг фаолиятига холис баҳони меҳнат бозори беради. Талабаларингиз етакчи ширкатлар ёки ҳукумат идораларига ишга жойлашдими, демак, сиз яхши мутахассиссиз. Битирувчиларингиз иш топа олмай, сарсон бўлиб юрибдими, у ҳолда ўрнингизни муносиброқ ҳамкасбингизга бўшатганингиз маъқул.

Учинчи жиҳат – ўқитувчи ва жамият муносабати. Япон жамияти ўқитувчи тоифасини юксак қадрлайди, бошига кўтаради. Йирик ширкатлар ва давлатманд кишилар таълим даргоҳлари пулга зориқмасин дея, катта-катта ионалар беради. Масалан, 2013 йили Васеда университети собиқ битирувчилари ўзлари таҳсил олган таълим масканига 250 миллион, Токио университети битирувчилари эса 100 миллион доллар хайрия қилган. Қолаверса, йирик компаниялар иқтидорли талабаларни стипендия билан сийлайди, педагогларнинг илмий изланишини молиявий қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистонда ҳам ўқитувчининг мақоми юксалиши – аввало соҳа вакилларининг ўзига боғлиқ. Айни чоқда, давлат идораларининг таълимга муносабати ўзгариши, соҳа вакилларининг эркинлиги таъминланиши лозим. Менга қолса, ўқитувчи эркин ижодкор каби фаолият юритиши керак. Бу эса таълим масканларининг моддий таъминотини кучайтириш баробарида, тизимдаги маъмурий бошқарув усулларида воз кечишни талаб этади. Шунингдек, жамият аъзолари ҳам ўқитувчига муносабатини ўзгартириши, “Устоз отангдан улуг” деган китобий нақл ҳаётий қоидага айланиши даркор.

Олий таълимни жадал тараққий эттириш учун хориждан пешқадам профессор-ўқитувчиларни бир неча йиллик шартнома асосида юртимиз университетларига таклиф этиш ва уларнинг бой тажрибасидан фойдаланиш ҳам муҳим. Замонавий япон давлати ўз дарвозаларини дунёга кенг очган кез-

ларда ана шу усулдан фойдаланган. Шу тариқа Кунчиқар юрт таълим борасида нисбатан қисқа муддатда Европага етиб олган.

Ўрта таълим – алоҳида ёндашувни талаб қиладиган бўғин. Менимча, мактаб ўқитувчиларини баҳолаш мезонини кучайтириш, хусусан, улар учун махсус педагогик фаолият сертификати тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Японияда ана шундай: мактаб ўқитувчиси бўлишга даъвогар олий маълумотли мутахассис имтиҳон топшириб, лицензия олади. Билишимча, ўқитувчиликка номзодларни саралаш тизими Германияда ҳам мавжуд.

Юртимиз хорижда чоп этилаётган илмий манбаларни ўрганиш борасида ортда қолмоқда. Япония давлати ҳам ўз даврида ёшларни таҳсил учун хорижга юбориш билан бирга илмий манбаларни япон тилига таржима қилишга катта-катта маблағ ажратган эди. Ҳозир ҳам, дейлик, АҚШ ёки Буюк Британияда нашр қилинган янги илмий рисола ғоят қисқа фурсатда япон тилида чоп этилади. Биз ҳам дунёдаги илғор ғоя ва янгиликлардан ўз вақтида бохабар бўлиш учун илмий рисоаларни она тилимизга тизимли таржима қилишни йўлга қўйишимиз керак. Бу борада Олий таълим вазирлиги ҳузурида илмий адабиётларни таржима қилиш бўйича махсус марказ ташкил этиш мумкин.

Жорий йил апрелда юртимизда Вақф хайрия жамоат фонди ташкил этилди. Масжидлар ва диний таълим муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш – фонднинг асосий вазифала-

ри сирасига киради. Менимча, Вақф фонди каби хайрия тизимини дунёвий таълим даргоҳларига ҳам татбиқ этиш лозим. Илму маърифатга ҳомийлик қилиш халқимизнинг азалий қадриятларидан саналади. Тарихий манбаларда ҳиммати баланд боболаримиз бор бисотини, умр бўйи йиққан бойлигини мактабу мадрасага вақф қилиб бергани ҳақида ўқиганмиз. Аммо кейинги йилларда, бозор иқтисодиёти талотўплари ичида бобомерос бу қадриятни унутиб қўйдик. Назаримда, уни қайта тиклаш

вақти аллақачон келди. Шояд, бизда ҳам маърифатпарвар бойлар кўпайса!..

Яқинда юртимизда илк хусусий университет фаолият бошлади. Бу қувонарли ҳодиса, албатта. Энди хусусий таълимни кенгайтириш чоралари кўрилиши керак. Вақти келиб, мамлакатимизда ҳам Япониянинг Кэйо, Васеда университетлари каби етакчи хусусий таълим масканлари пайдо бўлиши, таълим жараёнида кучли рақобат муҳити вужудга келишига умид қиламан.

Дилмурод ҚУРОНОВ, Андижон давлат университети профессори:

Ўқитувчининг жамиятдаги мавқеи, эътиборини тиклаш ғоят муҳим, албатта. Бироқ масаланинг иккинчи томони – биз айтаётган мақомга муносиб маънавий-ахлоқий қиёфага эга, беғараз меҳр ва талабчанлик, юксак интеллектуал салоҳият ва касбига фидойиликни ўзида мужассам этган ШАХСни таълимга қайтариш – бундан-да муҳим ва мураккаб вазифа! Негаки, ўтган йиллар мобайнида ана шундай фазилат эгаларини мактабдан бездириш учун нимаики зарур бўлса, қилинди... Эл ичида бир матал юрадики, бели оғримаган бирови “Бекор эшак бўлса, қиш чилласи Бухородан муз ташитардим”, деган экан. Бизда ўқитувчига муносабат шу қабилда бўлиб қолди, десам, кўп ҳам лоф бўлмас. Оқибат эса маълум: мактабда, асосан, бошқа иш қўлидан келмайдиганлар қолди, таълим тизимига матриархат даври қайтди... Хуллас, ўқитувчилар

таркибининг лоқал ярмини касбига ҳар жиҳатдан муносиб кишилар билан тўлдирмагунча олдинга силжиш маҳол. Табиийки, бу ишни шунчаки чиройли шиорлару эзгу мақсадларни рўқач қилган ҳолда уудалаб бўлмайди – тизимда кенг қўламдаги ва туб ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар амалга оширилиши керак. Шундай тадбирларки, уларнинг амалга оширилиши натижасида битта мактаб ўқитувчиси ўрнига икки-учта олий маълумотли мутахассис талабгор бўлсин, танловдан ўтолмаганлари ноиллож бошқа (масалан, ҳокимият ёки ҳуқуқ-тартибот органлари) соҳаларга борадиган бўлсин. Ҳа, тўғри, бу гапларимни ким чўпчакка, ким хомхаёлга йўяр, лекин биз хоҳлаган таълим тизимини барпо қилишнинг бошқа йўли



йўқ! Бугунги шароитда чала-ярим тадбирлар асло иш бермайди.

Иккинчи масала – мактабнинг мақоми. Рим адиби Элианнинг ёзишича, қадим юнонлар академиясида ҳатто кулиш ҳам тақиқланган экан. Уларнинг академияси – Афлотун асос солган фалсафа мактаби, олам ва одам ҳақидаги ўша замонда мавжуд илмлар ўргатиладиган даргоҳ, биздаги ўрта таълим даргоҳига тўғри келади. Хўш, бизнинг мактабга муносабатимиз қандай?

Яқинда саҳар чоғи пиёда сайр қиларканман, қирқ йил нарида ўзим тамомлаган мактаб ҳовлисини айландим: ўша замонлардан қолган ўқув корпуслари, ўқувчилар кўпайиб, хўжалик эҳтиёжлари ошгач қурилган қўшимча бинолар... офтобда ёрилиб, ёгин-сочиндан чирий бошлаган дераза ромлари... ранги ўнгиб, чанг ўтирган деворлар... Ҳовлида эса урфдаги “ландшафт дизайни”дан асар йўқлигини айтмаса ҳам бўлади. Шаҳарда барпо этилаётган замонавий иморатларга кўзи ўрганган болаларга бу манзара хийла ғариб кўринса керак. Ўқувчининг мактабга биз истагандек ҳурмату эъзоз билан қараётганига шунинг таъсири йўқ деб ўйлайсизми?! Эллик йиллар аввал яқин атрофда шу мактаб биносининг олдига тушадигани йўқ эди. Дарвоқе, боболаримиз масжид музофотда энг кўркам ва салобатли иморат бўлиши лозим деб билмаганларми?! Балки, у масжид-да – Оллоҳнинг уйи, дерсиз? Шундай, лекин мактаблар аксар масжидларда фаолият юритгани шунга яраша муносабатни шакллантириш учундек. Ахир, ҳеч биров масжид-

дан баландроқ иморат солишга журъат этмагани, бадавлат кишилар масжиду мактабга мулкидан вақф ажратишга интилгани бежиз эмас-ку! Хўш, атрофда йил сайин кўпайиб бораётган ҳайхотдек қошоналарда ўсаётган болалар мактабга қандай муносабатда бўлсин? Кечагина мактабда ёлчитиб ўқимагани учун мудом дакки еб юрган, бугун эса ана шу қошоналарни данғиллатиб қуриб қўйган топармон-ишбилармонлар-чи? Ажабо, улар ҳам масжид ёнидан улувидан тушиб яёв ўтган, байтулло остонасини таҳоратсиз ҳатламаган кишилар авлодими?!

Сирасини айтганда, мактаб мақоми тиклаш, қимирлаганки жон унга беихтиёр эҳтиром-ла қарайдиган даражага кўтариш зарур. Агар мактабга ҳозиргидек – иерархик поғонанинг энг қуйи поясида аранг илашиб турган муассаса ўлароқ қаралса, ислохотлар кутилган мева бериши маҳол. Таклифимиз – мактаб мухторият мақомида бўлиши керак. Ҳануз “районо”, “горно”, “облоно” атаб келинаётган таълим идораларидан “бошқарув” ваколатини бутунлай олиб, уларни методик ёрдам берувчи ва мувофиқлаштирувчи марказга айлантириш; мактаб фаолиятини назорат қилиш вазифасини эса тўласича Таълим инспекциясига юклаш мақсадга мувофиқ.

Таълим хусусида гап кетса, аввал ўқитувчилар, нари борса, тизимдаги камчиликлар ҳақида сўз юритамиз. Гўё таълим жараёнининг иккинчи субъекти – ўқувчилар ҳақида ҳеч гапимиз йўқдек! Ҳозирда “таълимни демократлаштириш” шиори урф бўлди: “бола

хуқуқи” деймиз, “ҳар бир ўқувчида шахсни кўриш керак” деймиз... Устозини бир пулга олмаётган, қирқ беш дақиқа давомида қилар иши унинг қақшаган асабларини баттар эговлаш бўлган эркатойга нима чора кўрмоқ даркор дейилса, “бола кўнглига йўл топиш керак” қабилидаги баландпарвоз гапдан нарига ўтмаймиз. Ёки, мана, бир неча йилдан бери хуқуқ-тартибот идораларию жамоатчилик кўмагида даволат билан олишиб ҳам ҳали-ҳануз кўнглидагидек натижа чиқаролмадик. Нега шундай? Бунинг иккитагина сабабини айтаман: кўрилатган чора-тадбирлар чала, саъй-ҳаракатларимизда қатъият йўқ; узоқ йиллар давомида онгимизга сингиб кетган боқимлик кайфияти ҳамон кучли. Йўқса, ҳатто аксар мол-дунёси ошиб-тошган мамлакатларда ҳам биздагидек бепул 11 йиллик мажбурий таълим йўқлиги, таълимга биздаги каби топганининг катта улушини сарфлаётган давлатлар камлигини билатуриб ҳам “Вазифаси бўлгандан кейин қилади-да!” қабилида муносабатда бўлармидик?! Ахир, билим олишга кунт қилмаётган ёки дарсларга қатнамаётган ўқувчи моҳиятан давлатнинг пулини шамолга совурмаяптими?! Энди мамлакат бўйича бундай ўқувчилар қанчалигини чамалаб кўринг-чи! Кони исроф эмасми?!

Давлатнинг пулини совурганларга нисбатан чора кўрилиши керак, бу – қонун талаби. Хўш, ҳали айтилган тоифа ўқувчилар-чи? Уларда жавобгарлик йўқ; “бола-да” деймиз-қўямиз. У бола бўлса, ота-онаси бор-ку! Афсуски, аксар ота-оналар фарзандининг билим

олиши, ҳатто тарбияси учун фақат ўқитувчини жавобгар деб билади. Йўқ, ота-она боласининг мактабдаги юриш-туриши, хулқи, давомати, ўқиши, ўзлаштириши – ҳаммаси учун тенг жавобгар бўлиши лозим. Табиийки, бунинг уддасидан чиқмаса, жазоланиши ҳам керак. Эҳтимол, бу қонунга тўғри келмайди деб, эътироз қилинар. Жуда тўғри келади-да! Ахир, бежиз мажбурий таълим дейилмаган: ҳамма ўқишга, билим олишга мажбур – бундан бўйин товлаганлар, бефарқ қараганларни жазолашнинг нимаси қонунга зид?! Жазога келсак, беихтиёр эскилардан қолган гап ёдга келади: “Камбағални урма, сўкма – тўнани йирт!” Яъни бир ўқувчига мактабда ўқиш учун сарфланадиган йиллик маблағ миқдори аниқлаштирилиб, шунга мутаносиб жарималар тизимини қонунлаштириб қўйиш керак – вассалом. Чорраҳаларда автомобиль қатнови тартибга тушиб қолди-ку, ишонаверинг, биз таклиф этаётган чоралар ҳам албатта иш беради.

Ниҳоят, яна бир муҳим масала – стереотиплардан қутулишимиз лозим. Биз тенгилар яхши билади, мактабда ўқиган кезларимиз “Иккисиз, икки йилликсиз!” деган шиор ўртага ташланган эди. Социалистик мактаб шу қадар “оламшумул ютуқлар”га эришган эдики, янги шиорни рўёбга чиқариш учун ҳам кўп вақт кетмади: ҳадемай мактабларда иккичилару синфда қолувчилар йитиб кетди – ҳамма аълочи! Хўп, буку бир бемаза ташвиқот экан, лекин таълимда ёзилмаган қонунга айланиб қолди-да. Ҳатто ҳозир, “синфда қолиш” нелигини кўпчилик билмайдиган да-

ражага етган давримизда ҳам, ўша қонун бинойидек амал қиляпти. Қизик, шўроча “ҳамма тенг” ақидасидан ҳаётнинг барча жабҳаларида воз кечсак-да, уни таълимда сақлаб қолдик гўё. Ҳолбуки, жамият аллақачон “беш қўл баробар эмас” ақидасига мувофиқ яшай бошлаган. Шунақа экан, ҳамма бирдек ўрта маълумотли бўлиши шартми?

Албатта, мажбурий умумий ўрта таълимни ҳам, ўн бир йил бепул таълим олиш ҳуқуқини ҳам сақлаб қолиш керак, нечоғли қийин ва серҳаражат иш эканига қарамай, буни уддалаб турганимиз – катта ютуғимиз. Бироқ бу, етти ёшида мактабга кириб келганки бола ўн бир йилдан сўнг ундан албатта шаҳодатнома билан чиқиши керак дегани эмас-да! Ахир, бизда фақат бепул таълим олиш ҳуқуқи қафолатланган. Яъни давлат таълим олиш учун зарур шарт-шароитни яратади – билимни эса ҳар ким ўзи олиши керак. Шундай бўлгач, таълим олиш ҳуқуқидан фойдаланмаган, билим олиш ўрнига тараллабедод қилиб юрган ёки шу бугуноқ фойда келтирадиган ишлар билан машғул бўлишни авло билганларга нега шаҳодатнома берилиши керак? Ахир, шаҳодатнома “фалон ўқув режадаги фанларнинг дастурда белгиланган миқдорини “қониқарли” (“яхши” ёки “аъло”) даражада ўзлаштирган”ига гувоҳлик эмасми? Тоқай пинак бузмай ёлғон гувоҳлик бераверамиз?! Хуллас, ёппасига шаҳодатнома бериш амалиётига чек қўйиш вақти келди. Мактаб дастуридаги фанларни лоақал “қониқарли” ўзлаштирмаганларга “ҳақиқатан,

мактабга келиб-кетиб юрган” мазмунидаги маълумотнома берилсин, токи иш берувчилар танлов юзага келганида шаҳодатномаси борини афзал кўрсин. Айтмоқчимизки, шаҳодатнома шунчаки бир қоғоз эмас, кишининг ҳаётида зарур ҳужжат эканини ҳамма ҳис қилиши керак. Албатта, “Шапалоқдек қоғозни деб мустақил ҳаётга эндигина қадам қўяётган бир инсон келажагига чизик тортиш тўғри бўлармикан?” деган андиша туғилиши мумкин. Йўқ, ундай бўлмайди. Сабаби, ўқувчига ўзлаштиролмаган фанларини ўзлаштириб топшириш имкони берилади. Фақат, вақтида текин таълимни қадрламагани учун энди ўша фанлардан пуллик дарс олиши керак бўлади. Ўйлашимча, бундай тадбир ўқувчиларни ҳаракатга келтириб қўяди.

Энди тасаввур қилингки, шунга ўхшаш тадбирлар мажмуаси бутун таълим даврига татбиқ этилди: нима бўлади? Ўқувчи мактабга шунчаки боришга мажбурлиги боис эмас, азза-базза билим олишга келади; ота-она боласининг ўқишини қатъий назоратга олади. Яъни ўқувчилар ҳам, ота-оналар ҳам дарсларнинг ўз вақтида, сифатли бўлишидан манфаатдор – мактаб фаолияти ва таълим жараёни жамоатчилик назоратида! Демак, талаб ва таклиф мутаносиблиги қондасига мувофиқ ўқитиш сифати ҳам, ўқитувчилар савияси ҳам юксалади – тараққиётнинг табиий механизми ишга тушади. Фақат бунинг учун шароит яратиш, боя айтганимиздек, кенг қўламдаги туб ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар қилиш керак бўлади.

Султонмурод ОЛИМ, адабиётшунос:

Бобом шўро давригача эски мактаб ва мадрасада таълим олган эканлар. Отам шўро давлати қишлоғимизда очган мактабнинг илк ўқувчиларидан бўлганлар, кейин техникумни ҳам битирганлар. Бобом билан отамга эркак ўқитувчилар дарс берган. Каминани фақат биринчи синфда, кейин юқори синфларда биология, физика ва рус тили фанларидан муаллималар ўқитган. Лекин ўғилларимизга айрим фанлардангина эркак ўқитувчилар таълим берди. Энди, мана, невараларимиз мактабга боряпти. Улар битиргунга қадар биттагина эркак ўқитувчидан сабоқ олса ҳам катта гап!

Таълимнинг тамоман аёллар қўлига ўтиб кетиши жамият учун ижобий ҳол эмас. Масалан, Германияда ҳозир ҳам ўқитувчилик асосан эркакларнинг касби (камина бундан 20 йил бурун ушбу мамлакат таълим тизими ютуқларини ўрганиш учун хизмат сафарига борганман). Чунки ўқитувчининг маоши бошқа давлат хизматчилариникидан кам эмас, у эркак кишининг яшаши, орзу-ҳаваси, бола-чақа боқишига етади. Шу боис ҳам олмон диёрида таълим тизимининг умумий даражаси дунёдаги юқори поғоналарга кўтарилган.

Яна бир муҳим нуқта. Таълим тизимини фақат шу соҳага алоҳида эътибор қаратиш билангина юксалтириб бўлмайди. Чунки таълим ривожланиши учун мамлакатда умумий тараққиёт даражаси юксак бўлиши, яъни жамиятнинг комплекс равнақига эри-

шиш лозим. Ана ўшандагина “Куч – билим ва тафаккурда” деган шиор ҳаётий қувватга эга бўлади, жамият айнан билим ва тафаккур учун кўпроқ маблағ сарфлашга ўтади.

Биз мактабда ўқиган ўтган асрнинг 60-йилларида ўқитувчининг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий мавқеи бошқа ижтимоий табақалар вакилларига солиштирганда баландроқ эди. Ҳозир-чи?

Замон шиддат билан олдинляпти. Лекин иқтисодиётимиз арифметик, эҳтиёжларимиз эса геометрик тезликда ўсяпти. Ҳозир мактаб ўқитувчисининг маоши билан... уйланиб, уй-жой қилиб, автомобиль сотиб олиб, қиз чиқариб, ўғил уйлантириб бўладими? Очиғи, муаллимлик дипломи билан ўзимизда ёки хорижда мардикорчилик қилиб юрганлар қанча! Чунки пойтахт бозорларида арава суриб ҳам бундан кўпроқ пул топиш мумкин-да. Бу – биринчидан.

Иккинчидан, жамиятнинг кўп китоб ўқиган, билимдон кишиларга эҳтиёжи ортгандан орта бориши лозим. Шу тоифа кишиларнинг ижтимоий аҳволи яхши бўлса, яъни унинг ҳовли-жойи, еб-ичиши, кийиниши, автомобили бошқаларникидан беҳроқ бўлса, кўрасиз, ҳамма ўқишга тушади. Ана шунда табиий равишда ўқитувчининг ҳам қадри ошади.



Айрим минтақаларимиз мактабларида фан ўқитувчилари етишмайди. Бу дегани – қайсидир боламиз чет тилини, қай бири географияни, яна қай бири кимёни... умуман, ўқимасдан мактабни битиришга мажбур, дегани. Муаммоми? Яна қандай муаммо денг!

Маълумки, компьютер тест саволларига жавобларнигина ҳисобга олади. Абитуриентнинг қайси минтақадан келгани, жинси, ёши, стажи ва бошқа жиҳатлар инobatга олинмайди. Натижада, айтайлик, қайсидир соҳа бўйича ўқишга Бухоро вилоятидан керагидан ортиқ абитуриент қабул қилинади, лекин Тошкент вилоятидан бу йўналишга жуда кам бола киради. Тўрт йилдан кейин Бухоро мактабларига ишлаш учун керагидан ортиқ мутахассис дипломини кўтариб боради, Тошкент мактабларига эса ўқитувчи етишмайди. Бу масалани обдон ўйлаб кўриб, чора топиш керак, албатта.

Бошланғич синфларда болаларимизнинг ўзлаштириши ёмон эмас-у, юқори синфларда вазият ўзгаради. Нега? Аввало, бошланғич синф боласи учун ўқитувчининг билими – билим. Чунки у фарзандларимизга етти ухлаб тушига кирмаган янгиликларни ўргатади. Қолаверса, синфни асосан бир муаллим “бошқаради”. Уни ўқувчилар она (ёки ота) каби қабул қилади. Юқори синфда ана шу икки жиҳатда ҳам кескин ўзгариш юз беради. Болаларнинг дунёқараши ўсиб, уларнинг ахборот олиш имконияти ҳам, майдони ҳам кенгайиб боради. Ўқитувчи, агар у ўз устида тинимсиз ишламаса, бугун юқори синф ўқувчиларининг қизиқиш-

лари билан бақамти қадам ташлай олмайди, демакки, уларнинг талабига тўлиқ жавоб беролмай қолади.

Камина қарийб 30 йилдан буён умумий ўрта таълим мактаблари учун ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар тайёрлашда қатнашиб келаман. Дарслик, аввало, ўқувчи учун ёзилади. Лекин шахсан мен бугун ҳамма ўқитувчининг ҳам ўша – ўқувчига мўлжалланган дарсликдаги илмни тўла ўзлаштирганига ишонмайман.

Хўш, олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилишда тамагирлик бўляптими? Таълим тизимидаги порахўрлик замирида билимли болани йиқитиб, билимсиз болани ўқишга киритиш ётади. Ёғоч ўрнига қамишдан тўсин қўйилса, бир кун келиб том қулайдими? Қулайди! Билимли бола тракторчи бўлиб, билимсиз бола ўқитувчилик дипломига эга бўлса, “том қуламайди”ми? Олий ўқув юртига кириш учун нега имтиҳон ёки тест жорий этилади? Қобилияти, билими, салоҳияти, иқтидори борлар олий маълумот олиши керак-да. Қолганларга ҳам жамиятда иш топилаверади. Лекин биз илм мусобақасига пулни аралаштирамиз. Шу тариқа ўз оёғимизга ўзимиз болта урамиз. Дейлик, саводсиз болам ўқитувчи бўлиб чиққанидан мен хурсанд бўларман. Аммо у келажакда неча-неча фарзандимизнинг кўнгилдагидек ўқишига тўсиқ бўлиши тайин-ку. Бу билан ишимиз йўқ. Нима учун? Чунки бизда ҳаёт даражаси ҳали анча паст. Иш топиш мушкул. Дипломи бўлса, бас, бирор мактабга кириб, пенсия ёшигача ишлайверади-да!

Токи шу қолоқ “фалсафа”дан кутулмас эканмиз, бу муаммони охиригача ҳал этиб бўлмайди. Ё зарнинг, ё зўрнинг кучи билан фарзандларимизни ўқишга киритиб қўйиш тушунчаси онгимиздан сиқиб чиқарилиши учун эса жамият шундай тараққиётга эришмоғи лозимки, олий таълим муассасасига ўқишга кирмаганларни ҳам иш топиш ҳозиргидек ташвишга солмасин.

Тизимда эксперимент қилиб кўрилди. Касб-ҳунар коллежлари ўзини оқламади ҳисоб. Мана, 11 йиллик таълим жорий этилди. Кўрасиз, ҳамма боласини шунга беришга интилади. Энди шунга мослашиш жараёни кетади. Ўқув дастурларини, уларга мувофиқ равишда дарслик ва қўлланмаларни мослаймиз. Мактаб икки ёшга “улғаяди”. Бунинг ҳам талай муаммолари бор...

Мамлакатимизда ҳар соҳада янги-янгиланишга ўтиляпти. Замонавий ишлаб чиқариш соҳалари пайдо бўляпти, илгари экилмаган экинларни экяпмиз, аввал бўлмаган касб-корлар юзага келяпти, тамоман янги техника ва технологияларни жорий этяпмиз. Эҳ-ҳе, бу ишларни амалга ошириш учун қанча билим, ақл, малака ва салоҳият керак! Буни қаердан оламиз? Мактабдан!

Демак, таълим тизимини жамиятни ўзгартирувчи бирламчи соҳа, деб билмас эканмиз, мақсадларимизга ета олмаймиз.

Жорий йил 17 июль куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев умумий ўрта таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш масалаларига бағи-

шланган йиғилиш ўтказди. Унда халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тақдимоти ўтказилди. Мазкур чора-тадбирлардан кўзланган мақсад эса ўқув-тарбия жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқитувчиларнинг ижтимоий мавқеини юксалтириш орқали таълим сифатини оширишдан иборат.

Яна бир муаммо бор. Мамлакатимизда рус мактабларининг савияси – ўзбек мактаблариникидан сезиларли даражада юқори. Бунга сабаб нима? Ё рус мактаблари ўқитувчиларига ошиқча маош тўланадими?

Биринчидан, рус мактаблари шаҳар ёки туман марказида жойлашган. Иккинчидан, бундай мактабларга, русийзабон аҳолидан ташқари, миллий зиёлиларнинг болалари ҳам боради. Учинчидан, рус тилидаги таълимнинг Россияда шаклланган ва дунёнинг кенг ҳудудларида амалда бўлган анъанаси мавжуд. Тўртинчи сабабни ҳам айтмай илож йўқ: рус мактаблари ўқитувчилари рус мактабларини битирган, шунинг учун уларнинг умумий савияси бир бош юқори. Қолаверса, бундай мактаблар муаллимлари орасида таниш-билиш ёки порахўрлик кетидан диплом олганларнинг сони ҳам кам экани, уларда фидойилик даражаси ҳам бир қадар юқорилигини тан олиш керак. Демак, ҳозир ўзбек мактабларининг савиясини Германия ёки Россия мактаблари эмас, лоақал, ўзимиздаги рус мактаблари даражасига кўтаришни ўйлашимиз даркор.

Нодира ОФОҚОВА, филология фанлари доктори:

Менинг содда қарашимга кўра, эл орасида ҳурмат ва обрў-эътибор қозонмоқ учун инсон ўз меҳнати билан жамиятнинг бошқа аъзоларига наф келтириши керак. Тан олайлик, ҳозир айрим мактабларда берилаётган билим билан ҳатто олий ўқув юртига ҳам кириб бўлмайди. Ана шу нуқтада давлат талаби билан халқ талабини мувофиқлаштириш зарурдек.

Унутилмас ҳажвчи Ҳожибой Тожибоевнинг *“Меҳмонхонадан ўқитувчини чиқар, тракторчини опкир!”* деган тагдор латифасини эслайлик. Аччиқ ҳақиқат бу! Нега ўқитувчининг иззати ўзи ўқитган тракторчиникидан ҳам паст? Сабаб шуки, тракторчининг меҳнатидан одамларга тайин МАН-ФААТ бор. Ер ҳайдайди, дон ўради, юк ташийди... одамлар оғирини енгил қилади. Мактаб ўқитувчиси ҳар қанча билимдон, ҳар қанча маҳоратли бўлмасин, фақат шунинг ўзи билан обрў тополмайди. У керакли билимларни берсагина ўзи ҳам керакли одамга айланади. Аммо бунга эришиш фақат ўқитувчининг ўз қўлида эмас-да.

Нега олий ўқув юрти ўқитувчисининг обрўи мактаб муаллиминикига қараганда баландроқ? Билимдонлиги, илмий даражага эгаллиги боис, дейиш роса анойилик бўлар эди. Унда нега? Гап шундаки, олий ўқув юрти ўқитувчиси баҳо қўймас, талаба дипломдан маҳрум бўлади. Диплом эса ризқ топиш, тирикчилик манбаидир. Таассуфки, мактаб муаллими қўядиган баҳо деярли ҳеч нимани ҳал қилмайди.

Танганинг иккинчи томонига назар солайлик. Репетитор-ўқитувчининг жамиятдаги обрў-эътибори ҳақида давлат ташкилотлари қайғурмаса-да, унинг иззати жойида, топиш-тутиши ҳам ёмонмас. Нега? Сабаб шуки, қилаётган меҳнати самарадор; истеъмолчи – ўқувчи учун ҳам, ота-она учун ҳам манфаат келтиради. Қанча кўп ўқувчиси талаба бўлса, репетиторнинг обрўи шунча баланд, меҳнати шунча қадрли, харидори шунча кўп. Репетитор ўз обрўини ўзи яратяпти; у дарсларини ҳозирги таълим тизимида талаб қилинаётган янги педагогик технологиялар, замонавий усуллар, турли психологик ўйинлар билан ташкил қилаётгани ҳам йўқ. Лекин натижага эришмоқда!

Бугун, хусусан, тил ўргатадиган ўқитувчининг бозори чаққон. Мансаб-мартабали ёки пулдор ота-она ҳам унинг олдига боласини етаклаб боради. Иззат-ҳурматини жойига қўйиб гаплашади. Дасти калта ота-она ҳам бошқа эҳтиёжларидан тежаб, боласини репетиторда, хорижий тил курсларида ўқитишга интилади. Ўшаларнинг қўлида ўқиган бола келажакда албатта нонини топиб ейди-да. Шу боис бола мактабни қолдирса қолдирадими, ўқув курсидаги сабоғини канда қилмайди.

Ҳатто ҳунар ўргатадиган уста-устознинг жамиятда обрўи ёмон эмас.



Бунинг сабаби ҳам ўша – у ўргатган хунар орқасидан шогирд ризқ топади, оила боқади, одамдек яшайди.

Жамиятда мактаб ва ўқитувчининг обрў-эътибори тушиб кетганининг объектив сабаблари бор: қоғозбозлик, бюрократизм, муаллимнинг теп-текин ишлайдиган мардикорга айлангани, иқтисодий аҳволининг ҳаминқадарлиги... Устига-устига, таълим масаласига бирёқлама ёндашув кучли. Сир эмас, таълимнинг натижаси ўқувчининг билимида намоён бўлади. Бизда эса нуқул натижагача бўлган йўл, яъни педагогнинг фаолияти тафтиш қилинади. Ҳеч ким ўқувчидан “Сен нимага ўқимайсан, билмайсан?” деб сўрамайди. Ўқитувчи ишлаган, билим берган бўлса-ю, бола ўзлаштирмаган бўлса-чи? Ўз тажрибамдан биламан, таълим жараёнида асосий иштирокчи бу – талаба-ўқувчи. Унинг хоҳиши, иқтидори бўлмаса, ўқитувчининг барча уринишлари бир пул! Казо-казо устозлар қўлида таълим олиб, муштва яширилган узукни тегирмон тоши деган шогирд ҳақидаги ҳангомани эслайлик. Ўқитувчининг вазифаси эса ўқувчини билим олишга қизиқтиришдан иборат.

Очиғи, ижтимоий тармоқ демай, матбуот демай, мажлису йиғин демай муҳокамага тушиш ўқитувчини янаям эзиб, хўрлаб юборди. Унинг эътибордан қолганини билмаганлар ҳам билиб олди. Ўқитувчи – саводсиз, ўқитувчи – порахўр... Ҳой биродар, ўқитувчининг орол, самолёт, яхта сотиб олиш, хорижда уй-жой қилиб қўйиш...

нариёқда турсин, тузукроқ машина ҳайдаганини, чет элга саёҳатга борганини, номдор брендлардан кийинганини эшитганмисиз, кўрганмисиз? Ўқитувчини саводсизликда, нодонликда, тамагирликда айблаётганлар мамлакатимиздаги судья, прокурор, банкир, вазир, ҳоким, иқтисодчи, ирригатор, қурувчи, фермер, ношир, журналистлар... ўз соҳасини мукамал даражада билади, пора олмайди дея комил ишонч билан айта оладиларми? Мактабдаги йиғ-йиғлар тўхтатилсин, деяпмиз. Тўғри талаб. Аммо ундан ҳам аввал бошқа соҳалардаги аждаҳодек улкан коррупция ҳолатларини йўқотишимиз керак эмасми?! Болаларимизни ўқитувчининг зўри ўқитсин десак, аввал-бошлаб олий таълимда, аттестация тизимида, малага оширишда ҳалолликни пойдор қилишимиз керак эмасми?! Ўқитувчини аттестация қилишдан олдин, у ўзлаштириши керак бўлган билимлар чегараси, уни баҳолаш мезонларини аниқ белгилаб қўйишимиз даркор эмасми? Ўқитувчи боламизга керакли билимларни ўргатсин десак, давлат таълим стандарти ва дарсликларни олий ўқув юртига кириш талаблари билан мувофиқлаштиришимиз, уларни тузганда ўқитувчини ҳам жалб этишимиз лозим эмасми? Маоши икки-уч баробарга оширилса, ўқитувчи мактабда ётиб олиб ишламайди-ми? Шу каби масалаларни ечмасдан туриб, мактаб ўқитувчисидан олим даражасида билим талаб қилиш нечоғли тўғри? Агар ўқитувчидан олим-


нинг илмини, фаррош ва деҳқоннинг меҳнатини, ота-онанинг масъулияти-ни талаб қилсак, ижтимоий меҳнат тақсимоти қаерда қолади? Ахир, ҳар қандай жамият тараққиёти ижтимоий меҳнат тақсимотининг даражаси билан белгиланади-ку!

Эътибордан қолишнинг субъектив сабаблари-да бор, албатта. Дейлик, репетиторлар ҳам ойдан тушган эмас. Улар ҳам мамлакатдаги ўқитувчилар армияси ичидан чиққан, замонга мослашган, билим-тажрибасини оширган... Аммо, менимча, объектив сабабларни бартараф қилмасдан туриб, ўқитувчидан бирор нарса талаб қилиш қийинроқ.

Қонун ёки тепадагиларнинг буйруғи билан ўқитувчи ҳурматли бўлиб қолмайди. Ҳурмат қилиш-қилмаслик ҳар кимнинг ўз ихтиёрида. Ҳурматга *эришилади* – бошқача бўлиши мумкин эмас. “Фалончини ҳурмат қила-

сан!” деб бўлмаса, ахир! Бу борада ҳукумат қилиши мумкин бўлган иш – шароит ҳозирлаш, муҳит яратиш, имкон бериш, зарурий қонуний асосларни ишга солиш ва такомиллаштириш, холос.

Мактаб фақат ўрта маълумот тўғрисида гувоҳнома берадиган маскан бўлиб қолмаслиги керак. Мактаб ўқитувчиси ўқувчисига керакли-манфатли билимлар бериши шарт. Бунга эса таълим стандартларини белгиладиган давлат масъул. Ўқитувчи болага ўша билимларни қойилмақом қилиб ўргатиши зарур. Бунга педагогнинг ўзи масъул. Аниқроғи, олий ўқув юртига қабул қилишда ўқувчининг ўрта мактабдаги баҳолари инобатга олиниши, коррупция йўли тўсиладиган мукамал механизм ишлаб чиқилиши лозим. Ўқитувчи, ҳеч истисносиз, иқтисодий таъминланган қатлам бўлиши керак.



Дилсора КОМИЛ

GLOBALLASHUV: G'OLIBLAR VA MAG'LUBLAR

Кейинги йилларда глобаллашув оммавий ахборот воситалари ҳамда илмий давраларда қизгин муҳокама этилаётган мавзулардан бирига айланди. Зотан, бу жараён ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига ўз таъсирини ўтказаётир. Глобаллашув аввало илм-фан ва технологиялар тараққиёти, турли миллатлар адабиёти, санъати ва маданиятининг дунё бўйлаб тарқалишида намоён бўлмоқда. Қолаверса, у кундалик ҳаётда, жумладан, таому кийим-кечак, бино дизайни, ҳатто фикрлаш, қизиқишлар, тилу дунёқарашда ҳам бўй кўрсатмоқда. Бизнингча, мазкур жараёнга сиёсат, иқтисодиёт ва тарих ўртасидаги диалектик муносабат нуқтаи назаридан баҳо берганда, унинг мазмун-моҳиятини тўлиқроқ англаш мумкин бўлади.



Капитализмнинг учинчи босқичи

Замонавий фанда глобаллашув бора-сида турли талкин, турфа ёндашувлар мавжуд. Хусусан, америкалик олим ва сиёсатчи Чарльз Тилли бу жараён тарихан анча илгари бошланган, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, дунёда давлатлар сарҳади пайдо бўлиб, ўлкалар ўртасида мол айирбошлаш кенгайган даврдаёқ глобаллашув куртак ёзган. Мустамлака ҳаракатининг бошланиши, қулларнинг бир давлатдан иккинчи давлатга сотилиши билан бу жараён янада кучайган (*Tilly Ch. Coercion, Capital, and European States, AD 990-1992. Blackwell, 2015*).

Тадқиқотчи Дэвид Харви ҳамкасби нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаб, глобаллашув капитализмнинг учинчи босқичи, деган фикрни илгари суради (*Harvey D. A Brief History of Neoliberalism. W. Ross MacDonald School Resource Services Library, 2014*).

Сиёсат ва иқтисодиёт ўртасидаги диалектик таъсир капитализмнинг вужудга келиши, глобаллашувнинг бошланиши ва кенгайишида муҳим аҳамият касб этди. Хўш, диалектик таъсир нима? Диалектик таъсир икки ёки ундан ортиқ тизим, структура ёки омилларнинг бир-бирига айланма таъсир ўтказиши ва бир-бирининг ривожланиши ёки ўзгаришига сабаб бўлиши демақдир.

Тарихга назар солсак, Оврупода капиталистик тузум учун шароит етилган даврда феодализм тартиботи емирилди. Деҳқонларнинг ўз еридан ҳайдаб чиқарилиб, шаҳарда ташкил этилган завод-фабрикаларда ишлатилиши, капиталистлар синфининг кенгайиши колониализм учун замин ҳозирлади. Капитализм чуқурроқ илдиз отгани сари янги хомашё манбалари ва бозорлар ҳамда арзон ишчи кучига талаб ошиб борди. Шу боис Оврупо давлатлари мустамлакачилик юришларига киришди. Улкан бойликларни қўлга киритиш иштиёқида ёнган давлатлар Африка ва Америкадаги дискриминация, талончилик ва

қирғинларни қонун йўли билан оқлашга ҳаракат қилди.


Мустамлакачилик ҳаракати глобаллашув жараёнини жадаллаштириб юборди. Бойлик орттириш мақсадида уюштирилган сафарларда янги ўзлаштирилган ерлардан қуллар келтирилди. Шу тариқа, сиёсат ва иқтисодиёт ўртасидаги диалектик таъсир натижасида кенг кўламда миграция вужудга келди. Дунё нуфусини ҳисобга олганда, XVII аср охирларида бошланган аҳоли кўчиши сайёрамиз тарихидаги энг йирик миграция экани маълум бўлади.

Ўтмишда мустамлакачи давлат ўз маданияти, тили ва динини маҳаллий аҳолига гоҳида куч билан, гоҳида эса ижтимоий-иқтисодий таъсир воситалари орқали сингдирган.

Олим Уиллиам Робинсон фикрича, ўтмиш давр капиталисти билан бугунги замон капиталистининг мақсади ва истаклари ўртасида катта фарқ йўқ. Бу тоифа ҳаммиша бошқа ўлкалардаги арзон ишчи кучию табиий бойликларга кўз тикади, қолаверса, янги бозорларда ўз маҳсулотини сотиш эвазига давлат орттиради. У.Робинсон давлат ҳаммиша мулкдор-сармоядор синфини қўллаб-қувватлайдиган қонунлар жорий этади, деган фикрни илгари суради. Негаки, давлат бошқарувида иқтисодий омиллар бирламчи ўрин тутди. Боз устига, бошқарув вакилларининг ўзи ҳам мулкдор-сармоядорлар бўлиши кўп кузатилади (*Robinson W. A Theory of Global Capitalism: Production, Class, and State in a Transnational World. Johns Hopkins University Press, 2004*).

Олимнинг ушбу нуқтаи назари хийла баҳсталаб туюлади. Тўғри, капиталист син-





Самуэль Хантингтон



раққиётдан ортада қолишига қиътани мустамлака қилган Овруро давлатлари техника ва саноат равнақиға имкон бермагани сабаб бўлганини ёзади (McNally D. *The Colour of Money: Race, Gender, and the Many Oppressions of Global Capital. In Another World is Possible. Winnipeg: Arbeiter Ring Publishing, 2002*).

Шарқу Фарб муноқашаси


фи ҳамма даврда ҳам бебилиска хомашё, арзон-гаров ишчи кучи ва янги бозорларга кўз тиккан. Аммо қайд этиш жоизки, ўтган давр ичида кулдорлик тугатилди, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир халқаро меъёрлар қабул қилинди. Ҳозирги даврда арзон ишчи кучи саналган мигрантлар бошқа давлатларда ихтиёрий равишда меҳнат қилмоқда. Яъни ўтмишдаги вазиятдан фарқ қилиб, бугун миграциядан нафақат сармоядор, оддий ишчи ҳам манфаат кўраётир. Бу ўринда ривожланаётган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотига меҳнат муҳожирлари томонидан юборилаётган маблағ улуши салмоқли эканини эслаб ўтиш кифоя.

Айрим тадқиқотчилар ривожланган давлатлар ҳозир ҳам ривожланаётган давлатлар ҳисобига бойимоқда ва ўзаро мол айирбошлашда мутараққий дунёнинг манфаати устун деган қарашни ёқлайди. Адам Смитнинг 2009 йили қайта нашрдан чиққан “Миллатлар бойлиги” китобида ушбу мавзу атрофлича таҳлил қилинган (Smith A. *The Wealth of Nations. Seven Treasures Publications*). Адам Смитга ҳамфикр бўлган социолог, сиёсатшунос ва тарихшунос олимлар давлатлар ўртасидаги ҳозирги иқтисодий нотенглик, табақаланишни аввало мустамлакачилик оқибати деб ҳисоблайди. Масалан, Йорк университети (Канада) профессори Дэвид Макнолли Африканинг та-

Глобаллашув савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириб, кўз кўриб қулоқ эшитмаган моддий бойликлар тўхта этаётганини инкор этиб бўлмайди. Аммо бутун дунё “ягона қишлоқ”қа айланиб бораётган бир паллада миллий ўзлик хавф остида қолаётганини ҳам унутмаслик керак.

1996 йилда америкалик сиёсатшунос олим Самуэль Хантингтоннинг “Тамаддунлар тўқнашуви ва дунё тартиботини ўзгартириш” (*The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order*) номли рисоласи чоп этилди. Муаллиф ушбу китобда “совуқ уруш”дан кейин содир бўладиган ихтилофлар давлатлар ўртасида эмас, балки турли маданиятлар, динлар ва миллий қарашлар ўртасида кечади, деган қарашни баён этади.

Жорий йил август ойида адабиётга бағишланган халқаро анжуманда қатнашиш учун Тошкентга бордим. Пойтахт кўчаларини кезар эканман, дўкону қаҳвахона, дорихонаю корхоналар кўпроқ инглизча номланганининг гувоҳи бўлдим. Ёшларимиз Фарб мамлакатларидаги тенгдошлари каби кийинган. Савдо расталари дунёнинг турли ўлкаларидан келтирилган озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-рўзгор буюмлари билан тўлган. Бу эса, С.Хантингтон таъкидлаганидек, “дунёнинг ҳамма бурчагида бир навдаги бугдой уруги сепилаётгани”ни тасдиқлаётгандек.



Дэвид Харви

Ўзбек жамиятида инглиз тили “бахтга элтувчи йўл” деган қараш шаклланибди. Айрим ота-оналар фарзанди ҳатто она тилини билмаса-да, инглиз тилини пухта ўзлаштирмоғи лозим, деб ҳисоблайди. Албатта, улуғ маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Икки эмас, тўрт тил лозим” деган ғояси бугун янада долзарб аҳамият касб этаётир. Аммо хорижий тилга меҳр қўйган ёшларимиз биринчи навбатда ўз она тилини мукамал билмоғи шарт. Акс ҳолда, ўзбек тилида битилган адабий-бадиий ва илмий дурдоналардан бебаҳра қолади.

Ҳантингтонга кўра, глобаллашув миллий бирлик, маданият ва санъат тушунчаларини қирғичдан ўтказиб, уларни, таъбир жоиз бўлса, бўтқага айлантириб юборади. Олимнинг фаразича, дунё аҳолиси бориб-бориб битта миллатга дўнади. “Тамаддунлар тўқнашuvi” ғояси муаллифи билан кўп масалаларда баҳсга киришиш мумкин, албатта. Лекин мазкур илмий назария глобаллашув даврида санъат, маданият ва адабиётнинг ўрнини англашда асқотиши шубҳасиз.

Атоқли олим Эдвард Саид ҳам “Ориентализм” асарида мақоламиз мавзусига доир қимматли мулоҳазаларни баён этади (*Said E. Orientalism. Pantheon Books, 1978*). Узоқ йиллар АҚШ олий ўқув юртларида дарс берган, асли араб миллатига мансуб олим Ғарбнинг Шарқ оламига муносабатини нозик таҳлил қилади.

Рисолада Шарқни тадқиқ этиш борасидаги ғарбона илмий ёндашувлар ёритилган. Хусусан, муаллиф “ориентализм” деб атаган ҳукмрон ёндашув холисликдан мутлақо йироқ бўлиб, у мустамлакачи ғарбликлар тафаккурида шаклланган стереотипларга асосланади. Яъни ориентализм Шарқ реаллигини акс эттирмайди, аксинча, реаллиқни Ғарб кишиси тасаввуридаги уйдирмаларга қориштиради. Мағрибнинг Машриқ устидан ҳукмронлиги рамзига айланган ориентализм тарих, адабиёт, иқтисодиёт сингари гуманитар соҳалар қаторида биология каби аниқ фанларга ҳам таъсир ўтказган. Ориентализм наинки ўтмишда, ҳозир ҳам Ғарбнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳукмронлигини мустаҳкамламоқда, дея хулоса қилади олим.

С.Ҳантингтондан фарқли ўлароқ, Э.Саид глобаллашув дунё халқлари ва маданиятларга турлича таъсир ўтказади, деб ҳисоблайди. Олим таъкидича, бу жараён Ғарб маданияти, тили ва ижтимоий қарашларини дунё бўйлаб ёйишга хизмат қилади. Аниқроқ айтганда, дунёдаги турли миллатлар ўзаро қўшилиб, Ғарб одамига айланади.

Олимнинг қайд этишича, глобаллашувдан айрим миллатлар ютади, айримлари эса ютқазади. Гап шундаки, ҳукмрон мавқедаги маданият эгалари бошқа миллатлар маданиятининг айрича жиҳатларини қабул



Чарльз Тилли



қилмайди. Масалан, Ҳолливуд мусулмонлик тушунчасини, исломий маданиятни ўз қаричи билан ўлчаши маълум. Бадиий фильмларда мусулмонлар аҳли аёлини қора чиматга ўрантирган, фикр-қарашни замондан орқада қолган йўлтўсар ёки каллақесар образида тасвирланишини ана шу жиҳат билан изоҳлаш мумкин. Э.Саид фикрича, кўп ҳолларда Шарқ халқларига хос маданият холис баҳоланмайди. Шарқ маданияти Ғарбникига қиёсан “экзотик” деб аталади. Ориентализмнинг хатарли жиҳати шундаки, у Европа маданиятини мустамлака халқларнинг “қолоқ” маданияти ўрнини эгаллаши керак бўлган умуминсоний қадрият сифатида талқин этади.

Мажбурият эмас, эҳтиёж

Глобаллашувнинг ривожланаётган дунёга таъсирини таҳлил қилиб ўтдик. Хўш, бу жараён ривожланган давлатларда қандай кечмоқда? Бу саволга айни вақтда яшаб фалият юритаётганим, “Катта еттилик” (G7) давлатларидан бири Канада мисолида жавоб берсам.

Худуди бўйича жаҳонда иккинчи ўринда турадиган Канадада Ўзбекистондан камроқ аҳоли истиқомат қилади. Боз устига, туғилиш кўрсаткичининг пастлиги боис мамлакат ижтимоий ва иқтисодий мувозанатни

сақлаш учун иммиграцияни рағбатлантиришга мажбур. Канадада айрим ривожланаётган мамлакатларда бўлгани каби давлат тилининг йўқолиб кетиши хавфи йўқ, аммо бепоен ўлканинг айрим шаҳарларида хитойлашув ёки италиянлашув кузатилмоқдаки, бу ҳолни бемалол глобаллашув оқибати, деб баҳолаш мумкин.

Давлат тилини билмаслик ҳукуматга ҳам, иммигрантга ҳам машаққатлар туғдиради. Шу сабаб Канадага кўчиб келган бошқа миллат вакиллари аввало маҳаллий тил ва маданиятни ўрганишга интилади. Бу шунчаки мажбурият эмас, балки эҳтиёждир. Зотан, давлат тили ва маданиятини пухта билмасдан туриб, кучли рақобат ҳукмрон бўлган жамиятда муносиб ўрин топиш амримаҳол.

Канада ҳукумати, айни чоқда, турли миллатлар ўз анъана ва қадриятларини сақлаб қолиши учун зарур шарт-шароитни яратиб берган. Бу ерда яшовчи кичик миллатлар ўз мактаблари, жамиятларини ташкил қилган. Маҳаллий ҳукумат бу орқали турли миллатлар ўртасидаги мувозанат ва тенгликни сақлашга интилади. Мамлакатда ҳар йили “Heritage” (Мерос) деб номланган карнавал бўлиб ўтади. Маърифий тадбирда турли миллат вакиллари ўз маданияти ва санъатини намойиш этади. Сирасини айтганда, Канада давлати глобаллашув жараёнига ишонч билан ўз дарвозаларини очган. Бунинг замирида эса миллий тил ва адабиёт, маданият ва санъатнинг пойдор, мустаҳкам эканига ишонч мужассамдир.

Танганинг икки томони


Улуғ адиб Абдулҳамид Чўлпон “Адабиёт яшаса, миллат яшар”, деган эди. Чиндан ҳам, адабиёт миллат барҳаётлигининг гарови саналади. Глобаллашув ана шу соҳа – сўз санъатига ҳам кучли таъсир ўтказаётир.

Бугунги кун ўқувчиси дид ва қизиқишларига мос асар яратиш учун ёзувчи унинг дунёқараши, фикрлаш ва ҳаёт тарзидан воқиф бўлмоғи лозим. Замондошларимиз ҳаётий маслағига кўра бир неча тоифага бўлиниб қолгандек. Сиртдан қараганда, ўқувчилар орасида миллий ва диний қадриятлар, миллий ўзликни англаш сари интилаётганлар кўпроқ туюлади. Айни чоқда, глобаллашувга мойил замондошларимиз ҳам кам эмаслигини эътиборда тутмоқ лозим. Улар дунё бўйлаб саёҳат қилиш, хорижда ўқиш ва ишлаш, чет эл маданияти, санъати ва адабиётидан хабардор бўлишга интилади. Демак, бугун ўқувчининг кўнглини йўл топиш, бадий асарни унга “маъқуллаштиш” ҳар доимгидан ҳам мушкулроқ.

Замонамиз ёзувчининг қаҳрамони ҳам серғавго давр билан ҳамнафас бўлиши шарт. Хўш, бугуннинг бадий қаҳрамони ким? Фарб маданиятининг музаффар “юриш”ларидан саросимага тушиб қолган кекса авлодми, тирикчилик илинжида оиласини ташлаб ўзга элларда меҳнат қилаётган муҳожирларми ёки умр йўлдошини хорижга кузатиб, турмушнинг залворли юкини нозик елкасига олган аёлларми? Ёхуд хорижда яшаб, ўша жамиятнинг “тош-тарозиси”га кўникаётган юртдошимизми? Замонавий адабиётнинг қаҳрамони ким бўлмасин, жуда мураккаб шахс экани аниқ.

Назаримизда, бугунги кун ёзувчиси шиддат билан илдамлаётган давр билан ҳамқадам бўлмоғи лозим. Бу эса ундан дунё миқёсида кечаётган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий воқеалар, муаммо ва ютуқлардан ҳам бохабар бўлиб боришни талаб этади.

Бугун китобхон хориж адабиёти намуналарини аслиятда мутолаа қилмоқда. Бу



Эдвард Саид

эса ўзбек адиблари зиммасига икки карра масъулият юклайди. Зеро, улар ҳам миллат дарди, орзу-умидлари акс этган янги асарлар тақдим этмоғи, бадий ижодда наинки шакл, балки мазмун ўзгаришига ҳам эришмоғи лозим. Жаҳон айвонида миллатни танитишда ёзувчи-шоирнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Бинобарин, ўзбек адабиётининг сара намуналарини дунё тилларига кўпроқ таржима қилиб, миллий маданият ва қадриятларни кенг тарғиб этиш ҳам долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, глобаллашув – тўхтатиб бўлмас жараён. Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар таъсирида вужудга келган ушбу воқеликнинг ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд. Демократик қадриятларнинг қурраи арз бўйлаб ёйилиши, илм-фан ютуқларининг оммалашуви ижобий жиҳатлар сирасига кирса, иқтисодий тенгсизликнинг кучайиши, айрим миллатлар тили ва маданиятининг йўқолиб бораётгани ҳамда экологик вазиятнинг таранглашуви салбий жиҳатлар саналади. Инсоният муқаррар фожиаларнинг олдини олиш учун хатолардан тўғри хулоса чиқариб, “олтин ўрталиқ”ни – мўътадил йўлни топиши шарт.

ILM DARYOSIDAN GAVHAR

Ҳозирги замон жамиятида, хусусан, унинг моддий ва маънавий тараққиётида илму фаннинг аҳамияти улкан экани ҳаммага аён – бир авлод вояга етиши учун кифоя бўлган давр ичида мисли кўрилмаган кашфиётлар инсоннинг турмуш тарзини ҳам, тафаккур ва дунёқарашини ҳам кескин ўзгартириб юбормоқда. Бундай шароитда фаннинг функциясини англаш, айниқса, муҳимдир.

Ҳурматли “тафаккур”хонлар эътиборига ҳавола этилаётган ушбу тезисларни ярим аср мобайнида умрини илмга бағишлаган муаллифнинг мулоҳазалари сифатида қабул қилишларини сўраймиз. Фан олимпиага кириб келаётган ёшларга ҳамда кейинги авлодга ушбу илмий қайдларнинг оз бўлса-да нафи тегар деб умид қиламиз.


Бирор инсон бўладими, катта-кичик жамоа бўладими ёки бутун инсоният олинадими – **ҳақиқат** тушунчаси энг муҳим категориялардан биридир.

Ҳақиқат нима? Бу савол биринчи марта қўйилганда фалсафа пайдо бўлган. Минг йиллар давомида файласуфлар бу саволга жавоб излаганлар. Ҳақиқатни Парменид онгга боғлиқ бўлмаган билим; Платон вақтга ва тажрибага боғлиқ бўлмаган билим; Аристотель билимнинг реал воқеликка мувофиқлиги; насроний файласуфлари

(Августин, Фома Аквинский ва б.) ва ислом дунёси файласуфлари (Абу Али ибн Сино, Абулаъло ал-Мааррий ва б.) инсон билимининг Яратувчи илмига яқинлиги дея талқин этишган. Ҳозирги фалсафада Аристотель ёндашуви кенгроқ тарқалган, диний талқинлар ҳам ўрта асрлардан буён амал қилиб келади. Ҳозирги замон фанида эса ҳақиқат гоёси инглиз файласуфлари Рожер Бекон ва Френсис Бекон ёндашувига таянади – улар илмий ҳақиқатни излашда ва уни исботлашда тажрибага асосий ўрин ажратган.

Қайси нуқтаи назардан бўлмасин, ҳақиқат билим тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Ихчамлик мақсадида билиш объекти бўлган реал воқелик (яъни нарса ва ҳодисалар)ни **билинмиш** деб атаймиз (рус тилида: познаваемое, инглиз тилида: object, яъни билиш объекти).

Шунда **билиш жараёни** қуйидаги тўртлик воситасида тасвирланади:



Ушбу мақоладан мақсад ҳақиқат фалсафаси тарихини ёритиш ёки бу илмий муаммо устида файласуфона мулоҳазаларни баён қилиш эмас. Мавзунинг тарихи ва ҳозирги ҳолати таҳлилига қизиқувчилар фан фалсафаси классикларининг рисолалари ва бошқа манбаларга мурожаат этишлари маъқулдир (*Зотов А, Мельвиль Ю. Западная философия XX века. Москва, 1998; Salmon M., Earman J. Introduction to the Philosophy of Science, Prentice-Hall, 1992; Losee J. A Historical Introduction to the Philosophy of Science. Oxford, 1998; Фалсафа энциклопедияси сайтлари: <http://www.iep.utm.edu/home/>, www.plato.stanford.edu*).

Мақоладан мақсад – **фан даргоҳига дастлабки қадамларини босиб, умрини шу даргоҳда ўтказишга бел боғлаётган ёшлар билан фан борасидаги шахсий тажриба, кузатув ва хулосалар тўғрисида ўртоқлашиш.**

Б и р и н ч и навбатда ҳақиқат тушунчасининг ўзи турлича англишнинг қайд этиш лозим. Хусусан, ҳақиқат борасида фан ва дин (ислом назарда тутилади) нуқтаи назарида уйғун жиҳатлар ҳам, фарқлар ҳам мавжуд.

Дин нуқтаи назаридан ҳақиқат – Оллоҳнинг марҳаматини қозониш йўли, диннинг вазифаси – инсонга ҳақиқат йўлини кўрсатиш, уни ана шу мақсадга йўллаш. Тасаввуфда ҳақиқат – Оллоҳга элтувчи йўлдаги якуний манзил. Ўз навбатида турли тариқатларда ҳам бу тушунча турлича талқин этилади.

Фан учун ҳақиқат – изланиш ва ўрганиш мақсади.

Ҳақиқат билинмиш тўғрисидаги билимда намоён бўлади. Ҳақиқатнинг объекти – воқелик, субъекти эса, билувчи, яъни инсон. Фаннинг вазифаси – билувчинини **билиш воситалари** ва **ҳақиқат мезони** билан қуролантириш.

Тафаккур тараққиёти давомида йиғилган, сараланган ва ишонч даражасига етган билимлар мажмуаси **илм**ни ташкил этади. Шунинг учун илм динамик ҳодисадир – вақт ўтиши, тадқиқот имконияти кенгайиши билан у ўзгаради, кенгайди, чуқурлашади, қисқа қилиб айтганда, тараққий қилади.

Табиий савол туғилади: доим ўзгариб турадиган нарса ҳақиқат бўлиши мумкинми? Бу саволга **мутлақ ҳақиқат ва нисбий ҳақиқат** категориялари жуфтлиги орқали жавоб берилади.

Дин нуқтаи назаридан мутлақ ҳақиқат Оллоҳнинг мулки бўлиб, у ўзгармайди, инсонга ундан қисмгина берилади, холос. Бу ерда *қисм* деганда илмнинг миқдорини ҳам, сифатини ҳам тушуниш лозим: инсон илми –



миқдори бўйича ҳар доим жуда оз, сифати бўйича ҳаммиша чала. Диний илм “бир томчи сувда олам-олам сир-синоат бор” дейди. Дарвоқе, фан ҳам ҳозиргача сув томчисининг ҳамма хоссасини кашф этолмаганини тан олади. Стивен Ҳокинг сингари олимлар оламнинг яралиши, вақт, замон каби ўта мураккаб воқеликлар тўғрисида мутлақ билим даъвосини қиладилар-у, аммо ичаётган сувининг бир томчиси, баданидаги биргина ҳужайра тўғрисида кўплаб саволларга жавоб беролмайдилар. Бу, масалан, томчининг таърифидаёқ кўринади. Мисол учун Wikipedia интернет энциклопедиясида шундай таъриф берилган: “Томчи – суюқликнинг ташқи кучлар таъсирисиз, асосан сирт таранглиги кучлари таъсирида шаклландиган сирт билан ўралган кичик бўлагидир”. Бу жумлада талай баҳсли нуқталар мавжуд. Мана улардан айримлари: 1) таърифдаги “асосан” сўзи унинг мукамал эмаслиги белгиси; 2) “ташқи кучлар таъсирисиз” деган шарт ноўрин, чунки бу шартда ёмғир томчиси таърифдан ташқарида қолади; 3) “сирт таранглиги билан шаклландиган сирт” иборасида тавтология мавжуд; 4) фанда “кичик” деган тушунча йўқ; 5) “кичик” сўзи билан томчи ҳажми юқоридан чекланган жойда “жуда ҳам кичик бўлмаган” дея кўйдан ҳам чегара киритиш зарур, акс ҳолда ҳозир “сув молекуласи” тушунчаси ва “сув молекулалари кластери” деб аталадиган ҳодиса билан чалкашлик келиб чиқади.

Фалсафанинг бир қатор оқимлари фикрича мутлақ ҳақиқат мавжуд эмас, ҳар қандай ҳақиқат нисбийдир. Ҳозирги замон фалсафасида мутлақ ҳақиқат мавжудлиги эътироф этилиб, аммо уни билиш имконияти чекланган деган фикр устувор. Фан нуқтаи назаридан мутлақ ҳақиқат – нарсанинг (ҳодиса, объект) ўзида мужассам бўлган ҳақиқатдир. Тамсил: бемор дардига диагноз қўйиш лозим. Ўнта ҳаким ўн хил диагноз қўйиши мумкин. Улардан айримлари беморнинг дардига жуда яқин бўлиши


мумкин. Лекин булар бари нисбий ҳақиқатлар бўлади. Беморнинг дарди борасидаги мутлақ ҳақиқат – дарднинг ўзидир. Бунда “дард” тушунчасига беморнинг бутун организидаги энг сўнги ҳужайрагача тузилиши, физиологик ҳолатининг тарихи, нима қандай таъсир қилиши – ҳамма-ҳамма маълумот киради.

Табиатшунослик нуқтаи назаридан мутлақ ҳақиқат мавжудгина эмас, балки фаннинг ягона мақсади – ана шу ҳақиқатни излашдан иборат.

Таъкидлаш лозим: “излаш” дегани “топиш” дегани эмас. Зотан, фанда мутлақ ҳақиқатни топиш имкони йўқ. Дилида, баъзан тилида ҳам “Менинг мана бу ва мана бу фикрларим – мутлақ ҳақиқатдир, унга эътироз билдирган – мен учун ғажоб” деган тамоийлини дастак қилиб олган олимлар тез-тез учрайди. Дин нуқтаи назаридан бу – худодик даъво қилиш билан баробар, фан нуқтаи назаридан эса ҳақиқатдан йироқ иддаодир. Ҳар икки ҳолда ҳам бундай иддаолар бир сўз билан баҳоланади: **мутаассиблик**.


Мутлақ ҳақиқат ва нисбий ҳақиқат тўғрисида тасаввур ҳосил этиш учун тамсилларга (ҳозирги замон фани тилидаги **модель** тушунчасини шундай атаймиз) мурожаат этайлик. Геометрияда π (пи) сони тўғрисида тушунча киритилади – у айлана узунлигининг диаметрга нисбатига тенг. (Бу нисбат қандай диаметрли айлана олиншига боғлиқ эмас, $77/37$ ёки $1,23456789$ каби тайин сон бўлиб, π унинг шартли белгисидир. Таърифнинг оддий тилдаги баёни: айлана узунлигини топиш учун унинг диметрини π га кўпайтириш керак.)

Жуда қадим замонлардаёқ айлананинг диаметрини 3 га кўпайтирса унинг узунлигига яқин сон чиқиши кузатилган. Бу π сони **3** га тенг деб ҳисоблаш билан баробар. Аммо бу формула диаметри 40 см бўлган ғўла учун-оқ сезиларли фарқ беради: унга кийдириладиган чамбарак узунлиги 120 см эмас, балки 125 смдан ҳам катта.



$$40 \text{ см} \times \pi = 125,6637061435 \dots \text{ см} \approx 1 \text{ м } 25 \text{ см } 7 \text{ мм}$$

ё



Дастлаб амалий эҳтиёжлар, сўнг илм аҳлига хос қизиқиш π нинг имкон қадар аниқ қийматини топишга ундаган.

Илова қилинаётган жадвалда бу борадаги натижалардан бир қисми келтирилган (аниқ қийматга мос рақамлар яшил ранг билан ажратилган).

Қачон?	Ким ёки қаерда?	π нинг топилган рақамлари
Мил. авв. I мингйиллик	Бобил	$25/8 = 3,125$
Мил. авв. 3-аср	Архимед	$22/7 \approx 3,1428$
5-аср	Хитой	3,1415926
15-аср	Ҳиндистон	3,1415926535
15-аср	Жамшид Коший	3,1415926535897932 (17 та рақам)
19-аср	В. Шэнкс	527 та рақам
Компьютер асри		
1949	ЭНИАК (АҚШ)	2037 та рақам
1989	Д. ва Г. Чудновскийлар	1 011 196 691 та рақам
2002	НИТАСНИ (Япония)	1 241 100 000 000 та рақам
...		

Агар π нинг ўнли каср кўринишидаги аниқ қийматини мутлақ ҳақиқат тимсоли десак (сарик доирача), унинг топилган тақрибий қийматлари нисбий ҳақиқат тимсоли бўлади.



Бу тамсилни умумлаштириб, шундай хулоса айтиш мумкин: инсон эришадиган ҳақиқат ҳамisha чекли ва тақрибий, мутлақ ҳақиқат эса чексиз ва аниқ.

Кўрилган тамсилда бирёқламалик мавжуд: π нинг қиймати ҳар қанча аниқ ҳисобланмасин, масалан, унинг $10^{1000000}$ та рақами топилганда ҳам, бундай аниқлик амалий жиҳатдан аниқ қийматдан фарқ қилмайди, аммо назарий жиҳатдан π нинг аниқ қийматидан барибир жуда йироқ – аниқ қийматда рақамлар сони чексиз кўп, тақрибий қийматларда эса ҳар доим чекли, яъни бу жиҳатдан фарқ қадимги Бобилда қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай – чеклили билан чексизлик оралиғича.

Шунингдек, бу тамсилдан математиклар идеал нарсаларни тақрибий ҳисоблаш билан шуғулланади, деган хулоса чиқариш ҳам нотўғри. Хусусан, математиканинг ўрғаниш объекти – π нинг тақрибий қиймати эмас, балки унинг хоссаларидир.

Ниҳоят, тамсилнинг яна бир муҳим камчилиги – мутлақ ҳақиқатга яқинлашиш доим илгарилаб боришдан иборат бўлмайди, балки маълум оралиқларда орқага чекиниши ҳам тарихда кўп учрайди:



Математиканинг бошқа фан соҳаларидан принципаал фарқи – унинг натижалари (теоремалар, методлар) мантиқий асосланади – қатъий исбот билан таъминланади. Бу жиҳатдан улар мутлақ ҳақиқатга жуда-жуда яқин. Математика – сершоҳ дарахтга, унинг натижалари эса япроқ ва меваларга қиёсланса, математик билимларнинг нисбийлиги

“илдизлари” билан боғлиқ – математик ўз теоремаларини ўрнатишда аксиомалар системасидан келиб чиқади. Бундай системанинг ҳақиқатга мувофиқлигини эса исботлаб бўлмайди (Гёдель теоремаси) – ишончга асосланилади. Ҳар қандай ишонч эса субъектга боғлиқ бўлгани учун нисбийдир.

Иккинчи томондан, математиканинг нисбийлиги унинг тушунча ва тасдиқларини воқелик билан қиёслаганда ошкор бўлади. Масалан, геометрия тарихидаги биринчи теоремани олайлик: *тенг ёнли учбурчакнинг асосидаги бурчаклари тенг* (Фалес, мил. авв. 6-аср). Реал воқелиқда эса иккита томони тенг учбурчак у ёқда турсин, ҳатто математик тушунчасидаги учбурчакнинг ўзи йўқ.

Шу муносабат билан реал воқелик билан боғлиқ бошқа тамсилга мурожаат этиш мақсадга мувофиқ.

Аниқликда математикага энг яқин турувчи фан – қаттиқ жисм механикаси дир. Бу фан Галилей томонидан баландликдан туриб отилган тошнинг ҳаракатини ўрганишдан бошланган. Унгача Аристотель ва унинг изидан деярли барча Шарқ файласуфлари “тош айлана ёйи бўйлаб тушади” деб ҳисоблашган. Бу шундай изоҳланган: барча эгри чизиқлар ичида айлана – энг мукаммал, шунинг учун отилган тош ҳам, сайёралар ҳам айлана бўйлаб ҳаракат қилиши керак. Бундай хулоса илмий кузатувга асосланмагани учун ҳақиқатдан анча йироқ. Галилей илмий кузатув ва математик ҳисоблар ёрдамида тош парабола ёйи бўйлаб тушишини аниқлаган.

Галилей хулосаси Ер сирти ясси текислик, атмосфера мавжуд эмас, тош эса шар шаклида, деб фараз қилганда ўринли. Кеплер қонунига кўра тош эллипс бўйича ҳаракат қилиши лозим.

Аслида тош умуман бунақа содда чизиқлар бўйлаб ҳаракатланмайди – унга ҳаво қаршилиги, Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши, тажриба ўтказилаётган жойга тоғнинг

яқинлиги, ҳатто, тош отилаётган пайтда Ой қайси томондалиги каби сон-саноксиз омиллар таъсир этади. Фан зарур бўлганда бундай омилларни ҳам ҳисобга олиб, тош ҳаракатини аниқлаштириши мумкин, лекин мутлақ аниқликка эришиб бўлмайди.

Бу тамсилда реал отилган тошнинг ҳаракати тўғрисидаги мукаммал билим – мутлақ ҳақиқат, унинг кузатув, тажриба ва илмий таҳлил асосида топиладиган ҳаракати тўғрисидаги билим – нисбий ҳақиқат.

Кўрилган мисол ўта содда бўлишига қарамай, ҳақиқатга фан нуқтаи назарини намойиш қилиш учун яхши тамсил бўла олади.

Биринчидан, мутлақ ҳақиқат мавжуд – отилган тош реал ҳаракат қилади, ахир.

Иккинчидан, мутлақ ҳақиқатга эришиш инсон учун имконсиз – физика ва математика бутун имкониятини ишга солган тақдирда ҳам тошнинг реал ҳаракатини аниқ ҳисоблай олмайди.

Учинчидан, гарчи инсон мутлақ ҳақиқатга эриша олмаса-да, аммо айрим ҳолларда унга ниҳоятда катта аниқликда яқинлашиши мумкин. Хусусан, агар тош бир жинсли моддадан ясалган сип-силлиқ металл шарча бўлса, унинг вакуумдаги ҳаракатини 99,9999% аниқликда, ҳаводаги ҳаракатини 99,9% аниқликда башорат қила олади.

Бу ўринда биз “айрим ҳолларда” дедик. Фаннинг кўплаб соҳаларида ҳатто 1% аниқликка эришиш ҳам мушкул.

Тамсил. Нобель мукофоти лауреати Пётр Капица ёш тадқиқотчи бўлиб ишлаётганида бошига кетма-кет кулфатлар тушади – эпидемия чоғида хотини ва фарзандларидан ажралиб қолади. Руҳий азобдан қутқариш мақсадида устози Абрам Иоффе уни ўзи билан Англияга сафарга олиб кетади. Сафарнинг мақсади Кембриждаги машҳур олим, “ядро физикасининг отаси” Эрнест Резерфорд билан учрашиб, унинг лабораториясида олиб борилаётган ишлар билан танишиш эди. Иоффе шогирдини Резерфорд қўл остида ишлашга қолдиришни ҳам

ният қилган. Шунинг учун у учрашувнинг охирида Резерфорддан “Агар имкони бўлса, мана шу ёш физикни лабораториянгизга олсангиз”, деб илтимос қилади. Резерфорд “Хамма жой банд” дея рўйхуш бермайди. Шунда Капица дабдурустдан Резерфордга савол беради: “Профессор, тажрибаларингизнинг аниқлиқ даражаси қандай?” Ёш физикнинг бу саволи Резерфордга ёқмайди, аммо Англия жентльменларининг одобига кўра жавоб бериш лозим эди: “Биз учун 3-4 фоиз аниқликдаги тажриба натижалари қониқарлидир”. Капица яна сўрайди: “Лабораториянгизда нечта ходим ишлайди?” Бу саволдан Резерфорд яна ҳам тажанглашади: “Ўттиз бешта”. Шунда Капица дейди: “У ҳолда сиз мени ҳам лабораториянгизга олишингиз мумкин экан, бунда йўл қўйиладиган хатолик тажрибаларингиз аниқлиги даражасида бўлади – менинг қўшилганимни пайқамайсиз”. Бу жавоб Резерфордга ниҳоятда ёқиб тушади ва Капицани лабораториясида олиб қолади. Бу ёш олимнинг кейинги тақдири учун ўта муҳим бўлганини айтмасам ҳам бўлади – ўша даврда гелийнинг ўта оқувчанлигини ихтиро қилиб, шуҳрат қозонган Капицани, у Англияда ишлаб келганига қарамай, шўро ҳукумати 30-йилларда қатағон қилишга журъат этмайди.

Тамсилдан хулоса: физиканинг кўп соҳаларида ўта аниқликдаги тажрибалар ўтказишнинг имкони йўқ, кимёда эришиладиган аниқлик яна ҳам кичик, биология, геологияда – ундан ҳам. Тиббиётда даволаш усули 75 фоиз ҳолда самарали бўлса, юқори аниқликка эришилган ҳисобланади.

Бу ҳам ҳали ҳолва. Айрим фан соҳаларида умуман тажриба ўтказишнинг имкони йўқ. Масалан, астрофизика, сейсмология, метеорологияда, цунами, торнадо, қор ва тоғ кўчкиларини ўрганишда тажриба ўтказиб кўриш имконсиз, мумкин бўлганда ҳам жуда чекланган.

Билимнинг ҳаққонийлиги унинг билинмишга нақадар мувофиқлиги билан белги-

ланади. Хўш, буни қандай аниқлаш мумкин? Билинмиш қолипу билим ғишт эмаски, мувофиқликни ғиштни қолипга солиб кўргандай текшириш мумкин бўлса. Қадимда Ерни япалоқ деб билганлар ҳам, думалоқ деб ҳисоблаганлар ҳам ўз билимини ҳақиқат деб ҳисоблаган. Агар уларнинг Ер юзидан 100 км баландликка кўтарилиш имкони бўлганида, Ернинг ясси эмаслигини аниқ кўрган бўлар эдилар. Яъни бунда ҳақиқат тажриба (юқорига кўтарилиш) ва кузатув воситасида аниқланар эди. Аммо бу усул кўпинча ё имконсиз, ё етарли эмас. (Қолаверса, тажриба ҳам, кузатув ҳам алдаши мумкин – бундан циркда иллюзионистлар, кўча-кўйда фолбинлар, ғайриилм “мутахассис”лари усталик билан фойдаланади). Ҳақиқатни ўрнатишда тажриба ва кузатув қаторида тафаккур (ақлий мулоҳаза) ҳам жуда катта роль ўйнайди. Мисол учун, Аҳмад Фарғоний “Астрономия илми асослари” рисоласининг “Ернинг сфера шаклида экани ҳақида” номли бобида, осмонга чиқмай, кузатув ва мантикий мушоҳада воситасида Ернинг шарсимон эканлигининг бир неча исботини баён қилган.

Тажриба ҳақиқатдан чалғитмаслиги учун у бир неча шартларни қаноатлантириши лозим. Улардан бири – тажрибанинг софлигидир. Ҳозиргача парапсихология, телепатия каби ғайритабиий қобилият мавжудлигини исботлашга, абадий двигатель ясашга доир қанча тажриба ўтказилган бўлса, у соф бўлмаган, соф ўтказилганда эса кутилган натижани бермаган (*Бу ҳақда қаранг: “Муъжизами? Мана сизга – миллион доллар”. “Тафаккур”, 2001, 2-сон*).

Тажрибанинг яна бир муҳим шarti – уни такрорлаш мумкинлиги. Яъни тажрибадан чиқарилган хулоса у ҳар қанча такрорланганда ҳам тасдиқланиши лозим.

Ниҳоят, тажриба натижаси бошқа тажрибалар билан зид келмаслиги керак, акс ҳолда, бундай тажрибалардан қайси бирининг хулосаси ҳақиқатга мувофиқлигини аниқлаш зарур бўлади.

Кузатув ҳам шу каби талабларга жавоб бериши лозим.

Астрономия ва геология, тарих ва археологиядаги каби тажриба ўтказиш имконсиз бўлган, кузатув ҳам чекланган ҳолларда, ақлий мулоҳаза биринчи ўринга чиқади – узук-юлуқ кузатувлар, айрим тажрибалар асосида ҳақиқатни тиклашга уринилади.

Ақлий мулоҳаза ўз навбатида мантиқ қонунлари асосида юритилсагина ҳақиқатга зид бўлмайди. Реал воқеликни ўрганишда ҳақиқат инсон тафаккурининг унсури бўлган мантиққа мувофиқлиги – тилсимли бир мўъжизадир. Чуқурроқ ўйланса, бу – мутлақ ҳақиқат соҳиби бўлган Худонинг мавжудлигига далилдир.

Илм субъект нуқтаи назаридан **индивидуал, жамоавий ва умуминсоний** кўламлarga эга. Шунга мутаносиб равишда ҳар бир шахс, ҳар бир жамоа **“ўз ҳақиқати”** даъвосини қилган ва қилиб келади. “Кимнинг ҳақиқати – асл ҳақиқат?” деган савол икки шахс ўртасидаги низодан то инсоният тарихидаги энг даҳшатли фожиаларгача келтириб чиқарган. Сабаби ҳақиқат тушунчасига ғайриилмий, ноҳолис ёндашувдир, “Менинг ҳақиқатим – мутлақ ҳақиқат” деган иддаодир. Биз ҳозир бу мавзу бўйича чуқурлашишни лозим топмаймиз.

Индивидуал илм алоҳида илм соҳибининг онгида, ёзмаларида, қисман шахсий кутубхона ва интернет сайтларида сақланади. Жамоавий илм маълум мақсад ва вазифаларга кўра жамоага уюшган билгичларнинг индивидуал илмлари йиғиндидан иборат. Бундай жамоа бир неча кишиликдан (тимсол: Робинзон Крузо билан Жумавой) улкан жамоаларгача (мисол: дунё математиклари ҳамжамияти) бўлиши мумкин. Илмнинг бу уч тоифаси фалсафанинг алоҳидалик, хусусийлик ва умумийлик категориясига мувофиқдир.

Бу кўламлaр ичида илмнинг жамоавий тури ўз навбатида жуда мураккаб иерархияга эга. Масалан, тайин лойиҳани амалга

оширувчи гуруҳ эришган илм, илмий мактаб аъзоларининг жами илми ва ҳоказо. Муайян диний мазҳаб уламоларининг мероси ҳам йирик жамоавий илм намунасиدير.

Бизни бу ўринда билимнинг (демак, айна пайтда илмнинг) миқдорий табиати эмас, балки сифатий табиати қизиқтиради. Билимнинг сифати унинг ҳақиқатга муносабатида зоҳир бўлади.

Фаннинг мақсади ҳақиқат излаш экан, фан оламига бундан бошқа мақсадда кириш умрнинг зое бўлишига олиб келади. Бунга ёрқин мисол – 70 йиллик шўро тузуми даврида фанга ҳақиқатни излаш эмас, балки расмий сиёсатга назарий безак бериш, Марказқўм томонидан волюнтаристик руҳда қабул қилинган “қарорлар мутлақ ҳақиқатдир” деган иддаони “илмий асослаш” вазифаси юклатилган эди. (Ижтимоий фанларга мафкуравий ёндашув-ку тушунарли – бундай фанларнинг ижтимоий ҳаёт, демак, сиёсат билан боғлиқлиги ҳам реал воқелик. Ажабланарлиси шундаки, Сталин, Жданов, Сулов каби шўро арбоблари илм-фандан йироқ одамлар бўлса ҳам, ўзларини алломалар деб билиб, тилшунослик, генетика, кибернетика, ҳатто, математик логикагача аралашаверганлар, тарих, санъатшунослик каби фанларни эса хоҳлаганича сохталаштириш билан шуғулланишган.) “Зиммасига юклатилган” ана шу вазифани уддалаган олимлар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилган, бошқалар эътибордан четга сурилган, ҳатто қатағон қилинган. Натижада ҳақиқий фанга мутлақо ёт ва зарарли ҳодиса – унга карьера воситаси деб қараш авж олган, беш юз йил аввал буюк Навоий огоҳлантирган ҳодиса юз берган:

*Ким илми воситаи жоҳ этар,
Ўзиню халқни гумроҳ этар.*

Бу нима билан туггани яхши маълум – бугун миллионлаб жилд “илмий асарлар” макулатурага айланди. Уларни ёзишга

сарфланган умр ҳам зое кетди. Ҳолбуки, ана шу олимлар орасида истеъдоддилари оз бўлмаган.

Сабоқ: олим фан билан шуғулланар экан, ҳар доим ўз ишига ҳақиқат нуқтаи назаридан баҳо бериб, таҳлил қилиб бориши лозим: “Менинг тадқиқотим чиндан ҳақиқатга йўналганми?”

Тамсил. Муаллиф “Тафаккур” журнали таҳририятида хизмат қилар эди. Бир куни ёши улуғ, юзидан зиё таралиб турган, аммо кўзлари мунгли бир домла кириб келди: “Мен шарқшунос бўламан. Мақола олиб келган эдим”. Бир оз гурунглашдик. Мақола Озод Шарафиддиновнинг “Эътиқодимни нега ўзгартирдим?” номли чиқишидан таъсирланиб ёзилган экан. Журналда босилди. Мақоланинг мазмуни “Мен бир умр Русия империяси ва Совет ҳукуматининг Яқин Шарқдаги сиёсати нақадар тўғри бўлганини “илмий асослаш” билан шуғулланибман. Бугун энди уларнинг ҳақиқатга хилоф эканлигини англаб етдим, ишим – аслида экспансияга қаратилган империалистик сиёсатни оқлаш бўлган экан” деган тазаррудан иборат эди (*Абдуллаев Ф. Ўзгани деб ўзни қоралабмиз. “Тафаккур”, 2000, 1-сон*). Орадан кўп ўтмай домла вафот этди. Охирати обод бўлсин!

Илм-фанда ҳақиқат излашгина инсон умрига мазмун бағишлайди.

Фан юз йиллар, ҳатто минг йиллар давомида тикланиб келинаётган яхлит бир бинога ўхшайди. Ҳар бир тадқиқотчи ана шу бинога ўз хиссасини қўшишга ҳаракат қилади – “ғишт” қўяди. Қўйилажак ғишт тўғри бўлсагина, у бинодан мустаҳкам жой олади, муҳими, бионинг мустаҳкамлигига ҳисса бўлади.

Ғиштнинг-ку тўғри ё эгрилигини, вақт ўтиши билан шўрлайдими ё йўқми – аниқлаш қийин эмас. Олимнинг “ғишт”и-чи? У ҳақиқат “ғишт”ими ёки кўп вақт ўтиб-ўтмай шўри чиқиб, уқаланиб кетадиган яроқсиз маҳсулотми?

Фанда бу савол ҳар доим долзарб бўлган. Шунинг учун уни ҳал этиш чоралари тинмай изланган.

Тадқиқотчилар доим аввал эришилган натижаларга асосланади ва уларга нисбатан мутлақ ҳақиқатга яқинроқ нисбий ҳақиқатларни излаб топишга интилади. Бундай интилиш **субъектив ҳақиқатдан объектив ҳақиқат** томон ҳаракат қилганда ва фақат шу ҳолда самарали бўлади.

Субъектив ҳақиқат – ҳар бир тадқиқотчининг онгида шаклланадиган, манба тарзидаги информация кўринишида сақланадиган ва ёйиладиган – эълон қилинадиган билим билан боғлиқ. Сақлаш ва ёйишнинг энг кенг тарқалган шакли – илмий мақола ёки рисоладир. Нисбий ҳақиқат билан мутлақ ҳақиқат бир-бирига жуда яқин бўлиши мумкин эса-да, аслан улар ўзаро қарама-қарши тушунчалардир. Бундан фарқли равишда объектив ҳақиқат субъектив ҳақиқатдан ўсиб чиқади ва шу жиҳати билан ҳақиқатнинг бу икки қирраси бир-бирига қарама-қарши бўлиши шарт эмас.

Тамсил: субъектив ҳақиқат – кўпикли суюқлик бўлса, объектив ҳақиқат идишда кўпик олиб ташлангандан (пуфакчалари сўнгандан) кейин қоладиган суюқлик. Кўпик қатлами аввал-бошдаёқ сувнинг юзасидаги жуда юпқа қатламни ташкил этган бўлиши мумкин. Мисол: Архимед қонуни. Яна, аксинча, кўпикнинг остида суюқликнинг юқигина бўлиши мумкин. Мисол: Птолемейнинг геоцентрик системаси.

“Суюқлик – кўпик” тамсилининг камчилиги – субъектив ҳақиқатдан объектив ҳақиқат униб-ўсишини у қадар тўғри акс эттирмайди. Бу жиҳатдан тўғрироқ тамсил: қурилиш материалларидан бино бунёд этиш. Бунда бино лойиҳаси объектив ҳақиқатга, амалда қурилган бино – субъектив ҳақиқатга ўхшайди.

Равшанки, қурувчи қуруқ қўл билан нари борса гувала деворли, усти шох-шабба билан ёпилган кулба қуриши мумкин. Замон даражасидаги бино қуриш учун у зарур

асбоб-анжом ва ўлчаш ускуналарига эга бўлиши лозим. Бу тамсилда асбоб-анжом – билиш воситалари, ўлчаш ускуналари эса – ҳақиқат мезонидир. Бугун университетларда фан мутахассиси тайёрлашнинг вазифаси ана шу – асбоб-анжом ва ўлчаш ускуналари билан ишлашга ўргатиш. Тамсилни илм ва ҳақиқат тушунчаларига нисбатан кўлласак, университетларнинг вазифаси – бўлғуси илмий ходимларни субъектив ҳақиқатни объектив ҳақиқатга айлантириш методологиясига ўргатиш.

Объектив ҳақиқатни ифода этувчи билим – тегишли фан соҳасида қабул қилинган **методология** билан объективликни таъминлашга қаратилган **методлар** воситасида топилган ва шу соҳа мутахассисларининг холис танқидий эътирозларига жавоб бера оладиган даражада асосланган билимдир.

Объектив ҳақиқатни ифода этувчи билим кўпчилик томонидан осонгина ҳақиқат сифатида қабул қилинмаслиги мумкин. Ўтмишда жуда озчилик илм аҳли эътироф этган, мутлақ кўпчилик эса рад қилган, аммо ҳақиқат ўша озчилик томонида бўлган ҳоллар оз эмас. Бунинг энг ёрқин намунаси – Коперникнинг гелиоцентрик назариясидир. Бу назария Птолемейнинг геоцентрик назариясига нисбатан мутлақ ҳақиқатга яқинроқ эканлигини эътироф этиш бир асрдан ҳам кўпроқ давр талаб этган.

Бугун энди табиий фанлардагина эмас, ижтимоий-гуманитар фанларнинг бир қатор соҳаларида ҳам ҳақиқатнинг объективлигини аниқлаш методологияси ишлаб чиқилган. Биз бу хусусда кейинги мақолада баҳс юртиш ниятидамиз. Вақт ўтиши билан методология борган сайин такомиллашиб бораверади, бу эса илмнинг янги-янги объектив ҳақиқатлар билан бойишига имкон яратади, нисбий ҳақиқатларнинг мутлақ ҳақиқат томон яқинлашувини энгиллаштиради.

Ҳақиқат йўли қадамма-қадам юқорилаб борадиган пиллапоя эмас. Ҳақиқат йўли учун тўғрироқ тамсил – тоғ чўққисига олиб

чиқадиган альпинистик маршрут. Юқорилаб бориш баробарида йўл аввал паст томон йўналиб, сўнг осонроқ кўтариладиган қисмга ўтади, бирда анча қия бўлса, бирда девордай тик жойларга дуч келиб туради, ҳатто анча баландликдан бошланғич нуқтага тушиб, бошқа йўл излашга мажбур бўлиниши ҳам истисно эмас. Фалсафанинг марксча-ленинча “чўққиси”дан ерга тушиб, бошқа чўққиларни излашга тўғри келгани бунга мисол бўлади.

Тоққа кўтарилиш тамсилнинг принципал камчилиги – альпинист чўққига чиқса, мақсадига эришган бўлади. Олим учун эса мутлақ ҳақиқатга эришиш имконсиз, унинг мақсади – мутлақ ҳақиқат йўлида ўзидан аввалгилардан юқорироқ кўтарилиш ва ўзидан кейин келадиганлар учун йўл очиш (елкасини тутиб бериш). Исаак Ньютондан “Қандай қилиб фанда бу қадар буюк натижаларга эришдингиз?” деб сўрашганида, “Мен ўзимдан аввал ўтган буюклар елкасида туриб қараганим учунгина уларга нисбатан узоқроқни кўришга муваффақ бўлдим” деб жавоб берган экан.

Тадқиқотчи билан альпинист ўртасидаги ниҳоятда муҳим тафовут – руҳиятда. Аввал ҳеч ким чиқмаган чўққини забт этган альпинист қандай туйғуни ҳис этади? Альпинистларнинг ўзлари гувоҳлик беришича, на қаҳрамонлик туйғуси, на ғолиблик. Одатда олис йўл босиб маррага етган сайёҳ туйғуси. Кўпинча эса бўшлиқ, мақсаднинг маънисизлиги туйғуси: “Хўш, мана, чиқдим ҳам. Энди-чи?” деган жавобсиз савол. Қолаверса, у ҳали пастга қайтиб тушиши керак. Сўнг, айтайлик, Жомолунгма чўққисига чиққан альпинист янада юқорироқ чўққини қайдан топади?

Фанда юқорига кўтарилиш ҳеч қачон тугамайди, ҳеч қачон тўхтамайди. Фан муҳом юқорилаб бораверади. Мутлақ ҳақиқат томон кўйилган ҳар бир қадам альпинистнинг энг юқори чўққиларга чиққанидагига қараганда беқиёс олий туйғулар уйғотади. Алишер Навоий олимнинг вужудини қамраб

оладиган бу туйғуни шундай ифода этган:
**“Илоҳим, илминг дарёсидин ҳар гавҳар
– нужум дураридин (яъни дурларидан)
покроқ”.**

Бу тамсилда илм дарёга, илм излаш – гаввосликка, эришиладиган объектив ҳақиқат – гавҳарга, илм дарёсидан гавҳар олиб чиқишга муваффақ бўлган олимнинг руҳий ҳолати тиниқ осмондаги юлдузларнинг порлашига қиёсланмоқда. Шунчаки қиёсланмай, ана шу ҳолат юлдуз дурларининг ёғдусидан ҳам покроқ (тиникроқ, нурафшонроқ) дейилмоқда.

Тарихда бундай ҳолат латифанамо воқеада муҳрланган. Сиракуза шоҳи Гиерон заргарга тож ясаш учун тилла беради. Тож ясалади. У ниҳоятда бежирим чиққан эди. Аммо Гиерон шубҳага боради – тож тўлиқ тилладанми ёки кумуш аралаштирилганми? Сирти тилла-ю, ичи мис эмасми? У Архимеддан тожни бузмасдан соф тиллами, йўқми – аниқлашни сўрайди. Архимед масала устида узоқ бошқотиради – унгача ҳеч ким бундай масалани ечмаган, ечиш йўли ҳам бутунлай қоронғи эди. Албатта, Архимед олтин, кумуш ва миснинг солиштира оғирлигини билган. Бу физик катталикни Гиерон топширигини бажаришга қўлласса бўлар эди, фақат бунинг учун тожнинг оғирлигини ва ҳажмини аниқлаш керак – оғирлик ҳажмга бўлинса, солиштира оғирлик чиқади. Сўнг уни шундай оғирлик ва ҳажмдаги тилла бўлаги билан қиёслаб, масалага жавоб топиш мумкин. Масала устида бош қотирар экан, Архимед ваннада чўмилмоқчи бўлади. Хизматкори тушмагур ваннани сувга лиммо-лим қилиб тўлдириб қўйган экан, Архимед унга ўтирганда сув ваннадан оқиб тушади. Буни кузатган Архимед “Эврика!” (“Топдим!”) деб бақиради: тожнинг ҳажмини топиш учун уни сув тўла тоғорага солиш кифоя – тожнинг ҳажми оқиб чиққан сув ҳажмига тенг деган қонун олимнинг миясига урилган эди. Бу ҳозирча латифа эмас – бўлган воқеа. Топилган ғоядан Архимед

шу қадар завққа тўладики, кийинишни ҳам унутиб, Гиероннинг саройига йўл-йўлакай “Эврика! Эврика!” дея чопади. Аслида Архимеднинг кўчада қип-яланғоч чопгани ҳам латифа бўлмаса керак – қадимги Юнонистонда бу ҳозиргидан бошқача қабул қилинган, чунончи, олимпия ўйинларида ҳам эркаклар қип-яланғоч мусобақалаштишган.

Абу Райҳон Беруний Ҳиндистондаги тоғ жинсларида денгиз жониворларининг қолдиқларини кузатиб, Ер қобиғининг кўтарилиб-пасайиб туришини аниқлаганда, Галлей ибодатхонанинг қандили тебранганда даврининг ўзгармаслигини пайқаганда, Ньютон олмаларнинг тушиши устида ўйлаб, Ойнинг Ер атрофида айланиши қонуниятининг сабабини топганда, Дарвин Галапагос оролларидаги жониворларни кузатиб, яшаш шароитига мослашиш – биологик турларнинг келиб чиқиши сабаби, деган хулосага келганида, Рентген кўзга кўринмайдиган юқори даражада ўтувчан нурлар мавжудлигини сезганда, Уотсон билан Крик ДНК молекуласи кўш спираль шаклида бўлсагина, унинг таркиби кузатувларга мувофиқ келишини илғаганда, Архимедчалик бўлмаса ҳам, “юлдуз дуридин покроқ” туйғуни туйганлар, албатта.

Гап ана шундай туйғуга интиқ яшашда ҳам эмас, аслида. Жуда кўп ҳолда олимнинг иши “илм дарёсидан” гавҳар топишдан кўра кўпроқ кум ювиб, олтин зарраларини йиғишга ўхшайди. Муҳими – йиғилган нарсанинг “олтин” бўлишидир. Олтинни олтин қилувчи хусусият – унинг йиллар ўтиши билан ўз қиймати ва хусусиятини сақлаши, кимё тилида айтганда, реактивларга нисбатан нейтраллиги. Илмда ҳам худди шу хусусият қадрлидир: сиз ўз ишингизда илгари сурган тасдиқлар вақт ўтиши билан “зангламайди-ми, миси чиқмайди-ми?”


Бунинг учун олим ҳақиқат изловчи бўлиши, бўлганда ҳам ҳолис ният билан (диний эътиқодга кўра, мутлақ ҳақиқат соҳиби – Ал-Ҳақ, яъни Оллоҳ учун) излаши лозим.

Субъектив мулоҳазалар билангина чекланиб, уларни илмий ҳақиқат дегувчилар янглишади. Бундай илм нафақат эгасининг умрини зое қилиши, балки жамиятни ҳақиқат йўлидан чалғитиб, унинг тараққиётига зарар етказиши ҳам истисно эмас.

Объектив ҳақиқат даражасига етмаган гаплар том маънода илм эмас, бўлган тақдирда ҳам эклектикадан (турли қарашларнинг қоришиғи) иборат.

Объектив ҳақиқат йўқ жойда фан йўқ.

Илова. Ҳақиқат билан боғлиқ бир неча тушунчани АҚШлик файласуф Эдмунд Геттиер (1927 йили туғилган) қуйидагича диаграмма орқали тасвирлаган:



(Propositions – тасдиқлар, Truths – ҳақиқатлар, Beliefs – ишончлар, Poorly justified true beliefs – бўш асосланган ишончлар, Knowledge – ҳақиқатни ифодаловчи билимлар.) Биз учун бу диаграммада бир неча баҳсли нуқта мавжуд. Биринчидан, етарлича асосланмаган ишончнинг ҳақиқат доирасига киритилиши ўзини оқламайди. Иккинчидан, ҳақиқатни ифодаловчи билим доирасини тўлалигича ҳақиқат соҳасига жойланиши “мутлақ ҳақиқат – нисбий ҳақиқат” муносабатига зид. Қуйида ушбу мақолада баён қилинган тезисларни акс эттирувчи диаграмма тасвирланди.



Дилором САЛОҲИЙ

QALBGA YO‘L

Адабиётшунос Султонмурод Олим билан суҳбат (“Тафаккур”, 2018 йил, 3-сон) кўпчиликнинг эътиборини тортиб, қизгин мунозара уйғотган бўлса ажаб эмас. Чунки суҳбат кейинги вақтларда кўп муҳокама этилаётган ижтимоий-маърифий ҳодиса – тасаввуф ҳақида эди. Камина ҳам Самарқанд давлат университетида “Тасаввуф ва мумтоз поэтика” фанини ўқитиш бўйича орттирган кўп йиллик тажрибамга таяниб, ислом дини ва тасаввуф билимдонлиги сифатида эмас, балки туркийсаваб (бу борада асосан туркий тилларга таржима қилинган манбаларни ўқиганман) бир муаллима сифатида айрим мулоҳазаларимни баён этмоқчиман.

Тасаввуф – ислом оламида кенг тарқалган, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари маданияти тарихида чуқур из қолдирган

диний-маърифий таълимотдир. Унинг асосида коинот ва ундан ташқаридаги бутун борлиқни чексиз қудрат соҳиби бўлган Биру Бор Зот яратган; яратилмишларнинг энг аълоси – инсон; жамики мавжудот бағоят гўзал йўсинда бир-бирига уйғун ҳолда халқ этилган деган қараш ётади. Демак, Оллоҳ таолони таниш бутун оламнинг моҳиятини англашга интилиш демақдир. Шахснинг ахлоқий ва маърифий камолоти замирида ҳам ана шу истак ётади.

Жамият кишисининг соғлом маънавий тафаккури покиза ва самимий муҳитда шаклланади. Инсониятга тақдим этилган барча динлар ана шу мақсадни байроқ қилган. Шу тариқа диний-маърифий, фалсафий-маънавий таълимотлар, йўналишлар, уюшмалар юзага келган. Мафкуравий муҳитнинг асосини эса ҳамisha инсон омили

ташқил этган ва асосий куч шахс тарбиясига йўналтирилган.

Хўш, миллий мафкурамизнинг бош тамойилларидан бири бўлмиш баркамол шахс тарбиясида диний-маърифий таълимотлар қай даражада зарур? Тасаввуф таълимоти ислом шариати сингари бутун башарият – инсон фарзандлари тушуниб, амал қилиши лозим бўлган қонун-қоидалар мажмуасими ёки у илм аҳлигагина тегишли махсус дастурми?

Тасаввуф ислом дини кириб борган барча Шарқ мамлакатларида инсонлар тафаккури ва жамият маънавий тараққиётига боғлиқ ҳолда турли сулуқлар шаклида ривожланган, ижтимоий-сиёсий ҳаётга, илм-фан тараққиётига таъсир кўрсатган. Тасаввуфнинг илк намояндаси, таъбир жоиз бўлса, пири – Пайғамбаримиз Муҳаммад (с. а. в.) бўлганлар. Чунки ул зоти олий инсониятга “гўзал хулқларни камолга етказиш учун” юборилганлар. Башариятга нозил этилган барча динлар, жумладан, уларнинг энг охиргиси ва мукамали бўлмиш ислом инсонда шариат воситасида гўзал хулқни тарбиялайди. Тасаввуф эса тариқатлар воситасида гўзал хулқни босқичма-босқич юксак даражага етказди.

Шариат ва тариқат ўртасидаги муносабат инсон жисми ва онгли ҳаёти ўртасидаги робитага ўхшайди. Имон калимаси тил ва қулоқ воситасида инсонда фақат идрок орқали фаҳмланадиган кўнгул уйи борлиги, уни бўш қолдирмаслик лозимлигидан огоҳ этади. Ибодат эса инсон жисмоний ва руҳий саломатлигининг гарови сифатида унга кўркамлик, поклик ва осойишталик бағишлайди. Мўмин инсон ана шу даражага етгачгина, тариқат эшигини қоқиши мумкин бўлади. Шариат ва суннатга риоя қилишда қусурларга йўл қўйган сулуқ ёки шайх эса тасаввуф йўлидан тойган саналади.

Албатта, тариқатга кирмай, ислом шариати талабларини сидқидилдан тўқис бажариб юрган инсон ҳам маънавияти етук шахс бўлиб шаклланиши мумкин. Аммо юксак ин-

соний сифатларга эга мусулмон ўз Яратувчиси сифатларини чуқурроқ англаш, унинг мўъжизаларини идрок этиш, ҳикматларини тушунишни истаса, тариқат йўлига киради. Шу боисдан ҳам қадимда шариат оммавий равишда ўргатилган, тариқат пешволари эса ўзини жамиятдан четга тортган. Шариат воситасида камолот пиллапоясига қадам қўйган хос толиби илмларгина солиқларни излаб, узоқ дашт-чўл, ғору чиллахоналарга борган. Шу боис ҳам аҳли тасаввуф “эшон”, яъни “улар” – биздан, жамиятдан узоқдагилар, деб аталган. Тасаввуфда камолга етган шайхлар илмини пинҳон тутишга уринган, мурид тарбиясидан кўра кўпроқ ўз ботиний аҳволи ҳақида қайғурган. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Вали (қ. с.) “Волидийя” асарида ёзишча, тариқатнинг энг баланд даражаси, орифликка етган шайх кичик бир хато қилса ҳам, баланд мақомидан яна энг қуйи – солиҳ даражасига тушиб қолади. Шу боисдир машҳур сўфий Жунайд Бағдодий ўттиз йил давомида минбарга чиқиб, тасаввуф мавзусида мавъиза қилишдан бош тортган. Умуман, аксар тасаввуф шайхлари атрофида одам йиғиб, пешволик қилишдан қочган, аксинча, сокин гўшаларда, хилватда аҳли дил билан ҳамсуҳбат бўлишни афзал билган.

Шариат одобини ҳар бир мўмин ўрганиши шарт. Аммо тариқат одоби ҳаммага ҳам тўғри келавермайди. Буни бир мисол орқали англашга ҳаракат қилайлик. Шариат аҳкомига кўра, ўғирлик қилиб, қўлга тушган одамнинг қўли кесилади ва у сазойи этилади. Жиноят содир этган кимса жазосиз қўйиб юборилмайди.

Тариқатда эса бу ҳолга муносабат бутунлай бошқача. Алишер Навоий “Насоим ул-муҳаббат...” асарида сўфий шайхлар шариат юзидан тариқат одобини маҳкам тутадилар, деб ёзади. Хўш, у қандай одоб экан? У шундай одобдирки, – деб ёзади Ҳазрат, – яхши-ёмон, катта-кичikka бирдай бажо келтирилади. Бу одобни ўз табиатида мужассам этганлар барча инсонлардан

Ўзини кичик, камтар ва хокисор тутади. Улар кўпчиликнинг хизматини қилиш, кўпчиликка фойда етказиш учун шошилади. Улар ҳатто ўз фарзанд ва хизматкорларига ҳам ниҳоятда чиройли муомалада бўлади. Улардан бирор адабсизлик юз берса, дилларини оғритмайдилар. Сираси, тариқат йўлида бўлган ахлоқи комил инсон барчага, ҳатто ўғрига ҳам юмшоқ ва чучук тил билан насиҳат қилади.

Шарқ мутафаккирлари асарларида тариқат одоби баён этилган ҳикоят ва ривоятлар, панд-ўғитлар ниҳоятда кўп. Ҳикоят қилишларича, бировнинг уйига ўғирликка кирган кимса ҳеч нарса топа олмайди. Хонадон соҳиби – китоб мутолаа қилиб ўтирган шайх эса бундан хижолат бўлиб, ўғридан кечирим сўрайди ва унга ўтирган гиламчасини тутқзади. Ақл бовар қилмас тавозе ва бағрикенгликни кўриб, ўғри инсофга келади, қилмишидан пушаймон бўлиб, шайх олдида тавба қилади.

Буюк муҳаддис имом ал-Бухорий (қ. с.) Маккаи мукаррамага ёлғиз сафарга отланади. Йўлда бегона ва синалмаган ҳамроҳлари “Ёнингда ниманг бор?” деб сўрайди у кишидан. Ёлғондан ҳазар қилган муҳаддис “Минг динор тангам бор”, дея ҳақиқатни айтади... Тухмат балосига гирифторм бўлган ул зоти шарифни Ҳақ таоло ўз инояти ила халос этади.

Мисоллардан кўринадики, тариқат одобига ҳамма ҳам риоя эта олмайди. Чунки инсонлар яратилишдан турли-тумандир. Инсон табиати ва феъли-хўйининг шаклланишида унинг вужудини ташкил этган тўрт унсурнинг ўзаро нисбати катта аҳамиятга эга. Бир инсонда тупроқ ва сув каби сабр, ҳиммат, шафқат, саховат, поклик хислатлари кўпроқ жамланган бўлса, бошқа бир инсон табиатида шамолдек беқарорлик, оловдек бешафқатлик устунлик қилади. Буни табиатдаги бир ҳодисага қиёслаш мумкин. Маълумки, рангли металллар ер остида минералларнинг ўзаро бирикувидан ҳосил бўлади. Манбаларга кўра, ер остида барча мине-

ралларнинг бирикишида албатта симоб иштирок этади. Барча минералларнинг бир хил миқдорда бирикуви, яъни мукамал мутаносибликдан олтин ҳосил бўлади. Агар мутаносиблик андак бузилса, яъни бирор минерал миқдори



бошқасига қараганда ошиб ё камайиб кетса, кумуш вужудга келади. Бирикувдаги тенглик миқдорига кўпроқ путур етса, кумушдан кўра қиймати пастроқ мис ҳосил бўлади. Жараён шу тахлит давом этади. Мис олтин вазифасини бажара олмаслиги маълум. Бу қиёсни келтиришдан мақсад шуки, ҳамма инсонлар ҳам ўз табиатини чуқурроқ ўрганиб, жисм ва руҳида мутаносиблик ҳосил этмоққа қодир эмас. Бунинг учун ундан катта меҳнат, сабр, ирода ва кучли эътиқод талаб қилинади.

Бу жиҳатдан, оддий мўминлар сўфийлар табиати ва амалларини тушунмай, хайрон бўлиши мумкин. Тасаввуф ахлоқида бўлмаган шахслар жиноятга сўзсиз жазо берилиши, яхши амалнинг албатта мукофотланишини кутади ва буни адолатдан деб билади. Сўфийлар эса жиноятга жисмоний жазо татбиқ этмайди, буни уларнинг табиати қабул қилмайди. Яхшилик эвазига мукофотни ҳам халқдан эмас, фақат Холиқдан кутади. Бу билан улар жамиятдаги шаръий ахлоқдан бир поғона юксалади. Агар жамият аъзоларининг ҳаммаси комил ва гўзал ахлоқ – тасаввуф ахлоқига риоя эта олса, у ҳолда Форобий айтмиш “фозил шаҳар” шаклланади, дунё ва охират ўртасида тафовут ҳам қолмайди. Аммо бу одамзоднинг яратилиш ҳикматига мос келармикан?!

Хайру саховат бобида ҳам шариат ва тариқат тутуми фарқланади. Шариатда закот, фида, фитр садақа, эҳсони ҳасананинг миқдори аниқ белгилаб қўйилган. Тариқатга кир-

ган соликка эса "Ўзингда боридан халос бўлмоғинг лозим", дея сабоқ берилади. XVI аср бошларида Самарқанднинг Ғазира қасабасида яшаб ўтган шайх Бобо Худойдоди Вали (қ. с.) бир куни кўчада кетаётганида олдидан ниҳоятда ғамгин бир киши чиқибди. У қарзга ботгани, қарз берганлар эса, пулни қайтар дея, ҳоли-жонига қўймаётганини айтиб, ҳасрат қилибди. Шайх у кимсадан қарзининг қанчалигини сўраб, қўлидаги бор ақчасини берибди. Етмаганига уйдаги идиш-товоқ, болаларининг кийим-кечагигача бериб, ул бечорани ғамдан озод этибди (*Улуғ авлиё. Шайх Бобо Худойдоди Вали. Тошкент, "Ўзбекистон", 2017*).

Қиссадан ҳисса шуки, тариқатга тарғиб қилинмайди, шариатга эса тарғиб этилади. Шариат қоидалари ижроси назорат қилинади, тариқат пири эса ҳар бир муридининг ботиний аҳволидан ўзи хабардор бўлади.

Нақшбандия тариқатининг XIX аср охири – XX аср бошларида яшаган йирик пешвоси Хожа Муҳйиддинхон Ургутий (қ. с.) "Мактубот" асарида бундай ёзади: "Бандалик одобини асло тарк қилманг. Ҳаётингизни ғанимат билиб, қўлингиз билан, тилингиз билан, қадамингиз билан, қаламингиз билан, молингиз ва жоҳингиз билан муслимлар оммасига наф келтиришга ҳаракат қилинг". Шайхнинг ўғит беришича, тариқат аҳлининг дили куюк, кўзи мудом ёшли, тани изтироб ичида бўлмоғи лозим (*Шайх Муҳйиддин Ургутий. Мактубот. Тошкент, "Моваруннаҳр", 2006*). Аммо бу йўл-йўриқлар асло таркидунёчилик, зоҳидлик деб тушунилмаслиги лозим.

Шайх муридининг ботиний дунёси тарбиясини тасарруфига олади. Зоҳиран жамият ҳаётининг фаол аъзоси бўлган солик ўз қалбига хотиржамлик, кўнгилтўқлик, лоқайдлик ва бепарволикни йўлатмаслиги лозим. Ёмонликнинг зарраси ҳам сўфийдек нозик қалб эгасини қаттиқ ранжитмоғи, ларзага солмоғи лозим. Солик ёмонликка қарши исён қилса ҳам, хуфёна қилади: ҳеч

ким билан тортишмайди, шикоят қилмайди, адолат истаб, курашга отланмайди – у ўзини жамиятдан четга олади, ёмонлик бор ердан кетади, ёмонларга инсоф тилаб, Яратганга ибодат қилади. Тасаввуф таълимоти ва тариқатлари шаклланишининг асосий сабаби ҳам шу – жамиятда авж олган мунофиқлик, нопокликка қарши хуфёна исён эди.

Мутасаввиф олимлар инсон ва жамиятнинг тасаввуфдан беҳабар ўтаётган ҳаётини "ноқис ҳаёт" деб атайдилар. Бу ўринда шундай муқояса келтириш мумкин: ишлов берилмаган эса-да, олтиннинг қиймати баланд бўлади, аммо тажрибакор уста қўлида қимматбаҳо санъат асарига айланган тилла буюм инсонларга янада кўп наф келтиради.

Тасаввуфни фақат ҳалимлик, кечиримлилик, сабру қаноатдан иборат беозор бир оқим, сўфийлар ҳеч кимга зарар етказа олмайдиган бир гуруҳ деб тушуниш тўғри эмас. Сўфийлар иймонсизлик, Ватанга хиёнат, маънавиятга ҳурматсизлик, умуман, адолатсизликларга мурасасиз зотлардир.

"Темурнома" китоби дебчасида келтирилишича, Бухоро хони Маликшоҳнинг раиятга жабру зулми ҳаддан ошиб кетади. Шунда шайх Сайфиддин Бохарзий унинг хузурига бориб, зулмингни тўхтат, бўлмаса ўзинг ҳам ҳалок бўласан деб, қуйидаги рубойини ўқийди:

*То чанд бувад зулму чафо қардани ту,
Пайваста дили халойиқ озурдани ту,
Гар ту нақунй тарки чафо, эй золим,
Гуфтам туро: хуни ту дар гардани ту!*

(Мазмуни: Қачонгача зулму жафо қилсан, халойиқ кўнглини ранжитганинг ранжитган. Эй золим, агар жафо қилишни тарк этмасанг, хунинг ўз бўйнингда!) Бохарзийнинг башорати тўғри бўлиб чиқади: Маликшоҳ ўз одамлари томонидан ўлдирилади ва эл унинг зулмидан халос бўлади (*Комилов Н. Тасаввуф ва бадиий ижод. // "Ёшлик", 1991 йил, 8-сон. 77-бет*).

Ҳазрат Навоий "Юз жафо қилса манга бир қатла фарёд айламон..." деб бошланув-

чи машхур байтида таъриф этганидек, сўфий ўзига эмас, элга жафо қилинса, фарёд уради, ўз бошига тош ёғилса, сабр қилади, аммо элга қарата гул яроғи отилса, жим турмай, душманлардан ўч олади.

Мантикий хулоса шуки, жамият маънан бой, жаҳолат ва нодонликдан юксак, дунё ҳамжамиятида баландқадр бўлишни истаса, олим у орифларини асраб-авайламоғи лозим. Жамиятда ҳар бир соҳада покликка зарурат туғилди дегани – тасаввуфга зарурат туғилди деганидир. Аммо бу – зинҳор-базинҳор тариқат расм-русумларига берилиб кетиш дегани эмас. Донишманд устоз Нажмиддин Комилов сўфийлар учун тариқат зикру самоъ, важду ҳол, кашфу каромат эди, Аттор, Румий, Жомий, Навоий сингари буюк шоирлар учун эса у мушоҳада усули, инсонни маънавий баркамол кўриш орзуси, тасаввурда сирли хаёлий олам яратиш, идеал бир гўзаллик ишқида ёниш бўлган, улар хонақоҳларда ўлтирмай, хирқа ва кулоҳ киймай тариқат вакиллари бўлганлар, дея таъкидлайди.

Нақшбандия таълимотига кўра, бу дунё, табиат инсонга омонат ўлароқ уни обод қилиш, яшнатиш учун берилган. Алишер Навоий ботини мунаввар, поктийнат ва поксийрат сўфий шайхларнинг сабр, ҳилм, ватанпарварлик бобидаги ибратли ҳолатини мадҳ этган. Шайх Нажмиддин Кубро (қ. с.) ҳам тари-


химизда тасаввуф намояндаси ва ватанпарварлик тимсоли бўлиб муҳрланган. Ёки шайх Фаридуддин Атторнинг (қ. с.) ҳиммату жасоратини ёдга олайлик. Ихлосманд бир киши Атторни мўғул навқаридан юз тиллога сотиб олмоқчи бўлади. Аммо шайх мўғулга “Мен бундан қиммат тураман, бошқасига сот”, дейди. Бир муддатдан кейин шайхни бир челақ сомонга сотиб олмоқчи бўлган харидор чиқади. “Мени шунга сот, мен бундан ортиқ турмайман”, дейди Аттор. Қаҳр ва алам ичида қолган мўғул шайхни шаҳид қилади. Хоксор шайх бир мўминнинг меҳнат билан топган юз тиллоси душман кўлига ўтиши, ўзи учун сарф бўлишини истамайди. Ана шундай мардлик намунаси жамиятнинг шаклланиб келаётган ёш авлоди учун ибратдир.

Ислом – энг халқпарвар, энг байналмилал дин. Шу боис ҳам жаҳоншумул шуҳрат қозонган мутафаккирлар исломни ғоявий таянч деб билган. Тасаввуф таълимоти эса ана шу гўзал диннинг жавҳари, пинҳоний хазинаси демакдир.

Тасаввуф миллий маданиятимиз тарихида нодир мерос – антиквар сифатида қолиши мумкин. Аммо уни жамият учун зиё манбаи, йўл кўрсатувчи маёққа айлантириш мақсадга мувофиқдир. Шундай экан, салаф алломалар ҳаётидан ўрнак олиб, уларнинг таълимотини чуқурроқ ўрганмоқ лозим. Тариқатлар эса Яратганнинг ҳикмати ила қиёматга қадар яшайверади.



Иван ИЛЬИН



FALSAFANING IKKI AKSIOMASI

Фалсафа ҳаётдан кўра кўламлироқ – чунки у ҳаётнинг яқуни. Аммо ҳаёт фалсафанинг ибтидоси – чунки у фалсафанинг ҳам манбаси, ҳам предмети. Қадимдан унинг предмети ва вазифаларини англамаган кишилар тасавурида, фалсафанинг ҳақиқий ҳаётга алоқаси йўқ, ўз ҳолича у фан эмас, деган қараш кенг тарқалган. Бу нуқтаи назарга кўра, фалсафа, нари борса, некбин истак; ҳаёт ва фан эса соғлом амалий фаолият ва соғлом назарий билим ҳисобланади. Айнан шу боис ҳаёт фалсафага эмас, фанга муҳтож. Фан эса ҳаётини тажрибага таянади, у фалсафий мавҳумиятсиз ҳам яшаши мумкин.

Кўпларнинг фикрича, фалсафа “хаёлий ақллилик” ёки “хаёлотга оқиллона эрк бериш”дан бошқа нарса эмас. Иродаси заиф, аммо кучли тасаввур ва қуруқ мулоҳаза соҳиби бўлган одам ҳаётнинг мураккаб талабларидан қочади ва ўзи учун мавҳум, хаёлий олам яратиб олади. Ана шу олами билан ўзини овутади, унга ишонади ва у билан чекланади. Ўзи қолиб бошқаларни ҳам чалғитади. Аста-секин ўзини баландпарвоз гаплар, мубҳам кайфият, нозик ва ноаниқ

уйдирмалар билан чулғайди. Бу ўринда барчага аён, умумий предмет, ягона ва тўқис илмий метод йўқ; барчаси субъектив ва бетартиб, чунки ҳар ким ўз билгани ҳақида гапиради, ҳар ким ўз “хомхаёллари”ни такрорлайди. Биров бировни тушунмайди, ҳамма “ҳаммани инкор қилади” – ҳеч ким ўзганинг хомхаёлларини қабул қилмайди, зеро, бегонаники ҳеч кимга керак эмас. Ҳар ким фақат ўзиникини маъқуллайди – негаки, у “ҳақиқат”, қадрдон уйдирма, шахсий миф, “чўпчак”. Унда шахснинг ўзи, дунё ва Худо ҳақидаги умидлари мужассам.

“Бегонанинг фалсафаси” – бегонанинг тўқигани, бегоналар тўқиганларни диққат билан узоқ тинглаш учун қанчалар сабр керак! Ана не сабабдан файласуфлар бир-бири билан баҳс қилолмайди, бир-бирини тинглай билмайди. Улар, нари борса, номаълум Илоҳга ҳеч ким тушунмайдиган дуолар ўқувчи дарвишларга ўхшайди.

Ушбу шахсий мифологиянинг сайқаланган талқини нима учун зарур? Фалсафани қандай ўқитиш мумкин? Ахир, унинг тарихи маънавий тентирашлар ва адашишлар тарихи эмасми? Ахир, илмий-фал-

сафий ютуқлар ҳам бўлиши мумкинми? Шубҳасиз, агар фалсафа фақат шахсий хомхаёллар, ноилмий тўқималар ёки ақлий истак-хоҳишларни яратса, у умуман мавжуд эмас, уни ўқитишнинг ҳам иложи йўқ. Фалсафа ақл ва қобилият меваси, у, эҳтимол, санъат соҳасига дахлдордир, бу ҳолда фалсафа тарихи адабиёт тарихининг бир бўлаги бўлиб қолади.

Аммо шу тўғрими? Фалсафа фақат “предметсиз хомхаёллик”ми? Фалсафий тафаккур ҳақиқатга бефарқми? У ҳаётдан узилган ва жамият учун кераксизми?

Ҳозир ҳам фалсафа билан шуғулланувчилар ва унинг номидан гапирувчилар орасида шундайлар борки, улар фалсафа ва файласуфлар ҳақида ноўрин тасаввур шаклланишига сабабчи бўлаётир. Масалан, охириги ўн йилликларда олмон фалсафаси, чиндан ҳам, ҳақиқий ҳаёт учун кераксиз, жонсиз мавҳумлик яратди. Россия фалсафий маданияти эса предметсиз импрессионизмни, шахсий, релятивистик хомхаёлликни энголмади. Ахир изланишдаги нуқсонлар изланишнинг ўзини қадрсизлантирадими? Хасталик организмнинг асл моҳияти? Бирор нарсанинг йўқлиги бошқа нарсанинг ҳам йўқлигини англатадими? Кимнингдир ўқувсизлиги ўша кимсанинг ўқувсизлигидан бошқа яна ниманидир тасдиқлайдими? Агар фалсафани шу каби янглиш ёндашувларга кўра рад этсак, нафақат донишмандликни, шунингдек, сиёсий фаолият, даволаш, тарбия ва умуман, бошқа барча фаолиятларни ҳам тўхтатишга тўғри келади. Чунки ҳамма ерда камчилик, ҳар жойда ўқувсизлик, омадсизлик мавжуд. Бироқ фалсафанинг рақиблари, фалсафадаги хасталик унинг моҳиятидир, бартараф қилиб бўлмас қурсурлар, бутун янглишишларнинг уяси дир, дейиши мумкин. Бу – фалсафада алоҳида, мустақил предмет йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас, тизимлилик унга оғирлик қилади, у ўз хулосаларини тасдиқлай олмаган, олмайди ҳам, у бўш ва жонсиз, унда ҳаёт билан чинакам, ижодий алоқа йўқ, бўлиши ҳам мумкин

эмас, деб даъво қилишнинг ўзгинаси! Кимки бу тезисларни исботласа, у инсониятга буюк хизмат қилган, файласуфларнинг даъвою иддаоларига бирийўла барҳам берган, ҳақиқий фан ҳад-меъёрларини мустаҳкамлаган, фалсафага бу меъёрларни кўрсатган, ёш авлод эътиборини санъат ва дин томон йўналтирган бўлар эди. Бундай жасорат натижасида фалсафа донишмандлик тоши ва ҳаёт эликсири каби, *perpetuum mobile*, яъни абадий двигатель ва гомункул каби маданият сарқитига айланар эди.

Шу вақтгача фалсафа рақибларига мазкур тезисларни исботлаш насиб этмади. Тўғри, улар гоҳида муайян фалсафий мушоҳаданинг етарлича методик эмаслигини асослашга муваффақ бўлган. Айрим фалсафий таълимотлар ўртасида ихтилофларни кўрсатиб муваққат ғалаба ҳам қозонишади. Уларда файласуфларнинг ўлимтик уйдирмаларини йўққа чиқариш учун далиллар бўлади, албатта. Бироқ булар фалсафани принципиал рад этишга асос бермайди. Фалсафанинг маҳдуд ёки асоссиз эканини исботлайтуриб, улар моҳияти пинҳон ижодга ва ўзлари тушунмайдиган ёндашувларга дуч келади. Уларнинг шубҳалари тажриба ёки изланишлар эмас, балки тушунмаслик ва тайёр хулосаларнинг оқибати, холос. Улар ниманики кўрмаса, инкор қилади – ўзлари уддалай олмаган нарсага дуч келса, буни уддалаш мумкин эмас, деб ишонади. Уларнинг мулоҳазалари предметдаги мураккабликлардан ва билиш машаққатларидан туғилмаган. Улар четдан туриб фикр юрилади. Талаблар, тажрибалардан етарлича хабардор ҳам эмас. Шу боис уларнинг мулоҳазалари ишончсиз ва априор хусусиятга эга. Фалсафадан хабардор одам уларнинг мавжуд воқеликни ҳам рад этиши қанчалик кулгили эканини англайди. Ваҳоланки, уларнинг фикрини инкор қилиб, фалсафада илмий лаборатория ва ҳаётий ютуқлар мавжуд, деб айтиш мумкин. Бу лаборатория эшиклари кўпчилик учун ёпиқ – аксарият унга киролмайди. Ҳатто, ўзини файласуф

биладиган, бу борада муайян обрў қозонганларнинг ҳаммаси ҳам фалсафага хизмат қилавермайди, ҳар ким ҳам фалсафа яратавермайди. Лекин бу лабораторияда ўз иши моҳиятини англамаган кўплаб кишилар борки, улар ўз фаолиятининг ҳақиқий маънисини билганида ҳайратга тушиши тайин. Бу лабораторияда маънавий тажриба тўпланади ва англонади, уларсиз ҳақиқий фалсафа бўлмаган ва бўлолмайди. У шаклан илмий, моҳиятан чуқур ҳаётий, ҳақиқий фалсафий ютуқларга доялик қилади.

Фалсафа узоқ тарихий тараққиёти давомида ҳаёт билан ижодий алоқада эканини кўп марта кўрсатган. Унинг ҳар бир ютуғи фалсафанинг алоҳида, хос, мустақил предмети борлигини тўлиқ тасдиқлайди. Файласуф ижодкор ва даҳолар тизимли метод яратди. Фалсафа, ўз моҳиятига кўра, ўзидаги ҳар бир ғоя учун исбот қидиради, кўпларини аллақачон исботлаган ҳам. Ким фалсафани тан олмаса, у мавжуд мисолларни рад қилади, улардан кўз юмади. Унга рўй берган ҳодисанинг рўй бермаганини, аввал

бўлмаган нарсанинг эса умуман бўлмаслигини исботлашга тўғри келади. Бунинг учун эса у ўзини ҳам, тингловчисини ҳам сўқир қилиб кўйиши зарур. Шу боис, башарти у “ғолиб” бўлса-да, бу фақат унинг жоҳиллигини исботлайди. Яъни, у ҳеч қачон ғалаба қозолмайди. Аксинча, бу фалсафа тарихининг ўзи қандайдир алахсираш, қуруқ сафсата ва предметсиз тентираш эмаслигига жонли тасдиқ ҳам бўлади.

Бу ҳам оз: фалсафа – ҳаёт ҳақидаги фан дегани. Аслида ҳам, фалсафа – ҳаётнинг чуқур асосини тизимли англашдан иборат. Ҳаёт маънан ва мазмунан фалсафанинг манбаси ва предмети ҳисобланади. Фалсафанинг шакли, вазифаси, усуллари, категориялари, оқибатлари – барчаси уни қатъий тарзда ва том маънода фанга айлантиради. Фалсафа ҳаётнинг муҳим ва мукамал кўриниши сифатида ҳаётдан, тирикликдан, ҳайвоний мавжудликдан эмас, балки руҳ ҳаётдан, қалб изтиробларидан, унинг чанқоқлиги ва кузатувларидан куч олади. Рухдан озикланган фалсафа билишга интилар экан,

Фалсафа нима? У эркин мулоҳаза, ҳаёт ҳақида донишмандликми ёки ижтимоий эҳтиёжларга хизмат қилувчи илм соҳасими?

Бу саволлар устида баҳс, хоҳ очиқ-ошкор, хоҳ зимдан бўлсин, қадимдан давом этиб келади.

Журналимизнинг аввалги сонидан рус файласуфи Николай Бердяевнинг “Фалсафа – эркин ижоддир” сарлавҳали мақоласини ўқувчиларимиз эътиборига ҳавола этган эдик. Унда атоқли олим илмий ёндашувларни танқид қилади, фалсафа фан эмас, унга ҳаёт ҳақида эркин мушоҳада юритиш, донишмандлик, фикрлаш санъати деб қараш керак, дейди. Унинг ижоди ва асарларидан бохабар ўқувчи жўшқин тарзда баён этилган эркин фикр нималарга қодирлигини осон илғайди. Баёнчиликка берилмай, дадил мулоҳаза юритиш, “буюк”ларга сиғинмай, ўз фикрларини асослаш, кези келганида нуфузли шахсларни ҳам аямай турли “изм”ларда айблашга ҳамма ҳам журъат этолмайди. Файласуфнинг тафаккур тарзи бадииятга яқин, балки шу боисдир хулосалари кишини ўзига эргаштиради.

Тўғри, баъзан файласуф тавтологияга берилади, бир фикрни уч-тўрт ўринда такрорлайди. Лекин барибир унинг фикрлари ўқувчини ўзига ром этмай кўймайди.

Яна бир рус олими Иван Ильиннинг нуқтаи назари – тамоман бошқача: у фалсафага фан сифатида қараш тарафдори. Унинг журналимиз ушбу сонидан берила-

руҳнинг етук ва комил шаклига – аниқ, тизимли ва асосли тарзда англанган фикрга келади. Донишмандлик – чинакамига яшамок ва асл ҳаёт моҳиятини фикр нури билан ёритиш ва ўзгартириш дегани. Табиийки, тириклик билан руҳ ўртасидаги фарқни сезмайдиган ёки билмайдиган, ўз ҳаётини тирикликдагина деб биладиган ёки уни тирикликка сарфлайдиган кишига фалсафа бегона. Бундай кишилар наздида фалсафанинг вазифаси, уни ҳаракатга келтирадиган меъёрлар мавжуд эмас. Тириклик руҳни кўра олмайди, у фалсафани билмайди ва уни яратмайди. Аммо у сўқирлиги боис, фалсафанинг аҳамияти ва имкониятини рад этиши тўғрими? Фалсафий мазмун-моҳият билан яшаш, айниқса, уларга фикр шаклини бериш учун киши гўёки махсус органга эга бўлиши лозим. Тўғрироғи, унинг қалби фалсафа предметини тушуниш учун етарлича чуқур, унинг моҳиятини англаш учун етарлича сезгир, фалсафий тафаккур учун етарлича яратувчан бўлиши зарур. Бу сифатларнинг ҳар бири ҳар кимда муайян даражада

бор. Уларнинг ҳар бир инсонда турли даражада бўлиши, комбинацияси ижодкорда ўзига хослик пайдо қилади. Бироқ илк зарурий қобилиятдан маҳрум, яъни фалсафа предмети борлигини англай олмайдиган киши фалсафий сўқирликка маҳкум – у борлиқ, фалсафанинг аҳамияти ва ҳаётий кучини англаб етмайди.

Фалсафа ҳақида мулоҳаза юритиш учун у билан яшаш зарур. Кимки фалсафий тафаккур билан яшай олмаса ёки яшашни истамаса, фалсафа ҳақида ҳам, унинг предмети ҳақида ҳам хулоса чиқаришдан тийилгани маъқул. Демак, фалсафа ўз моҳиятига кўра, ҳаётга бегона бўлса-да, ўз предмети ва манбаси орқали у билан чамбарчас боғлиқ. Фалсафа қандай англанмасин, у доимо билимдан иборат бўлади. Аммо билим объект ва субъект ўртасидаги учрашув, яқинлик ёки бирлашишдан ўзгача бўлиши мумкин эмас. Объектнинг йўқлиги билимни нобилимга айлантиради. Субъект йўқ бўлса, предмет сиқилмайди, кузатилмайди, англанмайди.

ётган мақоласида Н. Бердяев ёндашувини инкор қилаётганини сезиш қийин эмас. И. Ильиннинг фикрича, фалсафанинг ўз предмети, услуби ва категориялари мавжуд. Ким фалсафа предмети билан “яшай” олмаса, у ҳақда хулоса чиқаришдан ўзини тийгани маъқул.

Тадқиқотчи фалсафанинг ҳаёт билан боғлиқлигини эътироф этади, албатта. Аммо, унга кўра, бу боғлиқлик предметни тизимли (систематик) англаш орқали намоён бўлади. Бундай ёндашув фалсафани тор, схематик, тайёр андозалар, категориялар орқали англашга ундайди. Оқибатда донгдор шахсларга кўр-кўрона эргашши юзага келади. Эркин фикрлашга эса ўрин қолмайди.

И. Ильин фалсафани тажрибадан келтириб чиқаради, Н. Бердяев – руҳдан. Биринчи олим предметли тажрибани ҳар қандай фалсафий мушоҳаданинг асоси, деб билади, иккинчиси – эркин ижодни. Илмнамо фалсафа ижтимоий ҳаёт учун зарур ҳақиқатни, эркин, “норасмий” фалсафа эса мавжудлик сарҳадидан ўтиб, трансцензусни излайди.

Икки мақолани ўзаро қиёслаган муштарий тегишли хулоса чиқариб олади.

Биз Иван Ильиннинг “Философия и жизнь” деб аталган мақоласини бир оз қисқартириб, эркинроқ таржима қилдик.

Таржимон

Лекин билимнинг юзага келиши учун объектнинг мазмуни муайян даражада субъект сарҳадларига ўтиши даркор. Чунки билим – эгалик қилиш, молик бўлишнинг бир кўриниши. Эга бўлиш учун олмоқ, англамоқ керак. Чунки олмасдан, англамасдан тушуниш ҳам, билиш ҳам мавжуд эмас. Демак, предмет мазмуни субъект қалбидан жой олиши, унда пайдо бўлиши, акс этиши, ўзини кўрсатиши зарур. Англаётган қалб ўз қуввати ва воситаларини предмет ихтиёрига топшириши лозим. Бу – руҳга предмет мазмунини қабул қилиши, предметга эса руҳда мужассамлашиши учун даркор. Англаётган қалбда предмет ўз аслига мувофиқ акс этиши керак. Унда ўзини изҳор қилиши, воқе бўлиши, унинг негизда товланиши, руҳ предмет стихияси билан яшаши учун предметга буткул берилиши шарт. Шундагина киши предметни синагани, ҳар қандай билимнинг илк асоси – предметли тажрибани орттирганини дадил айтиши мумкин. Предметли тажрибасиз билим бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир олим ўз кучини предметли тажриба орттиришга сарфлайди. Ҳар бир олим ўз қалбини сигналган мазмун-моҳиятлар маконига айлантиради. Сигналган мазмун-моҳиятлар олимни олим қилади ёки, тўғрироғи, унга илмий билиш имконини беради. Руҳи предметга изчил боғланган одамгина – олим. Чунки илмий билим, энг аввало, предметга изчил боғланиш тажрибаси деган гап. Бу билан билим тугамайди. Аммо билимнинг ибтидоси ва чин асоси – предметда. Предметли тажрибадан хорижда ҳеч қачон билим бўлмаган, бўлмайди ҳам.

Ана энди силлогизм юзага келади: ҳар қандай билим тажрибага асосланади, ҳар қандай фалсафа – билимдан иборат. Демак, фалсафани, тажрибадан келиб чиқадиган билим, деб таърифласак, бўлади. Тажрибадан келиб чиқмайдиган, ундан холи фалсафа адашиш ёки чўпчақдан бошқа нарса эмас.

Маълумки, файласуфлар кўп бор ўз билимларини “тажрибадан холи” қилишга уринган. “Априор билим” ҳақида ёзилган

тадқиқотлар талайгина. Файласуф ўзини тажрибадан холи, деб ўйлаганида, у тажриба ҳосиласини олдиндан билади ёки ўзини ўзи алдайди. Ёки ўзини маълум, мавжуд тажрибадан озод қилади ва бошқа тажрибага, масалан, ҳиссийдан ҳиссизга, “ички”дан “ташқи”га, хаёлийдан фикрийга мурожаат этади. Ёки у ўз эътиборини бошқа предметни англашга қаратади, яъни аввалги предметдан ўзини озод қилади. Ёки предметсиз сохталик билан қаноатланиб, предметли тажрибадан буткул бош тортади.


Аслида, тажриба барча ҳолларда мавжуд. Чунки бу ҳол тажрибани олдиндан билиш кераксизлигини билдирмайди, аксинча унинг нотўғри, номувофиқ шаклда эканини билдиради. Ўзига хос тажриба эътироф этилмай қолмайди, нотўғри ёки предметсиз тажриба тажрибадан юксак соҳани асло очиб беролмайди. “Тажрибадан холи билим”га бўлган ишончдан воз кечиш керак. Чунки фалсафий таълимотлар “тажрибавий” ва “тажрибадан юксак” таълимот тарзида таснифланмайди, балки улар предметли тажрибани такомиллаштирувчи ёки бунинг аксини қилишга асосланган таълимотларга ажратилади. Зеро, ҳеч бир интуиция, ҳеч бир “башорат”, ҳеч бир метафизик “чайқовчилик”, ҳеч бир рационал дедукция тажрибага бўлган заруриятни йўққа чиқара олмайди. Файласуф бевосита кузатолмайдиган, такрорлай олмайдиган, текширолмайдиган, изчил тадқиқ қилолмайдиган предметни тасодифан идрок этишни одатда “интуиция” ёки “башорат” деймиз. Шу боис сирли “интуиция”дан ожизона далил изланади. Ёки “интуиция” деганда предметни тизимли, методик мушоҳада қилиш ҳам тушунилади. Иккала ҳолда ҳам тажриба мавжуд. Аммо биринчи ҳолатда файласуф унга эгалик қилолмайдди, уни бошқара билмайди ёки тизимли амалий тажрибага айлантира олмайди. Иккинчи ҳолатда эса тажрибали идрок тизимга солинган ҳақиқий билиш методи сифатида намоён бўлади. Бу “интуи-

ция” фақат предметли тажрибадан халос эта олмайди, десак, камлик қилади, балки унинг ўзи ҳам тажрибадан ўзга нарса эмас. Биргина фалсафада эмас, диний илҳом, ахлоқий туйғу ва мусаввирнинг ижодий тасаввурида ҳам шундай.

Демак, метафизик спекуляция тажрибадан холи бўла олмайди. Ҳақиқий фалсафада спекуляция предметни тизимли англашга таянади, тажрибавий идрокдан озиқланади, ундан ўзига мазмун-моҳият олади ва унга асосланиб, ўзини текширади. Чин файласуф фикр ўйинлари ва тушунчалар комбинацияларини эмас, балки предметни изчил ҳис этмоқни қадрлайди. Шундай ҳам бўладики, тажрибавий идрок тўхтайти ёки соф гипотетик фикр-мулоҳазалар билан тўлдирилади. Айнан шундай танаффуслар ва тўлдиришлар бутун таълимотнинг энг муҳим субъектив қисмини ташкил этади. Аналитик ёки синтетик тўқима мулоҳазалар доимо назариянинг предметли асосини бузишга, масала моҳиятини нотўғри талқин этишга сабаб бўлади. Улар кўп ҳолларда катта бузилишлар ва зарарли оқибатларга олиб келади. Файласуф предмет ичига киролмаган кезларда, унинг диққати, предметли “ички мулоҳазаси” чидам беролмаган, тинкаси қуриган жойда у фикр-ўйларини пиширади ва янги-янги хулосалар топади. Албатта, шу каби фикр-ўйларини пишириш чоғида у баъзан тажриба натижаларини олдиндан билиши мумкин ва кейин ҳам шу билимга мурожаат қилишга мажбур. Аввалги тажриба қанчалик предметли бўлса, олдиндан билиш ҳам шунчалик тўғри ва қимматли бўлади. Тажрибага асосланмаган спекулятив билим бўлиши мумкин, деб ўйлаш хато. Кант тажрибага суянмаган билим ҳақидаги ғояга қарши ғолибона курашган. Унинг яқин издошлари Фихте, Шеллинг, Ҳегель “метафизика”га қайта бош урар экан, Кантнинг субъектнинг маънавий-ижодий аҳамиятига оид янги кашфиётдан фойдаланган. Тасодиқий, текширилмаган, янада баттароқ, предметсиз тажриба асосида

шаклланган “метафизик” уйдирмалар ҳар доим бўлиши мумкин. Аммо улар омонат бинога ўхшайди: предметли борлиқнинг салгина турткиси ҳам уларни харобага айлантиради-қўяди.

Дедукция ҳам тажрибадан ташқарида мавжуд бўлолмайди. Спиноза қарашлари каби буюк фалсафий таълимотлар фақат ифода шакли бўйича дедуктив, холос. Чунки уларнинг “олий ғоя”сида тизимли интуитив ва амалий тажрибадан чиқадиган хулосалар жамланган. Унга предметнинг текширилган мазмуни жо бўлган. У предметни узок вақт ўрганиш орқали эришилган тажрибага таяниб, дедуктив хулосалар чиқаради. Масала тушунарли: кейинги дедуктив хулосаларнинг предметга мувофиқлиги аввалги тажрибанинг предметга қанчалар мувофиқ келишига боғлиқ. Мазкур таълимотларда тажриба навбатдаги ақл масофаларидан маълум даражада узоклашади. У асло йўқ бўлмайди ва тинмайди, аммо дедуктив тикланиш жараёнида бойимайди ва ўнганмайди. Бунда маълум бир хавф



ва қусур бор. Бироқ барча таълимотлар ундан фойдаланиш асосига қурилган, дангал айтганда, тажрибадан олганидан зиёд натижани беролмайди. Ана шундан Спиноза томонидан “Этика”нинг муқаддимасида ўрнатилган “таърифлар”ни пухта ўрганган мутафаккир барча кейинги “теоремалар”ни қийинчиликсиз ўзлаштиргани ва буюк рационалистнинг “геометрик” ифода усулини чин билиш методи деб қабул қилмагани сабаби аёнлашади.

Маълумки, фалсафада тажрибасиз кундалик “дедуктив қурилмалар” ҳам бўлиши мумкин эмас. Лекин уларда тажриба тасодифий, синалмаган, кўпинча қовушмаган ва қашшоқ бўлиб қолади. Бу, айниқса, шаклланаётган ақл онгли тарзда тажрибани мена симаганида ва дедуктив ёндашувни масалани релятивистик қўйиш билан қориштирганида рўй беради. Бунда аксар ҳолларда фалсафанинг чорасиз “субъективизми” билан ниқобланган мантиқсиз ва таги пуч комбинациялар юзага келади. Тушунчаларни шундай шакллантириш мумкин, бошқача бўлиши ҳам мумкин, унда бошқа натижа чиқади, деб ўйлайди. Лекин комбинатор предметга таянганда уни қандай қуриш кераклигини билмайди, билолмайди ҳам. Чунки унинг тажрибаси – предметсиз ва бетартиб.

Фалсафий таълимотларни бу тарзда “яратувчилар” буткул интуитив тажрибасиз бўлмайди. Аммо унинг предметли асосини бирламчи деб билмайди ва тасодифий, йўл-йўлакай эришган натижалари билан қааноатланади.

Фалсафий билим – тажрибага суянган билим. Файласуф нимани тадқиқ этмасин, у тажрибадан бошқа манбага эга эмас. Бунда унинг ҳолати – бошқа ҳар қандай олимнинг ҳолатига ўхшаш. Фалсафа фани моҳият эътибори билан шундай предметли тажрибага, яъни текширилган, ўрганаётган қалбнинг ўрганилаётган предметни айнан идрок этиши асосига қурилади. Мазкур идроксиз – файласуфнинг қалби англамоқдан ожиз ва у зарур билимларни эгаллай олмай қола-

веради. Образсиз, соф тушунчаларни қабул қилмайдиган онг мантиқ қонунларини шакллантиришга қодир эмас. Виждон кўрсатмаларидан юз ўгирадиган қалб-да яхшилик ва ёмонлик ҳақида ҳаққоний фикр билдиришга ожизлик қилади. Агар эстетик идрок сўник ва қувватсиз бўлса, гўзаллик ва бадиият ҳақидаги мулоҳазалар предметсиз ва беҳуда гаплар бўлиб қолади. Ҳар қандай одатий, мавҳум тафаккур ўзига хос тажриба маҳсули, бу тажриба – маданият тамалларига муҳтож. Айнан шу боис тушунчаларнинг ўзгармаслигини ҳамда тўғри силлогизмнинг мажбурийлигини синаб кўришга одатланмаган киши билан баҳслашиш ҳар гал бесамар кетади. Демак, синалмаган мазмун-моҳият – англамаган мазмун-моҳият – англамайдиган мазмун-моҳият. Фалсафий методологиянинг биринчи аксиомаси шу. Лекин бу ҳали ҳар қандай тажриба ҳиссий тажриба эканини, яъни у нарсаларни вужудий “туйғулар” билан идрок этишдан иборатлигини билдирмайди. Шубҳасиз, ҳар қандай ҳиссий тажриба – тажриба, аммо ҳар қандай тажриба ҳиссий тажриба эмас. Демак, фалсафа ноҳиссий тажриба билан яратилади. Бу – фалсафа методологиясининг иккинчи аксиомаси.

Одам қалби ҳисга оид бўлмаган кўпгина нарсаларни сезиши мумкин. Тўғри, одатий онг – кўп ҳолларда ҳиссий идрок билан банд: у гоҳо ташқаридан “бостириб” келган товушлар, ранглар, макондаги тимсоллар ва ўз танаси сезгилари орқали нарсалар дунёсида мўлжал олади. Гоҳо эса ўзлаштирган воқелигининг сўник сояларига суянади, уларни ўтмишдан тирилтириб, улар нурини янада кучайтиради. Ҳаттоки, ноҳиссий нарсалар билан машғул бўлганида ҳам, у нарсаларни ҳиссий тимсолларда қабул қилади, умумий ўрнига хусусийни, ғоялар ўрнига шу номдаги тимсолларни қўяди, ирода шиддатини рўёбга чиқариб, кучли туйғуларни кулги, нола, дод-фарёд ила намоён этади. Таъбир жоиз бўлса, одатий онгнинг “мавҳум”

тасаввури ҳам ҳиссий тимсоллар ва схема-лар бўйича алахлайди, тушунчалар ўрмониде кезиб, ҳис қўлтиқтаёқларига таянади ва ҳиссий тимсол-тасаввурларига қоқилади. Шундай бўлса-да, у ноҳиссий мазмундаги важлар ила машғул. Албатта, нарсаларнинг ҳиссий тимсоллари инсон онги остига чуқур жойлашади. Улар гоҳ яратилган етук руҳни шодлантириб, гоҳ қалбни сирли тун даҳшатлари билан ваҳимага солганча, унга енгил, мослашувчан қурол бўлиб хизмат қилади. Лекин, шу билан бирга, улар осон сўнади, тарқалади ва мавҳумот қаърида йўқ бўлиб кетади. Айнан шунда, яъни улар буткул ноник ва қўл етмас баландликда бўлганида, ҳар биримиз руҳ баъзан ҳолнинг ҳиссий маъносизлигига мос келмайдиган интенсивлик билан яшашда давом этаётганини пайқашимиз мумкин.

Демак, фалсафа асосида маънавий-руҳий тажрибанинг изчил амалиёти ётади. Аммо фалсафани етакловчи тажриба буткул тор доирадаги ҳамкасб-олимларнинггина мулки эмас. Аксинча, фалсафа халқ яратаётган ёки аллақачон шакллантирган етук маънавий-руҳий тажриба асосида пайдо бўлади. Олим, хусусан, файласуф бўлиш, албатта, индивидуал, шахсий ҳол. Лекин фан, фалсафа, дин, санъат, ахлоқий маданият, давлат ва бошқалар умумхалқ, яъни миллат мулки ҳисобланади.

Файласуф ҳам, худди шоир, мусаввир, бошқа соҳа олими, сиёсатчи ва пайғамбарга ўхшаб, онгли ёки онгсиз, ўз халқининг маънавий-руҳий тажрибасидан озиқланади. У ватанига, яъни севимли ва қадрли предметлари, қарашлари, ижодий изланишлари, ҳаётий маслаклари, индивидуал руҳи

шаклланган миллий маънавий маданиятига эга. Бу маънавий маданиятдан, яхшими ёки ёмонми, унинг шахсий тажрибаси ва ижодий билими озиқланади. Файласуфнинг шахсий маънавий тажрибаси – ўз илдизи, насл-насаби, муштарак жиҳатлари ва алоқаларига кўра, қондош халқ тажрибаси билан бево-сита боғлиқ. У мазкур тажрибани ўзлашти-ради ва уни сафарбар этади. Халқининг маънавий тажрибаси қанчалик юқори ва етук бўлса, уни ўзлаштириши ва амалда қўллаши шунчалик енгил ҳамда самарали кечади.

Демак, маънавий тажриба хазинаси ягона ва миллий, файласуф ҳам, ўз қалби даъватига кўра, уни қўриқловчи, бойитувчи ва тафсирловчи саналади. Шу боис, таъкид-лаш жоизки, халқнинг маънавий гуллаб-яшнаши – у яратган миллий фалсафанинг ҳам гуллаб-яшнаши дегани. Аксинча, қаердаки чин фалсафа ривожланса ва теранлашса, ўша ерда халқ мустаҳкам маънавий тажриба тўплаб, юксалаётган бўлади, ҳаёти муносиб поғонага кўтарилади. Демак, ҳаёт даражаси унинг фалсафаси билан ўлчанади.

Фалсафа руҳ ҳаётида, маънавий муҳи-да туғилади. Шунинг учун ким уни яратмоқ-чи бўлса, аввало, маънавий муҳитни соз-ламоғи зарур. Маънавий борлиқ шундай бир ҳолки, унда қалб илоҳий тушунчаларни севади, улар билан шод бўлади ва уларга ошно тутинади. Шунинг учун файласуф, ав-вало, руҳий муҳитда ҳаракат қилиши лозим. Бу эса унга ҳақиқий предметли тажриба, фикрий қувват ва билимга ҳуқуқ беради. Не-гаки, фалсафа – ҳаётдан кўра кўламлироқ; у ҳаётнинг якуни. Ҳаёт эса фалсафанинг ав-вали: у фалсафанинг асл манбаси ва ягона предмети ҳисобланади.



“Соҳибқирон”

Мусаввир Имяр Мансуров ижодида тарихий мавзу етакчи ўрин тутади. Ярим асрдан буён баракали ижод қилиб келаётган рассом тасвирий санъат муҳибларига кўҳна Турон ривоятлари асосида ишланган бир туркум картиналарини тақдим этди. У, хусусан, туркий халқларнинг кечмишига доир мифологик манбаларни тадқиқ этиб, турк-ўғуз қабилаларининг афсонавий ҳукмдори Ўғузхон тимсолини яратди.

Ming yillik ildizlar

“Ўғузхон” портретида хоқон қизил либосда виқор-ла тахтда ўтирган ҳолда тасвирланган. Тахтнинг ён атрофи мева ва гуллар билан зийнатланган. Бу эса ҳукмдор қаламравидаги эл-элатлар тўкин ҳаёт кечирганига ишора. Портретнинг юқори қисмидаги икки арслон эса давлатчилик рамзидир. “Ўғузхон овда”, “Арслон минган хоқон” каби картиналарда ҳам афсонавий ҳукмдор тимсоли тасвирланган.

Рассом кўҳна Турон мавзусини “Афросиёб” асарида давом эттиради. Ушбу картинани яратишда Сўғд давлати пойтахтидаги сарой деворига ишланган маҳобатли суратдан фойдаланилган. Деталларга бой асар аждодларимизнинг тафаккур ва турмуш тарзи ҳақида қимматли маълумот беради. “Афросиёб маликаси” картинаси ҳам кўҳна Сўғд мотивлари асосида ишланган. Малика қанотли от устида, жанг либосида акс эттирилган. Ушбу асарни икки дарё оралиғи аёлларининг жасоратига қўйилган ҳайкал деб аташ мумкин.

Афсоналарга кўра, бир неча минг йиллар илгари Тинч океанидаги улкан оролда Му давлати пайдо бўлган. Ушбу салтанатда маданият



“Ўғузхон овда”



“Афросиёб”

ва илм-фан нашъу намо топган. Аммо иқлим ўзгаришлари сабаб орол-давлат сув остида қолган. Имяр Мансуров тасвирий санъатимизда илк бор ушбу мавзуга муурожаат қилди.

Мусаввир ижодий бисотида Кушон давлатига бағишланган асарлар талайгина. Ушбу туркумдаги асарларда ҳам муаллиф илмий манбаларни чуқур ўргангани, бадийлик ва тарихийликни фавқулудда маҳорат билан уйғунлаштиргани сезилади.

Умуман, тарихий мавзуда картина яратиш муаллифдан икки карра масъулият ва маҳорат талаб этади. Негаки, ушбу мавзудаги тас-

вирий санъат асари аввало тарихийлик мезонларига мувофиқ бўлиши лозим. Қолаверса, унда салмоқли фалсафий-бадийий ғоя ҳам акс этмоғи керак. Акс ҳолда, рассом шунчаки нусхакаш ёки солномачи бўлиб қолади.

Мусаввирнинг лирик ва фалсафий йўналишдаги асарлари ҳам унинг тахайюл олами бой эканидан дарак беради. Сирасини айтганда, янгича ғоявий ечим, фалсафий ёндашув, мажоз, шартлилик, бадийий беақдорлик – рассом Имяр Мансуров “дастхат”ига хос белгилардир.

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
санъатшунос



Сирожиддин САЙИД

O'tinchlarim, o'kinchlarim...

Шоирлик менга онамдан ўтган.

Албатта, “Худо юқтирмаса...” деган ҳукм-ҳикматлар ҳам бекорга айтилмаган.

Улғайгандан кейин болалигим ҳақида ёзганим “Шоир бўлиб кетсам гар / бунда шу дашту қирлар / осмонларнинг қўли бор” деган сатрларда ҳам жон бор. Бироқ мен шу онанинг фарзанди бўлмаганимда, менга бундайин саодат икки дунёда ҳам насиб этмас эди! Буни комил ишонч билан айтаман.

Мен шоирликни онамнинг ўчоғидаги ўтдан, тандирга ёққан олов, улардаги чўғу кўрлардан юқтирдим, десам, асло ҳайрон бўлманг.

“Бу нонингизни емайман!” деганимда, қаҳат, қабоҳат замонларнинг тахир зоғора нонларини уриб-уриб едирганлари кўзимга ёш, кўнглимга сўз берган бўлса ажабмас.

Беш ёшларда бўлсам керак – опам, акам ва мен ўчоқ атрофида ғуж бўлишиб, чўғнинг

остидан чиқадиган мўъжизани кутяпмиз. “Ҳозир пишиб қолади”, дея онам ниҳоят ярми куйиб қорайган газит-қоғозга ўралган бир нимани кўр тагидан кавлаб оладилар. Тозалаб, пуфлаб, катта толтовоққа соладилар-да, бир бўлақдан кесиб ҳаммамизга тақсимлайдилар. Болалиқдаги қанча маталлару эртаклар эсимдан чиқиб кетди, аммо “кўмоч” деб аталмиш у сеҳру синаотнинг таъмию тафти, қувончию изтиробни ҳамон мен билан. Бу менинг шоирлик қисматимдаги онамнинг меҳри билан муҳтожликлари кўрида пишган, гўдак чоғимдаёқ маънисига етганим, фаҳмига бориб, онг ва қалбимга жойлаганим илк ёмби сўзим эди, деб ўйлайман.

Онамнинг печкагами, ўчоқ ё тандиргами ўтин қалаб, ўт ёқишларини яхши кўрардим. Бунинг боиси, биринчидан, совуқни, совқотишни ёмон кўрганимдан бўлса, иккинчи сабаби болалигимизнинг энг тансиқ неъма-

ти – имкони бўлди дегунча онам бизга пишириб берадиган кўмма қўрқабоб эди. Тандир ва ўчоқ кўрида тотли-мазали кабобларни Ойбиби момом билан онамдан бошқа ҳеч ким бундай пиширолмасди. Гўшти тузлай бошлаганлари баробарида сўлақларимиз ёппасига ишга тушар, бетларимиз чўғ рангида, ўчоқ ичи лола рангида қизиби товлангани сайин биз ҳам жонсарақ тамшаниб, типирчилаб турардик.

Ҳақиқий томоша гўшт қўр тагига кўмилогандан кейин бошланарди. Чирс-чирс чўғлар орасидан чиқаётган кабоб иси билан “жиз-жиз”, “биз-биз” товушлар – дам-бадам жизиллашлару биззиллашлар иштаҳамизни карнай қилиб юборарди. Онам аҳволимизни тушунгандек “Ай болаларим-ай!..” дейдилар-да, кўрни кавлаб, кабобни бир-икки ағдаргандан сўнг товоққа оладилар. Бу болалигимизнинг зумда тугайдиган, биз тўйиб-тўймай қоладиган катта байрамларидан энг тансиғи ва тотлиси эди. “Тўймадингларми? – дердилар онам бирпасда бўшаб қолган лаганни кўриб ва нима учундир менга қараб – Парво қилма, болам, отанг яқинда қора кўчқорни сўяди, насиб бўлса, ҳамманг маза қилиб тўясан”, дея кўшиб қўядилар.

Ичимда ўзи бадқаҳр, сузонғич, лекин кўзлари нимагадир доим мунгли боқадиган қора кўчқорга раҳмим келарди.

Болаликнинг “давлат мадҳияси”

Қишнинг совуқ-рутубатли узун тунларида тонгги уйқумизга ором бағишлаб аввалига “чирс-чирс” товушлар келар, бу товушлар аста-аста, чирсиллаб-чирсиллаб бирданига гуриллаб кетганида, саҳарларнинг ажиб мўъжизаси – печка устидаги қора қумғон жўшиб-тошиб биқир-биқир тилга кирарди. Ота уйимизда кеч куздан то кўкламга қадар, тонгда ҳам, шомда ҳам бир вақтда, бир алфозда янграйдиган бу тарона – болалигимизнинг давлат мадҳияси эди гўё. Биз оловнинг илк чирсиллаб аланга олганидан тортиб то вариллаб ёнгунигача, ундан сўнг

қумғоннинг “жонли ижроси”га қадар кечадиған бу “тонгги концерт”ни ширин тушларимизга ўраниб, интиқ-илҳақлик билан кутар, уйқу аралаш жон-жонимиз ила тинглаб, роҳатланиб ётар эдик.

Оловнинг зўридан қумғон жуда тез қайнар, сувнинг вақирлашларию вишиллашлари уйқумизни бузмасин деб, онам унинг қоқоғини очиб қўярдилар...

Ақлимни таниб дастёр бўлганимдан бошлаб то мактабни битиргунимга қадар мен шу ховли, шу қадрдон уйга ўт-алаф ташиб, гўза-попя ғамлаб, ўтин тахлаб улғайдим.

Ҳовлимизда – ўчоқ, тандир, ёғоч сўри, ўтинхона ва оғилхона ораллигида, томорқамиз билан ошхонамиз ўртасида эрта тонгдан то кечга қадар, йил-ўн икки ой катта бир рўзгор – мамлакатнинг қизгин ҳаёти давом этар, унинг тинчи, ош-нони, иссиқ-совуғини таъминлаб туриш отамнинг зиммасида, саранжом-саиришталигига эса онам кайвони эдилар.

Ўт-ўтин, ўчоқ-олов, тандир-нон, яна ўт, яна ўтин – болалигим мана шу азиз ва қадрдон сўзлар қуршовида ўтди.

Ўтиним, ўтинларим – болалик ўтинчларим, ўсмирлик ўкинчларим...

Менинг тилларим чучук, унинг тиллари олов эди.

Ёғочнинг ҳам тиллари бор экан. Ўтиннинг ҳам лангиллаб ёнгувчи ёлқин забонлари бор экан, жўралар.

Болаликнинг юракни эзадиган сермашаққат ва дилгир кунлари гўзапопя ташиш мавсуми эди. Ота-онам, опам, акам ва мен – гўзапопя то ғарам бўлиб, деворимиз ортида тахланмагунча уйда ҳеч биримизга кун йўқ эди. Қўлларимиз қабариб, тирналиб-ёрилиб кетгани эвазига, кейин онам йил бўйи тандирдан узиб берадиган иссиқ нон, ширин кулча тансиқ мукофот бўлиб туюларди.

Тириклик алифбосининг илк ҳарфларини мен шу заҳматкаш азиз инсонлардан ўргандим.

У дашту далалардан ҳарф териби катта бўлдим.

Дийдираган пайқалларда дийдираган гўзапопялар мендан сўз, юпанч тиланди.

Кузнинг, сўзнинг жунжикканини кўрдим мен. Сўз ҳам одам боласидай совқотаркан, ёронлар. Сўзга ҳам таскин-тасалли, одам-зоддай меҳр керак экан, сўзни ҳам иситиш керак экан, дўстлар.

Кейин умрим давомида ҳаёт ва кўнгил кўчаларида катта-кичик хатолиғларга йўл қўйганимда бот-бот ўйладим: шу тандир, шу қўрларчалик хизмат қилолдимми онамга?! Тандир ёнида, ёнгиналарида куйиб-тутаб ётган косовчалик бўлолдимми? Тилим лол, дилим ғаш-хижил – гоҳида бир сўз деёлмай қоламан.

“Йиғлама, болам, ҳозир етиб борамиз...”

Ҳовлимиздаги ўригу олча қийғос гуллаган баҳор кунларининг бирида кутилмаганда ҳамма бирданига менга меҳрибон бўлиб қолди.

Ойбиби момом бир сиқимида қоғози-га мушукчанинг малла сурати туширилган ирис конфетлар, бир қўлида мен яхши кўрадиган қуюлтирилган какао банкаси билан каминани сийлаган, онам саҳар пайти сўйилган қора кўчқорнинг гўшtidан қўркабоб қилиб, “Ол, балам, тўйиб-тўйиб еб олгин”, дея қўллари билан едирган, отамнинг менга уч ғилдиракли велосипедча келтирганию Исломиддин тоғамнинг олча тагидаги тупроқ супамизда иштиёқ ва ҳафсала билан гўшт майдалашидан тортиб, опам, Жонбиби холамларнинг ошхонамизга ўтин,

ғўзапоя ташиб, ҳовлиқиб елиб-югуришлари мени дафъатан хавотирга солиб қўйган эди. Виқир-виқир қайнаб ётган офтобаю қозон, идиш-товоқнинг кўпайиб қолгани, ошхонадан чиқаётган куюқ тутуну қариндошлар, уларнинг бола-бақралари билан ҳар кунгидан кўра гавжум ва ғала-ғовур бўлиб қолган ҳовлимиздаги тадорик ва бесаранжомликдан билдимки, жуда муҳим бир мавридга ҳозирлик кўрилаётир. Бу мавриднинг айнан менга, менгагина тааллуқли муҳим ва нозик бир иш билан боғлиқлигини ич-ичимдан сезиб, қўрқиб-ҳадиксираб ўтирардим.

Онам ҳар қанча меҳрибонлик кўрсатмасин, кабоблари баданимга ош бўлмаётган эди.

– Мана бу кўчқорни нима учун сўйдик? – дейди бир маҳал пичоғини тошқайроққа “шиғшиғ” қайраётган маталчи Исломиддин тоғам олча тагида ўтириб олганча, худди менинг ичимда нималар кечаётганини кўриб-билиб тургандай. – Сиз кўчқордай бўлиб юринг деб-да, Тўқлибой! Қарасак, бўйингиз ҳам, оёқларингиз ҳам жўраларингизниқидан ўсиб кетяпти. “Ҳўй-дўй, ҳўй-дўй!” қилмасак бўлмайди энди, жўра.

– Ана энди ўлдинг, каллажоста Тўқлибой! – дейди мен билан доим ғижиллашиб юрадиган Ниёзбиби опам онамнинг кўзини шамғалат қилиб биқинимга туртиб ўтаркан.

Кейин бирин-кетин Гулмамат бобо, Саидумар ва Мастурали амакилар, Мамалатиф



“Тафаккур” таҳламларини варақлаганда шоир Сирожиддин Саййидни энг фаол муаллифлар сафидан осонгина топса бўлади. У бир муддат журнал таҳририятида ишлаб ҳам кетган. Лекин асарлари тез-тез босилиши шунинг учун ёки одатдаги ошна-оғайнигарчилик жўнидан эмас, асло! (Худога шукр, ошна-оғайни етарли, истеъдодлисига қолганда эса ҳамон муҳтожлик сезилади.) Гап шундаки, шоир кўтариб келган асарлар таҳририятга деярли ташвиш туғдирмайди. Озодагина қўлёмани завқ билан бир қур кўздан кечириб, шеърларни саралаб чиқасиз, вассалом. Бундай номдор муаллиф, бундай саришта қўлёммага таҳририятлар ҳар қачон муштоқ!

Сирожиддин Саййидни истеъдодли шоир демоқ камдек, етарли эмасдек. Истеъдодлиларимизнинг бир қанчаси Худо ато этган ана шу неъматлари билан мағрур, шу билангина андармон, сўзга ҳам, қўлёманинг аҳволига ҳам панжа орасидан қа-

язна, Сафар Касиров бобо келади. Ибодат ва Хумор аммаларим ёғоч сўримизда ўтириб дуога қўл очаркан, ўтган бобо-момоларни эслаб кўзёш қилиб олишади. Меҳмонлар келади, меҳмонлар кетади. Гўштар ейилиб, иликлар қоқилади. Яна кафтлар очилиб, дуо қилинади.

Мен нима бўлса ҳам қочишни ўйлаб ўтирардим. Бундай “қочиб қолиш”ларимни яхши билган отам Нарзиқул тоғамнинг ўгли Сайфи билан бир йил олдин “қўчқорлар сафига кўшилган” Абдусаттор жўрамни менга қўриқчи-қоровул қилиб қўйган, уларнинг кўз-қулоқ бўлиб ёнимда туриши озроқ далда бераётган бўлса-да, барибир ниятим бузуқ эди.

Бир маҳал кўча эрганагимиз томондан отамнинг “Усто келинг, усто келинг” деган овозлари эшитилдию бесаранжом бўлиб қолдим. Сергакланиб ўша томонга қараганимиз ҳамоно, қора лас чопон кийган, оёғида калиш-маҳси, калта соқолли, қошлари қоп-қора, кўзлари олайиб қарайдиган, қўлтиғига букланган чарм сумкасини қистириб олган хушрўй-хушқомат киши отам билан ҳовлига кириб келганини кўрамиз...

...Шунча кун, кеча, бугун ҳам порлаб-чарақлаб турган ҳавонинг авзойи чошгоҳга келиб бузилади. Осмон қоп-қора тусга кириб, қалдироқлар гумбурлай бошлайди. Чақинлар осмону фалакда, оламнинг у бетидан бу бетига қадар қилич сермайди. Бу қиличларни олисдаги тоғ-чўққиларга қай-

раб-қайраб олади. Ётган жойимда буларнинг ҳаммаси менга деразадан кўриниб, эшитилиб турарди.

Баҳайбат-баҳайбат харсангтошлар ортилгандай қалдироқларнинг улкан аравалари худди уйимизнинг устидан юриб ўтаётгандек тому шифтлар титраб кетади, деразанинг ром-ойналари гуриллаб-зириллаган товуш чиқаради. Кейин қаттиқ шамол ва дўл аралаш шохавр¹ ёмғир бошланади... “Осмоннинг бир жойи тешилди”, дейди бошимда ўтирган Ойбиби момом.

Кечга томон ҳаммаси қандай бошланган бўлса, худди шундай бирданига тиниб қолади. Охириги аравалари узоқдаги тоғлардан ошиб ўтиб кетаётган янглиғ қалдироқлар ҳам йироқ-олис уфқларда ўқтин-ўқтин бир гулдираб қўяди-да, ниҳоят тўхтаб қолади. Чироқлар ўчган, олам зим-зиё кўклам чоғи бу зимистон рутубат аро хира фонус зўрға ёритиб турган уйда бошим, манглайим аралаш момомнинг илиқ кафтларини сезиб-сезмай, гоҳ иситмалаб, гоҳ алаҳсираб ётибман. Уёғини эслолмайман. Бу томони – қоронғилик, айқаш-уйқаш тушга ўхшаш, гоҳи оқ-қора, гоҳи ғира-шира, узук-юлуқ лавҳалар...

Эсимда қолгани: оғриқнинг зўридан уйғониб кетаман. Уйғоқману, худди уйқуда ётгандек, ухлаб ётгандекману, лекин онам, момом, холам, опам ва акам – ҳаммамиз бир кўрқинч-тахлика билан қаёққадир шошилиб кетаётимиз. Момом, холам ва опамнинг қўл-

райди: менинг бўлган-турганим шу, чунки талантим зўр! Дадил айтиш мумкин, сўз танлашда, сўз қўллашда, уни санъаткорона ўйнатишда, оҳангдорликда ҳозир Сирожиддин Саййиднинг олдида тушадигани бўлса ҳам, бармоқ билан санарлидир. Моҳир деймизми, топқир деймизми, йўқ, тилга бошқа сўз келаверади: м а с т е р!

Бирор гапдан завқланиб кетганида Сирожиддин Саййиднинг болаларча беғубор қиқирлаб кулишини кўпчилик билса керак. Шу самимий кулги шоирни таниган илк чоғларимиздан бери бор, мана, қутлуғ ёшларга етиб, юксак унвону мартабаларга эришибдики, ҳамон ўзгармаган. Бугун ардоқли шоиримизни журнал жамоаси ва шеърхон мухлислар номидан муборакбод этар эканмиз, ижодий сарбаландлик тиламоқ баробари, ана шу инсоний самимиятни қўлдан бермаслигига умид қиламиз.

Таҳририят

¹ Шохавр (шева) – сел ёмғир.

ларида биттадан тугун. Мен – онамнинг елкаларида, мени нимтаналарига² ўраб, опичлаб олганлар, икки ёнларидан икки узун оёғим осилиб қолган, онамнинг шошиб-ҳовлиқиб юришларидан аъзои баданим зирқираб, оғриқнинг зўридан чинқриб йиғлаб боряпман. Бошим, оёқларим силкиниб борар, юзим тепага қараб қолган, осмон – ўчоғимизнинг ичи мисол қоп-қора, ваҳимали ва қўрқинчли...

“Йиғлама, балам, ҳозир етиб борамиз...”

Онамнинг қоронғи тун қўйнида, бош-адоғи йўқ қоп-қора осмон, тийра ва тубсиз фалак остида, зимистон ва рутубатли олам аро худди зорлангандай йиғлаб-такрорлаб бораётган бу сўзлари кейин бир умр ёдимда қолади.

Ҳаётимнинг қийин паллаларида, қисматнинг аёвсиз оғир зарбаларидан гандираклаб қолган тушқун, умидсиз чоғларимда бу сўзларни кейин кўп маротаба эслайман. Эслаш ҳам гапми, йигитлик кўчаларида қилган такрор-такрор хатолиғларим, дўсту ошноларнинг нокаслиғу номардликлари, кўнглимни онамнинг сандиқлари мисол беминнат очиб берганим беор-беоқибат санамлар олдида беқадр бўлганлариму бир сатр шеър устида ўтказган бедор тунларим, сўз ва қофия сўнгаларини ит янглиғ ғажиб-кемириб чиққан кечаларим аро, неча-неча ойлар-фасллар, неча дилгир йиллар давомида бу умидбахш сўзлар, қадрдон ва туғишган бу меҳрибон каломлар қулоғим остида, кўнглимнинг туб-тубидан, ҳаёту тириклигим қаъридан бот-бот янграб келаверади, чорлайверади: “Йиғлама, балам, ҳозир етиб борамиз...”

Улғайганимдан кейин онамнинг ҳикоясидан билганим – олам селу ёмғирга фарқ бўлган ўша кеча қишлоқни сел босади деб бизни кўчиришган экан. Аксинча, ўша туни биз ҳаммамиз вақтинча бошпана топган Сафар Касиров бобонинг уйи-ҳовлисини сел босган экан. Тахтадан ясалган, усти шипир билан мустаҳкам ёпилган кенг, баланд шийпонда тиғиз тиқилишиб ўтирган хотин-халаж, шийпоннинг икки ёни, тағларидан тўлиб-тошиб, шарқираб оқаётган лойқа-бўтана сел, онамнинг “Ё Баҳоваддини балогардон!..” дея тинмай калима қайтаришларию тоғ келбатли

раис Касиров бобонинг шими почасини қайириб олганча, оёқяланг ҳолда сел оралаб ҳовлисининг у ёғидан-бу ёғига гулдираб, бақирчақир қилиб юриши, у кишининг жиккаккина кампири Ибодат аммамнинг менга новвот чой қилиб берганигача – ҳозирга қадар жонли кино лавҳаларидай кўз олдимда турибди.

Мана, ўшандан буён эллик йил ўтибди. “Йиғлама, балам, ҳозир етиб борамиз...”

Мен йигирма беш ёшга кирганимда етиб бордик деб ўйловдим – рўзғорим бузилди. У ҳаётимдан ўкинч ва изтироблар, онамнинг юз-кўзларида шашқатор ёшлару бемаҳал тушган ажинлар ёдгор бўлиб қолди.

“Йиғлама, балам, ҳозир етиб борамиз...”

Тақдир экан-да, роппа-роса қирқ ёшимда етиб келдикми десам, ҳаёт яна бир жиддий синовга дучор қилди. Чопонимни елкамга ташлаб чиқиб кетарканман, “Муҳаббат солган иморат вайрона бўлди, найлайн” дегандек бу бино, бу иморатни қайта бошдан тикламоққа киришдим.

Қирқ йилдан кейин ҳам саратон чилласи куни, қуёш ўт пулкаб турган маҳал, айна тўйимиз чоғида бирданига ёмғир қуйиб берганида онам ёқаларини ушлаганлар: “Ё Художон, Поко Парвардигоро, бу нима кароматингим, рўйи заминда пайдо бўлганидан буён шу балагинамнинг нимаики мавриди бўлса, нуқул ёмғир ёғдирасан? Илоё, ёмғирларинг бахайр бўлсин, хосиятли келсин. Шу балагинамнинг бахти-толеини бергин, Художон! Поко Парвардигоро!..”

“Қирққа кирган йигитнинг икки қўлтиғидан олар икки ўғли бўлсин” деган нақл бор. Қирқ ёшимда ўзимнинг қўлтиғимдан ўзим олиб, яна қайтадан янги ҳаёт бошладим.

Мен отам қирқ ёшга кирганда дунёга келганман. Гирмон урушида етти маротаба ярадор бўлган, етти жароҳатнинг бор асорати-оғриғини тортиб келаётган дардкаш, заҳматкаш отам учун Иккинчи жаҳон уруши бир томон бўлдию менинг бузилган рўзғорим бир томон бўлди. Саккизинчи ўқни отамнинг қоқ юрагига мен отган эдим. Қирчиллама йигитлик вақтимда уйимни куйдирган, мени бехонумон этган чигал қисматим қадаган эди бу ўқни!

² Нимтана – аёлларнинг қалин олача матодан тикиладиган ётинчиги.

Қирғинбарот урушлардан соғ-омон чиқиб келган тоғдай отам бу сўнги ўққа дош беролмай қуладилар. Фарзанд бўлиб қўлтиқларидан ололмадим, бир яхшилигиму яхши кунимни кўролмай кетдилар.

*Момолар ҳақ: севги – эртак,
Ким муродга суйиб етди.
Сен уйинга бор, келинчак,
Менинг уйим куйиб кетди,*

деб ёзади кейинчалик “Тошкент оқшоми”да ишлаб юрганимизда дўстим Муҳаммаджон – Муҳаммад Юсуф. Уйи кўп бора куйган, уч-тўрт марта уйланиб, хотинлари дастидан мушкул савдоларга дучор бўлган Исломидин тоғамга шу шеърни ўқиб берсам, кўзи бир чақнаб, юз-бети пирпираб титрагандай бўлди-да: “Ў баччағар, келиштирибди-да! Зўр айтибди-да!” дея тан бериб, кейин “Ҳаммаси бир гўр экан-да!..” деганча оғир хўрсиниб қўйган эди.

Онам, онам... Қирққа кирганимда ҳам қўлтиғимдан олиб, мадорим-мададкорим бўлган мушфиқ-меҳрибоним, менинг метин қалъам, муштақкам кўрғоним онам, онаизорим!..

“Қирқ йил бўлди уйдан жетганига, қирқ йил бўлдики, мен йўл қарайман. Кўзимнинг ришталари узилиб кетди. Мана шу болишларим тил чиқарса, айтиб беради...”

Оламнинг селу тошқинлари тинди, лекин онамнинг кўзёши, кўзларидан оққан селлар тўхтамади. Рўйи заминни фарқ этган ёмғирлар ниҳоя топди, бироқ онамнинг юзларидан оққан селу себор адо бўлмади. Бунинг бош айбдори – мен, менинг китоб-дафтарларимдай зору паришон, пала-партиш рўзгорим, чигал ва нотўқис тақдириму ўнланмаган ҳаётим...

Қирқ йилда бир йигит келар дунёга, дейишади. Қирқ йилда бир йигит дунёдан кетиши ҳам мумкин экан. “Биз нечун учрашдик қирқдан ошганда” деган жозиб ва дардли қўшиқ бор. Қўшиқ эмас, ўкинч ва армон ноласи, кетган кўкламлар, бой берилаётган ёшлик ва йигитлик йилларининг зори, бир томони сарғиш, бир томони сарғиш-яшил хазон фаслига юз тутаётган умр айёми-

нинг, ишқ ва муҳаббат, кўнгил ва қисматнинг мунгли видолашув таронасидир бу.

“Йиғлама, балам, ҳозир етиб борамиз...”

Йиллар ва эгатлар

Кетмонлар, онамнинг кетмонлари.

Дунёда меҳнати қаттиқ, бераҳм ва бемеҳр сўзлар бор экан. “Кетмон”, “чопиқ”, “кўсак”, “ғўзапоя” деган серташвиш калималар бизнинг болалик гидрокимизга бутунлай сингиб кетган эди.

Тупроқ кўчамиздан елкаларида кетмон, юзини ранги униққан гарди рўмол билан чирмаб ўраб олган чопиқчи аёлларнинг ҳорғин юриб боришлари, уларнинг маҳзун-сўлгин қиёфаси бир умр ёдимда сақланиб қолган. Улар оқшом кезлари янада ҳорғин қайтарди. Шу аҳволда яна сигир соғишлари, нон ёпишлари, қозон қайнатишлари керак эди. Ҳусну таровати эгатларга ем бўлган, аёллик нафосати, орзу-умидини саратон қуёши қовжира-тиб юборган гулдай қиз-жувонлар, юзлари чанг-ғубор, киприклари ойга тегиб турган менинг мунис, меҳнаткаш ойбарчинларим!

Эртакларим эгатларга эврилди.

Эгатлар. Пахта. Яна эгатлар, яна пахта. Дунёдаги энг тошбағир, тошдан ҳам қаттиқ, момиқ сўз. Томимиз устида баҳорда очиладиган биттагина лолақизғалдоққа жой қолган, холос!

Мақтабга, биринчи синфга боришим керак эди. Кийишга кийимим йўқ, оёғимда резинка этик, онам чўпонлар желак ва чолвор қилиб киядиган дағал йўл-йўл тик матодан “бурук”, китоб-дафтарим, отамнинг носқовоғича келадиған сиёҳдонимга ҳам ана шу матодан жилдқопчиқ тикиб бердилар. “Бормайман!” дедим. Дод солдим. “Патинка, бурук оббермасанглар, мактабларингга бормайман!” деб туриб олдим. Онам аввалига толхивич билан роса саваладилар. Кейин, барибир, муродимга етдим – мактабга янги ботинка, шим ва кўйлақда бордим. Бутун мактаб, ҳамма менга қараётгандек ўзимда йўқ шод эдим. Бу – менинг олти ёшга кириб, илк маротаба кийган расмона сарпом эди.

Ҳаммаёқ пахта билан тўлиб-тошиб ётиб-дию, мен, озгингина болакай, ота-онам ун билан гуручга деб тишларининг қавагида асраб келган пулга сотиб олинган янги либосларда, завқу шавқим ичимга сиғмай, оламдаги энг бахтиёр ўқувчи бўлиб синфхонага кириб бораман.

Ярми тўқ-сарик, ярми қорага бўялган парталарнинг ёқимсиз бўёқ ҳидини тез орада дала ғубори кўмиши, янги дафтар ва сиёҳ иси эса кейин умр бўйи орзиқтириб димоғимдан кетмаслигини мен ҳали билмайман.

Қадрдон инларидан мажбуран кўчирилиб, янги нотаниш ошёнга келиб қолган қушчалардай бир-биридан бегонасираб ўтирган синфдошларимга мен ҳам ётсираб қарайман.

Кейин, чамаси икки ойлардан сўнг бизга “Алифбони ўргатган, тўғри йўлни кўрсатган” синф раҳбаримиз Озода опа синфдош қизчаларни бир қаторга тизиб, шундай ашула ўргатади:

*Осмондаги юлдузни санаб етоман дема,
Юракларни куйдириб ташлаб кетоман дема,
Ҳо-о-о,
Ташлаб кетоман дема.
Пахта экомиз бирга, терлар тўкомиз бирга.
Олтин териб Ватанга совға этомиз бирга,
Ҳо-о-о,
Совға этомиз бирга!*

Озода опа – лўмбиллаган навжувон келинчак, ўзи оғзаки куй чалиб, бармоқларини қарсиллатганча ўйинга тушиб кетар, парталарда мусичадай жавдираб ўтирган биз ўғил болалар ҳайрон, синфхонанинг очиқ саҳнида сочлари пилтажамалак қилиб майда ўрилган синфдош қизлар опанинг нағмасини такрорлаб, жўр овозда давом эттиради:

*Ёрим етган ерларга мен ҳам бормаи қолмийман,
Йўлларига кўз тутиб, соғинчидан толмийман,
Ҳо-о-о,
Соғинчидан толмийман.
Пахта экомиз бирга, терлар тўкомиз бирга...*

Биз ўзимизни мактабда эмас, гўёки пахтазор далада – эгатлар орасида ўтиргандек ҳис қилардик. Сатҳи тупроқ зах синф-

хонада, эндигина қатқалоқни ёриб чиққан нозик-нимжон ғўзабарглардай дийдираб турган, тизилишиб ашула айтаётган майсадеккина синфдош қизлар. Ашула айттиргани ҳам майли, Озода опа ўзи гурсиллаб рақс тушаркан, қизларни ҳам ўйинга тушишга мажбур этди. Бошларида чаман дўппичалари, майда пилтажамалак кокилчалари чарх уришлари баробарида гир айланаркан, айвонимизда ин қурган, ёзда кўрганим қалдирғоч полапонларининг ёйилган қора қанотчаларига ўхшаб кетарди. Бу дардли манзара, соғинчли-армонли бу саҳна кейин умр бўйи мени таъқиб этади, кўз олдимдан кетмайин, оромимни ўғирлаб, йиллар ўтгани сайин болалигимнинг маҳзун, мунглуғ хотирасига айланиб қолади.

Эгатлар. Эгатлар. Умр бир пайкал эса, йиллар эгатларга ўхшаркан. Азиз синфдошларим – Гулнор, Гуландом, Давлатой билан Асилаю маъюсгина Ҳурматой, Ойниёз билан Тўхтахол, Хурсанойлару Чиннигуллар – синфимизнинг оқиш-қорача, қизғиш ва пуштиранг капалакчалари, қайдасиз, қайлардасиз?

Оналаримиз, опа-акаларимиз ёнида биз ҳам пахта терамиз. Онам чаққон, ғайратчан теримчилардан эди. Бир этак пахтаси 15-20 килогача чиқарди. Баъзан чарчагандай бўлиб онамнинг ўқариқ бошига қўйилган тўп-тўп этаги устида чалқанча ётган кўйи мовий осмонга қараб ўйга чўмаман. Паға-паға, хирмон-хирмон оқ булутлар бекор тургандан кўра ерга – далага тушса бўлмайдими? Опа-осонгина этакларга жойлаб, топширардик-кўярдик. Ёки ер – осмонга, осмон эса далага айланса, нима бўларди? “Осмондаги юлдузлар” ҳам синфдош қизларга ўхшаб бир пахта териб кўрсин-чи!..

“Хўв бала!..” Меликбобо табелчининг кўпол, баджаҳл овозидан бирпасда осмону фалакдан ерга тушиб, ўзимни эгат ичига ураман...

Улғайгандан кейин ўқиганимиз устоз Абдулла Ориповнинг “Ушоқ чигитни ҳам этмай деб увол / Миллион эгатларга эгилган халқим”, “Менинг нигоҳимни тортади такрор / Миллион эгатларга сочилган ўзбек” сатрлари аро, ўша сўнгсиз-туганмас пайкаллари адоқсиз эгатлар

ичида ҳануз йиртиқ-ямоқ чопон-желакчада бизнинг юпун-юпқа болалигимиз ҳам титраб-дийдираб кўсак чувиб юрибди...

Биринчи маош

Сақкизинчи синфда ҳали ўн тўрт ёшга етар-етмай барча ўқувчилар каби олисдаги чўлга пахта теримига мен ҳам отланиб қолдим. Онам “Борма, отанга айтаман, олиб қоладилар”, десалар ҳам, орим тутиб, мактабдошларимга кўшилиб, жўнаб кетдим. Бу меҳнат, унинг азоби нималигини ўшанда Туркменистонга чегарадош Болдир деган жойда, дашту далада билганман.

Сақкизинчи кун деганда терим пулини беришди. Ҳеч эсимдан чиқмайди: сарғиш бир сўмлик, кўк-яшил уч сўмлик ва қизғиш ўн сўмлик – жами ўн тўрт сўм пул, ўн тўрт ёшга кириб, шу пайтгача ҳалол ишлаб олган илк иш ҳақим, биринчи маошим! Уйимиздаги рўзғор бутлиги, ейиш-ичишимиз, кийим-кечагимиздан тортиб қалам-дафтаримизгача қандай заҳмату қийинчиликлар эвазига келаётганини, пул топиш осон эмаслигини мен илк маротаба ўшанда англаб етганман. Ўсмирлик чоғимдаги бу илк ҳаётий синов, қадрдон уйимиздан узоқда кечган илк мўсофирлигу биринчи меҳнат имтиҳони, ўзим ишлаб топган ўн тўрт сўм пул менинг бола тасаввурим, онг ва тафаккуримни ўзгартириб юборди. Ўн кун деганда ҳашарчиларга озик-овқат олиб келган колхознинг шофири Исломиддин тоғамнинг кўмагида ярим кечаси вагонлари биқинига “Тошкент – Душанбе” деб ёзилган поездга чиқиб, эрта тонгда бир аҳволда уйга кириб келдим. Онам аввалига роса уришдилар. “Мана, сизга пул олиб келдим, терган пахтаминг пули”, дея ўн тўрт сўмни узатганимда, аввалига пулни кўзларига суртиб, кейин йиғлаб юбордилар: “Кўлларингга қара, балам, гўза-пояга ўхшаб қолибди... Бормагин дедим-а...”

Будапешт, Будапешт!..

1964 йили кундалик ҳаётимизга, ҳамишаги гурунгларимиз билан юмушларимизга кумуш тангадай ярқираб бир ғаройиб сўз оралаб қолди. Уруш кўрган отамдан бошқа

етти пуштимиз эшитмаган еттиёт бегона бу сўз, сеҳрли бу ном бир кунда пайдо бўлдию бирданига ҳаммамизнинг туғишган қадрдонимизга айланди: Будапешт, Будапешт!

Болалик соғинчларим, “соғинчли салом хатларим” Будапешт. Ойбиби момоннинг осмонга тарвақайлаб кетган қари тути, унинг тагидаги тупроқ супа кечалари “Будапешт” деб шовуллаб, шивирлаб чиқади. Гир-гир айлангучи урчуқларининг ғир-ғир товушида, аллалари ноласида шу интизорлик. Тобора кичрайиб-туғаб бораётган калаванинг ипларида кунлар, ойлар айланиб-камайиб бораётгандек. Тандиридаги лаққа чўғ, унда қизараётган нонлар “Будапешт” дейди. Чорбоғдаги тезпишар олмалар “Будапешт” дебон гулга киради, зардолилар ғўралигидан ғўлинг бўлгунга қадар “Будапешт” дейди. Момоннинг “Олакўзим говмишим, ҳеш-ҳеш, туёқлари кумушим, ҳеш-ҳеш!” дея сигир соғишлари ҳам қулоғимга “будапушим”дай эшитилади. Тут шохига осиглиқ қатор сузма-халталар шу соғинч, шу орзиқиш билан “чак-чак” ёш тўкаётгандай. Момон қурбонлиққа сўйдирган кўйлар, серкаларнинг қотиб қолган очиқ жонсиз кўзларига қараб йиғлагим келади. Нон ейилса ҳам, сув ичилса ҳам, роппа-роса уч йил – бир минг тўқсон беш кун муттасил кечаси ҳам кундузи ҳам шу гурунғ, шу кўмсов: Будапешт, Будапешт!

“Камолиддин худди Вингирга, Будапуш деган шаҳарга тушибди”, дея хабар бердилар онам ҳарбийга кетган тоғамдан ниҳоят икки ой деганда илк мактуб келганда. Онам “Будапешт”ни ўзимиздаги Бўйрапўш қишлоғига менгзаб гапирганларига отамнинг жаҳли чиқади: “Бу сенинг Бўйрапўшинг эмас, Будапешт бу, немисдан жанг қилиб олганмиз!”

Ўша кунлар тоғамга хат ёзиш менинг энг сеvimли машғулотимга айланиб қолди: “Соғинчли салом хат. Қайсики ул гўзал Будапешт шаҳрида гулдай очилиб, булбулдай сайраб хизмат қилиб юрган Камолиддин тоғамга Ойбиби момондан, Холбиби онамдан соғинчли саломлар бўлсин...”

Хатнинг бошланиши андозасини опамнинг мактубидан сездирмайгина кўчириб

олган эдим, буёғига нима ёзишни билмай анча қийналдим. Бирдан оғилхонамизда рўй берган қувончли воқеа, энг катта янгилик эсимга тушиб, давомига шуни кўшиб қўйдим: “Тарғил сигиримиз иккита бузоқ, қартанг сигиримиз битта бузоқ туғди”. Ундан сўнг “мен биринчи синфда ўқияпман” деган хабар билан саломномамни якунига етказаман.

Будапешт, Будапешт...

Ойбиби момонинг гўзапоясини ғарамлаётганимизда ичимда ўз-ўзидан савол туғилди: “Будапештда ҳам гўзапоя ўсармикан?..”

Онамнинг холаси

“Юр, балам, Соро момонгни кўриб келамиз”, дедилар бир куни онам.

Соро момо кимлигини мен ҳали билмайман, бироқ онам у кишини кўргани мени ҳам олиб боряптиларми, демак, бир яқин хешлиги бўлса керак-да.

Ости ҳам, усти ҳам бўйро, нимқоронғи бир уй. Лойшувоқ деворларида сомонлар сарғиш игналардай хира ялтирайди. Уйдаги наMAT, эски-туски кўрпачаларни ҳам элас-элас эслайман. Бироқ, аниқроғи, энг қизиғи – бўйро, четлари кўрпачалардан чиқиб кўриниб турган бўйро, ёғоч синчларнинг устидан шифт қилиб тайланган бўйро, тағи ҳам, шифти ҳам бўйро бир уй. Қамиш-бўйро ҳиди, лойшувоқ ҳиди менга жудаям таниш.

“Хола, яхшимисиз, соғ-саломат келдингизми?” дея сўрашадилар онам.

Шундагина қоронғи уйнинг ғира-шира бурчагида бош томони оқишроқ, қолган қисми қизғиш-жигарранг, муштдайгина бир кўланка аста гимирлаб товуш берганини илғайман. Соро момо онамнинг холаси, Абдукарим амакимизнинг онаси экан. Жавзойи узумнинг майзидай бужмайибгина қолган, қовжираб, кичрайиб кетган момо кўзимга жуда ҳам қари ва нимжон бўлиб кўринади.

“Бу қайси баланг, Холиви?.. деб менга қанд, майиз узатганида момонинг тери ва қоқ суяқдангина иборат титроқ-қалтироқ панжаларидан ғалати аҳволга тушаман. Улар кўлдан кўра томорқамизда тупроқнинг ичидан чиқиб турган қуруқ томирларни эслатарди.

Момонинг юзи шудгор қилингандай чўтир-чўтир ва ажинзор, қошу қабоғи қўшилишиб-уйқашиб кетган, чуқур ботган кўзлари опамнинг эски қора камзулидаги қора хира тугмачалардай зўрға кўринади. Ўшанда мен беш яшар болакай, Соро момо эса бир юз беш ёшда экан. Шу аҳволда “Холиви, шовма, мен бир нос чекиб олай”, деб нос чекканию кўзларини юмиб олиб, шу кўйи узоқ сукутга чўмгани, сўнгра бир фаслми, бир асрми гўё шундай ўтиргану бирданига умрининг қолган давомини ҳам яшаши лозимлиги эсига келгандай хушёр тортиб, онам билан менга ажабсиниб қараганигача, кейин эса бўйронинг бир четини кўтариб, носини тупурганию оғзини чой билан чайганига қадар кечган вақт – мен учун энг азобли, назаримда, юз йиллардан ҳам узунроқ ва дилгирроқ бўлиб туюлади. Дикқинафас бўлиб билдирмайгина онамни турта бошлайман. Момо шуни ҳам сезибди: “Майли, Холиви, баланг зерикиб кетди, Худонинг панойига...” Онам “Бизнинг уйларга ҳам боринг-да, хола”, дегунларича ўзимни ташқарига – ҳовлига отаман.

Ўша гурунгда кейин Соро момо яна бир йил умр кўриб, бир юзу олти ёшда бу бўйрапўш дунёни тарк этди. Онамнинг айтишларича, момонинг тўнғич ўғли Абдукарим амакимиз, Шарипов бобо жанозада “Хазон бўлган энам-а!” дея ёқасини вайрон қилиб, роса фарёд солган экан.

Тоғ бошидаги туман

Бир кун онамнинг юзидаги ажинларга боқиб, кўнглим нохос зирқираб кетади.

Юз-бетлари харитага ўхшаб қолибди.

Менинг минг сатр шеърим ёрилган, қадоқ қафтларининг бир чизигига арзирмикан?..

Ҳар бир ажин, ҳар тола оқарган сочларининг ўз тарихи, таржимаи ҳоли бор. Қай бири қачон, нима учун пайдо бўлганини, қай бирига менинг қандай “ҳиссам” кўшилганини ёддан айтиб беришим мумкин. Уларнинг баъзиси суви қуриган ариқни эслатади. Кўзларининг икки ёнидан пастга қараб тортилган иккитаси жуда чуқур кетган. “Кўзёшла-

рининг излари”, деб ўйлайман ичимда. Умрий изтироблар, болалик чоғлариданоқ етим-сағирликда кўрган хору зорликлари, айрилиғу жудолиғлар, бизни одам бўлсин деб, тортган ранжу аламлари билан заҳматларга тўла ҳаёт йўлидаги йўқотишу армонларининг битиклари. Ўзанларга ҳам ўхшаб кетади. Ҳаётни, тирикликни яшнатаман деб, фарзандларим хорлик кўрмай кўкарсин, одам бўлсин деб умр бўйи беминнат сарфлангану энди қуриб қолган ҳаётбахш дарёларнинг ўзанлари. Ўн саккиз йил бурун мухбир укамизнинг саволига “Мен Тошкентда еттита китоб чиқарган бўлсам, онамининг юзларига етмиш еттита ажин тушган бўлса не ажаб”, деб жавоб берган эканман. Ҳозир бу ажинлар бир юз етмиш еттитага етгандир. Ўн саккиз йил... айтишга осон!

“Ҳой Холбиби, ўртанча баланг шоир бўп кетибдими? Ё Худо, қонида бор-да, қонига тортибди-да...”

Отам биринчи китобимни кўрмай кетдилар. Қўлимдан иш келадиганда бир яхшилик қилишга улгуролмай армонда қолдим. Китобга берилган қалам ҳақидан маъракаларини ўтказишни ният қилиб қишлоққа бордим.

Ўтган асрнинг саксон бешинчи йили эди. Маврид ниҳоялаб қолганда, дуои хайр қилингандан сўнг, маъракага келган кўпчилик қариндош-уруғ ичида оппоқ булутдай бўлиб ўтирган Қодир бобо – Ваҳоб шоирнинг “Қодир манинг кўрар кўзим, кўйимдан айрилган кўзим, сафарим бор Тошкангача” дея шеърлар бағишлаган ўғли Абдуқодир бобонинг гуриллаган товуши эшитилади: “Холбиби, қани, шоир балангни чақир энди. Бизам энди тоғ бошидаги тумандайин гап, эртанми-индинми кўчамиз-да кетамиз. Бир дуо берай, мамлакатнинг катта шоири бўп кетсин!.. Омин!.. Ё Сайф, ё Зулфиқор, Худо ҳамиша панойида асрасин!..”

“Эллик йилда эл янги...”

Отам солган уйлар.

Бу уйларнинг қурилганига эллик йиллар бўлди. Ҳовлидаги ёғоч сўримиз олтмиш йилдан буён турибди. “Қанча одамзоддан шу

ёғоч авло экан”, дейдилар онам. Яна кўшиб қўядилар: “Эллик йилда эл янги, қирқ йилда қозон янги”.

Ҳовлимиздаги ёғоч сўри олтмиш йилдан буён турибди.

Не-не зотлар ҳамнишин бўлиб кетмади бу сўрида. Тоғдай-тоғдай раислар, булутлардай-булутлардай чоллар, оқсоқоллар – тоғдай-тоғдай бўлиб келдилару булутдай-булутдай кўчиб кетдилар. Достонлари туганмас маталғуй тоғалар, нақлу ривояти дунёнинг охиригача етгучи авлиёсифат амакилар, мушфиқ аммалару жонсўз холалар – неча насл, неча авлодни бошдан ўтказди бу сўри. Эл аро донғи кетган булбулзабон ҳофизлар бунда хониш қилди. Элнинг улуғ, устоз шоирлари келди. Полвонлар, чопағонлар гурунг сурди. Ёру ошно, дўсту биродар, қариндошу бегона – бари келган, бари кетганга, онам шу сўри устида қиблага қараб неча-неча дуоларга қўл очди: “Ай болаларим-ай, мандан нима ҳам олардинлар, фақат дуо оласилар-да... Илоё, давлатларинг зиёда, душманларинг пиёда бўлсин. Худо шу дамларни ҳаргиз паришон қилмасин!..”


“Ёзсанг, буғдойни ёз...”

...Соро момонинг ўша “Худонинг панойига...” деб берган дуосидан кейин орадан эллик йил ўтибди.

“Эллик йилда эл янги, қирқ йилда қозон янги”.

“Минг шеъру ғазал берган бу давру замон янги”, дея онамининг ҳикматли гапларини шеърый сатрларга тизаман. Кейин “Буғдойбўй Ватан” деган китобим чиқади. Бир вақтлар онамининг калишларига бағишлаб шеър битган эдим. “Буғдойбўй Ватан” шеъримни телевизорда ўқиганимни кўрган онам: “Ёзсанг, ана шундай буғдойни ёз, нонни ёз, балам, менинг калишларимни нима қиласан ёзиб?!” дея китобимни кўзларига суртиб дуо қилдилар: “Йўлингни поклаб юр, сўзингни ўйлаб гапир, балам...”

*Булбул яшай олмас чамансиз, она,
Инсон хор бўлгайдир Ватансиз, она.
Ватан барчамизга буюк онадир,
Сиз буюк Ватансиз, Ватансиз, она.*



АБАЙ

QORA SO'Z

БЕШИНЧИ СЎЗ

Кўқрак тўла қайғу кишининг ўзига ўзи эгалик қилишига қўймай, танасини сирқиратиб, бўғинини қуриштириб, ё кўздан ёш, ё тилдан сўз бўлиб оқади. Қозоқлар “Э Худо, мени ёш боладай қайғусиз қилгин!” деб тилак тилаганини ўзим кўрдим. Буниси гўё уларнинг ёш боладан кўра эсли киши бўлиб, билмайдиган нарсаси йўқ, қайғуга ботган кишисингани. Қайғуси нима экан десанг, мақолларидан биларсан: аввали – “Тушгача умринг қолган бўлса, бир кунлик мол йиғ”, “Ўзингда йўқ бўлса, отанг ҳам ёт”, “Мол – одамнинг бовур эти”, “Моли борнинг юзи ёруғ, моли йўқнинг бети чориқ”, “Эр озиғи билан бўри озиғи – йўлда”, “Эрнинг моли элда, эрингнинг моли кўлда”, “Берган – парда бузар”, “Олағон кўлим – берағон”, “Мол топган эрнинг ёзиғи йўқ”, “Бойдан умидсиз – Худойдан умидсиз”, “Қорнинг очса, кўринган уйга чоп”, “Қирғоғи йўқ кўлдан без, хайири йўқ элдан без” деганга ўхшаш сўзлари ҳисобсиз тўлиб ётибди.

Бу мақоллардан нима чиқади? Маълум бўлди: қозоқ тинчлик учун, илм учун, билим учун, адолат учун ғам емайди экан, мол учун ғам ер экан, бироқ ўша молни қандай топишнйам билмайди экан, бор билгани моли борларни алдаб олиш ёки мақтаб олиш, бермаса, улар билан ёвлашиш экан. Молли бўлиш учун отаси билан ёвлашишни ҳам уят кўрмас экан. Ҳайтовур, ўғирлик, қувлик-шумлик, тиланчиликка ўхшаган қилиқларнинг қайсисини қилиб бўлса-да, мол топса, айбдор санамаслик керак экан.

Буларнинг ёш бола ақлидан нимаси ортиқ? Бироқ ёш бола олов ёниб турган қизил ўчоқдан кўрқарди, булар эса дўзахдан ҳам кўрқмайди экан. Ёш бола уялса, ерга қарагувчи эди, булар ҳеч нарсадан уялмайди экан. Шуми уларнинг боладан ортиқлиги! Қўлимиздагини уларга талатмасак, биз ҳам улардай бўлмасак, биздан беади экан. Излаган элимиз шуми?

1891

ЎН ЕТТИНЧИ СЎЗ

Ғайрат, ақл ва юрак ўз хунарининг кераклиги юзасидан таллашиб, илмга юкинибди¹.

Ғайрат айтибди: “Эй илм, дунёда ҳеч нарса менсиз камолотга етмаслигини ўзинг биласан! Аввали, ўзингни билишга эринмай-толиқмай ўрганиш керак, бу – менинг ишим. Худонинг даргоҳида қабул бўлишга лойиқ ибодат қилиш ҳам, эринмай-зерикмай ўрнига келтириш ҳам – менинг ишим. Дунёга керакли хунар, мол-давлат, обрў-мансабни меҳнатсиз топиб бўлмайди. Бўлмағур нарсаларга қизиқмай, танани тоза сақлайдиган, гуноҳдан, кўрсақўпар енгилликдан, шайтон васвасасидан қутқарадиган, янглиш йўлга бораётган вужудни қайта йиғиштириб оладиган мен эмасми? Шундай бўлгач, манови иккаласи мен билан қалай талашади?”

Ақл дебди: “Хоҳ дунёга, хоҳ охиратга хоҳ фойдали бўлса, хоҳ зарарли бўлса, биладиган – мен, сенинг сўзингни уқадиган – мен; менсиз фойда излай олмайди экан, илмни уқиб ўргана олмайди экан, бу иккови мен билан қалай талашади? Менсиз ўзлари нимага ярайди?”

Сўнг юрак айтибди: “Мен – одам танасининг подшосиман, қон мендан таралади, жон менда макон қилади, менсиз тириклик йўқ. Юмшоқ тўшақда, иссиқ уйда қорни тўқ ётган кишига тўшаксиз қашшоқнинг, совуқда тўнгиб юрган юпуннинг, емаксиз очнинг уйжойи қандай бўлибётир экан деб ўйлатиб, жонини ачитиб, уйқусини қочириб, тўшагида безовта қиладиган – мен. Каттадан уялтирадиган, кичикка раҳм қилдирадиган – мен; бироқ одам мени тоза сақлай олмайди, охирида хор бўлади. Мен тоза бўлсам, одам боласини олалаб айирмайман; яхшиликдан ҳилвираб эриб кетадиган, ёмонликдан жирканиб ғазабга минадиган – мен; адолат, инсоф, уят, раҳм, меҳрибончилик дейдиган

нарсаларнинг бари мендан чиқади. Улар менсиз кун кўра олармиди? Манови иккови мен билан қалай талашади?”

Шунда бу учовининг сўзларини тинглаб турган илм:

– Эй ғайрат, айтганларинг бари рост. Бундан бошқа кўп хунарларинг борлиги ҳам рост, сенсиз ҳеч нарса бўлмаслиги ҳам рост, бироқ қариганинг сари қаҳринг қаттиқлиги ҳам мўл, фойданг ҳам мўл, зараринг ҳам мўл, гоҳ яхшилиқни, гоҳ ёмонликни яшириб кетасан – шунинг ёмон.

Эй ақл! Сенинг айтганларинг ҳам бари рост. Яратган Тангрини-да сен танитасан, яралган икки дунёнинг жойини-да сен биласан. Бироқ шу билан туриб қолмайсан, амал ҳам, ҳийла ҳам сендан чиқади. Яхшининг ҳам, ёмоннинг ҳам суянгани, ишонгани – сен; икковининг излаганини топиб бериб юрасан – шунинг ёмон.

Сен учовингнинг бошингни қўшмоқ – менинг ишим. Бироқ бунда бошқарувчи, амр берувчи юрак бўлгани маъқул. Ақл, сенинг қирранг кўп, юрак сенинг ўша кўп қиррангга юрмайди. Яхшилик айтганига жони-дили билан хумор бўлади. Кўнмак тугул кувонади². Ёмонликнинг айтганига эргашмайди. Эргашмак тугул жирканиб, уйдан қувиб чиқаради. Ғайрат, сенинг қуролинг кўп, кучинг мўл, лекин юрак сени-да ўз эркинга қўймайди. Ўринли ишга кучингни аятмайди. Ўринсиз ерга кўлингни бўшатмайди. Шу учовинг бошингни қўш, баринг ҳам юракка бўйсун.

Бир кишида учовинг менинг айтганимдай топилсанглар, товонининг тупроғини кўзга суртарлик хосиятли одам – шу.

Учовинг ола бўлсанг, мен юракни ёқлайман.

Худойлик шунда, аслингни тоза сақла, Худо таоло аслиннга доим қарайди, китобнинг айтгани – шу, – дебди.

1893

¹ Ўтинч билан юзланибди.

² Қўнибгича қолмай, кувонади ҳам.

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ СЎЗ

Болаларни ўқитган яхши, бироқ Тангрига қулчилик қилишга, туркийни танишга етарли даражада ўқиса бўлгани. Шунинг учунки, бизнинг юрт дор ул-хароб³, бунда аввали мол топиш керак, ундан сўнг араб, форсий керак. Қорни оч кишининг кўнглида ақл, бўйида ор, илмга хуморлик қайдан бўлсин? Мол топса, қорин тўяди. Ундан сўнг, билимдан кўра ҳунар керак экан. Шуни ўрганагин ҳам боламга ўргатагин деб, яхши ўйлаб юради.

Ўрисча ўқиш керак, ҳикмат ҳам, мол ҳам, ҳунар ҳам, илм ҳам – бари ўрисда. Зараридан нари, фойдасига ўртоқ бўлиш учун тилини, илмини билмак керак. Бунинг сабаби улар дунё тилини билиб, шундай бўлди. Сен унинг тилини билсанг, кўкрак кўзинг очилади. Ҳар бировнинг тилини, ҳунарини билган киши у билан бирдайлик даъвосига

киради, ўта орсизлик билан унга ялинмайди. Динга ҳам яхши билган керак.

Йўрғалик билан кўнглини олсам экан деган нодон ота-онаси, оғайин-юрти, дини, одамгарчилигини елкасига бир қоқиб қўйишга сотади. Фақат бошлиқнинг қулгани керак деб кети очилса-да, ғам емайди.

Ўриснинг илми, ҳунари – дунёнинг калити, уни билганга дунё арзонроқ тушади. Лекин шу кунларда ўрис илмини боласига ўргатаётган кишилар шунинг қуввати билан яна қозоқни ангнасам⁴ экан дейди. Йўқ, бундай ният керак эмас. Молни қандай ҳалол меҳнат қилган топар экан, шуни ўргатайлик, буни кўриб яна ўрганувчилар кўпайса, улуғсинган ўрисларнинг юртни законли-законсиз, бирдай хўрлашига кўнмас эдик. Қозоққа кўриқчи бўлайин деб, биз ҳам эл бўлиб, бошқалар билганни билиб, халқ қаторига қўшилиувнинг ғамини ейлик деб, ният қи-

Кўп асрлик оғзаки ижод тажрибасига эга қозоқ адабиётида янги босқични бошлаб берган Абай халқининг тафаккур тарзи ва турмуш йўсини замон талаблари даражасида бўлишини истаб, бутун кучини шунга йўналтирган оқин эди. У ижодий қудрати авж нуқтага етган 1890 йилдан “Қора сўз” асарини ёза бошлади. Саккиз йил давомида нафақат қозоқ, балки кўпчилик туркий адабиётлар учун янгилик бўлган фалсафий, дидактик, диний, ахлоқий, маиший, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий масалалар, этномуносабатлар акс этган битикни қозоққа туширди.

Асарнинг “Қора сўз” деб аталишига икки сабаб бор эди. Биринчидан, у назм йўлида эмас, “қора сўз” билан ёзилган. Иккинчидан, унда қозоқ улуси мизожидаги иллатлар аяб ўтирмай “фош” этилган.

Абай ўз миллатини бир фарзанд сифатида яхши кўради. Унга шунчалик фидойи, ҳар бир қозоқ инсонлиқнинг юксак мақомига етишини орзулайди. Шу сабаб элатдошлари табиатидаги ҳар қандай камчиликни уйғоқ тафаккурининг заррабини ёрдамида кўрсатиб, ундан қутулиш йўллари излайди.

“Қора сўз” асари жанр нуқтаи назаридан ҳам бетакрор битикдир. Уни бир вақтнинг ўзида фалсафий трактат, шаръий-тасаввуфий рисола, миллатнинг турмуш тарзи ва ахлоқи тадқиқ этилган эссе, ўй кишининг миллат маиший-маънавий ҳаётини йўлга қўйишга доир қарашлари акс этган дидактик асар, турли этнослар ўртасидаги муносабатлар ўрганилган социологик тадқиқот, кўзчил иш одамнинг мавжуд ҳолатни ўнглаш юзасидан амалий тақлифлари ёки бугунги тил билан айтганда, “бизнес-режа” деб аташ мумкин.

“Қора сўз” – нафақат қозоқ, балки бутун Туркистон реалистик насрининг таваққули тадрижини кўрсатиши жиҳатидан ҳам ўзига хос эстетик ҳодиса. Абай

³ Дор ул-хароб – хароб уй. Бу ерда хароб юрт маъносида.

⁴ Ангнамоқ – пойламоқ. Бу ўринда чув туширмоқ маъносида.

лишни ўрганиш керак. Ҳозир ўрисча ўқиган болалардан ҳам кўп яхши киши чиқа олмай турибди. Сабаби ота-она, оғайин-туғишгани бир томондан бузибётир. Шундай бўлса-да, ўша ўқиган болалар анови ўқимаган қозоқ болаларидан узук ва ўзик⁵. Нима бўлганда ҳам уларга бирор сўзни уқтирса бўлади.

Яхши оталарнинг болалари ҳам кўп ўқигани йўқ, қайтага камбағалнинг болаларини ўрисга хўрлатиб қўйди. Улар бундан ортиқ нима қиларди? Ва яна қайбир қозоқ оғайиниси билан аразлашганда: “Сенинг шу зўрликларингга кўнганча, боламни солдатга бериб, бошимга соч, оғзимга мурт қўйиб кетмасамми?” дегувчи эди. Ўшандай ёмон сўзни Худодан кўрқмай, бандадан уялмай айтган қозоқнинг боласи ўқигани билан нима деган одам бўлсин? Шундан кейин ўзга қозоқ болаларидан ортиқ ўргангани нима, нимани кўп ўрганибди ўзи? Кирди-чиқди, илди-

қайтди, тубига етиб ўқиган бола йўқ. Отаси эл ақчаси билан ўқитганга аранг ўқитади, ўз молини қандай қилиб сарфласин?

Тўғрисини айтганда, боланга хотин олиб берма, энчи⁶ берма, борингни сотсанг-да, боланга ўриснинг илмини ўргат! Манови мен айтган йўл – мол аяр йўл эмас!

Худодан кўрқ, бандадан уял, боланг бола бўлсин десанг, ўқит, молни аяма!

Бўлмаса, ўзи бир ит қозоқ бўлиб қолгандан сўнг сенга роҳат кўрсатадим, ўзи роҳат кўрадим ё юртга роҳат кўрсатадим?

1894

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ СЎЗ

Бир куни Суқрот ҳақимнинг Аристодим деган олим шогирдига Худои тобарак ва таолога қулчилик қилиш тўғрисида айтган сўзи. Аристодим Худога қулчилик қилганлардан қулгувчи эди.

энг мураккаб фикрларни тоза қозоқ туркийсида ифодалайди. Асарнинг ифода йўсини қаламга олинаётган воқелик ва ҳолатга қараб тайин этилади. Қозоқнинг ҳаёт тарзи тасвирланган ўринларда тоза туркий, шариатга доир тасвирларда арабча-форсча иборалар, этнос ҳаётини замонавийлаштириш йўлларига тўхталганда русча киритмалар қўлланади.

Совет давридаги тадқиқотларда Абай дунёқараши шаклланишида рус ва Ғарб файласуфларининг материалистик таълимоти ҳал қилувчи аҳамият касб этган дея таъкидланиб, унинг қарашларидан моддийчилик унсурлари изланган. “Қора сўз” асари оқиннинг имони мустаҳкам мусулмон, оламга муслимнинг кўзи билан қараб, унинг ҳодисаларини мўминнинг тафаккури билан изоҳлайдиган файласуф, тариқатга доир жиҳатларни ҳам пухта биладиган диний билими теран уламо эканини кўрсатади.

Бу асарни ўз вақтида раҳматли ёзувчи оғамиз Носир Фозилов ўзбек тилига ағдарган эди. Лекин унда давр мафқураси сабаб баъзи ўринлар тушириб қолдирилган. Биз асарни тўлиқ таржима қилишдан ташқари, муаллифнинг ўзига хос услубини сақлаб қолишга уриндик.

Ҳукуматимиз Абай ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш юзасидан Қарор чиқаргани бежиз эмас. Зеро, унинг меросидан баҳраманд бўлиш нафақат қозоқ улуси, балки бошқа халқлар учун ҳам улкан бадиий-эстетик аҳамият касб этади. “Тафаккур” журнали илғари ҳам “Қора сўз” асарининг айрим бўлимларини Носир Фозилов таржимасида чоп этган эди. Янги таржимадан ҳам баъзи намуналар журналхонлар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

Таржимонлар

⁵ Узук ва ўзик – етук ва ўзиб кетадиган, узоққа борадиган.

⁶ Энчи – ота томонидан болага бағишланган мол-мулк.

– Эй Аристодим, сен қилган ҳунарлари сабаб одамларни танг қолдирадиган бирор одам борлигини биласанми? – деб сўрайди Суқрот.

– Бундай одамлар тўлиб ётибди, ҳазрат, – дейди шоғирд.

– Бирортасининг отини айт-чи, – дейди ҳаким.

– Ҳомерга бахшилиги, Софоклга трагедияси, яъни бировнинг ҳолатига кира олиши, Зевксисга суратчилиги сабабли танг қоламан, – деб, буларга ўхшаган ҳунарлари ошқору машҳур бўлган бошқа бир қанча кишини ҳам санайди.

– Ундай бўлса, қойил қолишга ким кўпроқ лойиқ: одамнинг жонсиз, ақлсиз, куруқ бичиминигина ясайдиган суратчими? Ё жон эгаси, ақл эгаси бўлган одамнинг ўзини Яратувчиси? – дейди устоз.

– Сўнгиси лойиқ, – дейди шоғирд, – бироқ Яратувчи яратгандан кейин яратик⁷, кези келиб, бошқача бўлиб кетмай, бошдан билиб яратилган ҳикмати билан қола билса!

– Хўп, дунёда фойдали нарса кўп, бирининг фойдаси билиниб, кўриниб туради. Қай бирининг эса фойдаси аниқ билинмайди. Шунинг қайсисида ҳикмат кўрасан?

– Фойдаси очиқ-ошқор кўриниб турганида ҳикмат бўлса керак, – дейди Аристодим.

– Хўш, шундай бўлса, одам боласини дунёга келтирувчи Ҳавога⁸ беш ташқи сезгини берганда, чуқур ўйлаб, одамга уларнинг фойдаси борлигини, унга тугал муҳтож бўларини бергани ошқор бўлиб турибди-ку? Аввали, кўзни кўрсин деб берибди, агар кўз йўқ бўлса, дунёдаги кўркли нарсалар кўркидан қандай қилиб лаззат олар эдик? Кўзнинг ўзи нозик бўлганидан керак вақтида очиб-ёпиб туриш учун қовоқ берибди. Елдан, учкундан сақлаш учун киприк берибди. Манглай терини кўзга туширмаслик ҳамда бошқа бир қанча керакли ишларни қилиш учун қош бериб-

ди. Қулоқ бўлмаса, на дангур-дунгур товуш, на яхши ун, куй, қўшиқ – ҳеч биридан баҳра олмас эдик. Бурун ис билмаса, дунёда нима хушбўй, нима бадбўйлигини қайдан билардик? Буларнинг бари бизнинг фойдамиз учун эмасми?

Шунда чуқур ўйлаб кўрган Аристодим Яратувчи тенгсиз ҳикмат эгаси экани ҳамда у инсонни улкан муҳаббат билан яратганига шубҳа қилмай қўйибди.

– Шундай бўлгач, нима деб ўйлайсан, ҳамма махлуқотни болаларига меҳрибон қилиб, уларни авайлатиб қўйгани ё ҳамма махлуқотнинг ўлимни ёмон кўриб, кўпроқ яшашни тилаб ижтиҳод қилиши, униб-ўсишнинг ғамида бўлишдан бошқа нарсани оз ўйлаши – буларнинг бари ўссин, унсин, юрт бўлсин дегани учун эмасми? Шуларнинг барини яратганда уларнинг кўнглини шунчалар тирикликка интиладиган қилиб қўйгани Яратувчининг яратикларини яхши кўрганидан эканини билдирмайдими?

– Эй Аристодим! Сен қалай бир ўзингдан, яъни одамдан бошқада ақл йўқ деб ўйлайсан? – дебди устоз. – Одамнинг танаси ўзи юрган ернинг заррадай кумига ўхшаш эмасми? Тананга бўлган намлик ердаги сувнинг бир томчисидай эмасми? Хўш, сен бу ақлга қайдан эга бўлдинг? Ишқилиб, қайдан келса-да, жон деган нарса келди-да, шундан сўнг сен ақлга эга бўлдинг. Бу оламни кўрдинг, ўлчовига ақлинг етмайди, келбату кўринишнинг ҳам ўзига муносиб, ярашиқли қонун билан яратилганини, ҳеч бирининг бузилмаслигини кўрасан. Буларнинг барига танг қоласан, ҳам ақлинг етмайди, шуларнинг бари кези билан бир нарсадан яралганми ёки буларнинг эгаси бир ўлчовсиз улуг ақлми? Агар ақл билан бўлмаса, қандай қилиб ҳисобига, ўлчовига ўй етмайдиган дунё ҳам бир турли заруратга кўра яратилиб, ҳам бир-бири-

⁷ Яратик – яратилган нарса.

⁸ Ҳаво – оламдаги биринчи аёл момо Ҳаво кўзда тутилган.

га сабаб билан боғлантирилиб, банданинг ақлига ўлчов бермайдиган пухта кўркам законга қаратилиб яратилди?

– Бу айтганларингнинг бари батаҳқиқ рост, Яратувчининг ортиқ ақл эгаси экани маълум бўлди. Худонинг улуғлигига шак келтирмайман. Бироқ шундай улуғ Худо менинг қулчилигимга қандай қилиб муҳтож бўлади? – дебди шогирд.

– Эй Аристодим! Хато қиляпсан. Муҳтож бўлмаганда ҳам биров сенинг ғамингни еса, сенинг ундан қарздор эканингни айтишга ҳам устоз керакми? – дебди.

Аристодим:

– У менинг ғамимни еётганини мен қайдан биламан? – дебди.

– Хўш, ундай бўлса, барча махлуқларга қара, ўзинга ҳам қара, жонни баримизга-да бериб қўйибди. Жоннинг ёруғини баримизга ҳам бирдай уқарлик қилиб берибдими? Одам олдини, ортини, бугунги кунини – учовини-да ўйлаб, текширади. Ҳайвон ортини, ўша кунини-да чала-чулпа билади, эртанги кун ҳақида ўйламоққа эса қодир эмас. Ҳайвонга берган танага қара, одамга берган танага қара. Одам икки оёғини босиб тик туриб, дунёнинг борини текис кўришга, бари-ни текис текширишга қодир, унда ўзга ҳайвонларни ўзига бўйсундириб, фойдаланиш имконияти бор. Ҳайвоннинг бари оёғигагина ишонади, ўзидай бошқа бир ҳайвонни бўйсундирарли ҳоли йўқ. Одам ўз-ўзига ишон-маса, одамни-да ҳайвон каби қилиб яратса, ҳеч нарсага ярамас эди. Ҳайвонга одамнинг ақлини берса, бунча чеварлик, бунча дарқорлик, бир-бирига илм ўргатишдаги бунча чечанлик, салоҳият бу танага тўғри келмасди. Қайси ҳўкизнинг шаҳар қуриб, қуролу неча турли асбоб ясаб, сиполик ва чеварликнинг уддасидан чиқарлик ҳоли бор? Бироқ одам боласи суюкли бўлмаса, бу ажойиб ақлни янада ажойиб тарзда ясалган танага киргизиб, бунча салоҳият эгаси қилгани ҳикмат билан ўзга ҳайвонларга султон қилганига далил эмасми? Агар да-

лил бўлса, одам боласини ортиқ кўриб, Оллоҳнинг ўзи унинг ғамини аввалдан ўйлаб яратганига-да далил эмасми? Энди одам боласининг унга қулчилик қилишга қарздор экани маълум бўлмадими? – дебди Сукрот.

1894

ЎТТИЗ ИККИНЧИ СЎЗ

Илм-билим талаб қилувчилар аввали билмоғи керакки, талабнинг бир қанча шартлари бор. Уларни билмоқ керак, билмай излаган билан топилмас.

Аввали – илм-билим топилса, ундай бундай ишга сарфлар эдим, дунёнинг бир қизиқарли нарсасига керак бўлар эди деб излаш керак. Бунинг учун илм-билимнинг ўзигагина хумор, интиқ бўлиб, биргина билмоқликнинг ўзини фойда санасанг, ҳар билмаганингни билган вақтда кўнгилда бир роҳат, хузур ҳосил бўлади. Ўша роҳат билганингни маҳкам ушлаб, билмаганингни тағи-да шундай билсам экан деб умидланган хумор, муҳаббат пайдо бўлади. Шунда кўнглинг ҳар бир эшитганинг, кўрганингни яхши уқиб, аниқ ўз сурати билан ичга жойлаштириб олади.

Агар кўнглинг бутунлай ўзга нарсада бўлса, илм-билимни ўшанга сабабгина қилмоқ учун ўргансанг, ундай билимга кўнглиннинг меҳри ўғай онанинг ўғай болага меҳри сингари бўлади. Одамнинг кўнгли чин меҳрланса, илм-билимнинг ўзи-да одамга меҳрланиб, тезроқ ўзлашади. Чала меҳр чала пайқайди.

Иккинчи – билимни ўрганганда тоза мақсад билан билмоқ учун ўрганиш керак. Баҳс учун ўрганма, озроқ баҳс-ку кўнглини пишқирмоқ учун зарар эмас, аммо у кўпайиб кетса, одамни тузамак тугул бузади. Бунинг сабаби – ҳар бир баҳсчи одам ҳақни юзага чиқариш учун эмас, энгиш учун баҳс қилади. Ундай баҳс ҳасадни зўрайтиради, одамчиликни озайтади. Унинг мақсади илмдаги мақсад бўлмайди, одам боласини чалкаштириб, ёлғон сўзга енгдирмоқчи бўлади. Бундай хаёл ўзи ҳам бузуқларда бўлади. Юзта тўғри йўлдаги одамни адаштирувчи киши бир қинғир

йўлдагини тузатган кишига садаға бўлаверсин! Баҳс – ўзи илмининг бир йўли, бироқ унга ҳирсланиш ярамайди. Агар баҳсга ҳирсланса, ўзбилармонлик, мақтанчоқлик, ўжарлик уни енгса, бундай одам бошига хўрлик келтирадиган ўтирикдан-да, ўшақдан-да⁹, уриш-тепалашдан-да қочиб қутулмайди.

Учинчи – ҳар бир ҳақиқатга тиришиб, ижтиҳодинг билан кўзинг етса, шуни тут, ўлсанг-да айрилма! Агарда ундай билганлигинг ўзингни енга олмаса, кимга қимматли бўлади? Ўзинг ҳурматламаган нарсага бошқалардан қандай қилиб ҳурмат кутасан?

Тўртинчи – одамнинг ичида илм-билимни кўпайтишнинг икки йўли бор: бири – мулоҳаза, иккинчиси – муҳофаза, билганни сақлаш. Бу иккови қувватни зўрайтишга хизмат этади. Булар зўраймай, илм зўраймайди.

Бешинчи – ушбу қорасўзининг ўн тўққизинчи бобида ёзилган ақл касали деган тўрт нарса бор. Шулардан қочиш керак. Уларнинг ичида лоқайдлик, парвосизлик деган бир нарса бор, жоним, шунга ўта соқ (хушёр) бўл, аксинча, у аввали – Худонинг, иккинчи – халқнинг, учинчи – давлатнинг, тўртинчи – ибратнинг, бешинчи – ақлнинг, орнинг – барининг душмани. У бор жойда булар бўлмайди.

Олтинчи – билимни, ақлни сақлайдиган миназ¹⁰ деган совути бўлади. Шу миназ бузилмасин! Кўрсақўпарлик билан, енгиллик билан ё бировнинг ўринсиз сўзига, ё бир кез келиб қолган қизиқишга бўла чалғий берсанг, миназнинг бутунлиги бузилади. Ундан сўнг ўқиб-ўрганишдан фойда йўқ. Қўядиган ўрни йўқ бўлгандан кейин уларни қаерда сақлайсан? Қиламан деганда қиларлик, тураман деганда турарлик миназда озмайдиган ақлни, орни сақларлик иродаси, ғайрати бор бўлсин! Бу ирода биргина ақл, ор учун бўлсин!

1895

ЎТТИЗ БЕШИНЧИ СЎЗ

Маҳшар уни Худо таоло ҳожи, мулла, сўфи, жўмард, шаҳидларни қатор қўйиб сўроқ қилади, дейишади. Дунёда иззат учун, сий¹¹-ҳурмат олиш учун ҳожи бўлганни, мулла бўлганни, сўфи бўлганни, жўмард бўлганни, шаҳид бўлганни бир бўлак қўяди. Охиратга бўла¹², биргина Худо таолонинг розилигини топмоқ учун бўлганларни бир бўлак қўяди, дейишади.

Дунё учун бўлганларга: “Сенлар дунёда ҳожиака, муллака, сўфака, мирзака, ботирака аталмоқ учун иш кўрсатиб эдинглар, у дунёларинг бунда йўқ. Сенларнинг у ширин дунёларинг хароб бўлган, шу билан қилган хунарларинг-да битди. Энди бунда ҳурмат олмоқ тугул, сўроқ беринглар! Мол бердим, умр бердим, нима учун шу молларингнинг, умрларингнинг бетига охиратни тутиб, юртни алдаш учун сарф қилдинглар?” деб айтади.

Анови чин ният билан ўрнини топиб, ёлғиз Худонинг розилиги учун хунар қилганларга: “Сенлар биргина менинг розилигимни излаб молларингни, умрларингни сарф қилган эдинглар, мен рози бўлдим. Сизларга яраша ҳурматли жойим бор, тайёр, киринглар! Ҳам ўша розилиқларингдан бошқа шу маҳшар ичида, сизлар қилган ишларингизни ўзи қилмаса-да, ичи эриб, интиқ бўлган дўстларинг топилса, уларни-да шафоат қилинлар!” деб айтар экан.

1896

ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ СЎЗ

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида айтилибди: “Ла иймана лиман ла ҳайаа лаҳу”, яъни – ҳаёси йўқнинг имони ҳам йўқ. Бизнинг қозоқнинг-да “Уят кимда бўлса, имон шунда” деган мақоли бор. Энди бу сўздан билинди:

⁹ Ўшак – гийбат, изво.

¹⁰ Миназ – мизож, характер.

¹¹ Сий – сийлов, эҳтиром.

¹² Бўла – учун.

уят ўзи имоннинг бир мучаси экан. Шундай бўладиган бўлса, билмак керак, уят ўзи қандай нарса?

Бир уят бор – нодонликнинг уяти, ёш бола сўз айтишдан уялгани каби яхши одамнинг олдида ҳеч қандай ёзиқсиз, шунчаки бориб йўлиқшдан уялиш. На шариатга терс, на ақлга терс ёзиғи йўқ бўлса-да, нодонликдан бўйини кўрсатмай, тортинчоқлик қилиб, уялмас нарсадан уялган бундай уят чин уялиш эмас – аҳмоқлик.

Чин уят шундай нарса, у шариатга терс, ё ақлга терс, ё одамнинг обрўсига терс бир иш сабабли бўлади. Бундай уят икки турлидир. Бирови – ундай қилиқ ўзингдан чиқмай, бошқа бир одамдан чиққанини кўрганда, сен уялиб кетасан. Бунинг сабаби шу уят ишни қилган одамни аяқдан бўлади. “Ё пирим-ей, манови бояқишга нима бўлади, энди бунинг ўзи не бўлади?” дегандай бир нарса ичдан раҳм сингари бўлиб келиб, ўзингни қисиб, қизартириб кетади.

Яна бирови – шундай уят, у шариатга терс, ё ақлга, ё одамнинг обрўсига терс, ё одамчиликка ярашмайдиган ярамас қилиқ, хатодан ёки нафсига эргашиб, ғофилликдан ўзингдан чиққандан бўлади. Бундай уят қилиқ қилганингни бегона киши билмаса-да, ўз ақлинг, ўз инсофинг ўзингни сўқкандан сўнг, ичдан уят келиб, ўзингга жазо торттиради. Кириб кетарга ер топа олмай, киши бетига қарай олмай, бир турли ҳолатга тушасан. Бундай уяти кучли одамларнинг уйқудан, томоқдан қоладиганлари ҳам бор, ҳатто ўзини ўлдирадиган кишилар ҳам бўлади.

Уят дегани – одамнинг ўз ҳолича одамчилиги, итлигини ўз ичидан бўйнига қўйиб, койитган руҳий қудратнинг оти. Бундай вақтда тилга сўз ҳам, кўнгилга ўй ҳам келмайди. Кўзингнинг ёшини, бурнингнинг сувини суртиб олишга-да қўлинг тегмайди, бир ит бўласан. Кўзинг кишининг бетига қараш ту-

гул, ҳеч нарсани кўрмайди. Бундай ҳолга етиб уялган одамни кечирмаган, ундан ўпкалаган ёки устига тағин аямай ўртантириб сўз айтган кишининг ўзининг-да одамчилиги йўқ деса бўлади.

Шу кунларда мен кўрган кишилар уялмоқ тугул, ҳатто қизармайди ҳам. “Ўша ишдан мен уятли бўлдим дедим-ку, энди ниманг бор?” дейди. Ё бўлмаса: “Бўлди-бўлди, ўша иш учун меноқ уятли бўлайин, сен ўзинг-да шундай қилмаганмидинг?” дейди. Ёки: “Фалон қилган, тугун қилган фалончи ҳам, тугунчи ҳам тирик юрибди-ку, меники уларникининг олдида нима деган сўз, фалондай, тугундай маниси бор эмасмиди?” деб, уялтираман десанг, бемалол ўтириб, жанжал чиқаради. Ўшани уялган киши деймизми, уялмаган киши деймизми? Уялган киши десак, ҳадис анови, яхшилардан қолган сўзи анови. Шундай одамни имони бор деймизми, йўқ деймизми?

1896

ҚИРҚ УЧИНЧИ СЎЗ

Одам боласи икки нарсадан: бири – тан, бири – жондан иборат. Шу икковининг ўртасида бўлган нарсаларнинг қайсиси жибиллий¹³, қайсиси касбий эканини билмоқ керак. Ичсам, есам, демакнинг боши – жибиллий, ухламоқ ҳам шунга ўхшайди. Озми-кўпми билсам экан, кўрсам экан, деган орзуларнинг боши ҳам – жибиллий. Ақл, илм – касбий. Кўз билан кўриб, қулоқ билан эшитиб, қўл билан ушлаб, тил билан татиб, бурун билан искаб ташқи дунёдан хабар олади. Бу хабарларнинг ёқимлиси ёқимли қолип билан, ёқимсизси ёқимсиз қолип билан, ҳар бири ўз сурати билан кўнгилга тушади. У кўнгилга туширувчи бояғи беш сезгидан ўтган сўнг, уларни жойлаштириб, кўнгилга суратлайди. Бу жоннинг жибиллий қувватидур. Бир унутилмас яхши нарсадан кўнгилга яхши асар, ёмон нарсадан кўнгилга

¹³ Жибиллий – тугма.



ёмон асар ҳосил бўлиши каби. Бу қувватлар аввалда кичкинагина бўлади. Эътибор қилган одам улканлаштириб, улғайтириб, у қувватларнинг қувватини зўрайтиради. Эътиборсиз қолса, қувватнинг қайсиси бўлса-да, йўқолади, тамомила йўқолмаса-да, сал-пал нарса бўлмаса, улканроқ бир ишга ярамайдиган бўлиб қолади.

Кимда ким сиртдан эшитиб билув, кўриб билув шекилли нарсаларни кўпайтиб олса, у – кўп йиққани бор одам: синаб, ўринли-ўринсизини – барини-да бояги йиққан нарсала-

ридан ҳисоб қилиб топади. Бундай одамни ақлли деймиз. “Худо таоло ўзи ақл бермаган бўлса, нима қилайлик?” дейиш, “Худо таоло сен билан мени бирдай яратибдими?” дейиш – Худо таолога ноҳақ айб кўйиб, ўзини қутқармоққа уриниш бўлади. Бу – ўйсиз, хунарсиз нодон одамнинг иши. Унга Худо таоло кўрма, эшитма, кўрган, эшитган нарсанга эътибор қилма, эсингда сақлама дебдими? Ўйин-кулги билан, ичмак-емак билан, ухламоқ билан, керилиш билан овора бўлса, ичингдаги хазинангни йўқотиб, ҳайвонга дўн дегани йўқ.

Қай бировлар “Ақл жибиллий бўлма-са-да, талаб – жибиллий. Талаб берилган одам ақлни топади, талаби йўқ киши топа олмайди”, дейди. Буям – бекор гап. Талаб болада ҳам бор, бунга талашиб бўлмайди. Боя айтдик-ку, қувват бошида кичкина бўлади, эътибор қилмаса, йўқолиб кетади, эътибор қилса, кутиб қувватлантурса, зўрайиб ҳам кетади деб. Жон қуввати билан одам ҳосил қилган хунарлар-да кунда текширсанг, кунда ошади. Кўп замон қўлламасанг, топиб олган хунарининг йўқолгани ва ўзининг у вақтдагидан бошқа бир одам бўлиб кетганини билмай қоласан. Қайси йўқолган хунар “Қара, мен йўқолдим”, деб хабар бериб йўқолади. Энди изласанг, аввалги топганидан қийинроқ топилади.

Жон қуввати дейиладиган қувват – жуда кўп нарса, бу ерда барини ёзишга вақт қайда? Бироқ ҳар бир хунарни ташқаридан топиб олиб ишга солгани, шунинг томирини маҳкам ушлаб туришга ярар эди. Кўп замон эсламаган одам бояги хунарни қизиқ, қимматли жиҳатларини йўқота бошлайди. Ундан сўнг яна кўп замон ўтса, шу хунарни сақлайдиган қувватнинг ўзи ҳам йўқолади. Ундан сўнг қайта касб қилиш осон бўлмайди.

Жон қувватининг ичида уч ортиқ қувват бор, зинҳор, шуларни йўқотиб қўймаслик керак. Улар йўқолса, одам ўғли ҳайвон бўлади, одамликдан чиқади. Бунинг бирови ўрисча “подвижной элемент” деб атала-

ди. Бу нима нарса? Ё кўрдинг, ё эшитдинг, ҳар нечук билдинг, шуни тезлик билан уқиб, уққанлик билан туриб қолмай, орти қайдан чиқади, олди қайга боради, шу икки ёғига-да ақл билан қарамоққа тез кўзгаб юборади. Агар бу бўлмаса, кўп билиш учун кўп ўқиш ҳам тузук фойда бермайди. Керакли вақтда ўйламай, керакли вақтда қилмай, керакли вақтда айтмай, доим вақтидан кеч қолсанг: “Эй, аттанг-ай. Ундай қилишим керак экан, бундай қилишим керак экан”, деб умр бўйи гофил бўлиб ўтирасан.

Яна бирови ўрисча “сила притягательная однородного” дейилади. У – бир нарсани эшитиб, кўриб билдинг, хуш келди, ҳозир шунга ўхшаган бошқа нарсаларни текширасан. Тугал ўхшаганми? Ёки биргина ерида ўхшашлик борми? Ҳарнечук шу ишга бир келишган ери бор нарсаларнинг барини ўйлаб, билганини текшириб, билмаганини сўраб, ўқиб, бошқа билан хабарлашиб бўлса-да, билмай тинчитмайди.

Учинчиси ўрисча “впечатлительность сердца” дейилади, яъни юракни мақтанчоқлик, фойдахўрлик, енгилтаклик, беғамлик – бу тўртови бирлан кирлатмай тоза сақласа, шунда сиртдан ичга борган ҳар нарсанинг сурати юракнинг ойнасига равшан бўлиб тушади. Ундай нарса бутун вужудга ёйилади, тез унутилмайди. Агарда бояги тўрт нарса билан юракни кирлатиб олсанг, юракнинг ойнаси бузилади, ё қийшиқ, ё хира кўрса-тади. Энди бундай нарсдан ўнгли натижа бўлмайди.

Ҳарнечук тан қуввати билан сиртдан топиб, сиртда сақлайсан, унинг оти давлат эди. Унинг ҳам неча турли иллоти, касофати бор эканини билмасанг, сақлай олмасдинг-ку. Шунга ўхшаш ичдаги жон қуввати билан йиққан нарсанинг оти ақл, илм эди. Унинг-да неча турли касали, касофати тегадиган

нарсалари бор. Буларни билмасанг, асраманг – айрилсан. Яна ҳар бир яхши нарсанинг ўлчови бор, ўлчовидан ошса, ярамайди. Ўлчовини билмоқ – керак иш. Ўйланмоқ – яхши ишга чинакам киришиб кетган одам ўйини тўхтата олмай, ақлдан озиб қолиши ҳам мумкин. Ичмак, емак, киймак, кулмак, кўнгил кўтармак, кучмоқ, суймак, мол йиғмоқ, мансаб изламак, оилали бўлмоқ, алданмаслик – буларнинг барининг-да ўлчови бор. Ўлчовидан оширилса, расвоси чиқади.

“Нимани астойдил кўп изласанг, шунинг куйигини бир тортасан”, деганлар. Боз махфий қолмасин, мен айтган уч қувватнинг ичида иккови, яъни “сила притягательная однородного” бирлан “подвижной элемент” – кўшилиб турадиган нарса, кулли фойда ҳам шулардан чиқади. Мансабсуйгичлик, мақтанчоқлик, аччигланувчанлик, ўтириқчиликка ўхшаган ҳар бир иллатга тортиб, ишқибоз қилиб, ақлдан оздириб юборадиган нарсалар бари шу икковидан бўлади. Буларни асослаганда яхши нарсалар билан асослаб, ёмон нарсалардан, яъни юқорида айтилмиш каби одамни одамликдан чиқариб, қиморбозликка солиб юборадиган нарсдан вужудни эрта тийиб олиш керак. Фойда-зарарни айирадиган қувватнинг оти ақл эди-ку. Биргина ақлнинг қуввати билан бунини тўхтатиб бўлмайди. Ҳам ақл, ҳам ғайрат – икки яхши қувват кўшилиб тўхтатади. Шу иккови кимда бор бўлса, бу қувватларнинг иккови-да оз бўлса, ёки бири бор, бири йўқ бўлса, бояги ёмон қувватлар боши боғсиз асов от, югансиз тоққа урадимми, тошга урадимми, сувга урадимми, Худо билсин, ҳайтовур, йўлда кўрган эсли, ақли дуруст одамлар ҳол сўраёлмай қолади. Сенда эрк йўқ. Икки этагинг ёйилиб, икки кўзинг осмонда, ўлгунингча масхара бўлиб ўтасан.

1898

**Қозоқ тилидан Ибодулла МИРЗАЕВ
ва Қозоқбой ЙЎЛДОШ таржимаси**



ИККИ О'ЎЯРНИНГ МУНАВВАТИ

Жорж Санд номини илк марта эшитганингизда кўз олдингизга эркакчи келган-а? Тан олаверинг, мен ҳам шундай деб ўйлаганман.

Аврора Дюдеван (адибанинг асл исм-фамилияси) Парижга келибоқ, бир томони қўли калталигидан (кибор хонимларнинг либосию ясан-тусанига қанча сарф-харажат керак!), қолаверса, сершовқину серғалва пойтахтда “эгасиз” аёл мақомида кун кўриш осон кечмаслиги важдан эркакча имижни танлайди. Ҳарқалай эркакча кийиниб, ўзини эркаклардек тутиб шаҳарнинг бева-бечоралар яшайдиган қасабаларини беташвиш кезиб, кўнгли тусаган одамни бемалол гапга солиши, қисқаси, халқ орасида юриб, ёзилажак асари учун хоҳлаганча материал тўплаши осон бўларди-да.

Қисқа фурсатда ёзувчи сифатида бутун Европага танилган, боз устига “ажабтовур” аёл деб ном чиқарган Жорж Санднинг шахсий ҳаёти ўта қизғину саргузаштга бой бўлгани маълум. Адибанинг бесаноқ хушторларию севги можароларини бирма-бир нақл қилиш ниятимиз йўқ, биз шулардан биттагинасини танладик...

Ким у Жорж Санд?

Ўн тўққизинчи асрда яшаб ўтган икки даҳо – Жорж Санд билан Фредерик Шопеннинг ишқ қиссаси бугун, орадан салкам икки аср ўтиб ҳам мухлислар тилида гўзал эртак мисол нақл этилаётир. Аммо ўша замонда

хам, ҳозир ҳам барчани бир ҳол таажжубга солиб келади: қадди-басти расо, табиатан ҳалим, нозиктаъб, оддий мураббийнинг ўғли бўлса-да, оқсуякларга хос таълим-тарбия кўрган мағрур бастакор қандай қилиб эркакшода, жозибаяу латофатдан йироқ бир аёлга кўнги қўйган? Қолаверса, унинг бўлғуси маъшуқаси ҳақидаги илк таассуроти ҳам мақтагулик эмас: "Бунчалик беўхшов экан-а бу Жорж Санд деганлари! Аёл деб атамоққа ҳам тил бормайди". Наҳотки, шу гапни айтган мардум ўша аёл билан оз эмас, тўққиз йил рўзгузаронлик қилган, ундан айрилгач эса неча вақт ўзига келолмай юрган ва



то умрининг сўнги онигача ундан кўнги узолмаган бўлса дейсиз! Демак, Жорж Санд ҳамма ўйлагани каби қўпол, аёллик сиёғи йўқ бир таъвия бўлмаган. Демак, эгнидан камзул-шим, бошидан шляпа, қўлидан сигара тушмайдиган калтабақай адиба бор аёллик назокатини эркакча қиёфа ортига яшириб юрар экан-да! Шопендек нозик дидли инсоннинг юрагини забт эта билибдими, демак, унда нимадир бўлган, ички гўзаллик деймизми, аёллик макрими... Шунинг учунмикан, домига илинган эркак зоти борки, Аврора хоним орани очик қилгач ҳам атрофида парвона бўлиб, ундан буткул воз кечиб кетолмаган. Бу гапдан адибамиз жазманларини тез-тез янгилайдиган ишратпараст бир сатанг бўлган экан-да, деган хулоса чиқмаслиги керак, йўқ!

Дарвоқе, унинг жодусига илинганлар орасида Проспер Мериме, Альфред де Мюссе каби машҳур ижодкорлар ҳам бўлган...

Аслида, тўрт яшарлигида ота-онадан (отаси ўттизга кириб-кирмай отдан йиқилиб жувонмарг бўлади; эрининг ўлимидан сўнг қайнона билан чиқишолмаган Авроранинг "зотипаст" онаси ҳам Парижга кетиб қолади) айрилиб, қаттиққўл буви қўлида тарбия топган қиз мумтоз севги романлари таъсирида китобий муҳаббатни орзу қилиб улғайган эди. Ҳаётда эса акси бўлди: вазият тақозоси билан ишқ-муҳаббат туйғусидан мосуво, қўлига китоб ушламаган кўрс-қўпол собиқ ҳарбийга эрга тегди. Агар Аврора енгилтак аёл бўлганида ана шундай тўпори билан тўққиз йил умргузаронлик қилармиди денг!

Тўйдан кейин бувисидан мерос қолган Париж яқинидаги Ноган кўрғонида янги келин уй-рўзғор ташвиши, куёв эса чорваю дала юмушлари билан ўралашиб кун кечира бошлади. Бувининг анъанавий тутумларига содиқ ўсган Аврора китобий орзу-ҳавасларидан воз кечиб, ўзини эрию турмуш ташвишларига бағишлайди. Бу орада бир ўғил, бир қиз фарзанд дунёга келади. Лекин эрининг совуқлиги, устига-устак, хурмача қилиқлари (мастми-соғми, уйда у тўшакка судрамаган оқсочу хизматкор аёл қол-

майди ҳисоб) ҳиқилдоғига келадию Аврора уй-жойни ташлаб Парижга жўнайди: бир муддат эр-хотин алоҳида яшаса, балки турмушлари изга тушиб кетар. Эр ҳам бу қарорга эътироз қилмайди.

Етарли маблағсиз йўлга отланган аёл пойтахтда кун кўриш осон эмаслигини, ҳар қадами чиқим эканини биларди, албатта. Шу боис у аввало пул топишни ўйлайди. Ажабки, шу ёшигача ёзувчиликни хаёлига ҳам келтирмаган одам кун кўриш учун айнан қалам ишини танлади.


Ижодкор дўсти Жюль Сандо Аврорани Париждаги ёш ёзувчилар билан таништиради. Тез орада 27 яшар хоним навқирон ижодкорлар даврасининг гулига айланади. Қизиқувчанлик уни Париж маданий жамиятининг турли тадбиру маросимларига етаклайди. Тўққиз йил мобайнида оилали аёл ўзини хонадони, эри, бола-чақасигагина бағишламоғи керак деган қаноат билан яшаган жувон авомлик ва тортинчоқлик кишанларидан озод бўлишга жон-жаҳди билан интилади. Пойтахтда чоп этиладиган газета-журналларни битта қолдирмай ўқийди, оқшомлари театр ва опера томошаларига боради, кундузлари кутубхонаю музейлардан бери келмайди.

Ўша кезлар Францияда мардикор ёзувчилик хунари роса урф бўлган эди. (Эсингизда бўлса, Оноре де Бальзак ҳақидаги бадиамизда ҳам бунга озроқ тўхталганмиз.) Аврорани шу ишга биринчи бўлиб қўл урган аёл қаламкашлардан дейиш мумкин. Аввалига ҳикояларини имзосиз нашр этириб юрган аёл кейинроқ дўсти Сандо билан ҳамкорликда роман ёзади. Ҳаммуаллифликдаги бу асарларга Жюль Санд деган тахаллус қўйиларди. Жюль Сандо ва ношир Делатушнинг таклифи билан илк маротаба Жорж Санд номидан чиққан роман Авроранинг ўзига тегишли "Индиана"дир. Асар тезлик билан тарқалиб, қўлма-қўл бўлиб кетади.

Шундай қилиб, қишлоқи уй бекаси Аврора Дюдеван нафақат пойтахтда, бутун Франция ва ҳатто Европада таниқли ёзувчи Жорж Сандга айланади. Ажабланарлиси, у барибир ёзувчиликка даъво қилмайди. Қалам суришдан ягона мақсади ҳали ҳам пул, тирикчилик эди.

Шопенни "илинтириш"

Жорж Санд кўплаб муҳаббат қиссаларини бошдан кечирганини айтдик. Бу ишқий саргузаштларда қаҳрамонимиз асосий ташаббускор бўлмаган, шунчаки Момо Ҳаво макри ила Одам Ато авлодларини "йўлдан урган", қарабсизки, қурбонларнинг ўзи унинг пойига бош уриб келаверган. Поляк бастакори Фредерик Шопенгина бу аёлни илк кўргандаёқ хушламаган, ҳатто муносабатини яширмаган. Унинг дидига мос хонимларга яқин ҳам келмасди-да бу эркакшода нусха. Қўл етмаган мева ширин туюлмайдими – Шопен ўзини тортган сари Авроранинг унга қизиқиши ортаверган.



Бу вақтга келиб адиба кўнгли тусаган нарсага эришиб ўрганган эди. У ўғли ва қизи билан Ногандаги кўрғонда истиқомат қилар, Парижга иш юзасидангина келар эди. Лекин ёш бастакорга ишқи тушгач пойтахтга серқатнов бўлиб қолди. Йўқ, ҳар қадамда қаршисидан чиқиб йигитга хиралик қилмайди, анчайин Париж маданий жамоатчилиги тадбирларида тез-тез кўрина бошлайди. Ҳар ҳолда Санд билан Шопеннинг ўртада дўстлари бор – кўришишга баҳона тайёр эди. Базму зиёфатлар эса моҳир бастакорсиз, унинг бетакрор мусиқаларисиз ўтмасди. У мусиқа чалаётганда Аврора ундан кўз узмай бир чеккада ёлғиз ўтирар, куй тугагач Шопеннинг ёнига келиб, олқиш-тасанно изҳор этар эди.

Шу ўринда ёш мусиқачининг Парижга келиб қолиш тарихига ҳам қисқача тўхталиб ўтайлик. Ўн тўққиз ёшидан Европанинг йирик шаҳарларида концерт бера бошлаган Шопен хорижда экан, Польшада мустақиллик учун курашлар авж олганини эшитади. У ватанига ошиқади, аммо йўлдан ортга қайтишга (исён аёвсиз бостирилган, етакчилари ҳибс қилинган эди) мажбур бўлади. Шу тариқа Дрезден, Вена, Мюнхен, Штутгард шаҳарларини кезиб, 1831 йили Парижга келади. Унинг бу кўҳна кентдаги илк концерти шов-шув ва муваффақият билан ўтади. Ўзи йирик томошаларга унчалик иштиёқманд эмас, кўпроқ француз киборлари даврасида соз чалиб машҳур бўлиб кетади.

Жорж Санд қизиқиб-суриштириб бастакорнинг ўтмишидан хабар топади: йигитнинг яраси янги – яқиндагина қаллиғи **Мария Водзинская** ундан воз кечган, ота-онаси: "Куёв бўлмиш бизнинг кўнглимизга ўтиришма-

ди, у қизимизни бахтиёр эта олмайди”, дея фотиҳани бузган экан. Куёвнинг ўзи бу савдолардан бировга оғиз очмаган эса-да, таскин-тасаллига зорлигини юз-рафтори айтиб турарди. Севги бобида тажрибакор адибамиз эса, табиийки, ғамбода кўнгилга юпанч бўлмоққа жон-жон деб киришади. Замондошларининг эътирофча, Аврора хоним бастакорнинг яқин дўсти Альберт Гржималага нақд ўттиз икки бетдан иборат ошкора дил иқрори – мактуб йўллайди. Адибага ҳам эскидан қадрдон бўлмиш Гржимала “Айни кунларда Шопен Парижда ўзини бениҳоя ёлғиз сезаётир, шундай экан, унга босим ўтказишнинг мавриди эмас. У буғудек ҳуркак, модомики, ниятингиз уни ром этмоқ экан, ҳозирча фавқулудда хоҳиш-майлларингизни жиловлаб турганингиз дуруст”, дея маслаҳат беради. Бу жавобдан Санднинг дили оғрийди, Гржимала юз-кўзинг демай бор гапни шартта айтибди. Ахир, шу чоққача умр йўлида дуч келган эркакларнинг бирортаси билан чиқишиб кета олмаганига айнан мана шу – ўжарлигию эркин феъл-атвори сабаб бўлмадими? Бироқ начора, қон билан киргани жон билан чиқармиш, ўзини ўзгартира олмаса! Истиҳолога на ҳожат, эри билан аллақачон ажрашган боши очиқ аёл бўлса, бунинг устига, Шопенни ўлгудек севиб қолган!

Айтишларича, оламдан ўтгач бастакорнинг ёндафтарчаси ичидан икки букланган бир қоғоз чиққан, унда Жорж Санд кўли билан “Сизни беҳад севадиганлар ҳам бор” деб ёзилган экан. Бу, эҳтимол, адибанинг айнан ўша – ёр кўнглини овламоқ бўлиб юрган кезларида битган хатидир.

Улар 1836 йили танишган бўлса, аёлнинг салкам икки йиллик “кураши” натижасида Фредерик ниҳоят унга майл билдиради: энди ошиқнинг тилидан “мафтункор Аврора” тушмай қолади. Айтганча, жазманлари орасида ёлғиз Шопен уни ўз исми билан атаган.

1837 йил октябрь ойида бастакор кундалигига бундай деб ёзади: “Уни бугун яна кўрдим. Мусиқа чалар эканман, меҳр тўла нигоҳини мендан бир зум узмади. Ўта ғамгин куй – “Дунай афсоналари”ни чалаётган эдим, юрагим гўёки ўзимга қадрдон бўлиб кетган бу мусиқага рақс тушмоқда эди. Менга қадалган бу тимқора кўзлар нима демоқчи ўзи? У пианинога тирсак тираганча тик турар, жоду нигоҳлари мени гўё аллалаб-аврар эди... Ён-атрофим гулу чаман... Мағлуб бўлдим, мағлуб! Аврора! Бунчалик сеҳрли исм!”

Хўш, бунисига нима дейсиз?

Аввалига ошиқ маъшуқасининг уйига яқинроқ манзилга кўчиб ўтади. Улар пинҳона учрашиб юради, дўстларининг зиёфатларида юзма-юз келиб қолишса, ўзларини эндигина танишгандек қилиб кўрсатишади. Орадан бир фурсат ўтиб улар шаҳарнинг сокинроқ бир гўшасидан ижарага уй оладилар. Бирга яшаётганларини ҳатто яқин дўстларидан ҳам сир тутадилар.

Майоркага саёҳат: заҳар бўлган “асал оyi”

Болаликдан касалманд Фредерик 1837 йили қаттиқ ўсал бўлади. Шифокорлар ҳукми хавотирли эди: сил балоси. Тиббиёт бу хасталикни даволашга ожиз бўлган ўша кезлар беморга асосан қиш-қировли мавсумни иссиқроқ ўлкаларда ўтказиш маслаҳат бериларди. Бундай вазиятда куйди-пишди Жорж Санд тинч ўтирармиди, дарров чора излайди. Унинг ўғли Морис ҳам камқон эди, шифокорлар унга ҳам бир муддат қуруқ иқлимда яшашни тавсия этган. Шу баҳона адиба уч “бола”ни – ўғли Морис, қизалоғи Соланж ва “болакай Шопен”ни (ўзининг таъбири) олиб Испанияга кетмоқни мўлжаллайди.

Саёҳатга биргаликда жўнамаган бўлсалар-да, пойтахт аҳли икки машҳури жаҳоннинг ишқий муносабатидан хабар топади, ҳамманинг оғзида шуларнинг ғийбати. Бастакорнинг “мухлиса”ларию адибанинг “муштарий”лари гўё мотам тутган. Башоратгўйлар ҳам топилади: “Мана, кўрасизлар, буларнинг ишқ қиссаси бошланмай туриб тугайди. Жорж Санд билан Шопен! Ахир бу сув билан ўт дегандек гап-ку!” Ҳатто яқин дўстлари ҳам бу муносабатнинг келажагига ишонмайди. Қарангки, дўст ҳам, ғаним ҳам янглишибди: бастакор билан адиба нақд тўққиз йил аҳилгина умр кечиради.

Саёҳат мавзусига қайтсак. Шопен йўлга отланганда аҳволи ўта аянчли эди – кузатгани чиққан дўстлари унинг қайтиб келишига умид ҳам қилмайди. Бироқ Майорка оролида олти ой – олтин кузакдан то гўзал кўкаламга қадар оғир ва сурункали хасталиқдан азоб чекиб яшаган бўлса-да, бастакорнинг соғлиги бирмунча тикланади. Хўш, бу фақат иссиқ иқлимнинггина шарофатиданмикан? Йўқ-да! Мудом бошида бир меҳрибон парвона бўлса, кимга ҳам ёқмабди дейсиз! Оролдаги ҳаловат Санд ва унинг фарзандларига ҳам маъқул келади: Мориснинг юзига қон югуриб, хасталиги арийди.

1838 йил 15 ноябрда яқин биродарига йўллаган мактубида Шопен ҳайрат билан бундай дейди: “Мен Пальмадаман! Кедр, алоэ, норинж, лимон, хурмо, анор дарахтлари... Феруза осмон, ложувард денгиз, зумрад тоғлар... Ҳавоми? Ҳаво – мусаффо. Кундузи офтоб чарақлаб ётади, иссиқ, эгнингда энгил-елпи либос; бу ерликлар кечалари соатлаб гитара чалиб қўшиқ айтаркан... Бутун шаҳар, ҳамма-ҳамма нарса Африкани ёдга солади... Хуллас, бу ердаги турмуш ғаройиб!..”

Бироқ тезда бастакоримизнинг ҳафсаласи пир бўлади. Маданиятдан бирмунча ортда қолган бу ўлкада инжиқтабиат одамнинг чидаши қийин эди. Франциялик меҳмонлар ижарага олган икки хонали уйдаги бор-йўқ жиҳоз – тўшаги қаттиқ буклама каравот, бир жуфт синиқ курси; ейдиган тармлари: балиғу саримсоқпиёз; камига, бу ердаги ҳамма-ҳамма нарса-

дан кўнгилни оздирувчи тахир ёғ ҳиди анқиб туради. Тўкин оилада ўсган Санд хоним бу камчиликлардан кўз юмиб, шарт-шароитни ўнгламоқ пайида елиб-югуради...

Оролдаги илк кунлари мароқли ўтади, албатта: гўзал табиат қўйнида сайр, авжи қиш палласи очиқ айвондаги мароқли суҳбатлар... Майорка ниҳоятда сокин гўша эди, бундаги сукунатни ўқтин-ўқтин қулоққа чалинадиган буқалар бўйнидаги кўнғироқ жарангию дарё тўлқинининг элас-элас шовқини бузиб турарди. Тез орада ёмғирли кунлар бошландию табиатдан баҳра олиш абас бўлди. Бу ернинг ёмғири ҳам ўзгача, ҳафталаб қуяди. Сайёҳларимиз ижара ўтирган уй бежиз "Шамол кулбаси" деб аталмас экан. Рутубатли ҳаво хасталикдан эндигина ўзини ўнглай бошлаган Шопенга дарров таъсир қилиб, яна йўтали тутди. Шаҳардан бирйўла учта шифокор чақирилади. Уларнинг "сил касали ўта юкумли" деган ҳукми қулоғига чалинган ижарадор меҳмонларни шу заҳоти уйдан ҳайдайди. Ўша кезлар бундай касал ётган хонадаги бор-йўқ ашё ёқиб юбориларди. Санд бунинг учун ҳам уй соҳибига бир дунё ҳақ тўлайди. Касаллик ҳақидаги хабар бир зумда тарқалиб, маҳаллий аҳоли келгиндилардан моховдан қочгандек қочадиган бўлади. Бундай вазиятда ким уларни ижарага қўярди дейсиз!

Қаҳрамонларимиз бош суқмоққа жой тополмай, ташландиқ бир монастирдаги ҳужрага ерлашади. Энди Санд хоним Шопенга ўзи овқат пиширади, тун-кун бошида ўтиради. Шунча ташвишдан ортиб, ул-бул қоралашга ҳам вақт топади.

Икки йилни мўлжал қилиб келган сайёҳларимиз қишдан чиқибоқ ортга қайтишга мажбур бўлади. Аммо қани энди бирорта кема "мохов"ни бортга олишга кўнса! Уддабурон Санд бунинг ҳам чорасини топади. Шопен кейинчалик хотираларида "Кемага ортилган чўчқаларнинг шароити бизникидан тузукроқ эди" дея эслаган – кема капитани уларга энг хароб қаютани раво кўрган эди.

Аммо шу қисқа сафар адиба учун ҳам, бастакор учун ҳам бесамар кетмайди: Жорж Санднинг "Шопен билан кечган қиш" асари ёзилади, энг шов-шувли романи "Консуэла"нинг бир қисми тугалланади; Шопен эса бир қанча баллада ва прелюдиялар яратади.

Бугунги кунда икки даҳонинг қадами теккан Майорка ороли ва улар бир муддат яшаган Вальдемоза монастири дунё сайёҳлари зиёрат қиладиган гавжум масканларга айланган.

Қурбонлик ва худбинлик

Башоратгўй дўстларнинг ҳафсаласини пир қилиб ошиқ-маъшуқ тобора аҳиллаша боради. Улар ҳар қишни Парижда, ёз мавсумини эса Ноган кўрғонида ўтказарди. Кўрғон атрофи дарахтзор боғ, этагидан дарё оқар-

ди. Ундан нариси кенг далалар, ям-яшил қир-адирлар... Гўё бу осойишта, хилват макон иккаласига атай мўлжаллангандек. Шопен 1839 йилдан 1947 йилгача бўлган давр мобайнида яратган сара музиқий асарларга мана шундай илҳомбахш муҳитнинг ҳам таъсири бўлгандир.

Фредерик одамови, хилватнишин бўлгани ҳолда Жорж одамохун, киришимли эди. Қўрғон баъзан гавжум бўлиб кетар, Ференц Лист ва графиня д'Агу, машҳур қўшиқчи Полина Виардо эри билан, таниқли рассом Делакура, Оноре де Бальзак бунда доимий меҳмон эди. Кундузи эркаклар овга чиқар, хонимлар китоб мутолааси билан машғул эди. Кечқурунлари барча дарё бўйлаб сайрга йўл олар ёки уйда концертми-томоша уюштириб кўнгил очар эди.

Севишганларнинг турмуши ана шу зайлда кечади, улар бир-биридан ҳеч безор бўлмас эди. Шопен маъшуқасига беҳад мафтун эди: "Мен муסיқа чала бошлашим билан Авроранинг кўзлари порлаб кетади, шунда олам ҳам ёришгандек бўлади. Бармоқларим клавишлар устида енгил-енгил югуради, унинг қалами ҳам қоғоз узра равон-равон кезади... Мен фақат сен учун яшасам, куйларимни фақат сенга атасам эди..."

Аммо йиллаб юрак тўрида асраб-ардоқланган туйғуларни ҳам гоҳо жимитдеккина ёлғон барбод этиши ҳеч гап эмас. Дунё дунё бўлибдики, соф муносабатни кўролмайдиган бахиллар ҳамини ҳозир у нозир бўлган. Шу тоифа охир-оқибат қаҳрамонларимизнинг ҳам орасини бузади...

Адибанинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади: "Бизники эртақлардаги каби ошиқ-маъшуқлик эмасди; туйғуларимиз шу қадар самимий ва жиддий эдики, бирон марта ростакмига жиқиллашмаганмиз. Ўй-фикрлари, диди, сиёсий этиқодига доим ҳам қўшилмасам-да (санъат бундан мустасно), унинг табиатини ўзгартиришга заррача уринмаганман. Аксинча, шахсиятини ҳурмат қилардим. Муҳими, Шопен менга шундай бир дўстлик инъом этдики, ҳали бирон одам билан бу қадар очиқ, яқин муносабатда бўлмаганман. У ҳам менинг машғулотим, қарашларим, этиқодимга даҳл қилмаган ва бу борада бирон бир манфаатни кўзламаган. Ўтган шунча йил мобайнида ҳеч қачон бир-биримиздан ёзғирмаганмиз. Бундай ҳол бир мартагина рўй берди, таассуфки – биринчисию сўнггиси ҳам шу бўлди..."

"Лукреция Флориани"

Жорж Санд хотираларида қайд этишича, Шопен билан оралари бузилишига аввал-бошда "ўгай ота" ва ўғилнинг ўзаро келишолмай қолгани сабаб бўлган. Касаллиги зўрайган сари бастакор асабий, ўр-ўжар бўлиб боради, бу эса ёш Морисга малол келади. Ўртадаги зиддият кескинлашиб шу даражага етадики, ўғил онага бу уйда ё у яшасин, ёки мен, дея шарт қўяди. Икки ўт орасида қолган она нима қиларди, ўғлига ён босади-да.

Эҳтимол, Морис билан Шопеннинг низоси анчайин баҳона бўлгандир. Аслида айрилиқ муқаррар, бунга аллақачон замин етилган эди. Муҳаббатнинг кучидирки, Жорж Санддек завқ-шавқи ичига сиғмас аёл ҳам ҳою ҳавасларидан воз кечиб, тўққиз йил умрини дардманд одамга бағишлайди. Муҳаббат кўпинча оловдек бир лов этади-да, сўнг туйғулар сокинлашади. Ошиқ-маъшуқлардан бири ҳадеб ўзини бахшида қилаверса-ю, иккинчисидан шундай фидойилик кўрмаса, унинг кўнглида шубҳа-гумон ўрмалашади тайин: севгиси сохта экан-да! Санд хоним ҳам узоқ йиллар мобайнида фидойи бека ролини ўйнади. У каби шартаки аёл учун бу осон кечмагани аниқ. Эҳтимол, дўстининг ўжарлигу рашкларидан у ҳам безгандир. Шу боисмикан, кейинчалик бошқа ижодкорлар даврасига ошиқадиган, аксар вақтини улар билан ўтказадиган бўлади. Бу эса ғала-ғовур издиҳомни жини суймайдиган Шопенга ёқмасди. Ана шундай кунларда Жорж Санд айтган – Морис билан Шопен ўртасидаги низо рўй берган бўлса ажабмас. Аввалига кунда-кунора Париж билан Ноганни боғлаб турган мактублар бора-бора сийраклашиб, охири Шопен Жоржнинг номаларига жавоб қайтармай кўяди: бастакорнинг севимли шогирди ... ва Авроранинг қизи Соланжнинг уринишлари беиз кетмайди. Санд Шопеннинг ҳол-аҳволдан энди парижлик дўстларига йўллаган мактублари орқалигина воқиф бўлиб туради.

Хотираларида у севгилиси билан муносабати бутунлай узилишида қизини ҳам айблаган. Бу вақтда Соланж бир ҳайкалтарошга эрга чиққан, тўйдан сўнг нимадир сабаб билан онасидан юз ўгириб кетган эди. Адиба бастакорга ёзган сўнги мактубида бу ҳақда аччиқ устида шундай дейди: "...унинг ҳатто туққан онани кўрарга кўзи йўқ, тап тортмай тухмат ёғдириб, лой чаплаб юрибди. Сиз эса шу бўлмағур ғийбатларга ишониб ўтирибсиз! Ўзимни оқламоқ учун жанжал кўзғамайман, бу менга ярашмайди. Ўзим кўкрак тутиб катта қилган зурриёд – рақибадан ҳимояланишдан кўра сизни у томонда кўришни афзал биламан".

Жорж Санд ўзини сиёсий фаолиятга уради – шу билан чалғийди. Дили хуфтон мусиқачи эса дўстлари маслаҳатига кўра Англияга жўнайди. Орадан бир йиллар ўтиб рамақижон бир аҳволда Парижга қайтади, айрилиқ фойда бермаган, Аврорасини унутолмаган эди у. Ўлимидан бир неча кун олдин бошида ўтирган дўстига "Ахир, сени ажалга бериб қўймайман, охирги нафасгача ёнингда бўламан, деб онт ичган эди-ку Аврора!" дейди алам билан. Унинг ўлим тўшагида ётганини эшитган Жорж Санд зиёратига ошиқади. Аммо уни Шопеннинг ёнига қўймайдилар: бу учрашувнинг беморга нафидан кўра зарар кўпроқ бўлиши мумкин эди.

1847 йили Жорж Санднинг "Лукреция Флориани" романи нашрдан чиққанида кўпчилик уни адиба билан мусиқачи ўртасидаги муносабатга бағишланган асар деб ўйлайди. Роман қаҳрамони Лукреция – Санднинг

Ўзи, у телбаларча севиб қолган манман йигит Кароль эса Шопен эмиш! Санд бу каби иддаоларни қатъиян инкор этса-да, асарда “жиноят излари”-ни пайқаш қийин эмас. Ўз даврида Жорж Санд ҳақида фосиқроқ гап-сўзлар ҳам юрганини айтган эдик. Унинг ўта ўзбилармонлиги, теран ақл-заковати, гапга усталиги эркакларни бир зумда ром этиб қўяр, шу боис унинг атрофидан хуштор аримас эди. Ишқий саргузаштлар бобида тажрибакор эканини ўзи-да тан олатуриб бундай дейди: “Агар ҳаётимни янгидан бошлаш имкони бўлганда, қадамимни ўйлаб босардим”.


“Лукреция Флориани” романида ёзувчи айнан мана шу феълени изоҳламоқ бўлгандек, қаранг, Флориани тилидан нима дейди: “Кўпчилик муҳаббат асосида ҳис-туйғу ётади деб ўйлайди, бу – янглиш фикр. Севги даставвал тасаввурларимиз орқали миямизни, сўнгра бутун борлиғимизни эгаллайди. Биз ўзимизни бахш этган эркакни худодек кўраимиз, жон-жигаримиз деб ўйлаймиз... Ҳар гал кимнидир севиб қолсак, мана шуниси чин муҳаббат бўлиб туюлади. Мен ҳеч қачон бирваракай икки эркакка кўнги қўймаганман, ҳатто хаёлан ҳам. Қачонки қалбимни ишқ ўти ёндирмай қўйса, дарҳол муносабатни узганман, вассалом. Рост, мен кўп бора ўлгунимча севаман дея онт ичганман – чин юракдан айтганман. Негаки ҳар гал бор вужудим билан талпинганман, бу менинг сўнги муҳаббатим деб ишонганман. Ҳа, сизлар мени бевафоликда айблайсизлар, бироқ мен минг бора аминманки, бировнинг олдида гуноҳим йўқ”.

* * *

Демак, ғурур деганлари муҳаббатни маҳв этиши мумкин экан-да? Бир-бирисиз яшай олмайдиган икки инсоннинг араз-гина сабаб буткул юзкўрмас бўлиб кетиши... аянчли эмасми?!

Айрилганларидан роппа-роса бир ярим йил ўтиб, Жорж Санд билан Фредерик Шопен Парижда бир дўстларининг уйи яқида тўқнаш келиб қолишади. Бу ҳақда адиба шундай ёзади: “Ҳижрон яраларга малҳам бўлади, туйғуларга сокинлик бахш этади, хотираларни холис баҳолашга имкон беради деб ўйлаган эдим – янглишибман. Мен уни яна кўрдим, бир онгина совуқ, титроқ қўлларини сиқдим. У билан гаплашиб олмоқчи эдим – юз буриб кетди. Вақт ҳаммасини жой-жойига қўяди, деб яна умид қилдим. Аммо бизнинг ўртамизда доим жоҳил кимсалар бўлган. Хайрихоҳларимиз ҳам йўқ эмас эди-ю, бироқ улар негадир орага тушмади”.

Кейинчалик ўша дўстлар ҳам, нодўстлар ҳам бу икки буюк инсон муҳаббатини муҳокама қилишдан тўхтамади. Баъзилари бу муносабат Шопенга фақат азоб келтирди, уни аламзада этиб қўйди дея Сандни қоралади. Бошқалари эса у билан ўтказган йиллари бастакор ижодий ҳаётидаги энг самарали давр бўлганини таъкидлаб юришди.



Тана – бир қафас

...Дарвиш айтдики, одам боласи тан соғлиги, насл саломатлиги деб қайғургани-қайғурган. Бормаган табибу шифокори қолмайди.

Бу – қафас ичидаги қушга ишингиз бўлмай, қафас ошёнини ямаб-ясқашдек бир гап...

Куни келиб жон қуши пир этиб чиқадию учади-кетади, ғофил банда эса қафасни созламоққа овора, овора...

Ғофил банда қўллари титраб қафас симларини узади-бузади, барҳаёт руҳ эса учади-кетади.

Худди шу янглиғ калласи танасидан узилган хўроз ҳам жон аччиғида ҳар томон чопади, оёқларига кўр-кўрона ишониб, қонини беҳуда оқизиб, ўзини у ёқдан бу ёққа уради.

Эҳ, каллаварам, нечун бунча чиранурсан? Қайга чопурсан энди?..

...Камина тилло хурмо дарахти тагида омонат танамни унутиб, мудраб қоламан.

Руҳим иссиққина пар кўрпа остидан чиқиб, фалакларга парвоз қилади...

Бироқ тонг отар-отмас жисмимга қайтади...

Уйқу чоғи руҳ танадан чиқиб, учиб юради, аммо танага қайтади.

Ажал етса, руҳ танани буткул тарк этади, унга қайтмайди...

Умр – қисқа туш.

Ўлим – адоқсиз туш.

Темур ЗУЛФИҚОРОВ

RIVOYAT VA RIOYAT

Худди дарё денгизга қуйилган мисол ҳаёт ҳам ўлимга туташур охир...

Мен энди адоқсиз туш кўрсам ҳам бўлар...
У дунёда Будда, Масих ҳамда Муҳаммадга дуч келсам дейман...

Улар бу фоний-заминни тарк этгани қачонлар эди...

Шу-шу, замин сағир қолгандек хувиллаб ётур...

Ёзувчилар

...Хўжа Насриддин боқий дунёга элтгувчи олисдаги сирли тоғ сўқмоқларию дарбадарларни фоний дунёга қайтаргувчи йўл-йўлаклар ҳақида китоб ёзар эди...

Бироқ на ер юзида ва на самода бу китобларни ўқиғувчи топилмагач, Хўжа ёзмай қўйди.

У ўқилмаган ана шу китобларига қоғоз бўлган дарахтлар олдида мулзам эди...

Бир кун Хўжа машхури жаҳону бой-бадавлат ёзувчини учратиб қолди.

У ғариб-ночор Хўжага нафрат тўла нигоҳини қадаб:

– Эй икки олам дарбадари, қара, сен ёзган китобларни шу кунгача биров очиб қарамади... ўқимади... – деди.

Улар куёв йўлига кўз тикиб ўтирган қари қизга ўхшайди... куёвдан эса ҳеч дарак йўқ...

Менинг китобларимга эса дарров харидор чиқади...

Бутун шаҳарни кезиб, боқ, қани, бирорта китобим қолганмикан... ҳатто бошқа шаҳару қишлоқлардан ҳам тополмайсан...

Шу китобларим қоғози учун беҳисоб дарахт кесилган.

Хўжа мунгайиб туриб, бундай деди:

– Кўрдим сенинг шу ажойиб китобларингни, қаламкаш биродарим...

Ёзувчи мамнун жилмайди:

– Уқилмаган китоблар донишманди, қаерда кўра қолдинг?..

Хўжа чуқур хўрсинди.

– Китобларинг жаҳаннам қопқасида сотилаётир... Одамлар уларни ўқишдан кўра жаҳаннам азобини тортмоқни афзал кўраётир, менинг қаламкаш биродарим...

Ҳатто жаҳаннамда ҳам китобларингга кўзим тушди.

Дўзахийлар ёзмишларингни ўқимаслик учун жон деб жаҳаннам оловида ёнмоқда ҳамда биқирлаб турган мумдан сипқормоқда...

Ёлгон битилган китобни ўқиш – дўзах азобидан баттар...

Ё Раб! Адашган гумроҳ китобхонга эмас, кесилиб кетган ўрмонларга ачинганим учун мени афв эт!

Ё Раб!..

Ёки мен дарахтларни одамлардан кўра кўпроқ яхши кўрармиканман...

Кейин Хўжа ёзувчини бағрига босиб, қулоғига шивирлади:

– Кечирасан, биродар... сени қадрлайман... Бироқ, ўзинг айт, ўлик китоб тоғлари оралаб эмас, танга роҳат бахш этгувчи баҳаво ўрмонларда сайр қилганга не етсин?!

Шундай дедию Хўжа жаннатларда ҳам ўсувчи дарахтлар оралаб кетди...

Ўрмонларни китоб ноширларининг болталарларидан ҳимоя қилмоқ эди дарди унинг...

...Каминга эса Ватан аталмиш кимсасиз қишлоқда тилло хурмо дарахти тагидаги ёғоч супада паркут кўрпага бурканиб ётибман.

Кумуш қорга бурканган тилло хурмонинг шохи бошим узра эгилган.

Хурмо егим келади-ю, иссиқ кўрпадан чиқишга эринаман, ширин уйқумни бузгим келмайди...

Хурмо, хурмо, пиш – ўзинг оғзимга туш...

Уйқу, уйқу – бунча ширинсан...

Ё Раб!

Қорда қолган хурмо, кумушга бурканган олтин – севимли китоб – оғочим менинг...

Кечалари Оллоҳ самолардан туриб уни ўқигай...

Мен билан бирга...

Ажал тўри

...Ё Раб!..

Мабодо, пайғамбару авлиёлар одамзоднинг омонат умрини ҳимоя этмоқ учун машиналар тараққиётини дуоибад қилмас экан, инсоният ҳам, тамаддун ҳам ҳалокатга юз тутгай...

Пайғамбарларнинг муқаддас каломлари ким эканимизни эсга солиб тургай...

Ким Худонинг бандаси, ким иблисининг бандиси эканин...

Бироқ энди пайғамбарларга ким ҳам қулоқ тутгуси?..

Бандаи ожизи сиёсатчию яллагининг сафсатасига маҳлиё, холос...

Шундай қилиб сиёсат ва шоу-бизнес қаламушлари Ҳаёт Оққуши ҳамда Маданият Товусини еб-ямлаб адо қилгуси...

Ё Раб!.. Токайгача далалару бошимизга бурган ҳукмронлик қилур?..

...Қандаҳор дарасидаги асов дарё соҳилида каттакон тош устида ўтирибман... сон-саноксиз юлдуз чарақлаган осмонга боқиб, танҳо ўзим Ёлғизлик Эверести – интернет ҳақида ўй сураман...

Одамнинг ер юзида ёлғиз қолиши бор...

Одамнинг Борлиқда ёлғиз қолиши бор...

Мана, интернет пайдо бўлди: энди бутун дунё – инсон кўз ўнгида, аммо у ёлғиз...





Интернет – Яратганга суикасд...

Интернет ёлғиз Ўзига аён сир-синаотни-да билмоққа жаҳд этаётир...

У ўлик донолиги билан одамни Худони танишдан чалғитаётир...

Сен кечаси юлдузли осмонга боқиб, Худого юрагингдагини тўкиб соласан...

Лекин кейин юлдузларни санай бошлайсан – Худо сени тарк этади...

Жонли Борлиқ ичра турганда шу жонсиз сўзлар сенга нима беради?..

Интернет – борлиқдаги ва инсоннинг улугвор қалбидаги бир тошдир...

Борлиқдаги оддий бир тош устида нима қилиб ўтирибсан?..

Интернет – қўндаланг ётган яна бир Бобил минорасидир...

Айтишларича, Иблисининг ўзи Бобил минорасини қурувчи оломонга бош-қош бўлганмиш...

Интернетни кашф қилганлар сафида у ҳам бор...

...Ё Раб! Тиниб-тинчимас бандаларинг ўзини дўзахга элтгучи осмонўпар Бобил минорасини қурмоққа бунча ҳавасманд!..

Дарҳақиқат, осмонўпар Бобил минораси жаҳаннам қаърига элтур!..

Яна у Сўнги Урушда Ер ёнаётган учар Юлдузга айланган маҳал вайрон бўлгуси, ана шунда уни томоша қилажак тирик жон қолмас...

Донишмандлик асоси – Оллоҳдан кўрқидир, бунда эса Худо билан рақобат қилмоқ жаҳд этилур...

Хўш, ким ўша Худого бас келмоқчи бўлган?..

Иблис-да...

Донишманд айтди:

– Агарки бутунжаҳон билагонлик тўри бор экан, унинг ичида ўргимчак ҳам бор...

Бу ўргимчак – Иблисдир...

Интернетга кирган заҳотинг Иблис йўлига ҳам кирасан...

Интернет – ўликлар шаҳри... Эҳромларга элтвучи сўқмоқдир...

Айниқса, ҳимоясиз, мўмин-қобилларга ачинасан... Халоскор (Масих) тилга олган бегуноҳларга...

Ўз палапонини интернет чангалига... ўлик шаҳар бағрига ташлаб қўйган ота-она қанчалик сўқир, шафқатсиз...

Мана, сёрсут она кўксини бугун бутунжаҳон “кўкрак” билан алмаштирдилар...

Маъсум гўдакнинг нозик гарданига интернетнинг зил-замбир тегирмон тоши осиб қўйилди...

Энди кўр кўр билан топишади...

Энди палапонлар ҳеч қачон ўзига хон, ўзига бек бўла олмайди...

Улар инида эканидаёқ интернетнинг ёввойи мушугу қузғунларига ем бўлади...

Интернетга кирганинг чоқ сен мушук ва қарғалар чангалига илинган момиқ палапонга айланасан...

Интернетга кирган заҳотинг ажал комига тушасан...

Иблис комига...

Ер юзидаги энг хунук томоша: пашша ўргимчак тўрига илинади, сўнг ўргимчак у томон ўрмалаб келиб, ўз домига ҳирс билан тортади, типирчилатиб қалин тўрига ўрайди...

Кейин қаттол хартумча-нишини санчиб, бор ширасини сўриб олади, қуритади...

Интернет ҳам инсонни шундай сўриб, қуритади...

Ё Раб!...

...Кечаси юлдузли самога тикиламан...

Менга яна ким керак?..

Ёлғиз Оллоҳ...

Ер юзидаги одамлар ҳам...
Интернет тўрига илинган ўлимтиқлар эмас, тирик жон керак...

...Тонг...

Мен Кондара қишлоғида яшайман...
Бугун кекса чўпон Ҳотамхўжа таваллуд топган кун. Чол юзга юзлашди. Хув яқинда эллик яшару, ҳали ҳам карсиллама олмадек бева Ҳанифабегимга уйланди, аёл бахтдан маст...

Чўпон аҳли қўрадаги совлиғини яхши билади.

Қишлоқ кезган чоғим болалар, эркагу аёллар ва кексаларга кўп дуч келаман...

Уларни бағримга босиб кўришаман, чақчақлашаман...

Одамнинг юзи – иссиқ...

Одамнинг нафаси – иссиқ...

Одамнинг табассуми – иссиқ...

Одам – асли қайноқ муҳаббат...

Аллақандай совуқ интернет унинг ўрнини боса оладими ҳеч?..

Оҳ, менинг ўлик тўрга илинган бечора ука-сингилларим...

Барчамиз алалоқибат хоки туробга дўнажак қадрдон қишлоғимизнинг чанг кўчаларини кезиб, сайр қилсангиз, бўлмайдими?..

Ё Раб!..

Янги оқланган пахса девор тагида ёқутранг атлас кўйлак, зумрабранг лозим, бухороча зардўзи дўппи кийган хуркак оху мисол қиз ял-ял ёниб турибди... Навниҳолнинг чеҳраси Алп тоғлари қоридек оппоқ... майда ўрилган кокиллари мумдек тим қора... мовий сўғд кўзлари ложувард денгиздек...

Бу мовий кўзлар – қадимги Сўғддан, қадимги Эрон шоҳлари Баҳромгўр Сосоний, Кайхисрав, Кирёвуш ва Дориёвушлардан мерос...

Искандар Зулқарнайн кўшинлари сафидан мерос...

Чингизхоннинг туман отлиқ кўшинларидан мерос...

Мана, ниҳоят, бу кўзлар менга боқди...

Оҳ!..

Қизга яқинлашаман... табассум қиламан... гапга соламан... ўз-ўзимча мамнун бўламан... шивирлайман...

– Маликаларга хос мурғак бошинга нечта кокил ўрдинг, қизгина?..

Шунда у жилмаяди ва дафъатан бошини менга эгади:

– Донишманд... шоир... Ўзингиз санаб боқинг-чи!..

...Алвон тасмалар қўшиб ўрилган кокиллар кафтимида чулғанади...

Ё Раб!

Бунинг олдида дунёнинг совуқдан-совуқ компьютерлари нима бўлибди!..

...О исми менга номаълум биродарим!..

Мен сенинг бармоқларинг жонсиз компьютер тугмаларини эмас, гўзал бир қизнинг тўлғониб турган кокилларини силаса дейман...

Ақча

Дарвеш Хўжа Зулфиқордан:

– Ақча недур? – деб сўрадилар.

Дарвеш жилмайиб деди:

– Оллоҳда ақча не қилсин?.. Сарик қақаси ҳам йўқ унинг...

Ақча дегани Шайтондадур...

Кимнинг ақчаси кўп экан, у Шайтонга ҳамроҳдир...

Агар ақчадан кўз узмасанг, қувларча тиржайган Шайтон лип-лип кўзинга чалинади...

Пайғамбарлар ҳеч қачон бировдан кулмагай – кулги-мазах Шайтоннинг иши...

Оҳ, минг шукр, чўнтагим доим қуруқлигию қув Шайтонга дуч келмаганимга беадад шукр...

Оллоҳда ақча не қилсин?.. Сарик қақаси ҳам йўқ унинг...

Шунданми, бойдан кўра фақир одам Оллоҳга яқин...

Ҳа, дарвоқе, борини камбағалга улашиб, ўзи фақирга айланган бойлар ҳам Оллоҳга яқиндилар...

Оллоҳ уларни икки қарра севгай...

Рус тилидан
Нигора УМАРОВА
таржимаси

Шерназар ҚЎШНАЗАРОВ

ROSTNING YOLG'ONDAN FARQI



Тафаккур деган сўзнинг луғавий маъноси фикрлаш бўлса-да, тўғри мазмун ва ижтимоий аҳамият касб этувчи, ақл ва билим, кузатув ва тажрибага асосланган, ўқувчи учун тушунарли шаклда ифодаланган фикрларнигина тафаккур ҳосиласи деб ҳисоблаш мумкин. Инсоният деярли ҳамма гапни айтиб бўлган, дейди баъзилар. Аммо такрор-такрор айтиб келинаётган кўҳна гаплардан ҳам ўз замонасига мос янгича фикр, келажак авлодга етказишга арзигулик янгича мазмун кашф этиш имкони ҳамisha бор. Бу борада кашшофлик қилмоқ учун одам файласуф бўлиши шарт эмас, фикрлашга чанқоқ ҳар ким бунинг уддасидан чиқиши мумкин.

Асли мутахассислиги физик бўлган Шерназар Қўшназаров ҳам фикрловчи замондошларимиздан.

Аблаҳ одамдан олинган “аблаҳ” баҳоси мақтовдек гап...

Айримларнинг яланғоч дунёсини кийими фoш қилиб қўяди.

Ақлсизлик ва билимсизлик орасида катта тафовут бор. Илмсиз киши ақлли бўлиши мумкин, лекин ақлсизга ҳеч бир илм қор қилмайди.

Воқеан, ақлли одамнинг илмсиз қолиши – ноёб ҳодиса.

Бедаватликка кўнган – бадаватдир.

Болаликда севиб ўқиган китобингиз зериктир-
дими – қарибсиз.

Дўстлар улфатчилик учун ҳам ярайди, улфатлар
эса фақат улфатчилик учун ярайди.

Ёлғизлик – ёлғиз қолиш эмас, кўпчилик ичида кўнглига
яқинни тополмасликдир.

Жиноятчининг жазосиз қолишида ҳам, бегуноҳнинг жа-
золанишида ҳам бир жиноятчи пайдо бўлади, бу – ноодил
ҳакам.

Имтиёзлар ҳамма учун баравар бўлса, имтиёз эмас,
қоида саналади, қоидалар ҳар ким учун ҳар хил бўлса –
бебошлик...

Инсон измига боғлиқ бўлмаган ҳодисаларгина табиийдир.

Кеча сиғинган одамига бугун тош отадиган халқнинг эр-
тага Худо тўғрисидаги гушунчалари ўзгармаслиги гумон.

Кимдир тобланади, кимдир товланади.



Китобингиз чоп этилиши чўзилиб кетганидан ташвишдамисиз ёки асарингизнинг умри қисқараётганиданми?

Лаганбардорлар ўз қўли остидагиларга бешафқат бўлади.

Одамга эга мансаблар бор, мансабга эга одамлар бор.

Ижодкор заковатининг чўққиси – ўзи ўқимаган китобга сўзбоши ёзиб бера олишидир.

Порахўрларнинг бошқа жиноятчилардан фарқи шундаки, улар ҳеч қачон очиқчасига уюша олмайдилар.

Рост гапнинг ишонтира олиш қурби оз, чунки у ўқдай тўғри – тўсиқларни айланиб ўтолмайди; ишонтириш учун ёлгон яхшироқ, у сариёққа ўхшайди – тўсиқни айланиб ўтолмаса ҳам, унга сингиб кетади.

Савияни йўл қўйилган хатога қараб ҳам билиш мумкин.

Сиёсат – реалликка зеб бера олиш ва эҳтимолийни муқаррар деб ишонтира билишдир.

Сукут – баъзан аҳмоққа жавоб, баъзан аҳмоқона жавоб.

Танқиддан қўрққан китоб ёзмайди.

Тарихчилари фақат ўтмишни, сиёсатчилари фақат келажакни улуғлайдиган халқнинг бугуни аросатдадир.

Тилёғламалик – сўз орқали бериладиган пора.

Тонгга етиш йўли ҳамиша тун орқали ўтади.

У дунё ташвиши билангина яшовчи киши бу дунё учун ҳам ташвишдир. У дунё тўғрисида қайгурмайдиган киши эса бу дунё учун қайғудир.

Хайриятки, ажал пора олмайди. Акс ҳолда, дунёда фақат пора билан кун кўрувчилар қоларди.

Худони қандай тасаввур этишингизга қараб, сизни тасвирлаш мумкин.

Ҳатто намоз ўқишингиз ҳам бировга халал бермаслиги керак.

Ҳокимлик ҳукм ўтказиш эмас, ҳукм ўтказаетганини сезмаслик ёки сездирмасликдир.

UMMONGA AYLANGAN TOMCHÍ

Alisher NAZAR mutolaa qiladi

СЎНГГИ ҲАЙҚИРИҚ

Абдулла О р и п о в. Эверест ва уммон. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2015.

“Мен сенга бир гап айтай”, деди шоир... Овози хаста, ўйчан кўзларида исмсиз бир дард яширин эди. “Эсимни таниганимдан бери ичимда бир ғам айланади. Худойим қалбимнинг бир чеккаси-ни тилиб қўйган. Ундан “чак-чак” қилиб ғам томиб туради. Масъуд ва бахтиёр кунларимда ҳам бу томчи тинган эмас”. У жуда тушкун ва умидсиз эди.

Суҳбатдош руҳан ёлғизланиб, жисман хасталаниб қолган шоирнинг кўнглини кўтарган бўлди: “Ўша “чак-чак” томиб турган нарса – шеър! Биз унинг тинишини зинҳор истамаймиз. Бу йил ана шу “томчи”лар “уммон”га айланиб кетди, бемалол бир китоб бўлади”. “Унда китоб қиламиз, номи ҳам тайёр: “Эверест ва уммон”!

Шоирнинг юзига табассум югурди. Суҳбатдоши шоирни яхши билар эди: уни фақат шеър билан овунтириш мумкин! Тажриба бу сафар ҳам қўл келди.

“Эверест ва уммон” шу тариқа дунё юзини кўрди.

Инсон умри зиддиятли ҳаёт ичра талошдир. Зиддият одамни тоблайти, чи-ниқтиради ва охир-оқибат емиради. Абдулла Орипов тириклик ҳақиқатининг та-гига етган донишманд шоир эди. У дунёга донишманд назари билан боқиб ўтди. Шунинг учун ҳам унинг шеърояти ҳикмат устига қурилган. Шоир кўрган-кечирган-

лари, ҳис этганлари ва англаганларидан чўнг бир ҳикмат чиқариб беради. Ҳатто арзимас туюлган маиший ҳодисадан мангуликка дахлдор, ҳаётӣй, поэтик хулосалар ясайди. У воқеликни теран кўради, нозик ҳис этади. Энг муҳими, нарса-ҳодисаларнинг “исми”ни бехато айтади:

*Қалдироқ гумбурлар юксак тоғларда,
Чилтор қилларидай таралар ёмғир.
Шамол шовуллайди қадим боғларда,
Буюк кўҳна дунё кўпчийди оғир.*



Юксак тоғларда момоқалдироқ гумбурлаб, ёмғир ёға бошлади. Ёмғирнинг чилтор қилларидай таралишини қаранг! Шамол шовурига кулоқ солинг, дунёнинг хамир каби кўпчишини кўринг! Бу манзарани фақат Абдулла Орипов чизиши мумкин. Бу ерда гап нафақат манзаранинг гўзаллиги, ифоданинг нозиклиги, сўзларнинг таъсирчанлигида, балки тасвир ва ҳаракатнинг изчиллигида ҳамдир. Тасвир, оҳанг ва ҳаракат уйғунлиги! Яхлит поэтик композиция!

Абдулла Орипов дунёсига кирсангиз, ич-ичингиздан бир ҳайрат тошиб келади. Шоир ерликка ўхшамайди! Унинг туйғулари, кечинмалари, ҳайрату изтироблари ва хулосалари бошқача... Балки шу боис ҳам у ўзини “танҳо куш” деб атагандир.

*Ўша қушдек яшадим чўчиб,
Сизни хавфдан айладим огоҳ.
Кетолмадим кўкка ҳам учиб,
Тополмадим ерда ҳам паноҳ.*

Шоир руҳи ердан паноҳ тополмайди, изнсиз кўкка ҳам учиб кетолмайди. У еру осмон миёнасида 76 йил кезди. Руҳий парвоз чоғларида гўё юксаклардан туриб Ерга, ерликларга назар ташлади. Ҳаётни гоҳида дунё томи – Эверестдан, гоҳида эса баҳри муҳит тубидан кузатди. Хаёлий ва ҳаётӣй саёҳатлар асносида бетакрор шеърлар яралди. “Эверест ва уммон” ҳам ана шундай теран сезимлар маҳсули ўлароқ дунёга келди.

Шундай мақомлар борки, инсон унга ўқиб-ўрганиб эришолмайди. Бу илмни ҳосил қилиб бўлмайди, у ато этилади. Руҳият кашшофлари унинг номини “илми ладунӣй” дейдилар. Муҳаммад Ғиёсиддин “Ғиёс ул-луғот”ида бундай ёзади: “Ладунӣй илм учга бўлинади: ваҳӣй, илҳом, фаросат”. Ваҳӣй – пайғамбарларга, илҳом – авлиёларга, фаросат эса аҳли тасаввуфга инъом этилган. Билишнинг энг мукаммал уч йўли!

Назаримда, Абдулла Орипов даҳосида ҳам риёзат билан эришиб бўлмайди-ган маърифат бор. Шоирнинг ақлни чатнатиб юборадиган шеърлари бунинг ёрқин далилидир. Хусусан, муаллиф “Эверест ва уммон”ини варақлаб, у вафотидан кейинги ҳаётини ҳам башорат қилганми, деб ўйлаб қоласиз.

*Ҳали тугамайди бу аччиқ қисмат,
Кимдир ном талашиб ақлдан озар.
Энг мудҳиш томони, ўтмай сал фурсат
Сени маҳв этганлар хотира ёзар.*

Абдулла Орипов бу китобни таълиф этаётган вақтларда хасталик сабаб руҳий мададга эҳтиёж сезарди. Ёшлик чоғларидаёқ истеъдоди ила ҳурмат қозонган, му-

дом эътибору эътирофда бўлиб келган шоирнинг яна эркалик қилгиси келарди. Бизнингча, унинг бунга маънавий ҳаққи ҳам бор эди. Лекин не тонгки, унга руҳан суянчиқ бўладиган “шоғирдлар” бугунгидек кўп эмасди. Шоир буни ҳис этади ва норасо қавмдан ранжиб:

*Фақат англар сени яратган Худо,
Муштипар она ҳам эмас мустасно.
Лекин ўтаверсин ҳар икки дунё,
Сени англаёлмас сендан яхшироқ,*

деб ёзади.

Ҳақиқатни баралла айтиш, умрий хатолар учун пушмон чекиш, келажак аҳлини хатолардан узоқ бўлишга даъват этиш “Эверест ва уммон” тўпламидан ўрин олган аксар шеърларга хосдир. Шоирнинг “Монолог” сарлавҳали шеъри бундай бошланади:

*Мен узоқ даврлар қароқчи бўлдим,
Шу ўлда тобланди ақл ва юрак.
Ўзимдан ўтганим мен ўзим билдим,
Сен нега қароқчи бўлишинг керак.*

*Мен ёпиқ қўргонда яшадим қўрқиб,
Нажот деворига тирмашдим узоқ.
Сен нега дунёга қарайсан ҳуркиб,
Нега сен бўлишинг керакдир қўрқоқ?*

Мутафаккир шоир қалбида узоқ йиллар акс садо берган, одамзоднинг кўҳна дардларини, мудом жавобсиз саволларини қамраб олган ички монолог... У “ки-бар” фаслида очиқ-ойдин ва баралла айтилгани билан ўқувчи юрагини қутлуғ бир титроққа чулғайди, ўз “монолог”ингизни ёзишга ундайди.

Абдулла Орипов ҳодисасини адабиёт илми ҳали кўп ва ҳўб тадқиқ этади. Чунки бу феномен оддий ўлчовларга, одатий қонуниятларга бўй бермайди. “Эверест ва уммон” эса адабиёт афсонасининг сўнги ҳайқирғи каби янгради.

ТАҚДИРГА КОТИБЛИК ОСОНМИ?

Оноре де Бальзак. Муҳаббат тилсими. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2016.

“Француз жамияти ўз тақдирининг яратувчиси бўлиб чиқди. Мен эса унинг котибиман, холос”, деб ёзади Оноре де Бальзак “Инсон комедияси” эпопеяси сўзбошисида. Майли, фаранг жамияти ўз тақдирини ўзи яратди ҳам дейлик, лекин унга котиблик қилиш осонми? Бу иш шунчалик жўн бўлганида, Бальзак бир суткада 15 соатдан ишлаб, 20 финжондан қаҳва ичармиди...

Ана шундай риёзатлар маҳсули бўлмиш ўлмас асарларда адиб ўз ички дунёсини очиб беради. Бальзак табиатан иримчи бўлган. Шу сабабли, унинг қаҳрамонлари ҳам ирим-сиримга ишонади. Гарчи адиб бу одатини очиқ-ойдин айтмаган бўлса-да, у ўз фикр-қарашларини ишоралар, қаҳрамонларнинг нутқи ва хатти-ҳаракати, фантастика ва мажоз уйғунлигидаги сюжет орқали ифодалайди. “Инсон комедияси” эпопеясининг “Фалсафий этюдлар” туркумига киритилган “Сағри тери тилсими” романи бунга ёрқин мисолдир.



Назаримда, ҳар қандай асар муаллифи ҳақида хабар беради. Аксар асар қаҳрамонларининг ўй-фикрларида муаллиф қарашларидан кўчирмалар бўлади. Яъни, ёзувчи асар қаҳрамонларини маълум маънода "ўзидан олиб" яратади. Бальзак ҳаётига назар ташласангиз, "Сағри тери тилсими"нинг бош қаҳрамони ҳам қисман ёзувчининг ўзи, деган хулосага келасиз. Муаллиф бундай ёзади: *"Замонавий кимё барча мавжуд нарсаларни газга айлантиргандай, инсон руҳи ҳам кўнгилдаги барча шодлик, ғоя ва куч-қудратни бир лаҳзада тўплаганида даҳшатли заҳар ҳосил қилмасмикан? Жуда кўп одамлар ана шундай руҳий кислоталардан... заҳарланиб ўлмаганмикан?"*

Ўз-ўзига бундай даҳшатли, руҳни остин-устун қилиб юборадиган саволни бериш учун инсон изтиробнинг юксак чўққисига кўтарилган бўлиши керак. Тўғри, манбаларда ҳаёти мобайнида адибга кўплаб ижодкор дўстлару гўзал хонимлар ҳамроҳ бўлгани, хусусан, Эвелина Ганская деган дилбар аёл билан мактуб ёзишгани, кўп йиллик айрилиқдан кейин у билан турмуш қургани ҳақида маълумот бор. Лекин шунга қарамай, Бальзак руҳан ёлғиз бўлган. Худди "Сағри тери тилсими"даги Рафаэль де Валентен сингари.

Муаллиф асар ибтидосида роман қаҳрамонини ўқувчига мураккаб бир вазиятда таништиради: сўнги ақчаларини қиморхонада бой берган, ночорлик ва қашшоқлик жонига теккан йигитча ўзини Сена дарёсига отмоқчи бўлади. Уни бу вазиятдан тасодиф қутқариб қолади. Албатта, зукко ўқувчи бу ўринда Бальзакдай забардаст адибга эътироз билдириши мумкин. Ахир, қашшоқларнинг ҳаммаси ўзини дарёга отаверса, дарё тошиб кетмайдими? Гап шундаки, Рафаэль замон талотўпларида йўқчиликка юз тутган зодагон оила фарзанди эди. Одатда, бой-бадавлат яшаб, кейинчалик қашшоқ бўлиб қолган одам буни фожиа деб билади. Сирасини айтганда, Рафаэлни Сенанинг совуқ сувларидан асраб қолган тасодиф уни ҳаёт дарёсининг даҳшатли долғалари томон отади. У кўп ўтмай сирли сўзлар битилган сағри тери соҳиби билан танишади. Бисотидаги кўҳна ва ғаройиб буюмлар билан савдо қилувчи Рафаэлни ҳайратга солган чол – тилсимли терини йигитчага тортиқ қилади. "Менинг эгам ҳамма нарсага эга бўлади" сўзлари битилган терини қўлида тутган қаҳрамонимиз эса уни олдинда нималар кутаётгани ҳақида ўйламай, ўткинчи лаззатлар денгизига шўнғийди. Тери парчасидаги "... аммо унинг жонига мен эга бўламан. Тангрининг иродаси шу!" деган огоҳлантиришга аҳамият ҳам бермайди. Атиги бир неча соат олдин яшашдан умидини узиб жонига қасд қилишга уринган Рафаэлни бу қадар тез чалғитган, тушкунликка солган барча хаёлларини тўзғитиб юборган туйғунинг номи нима эди? Таъкидлаш зарурки, бу туйғу – очкўзлик, эҳтирос, тийиқсизлик, иродасизлик, енгил-елпи турмуш кабиларнинг ғалати омухтаси эди. Бальзак гапни чувалаштирмай уни "Феодора" деб атайди.

Рафаэль – ижодкор. У жамиятга, одамларга фойдаси тегадиган асарлар ёзишни истайди. Бир сўз билан айтганда, эзгулик тарафдори. Бироқ вужудида уни ҳар дақиқада хато ва гуноҳлар кучоғига отиши мумкин бўлган куч бор. Унинг бир ёнида гўзал ва маккора Феодора, у ёнида эса соф муҳаббат тимсоли Полина. Фикри тиниқлашган кезларда Рафаэль ўзининг бахти покиза қалбли Полина қўлида эканини ҳис қилади. Аммо ихтиёрсиз равишда киборлар жамиятининг олтин тахтида, ялтироқсўз "ошиқ"лар қуршовида ўтирган Феодорага талпинади. "Сиз севиб қолган аёл сизни ҳалок этади!" Оқкўнгил Полинанинг Рафаэлга айтган сўзлари ўқувчи кулоғи остида муаллиф тилидан айтилган огоҳлантириш ёинки

башоратдек янграйди. Ўқувчи ҳам асар қаҳрамонига эргашган кўйи феодалар жамияти дунёсига кириб бораверади. (Биз Полинани асар поёнига яқинлашгандагина пайқаймиз.)

Рафаэль сағри тери ёрдамида истакларига эришади, лекин ҳаловат тополмайди. Ва провардида Полинанинг соф муҳаббатига сазовор бўлиш унинг учун ягона хоҳишга айланади. Йигитнинг бу истаги ҳам рўёбга чиқади. Бироқ унинг бахтию муҳаббати муваққат бўлиб, истаклар амалга ошгани сайин тери парчаси кичрайиб борарди.

“Назаримда, ўлим тўшагида ётибману ҳаётнинг ҳамма ҳузур-ҳаловатлари чиройли қизлардай атрофимда гир айланиб рақс тушяпти. Агар уларни чақиргудай бўлсам, ҳаётимдан айриламан. Қаёққа қарасам, ўлим кўринади! Мен билан бутун олам ўртасида сен тўсиқ бўлиб туришинг керак”. Рафаэлнинг кекса хизматкор Ионафанга айтган ушбу сўзлари қалбингизда ачиниш ҳиссини уйғотади. Ахир, давр билан курашда енгилган ожиз кўмондон – Рафаэль де Валентенни яхши кўриб қолгансиз-да. Ўша аснода “Тилак бизни куйдиради, имкон вайрон қилади, билим эса заиф вужудимизни абадий сокинликка олиб боради”, деган ҳикмат мағзини чаққандек бўласиз. Ана шу ҳикмат Бальзак ўйлаб топган сағри тери тилсимининг калити бўлса не ажаб!

Тилсимдан бошланган асар тилсим билан тугайди. Рафаэль ўлимидан кейин бошқа қаҳрамонлар тақдири қандай кечгани ҳақида аниқ гап айтилмайди. Буюк инсоншунос Бальзак асар якунида ҳам ишоралар тилида сўзлашни маъқул кўради: *“О! Феодаларми? У билан сиз ҳали учрашиб қоласиз... Кеча у Италиялар театрида бўлган, бугун операга боради, уни истаган жойингиздан топасиз”.*

Албатта, “Сағри тери тилсими” муҳаббат учбурчагидангина иборат эмас. Унда Рафаэль де Валентен тақдирига бевосита дахлдор бўлган Эмиль, Растињьяк, жаноб Поррике каби ўзига хос қаҳрамонлар ҳам бор. Бироқ асар ғояси, узоқ йиллар Бальзакнинг шуурида “пишитилган” тақдирлар тилсими Полина, Рафаэль ва Феодора муносабатларига яширинган, шу муносабатлар кўмагида юзага қалққан. Мутолаа асносида эркак зотининг бахту ҳаловати феодаларга эмас, полиналарга боғлиқ эканини англаш мумкин.

Дарвоқе, Бальзакнинг Эвелина хоними зодагон эса-да, руҳан Феодорага эмас, Полинага яқин бўлган чиқар. Акс ҳолда, адибнинг беором қалби унга талпиниб яшамаган бўлур эди...


КЎНГИЛ ФАТҲИ

Луқмон Б ў р и х о н. Қуёш ҳали ботмаган. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2015.

“Қуёш ҳали ботмаган!”

...Бир сесканиб тушасиз. Ботмаган қуёш... Ниманинг рамзи у? Умиднингми? Армону изтиробнингми?

Китобни аста варақлайсиз... *“Минг тўққиз юз саксон иккинчи йилнинг баҳорида, эрта-индин жаҳон уруши бошланар эмиш, деган мишмишлар хўб авж олган кунларнинг бирида уста Абилнинг уйида қорамағиз, тўзгин сочлари жингалак, қошлари қийғоч, киприклари узун-узун, кўзлари маъюс, етти-саккиз яшар қизалоқ пайдо бўлди”. Тўхтанг, дунёда учинчи жаҳон уруши бошланиши мумкин, деган ваҳима қаёқда-ю, уста*



Абилнинг уйда пайдо бўлган ёқимтой қизалоқ қаёқда? Бу қорамағиз қизалоқ билан жаҳон урушининг қандай боғлиқлиги бор?

Ҳали асардан икки саҳифа ўқимай, саволлар қаршисида қоласиз. Шу тариқа муаллиф сизни бирдан воқеалар ичига олиб киради. Сиз остонадаёқ ВОҚЕАга дуч келасиз! Муаллиф тўйхона эшиги олдида турган серилтифот мезбондек сизни асар мутолаасига чорламайди. Ўзингиз ўқишга эҳтиёж туясиз. Воқеалар хроникаси жаҳон урушидан кам эмаслигини дафъатан ҳис этасиз. Бу ерда бир гап бор. Қорамағиз қиз бекорга пайдо бўлмади, ахир! Муаллиф нимагадир ишора этаётир. Ана шу ишорани қидириб, қиссага шўнғиб кетасиз.

Асарнинг ширадор тили ва тиғиз сюжети сизни мафтун этади-қўяди. Кейинроқ, ибтидода муаллиф ваъда қилган “жаҳон уруши” ҳам бошланади. Фақат бу уруш ҳарб майдонида эмас, қаҳрамонлар қалбида кечади. Қаҳрамонларнинг руҳий кечинмалари, ҳис-туйғулари ўзаро курашади.

Муаллиф воқеликка мусаввирона назар ташлайди. Воқеалар тасвири шу қадар моҳирона чизиладики, улар кўз олдингизда жонланиб кетади гўё. Сиз ўқимайсиз, балки воқеликни томоша қиласиз, кузатасиз! Мана, кўринг, сибизғани Абсал полвон қандай чалади: *“Сибизғанинг авжли-мавжли оху фиғони еру кўкни тутди. Хаёллару туйғуларни ортидан мастона эргаштириб, бир нажот, бир таскин, бир паноҳ излаб гирёна чарх урар, гўё излаганини тополмай, саҳро саробларига қоришиб, сарғайган дала-даштни баттар сарғайтириб, олис уфқларга сингиб кетар эди. Узоқ-яқиндаги экин пайкаллари сувсираб эмас, сибизга бўғзидан отилаётган бўзлов, дарду ҳасрат ҳовуридан қоп-қорайиб кетгандай, кунботардаги тап-тақир қир-тепаликлар бағридан кўтарилган куюн сибизганине аччиқ-аччиқ нолаларидан масту мустағриқ бўлиб, жазава билан кўкка ўрлаб браётгандай туюларди”*.

Асарда киши тасаввурини ўзгартириб юборадиган драматик саҳналар бор. *“Биз ҳали Абсал полвонни танимас эдик”*, деган жумла эса қисса ғоясига элтувчи зинага ўхшайди. Ҳар гал бу сўзларни ўқиганда, яна бир поғона ортда қолганини фаҳмлаб, полвонни таниб бораверасиз. Тасаввурингизда энгилмас, афсонавий Абсал полвон пайдо бўлади. Бадқовоқ, ғурури тераклардан баланд паҳлавон! Унга рўбарў бўлганингизда эса бошқа бир Абсал полвонни кўрасиз! Кўнгли гулдан нозик, сибизга ноласидан қалби мумдек эрийдиган бир дарвешни!

Икки ўспирин Даврон ва Норсоат бир-бирига ҳам дўст, ҳам рақиб! Чунки ўртада қорамағиз қиз бор. Иккиси ҳам қизгинага ошиқ. Муаллифнинг ишорасига кўра, устунлик Даврон тарафда. Чунки у бойнинг боласи, кураги ер искамаган полвон, боз устига, келишган йигит! Норсоат эса шу... ўзимиз қатори, ғурури ва ширин халлларидан бошқа нараси йўқ бир тўпори. Ўз исми билан Норсоат!

Лекин... не ажабки, қорамағиз қиз бизнинг Норсоатни танлайди!

Асарнинг ана шу саҳнасида нозик бир ишора бор. Гап шундаки, Даврон ҳаётда истаганига эришади. Полвонлик доврўғи мамлакат сарҳадларидан-да ошади. Манаман деган паҳлавонларнинг елкасини ерга теккизади. Лекин бу ютуқлар унга барибир татимайди. Исмсиз бир дарддан юрак-бағри зирқирайди. Чунки Даврон полвон Севгидан энгилган эди. Дарҳақиқат, жавобсиз севги мангу мағлубиятдир.

Полвон бўлиш орзусида катта йўлга чиққан Норсоат Давроннинг чангида қолиб кетди. Лекин у мутлақо ўкинмади, боши доим тик бўлди. Чунки у севган қизининг кўнглини забт этди. Инсон қалбини забт этмоқ эса буюк ғалабадир.

Адабиёт – сўз санъати. Бироқ сўнги йилларда биз СЎЗдан кўра ШАКЛга кўпроқ эътибор қаратмоқдамиз. Шаклга маҳлиёлик эса вақт ўтгани сари моҳиятини ғариблаштириб бораётир. Кейинги пайтларда айрим ...шунослар томонидан “бестселлер” сифатида тақдим этилаётган китобларда сўз йўқ, санъат йўқ! Одийгина матн тузиш қоидалари ҳам ўксибгина қолган.

Бу жиҳатдан, ёзувчи Луқмон Бўрихон асарлари тасвирнинг тиниқлиги, тилнинг халқчиллиги ва ширадорлиги билан ўқувчини ром этади. Ана шу адабий мезонларга таяниб баҳо берсак, “Кўёш ҳали ботмаган” қиссаси миллий насримизнинг ютуқларидан бири ҳисобланади.

ФОЖИАЛАР ЗАНЖИРИ

Теодор Драйзер. Америка фожиаси. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2016.

Мен Қобил Ҳобилга тош отган кунгача яшаган инсонларга ҳавас қиламан. Ҳарқалай, ўша кунгача одамзод ҳасаднинг исмини билмас, ўлимни танимас, ёмонлик, адовату разолат ҳам йўқ экан. Ана шу сокинликни Қобил отган тош бузиб юборган. Энг ёмони, бу тош ўша қора кундан бери ҳануз ерга тушмай, қўлдан қўлга ўтиб юраркан. Қобилнинг тоши – ёвузлик қуроли! Ҳар ёмоннинг пири Қобилдир!

Аслида бу ҳаётнинг кадр-қиммати Ҳобилга отилган ўша тошда мужассам. Кўзгунинг иккинчи томони қора бўлмаса, аксингизни кўролмайсиз. Демак, ҳаёт – Қобил ва Ҳобилнинг курашидан иборат. Ижодкор қавми ана шу кураш моҳиятини тадқиқ этади. Тадқиқотнинг кўлами эса ижодкорнинг истеъдодини белгилайди. Хусусан, ёзувчининг таланти аввало унинг ҳаётни нечоғли билиши билан ўлчанади. Ҳаётдан олинган асар ҳаётий, ҳаётий асар эса боқийдир. Танқидий реализм асосчиларидан бири Теодор Драйзернинг “Америка фожиаси” романи ана шундай асарлар сирасига қиради.

Бу романни биринчи марта талабаликда ўқиганман. Асар қаҳрамонларидан бири бечора ва оққўнгил Робертанинг кўлга чўкиши бир неча кун кўз олдидан кетмаган. Кўзлари қинидан чиққудек даҳшат ичида нажот излаётган Робертанинг аҳволи менга жуда таниш эди. Чунки ўзим ҳам сузишни билмасдим. Ўйлаб қарасам, ҳар бир ўқувчи асардан аввало ўзига таниш одамлар, манзаралар ҳамда ҳиссиётларни қидирар экан. Ўқувчи асардан таниш туйғу ёки қаҳрамон тополмаса, уни қабул қилолмайди.

Бизда шундай аъна бор: ҳар бир китобнинг титул варағида унинг “паспорти” – аннотацияси берилади. Масалан, “Америка фожиаси” муқаддимасида бундай жумлаларни ўқиймиз: “Асарнинг бош қаҳрамони Клайд Гриффитс бойлик орттириш йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, разил бир кимса бўлиб, ёзувчи Америка ҳаётидаги фожиавийликни кўрсата олган”. Мен бу аънага қаршиман. Ўқувчига асарнинг “бисмиллоси” даноқ қаҳрамонларнинг кимлигини айтиш тўғри эмас. Токи у қаҳрамоннинг ким экани, салбий ёки ижобийлиги борасида ўзи хулоса чиқарсин. Эҳтимол, у сизнинг фикрингизга қўшилмас! Дангалини айтганда, ношир асарни ўқувчига “ўқиб” бериши керак эмас.

Романнинг дастлабки қисмларини мутолаа қилиб, Клайд Гриффитсни салбий образ деёлмайсиз. Ҳа, Клайд бойлик орттириш, бой-бадавлат яшашни орзу қиладди. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Сиз билан бизда йўқми бу орзу? Лекин воқеалар



ичига кириб борар экансиз, муҳим бир хулосага келасиз: ҳамма гап орзу рўёби учун танланган йўлга боғлиқ экан! Клайд орзуга етишиш йўлини нотўғри белгилади. У истаги йўлида инсонийлик чегараларини ҳам бузди. Ҳаммаси ана шу кундан бошланди.

Маишатбозлик Клайднинг илк хатосига замин ҳозирлайди: у машинада бир қизни уриб юборади. Қамоққа тушишдан қўрққан йигит яшаб турган ерини ташлаб, шаҳарга кетади. Аммо ўспирин инсоний фожиалар ҳаммиша “етаклашиб” юришидан ғофил бўлади. Ўша гап: қалбни қобилий иллат эгаллаб олса, ёмонликларнинг кети узилмайди. Шаҳарда Клайднинг бадавлат амакиси яшарди. Йигитча ўша қариндошини қора тортиб боради ва унинг фабрикасига ишга жойлашади. Клайд фабрикада Роберта Олден деган қиз билан танишади, ўрталарида муҳаббат пайдо бўлади. Аммо Клайд меҳнатсевар ва оққўнгил Робертанинг бир умрлик ҳамроҳига айланолмайди. Чунки Клайднинг қалбида инсоннинг бахт-саодати бойлиқда, деган қараш чўкиб ётарди. Робертага бўлган интилиш эса муҳаббат эмас, шунчаки кўнгил майли эди, холос. Чунки Роберта унинг мезонларига тўғри келмасди. У қашшоқ қиз эди, ахир...


Вақт ўтиб, Клайд ўзи излаб юрган ҳаёт – бадавлат ва соҳибжамол Сондра Финчлини топади. Сондранинг бойлиги унга ёрқин келажак ваъда этарди. Бироқ бу нурафшон келажак йўлида қисматнинг бемаврид тухфаси – бахтиқаро Роберта турарди. Клайд ундан воз кечиши керак. Лекин буни қарангки, қиз ундан фарзанд кутаётган экан. Табиийки, Роберта йигитдан ўзига уйланишини талаб қилади. Камбағал қиз билан ҳаёт риштасини боғлаш эса Клайд учун чинакам фожа эди.

Клайд узок ўйлайди. Робертадан қандай қутулиш мумкин? Охири бир қарорга келади: уни ўлдириш керак! Клайд кўлда сайр қилиш баҳонасида Робертани уч-рашувга чақиради ва бечора қизни сувга чўктириб юборади.

Аслида ёзувчи Робертанинг ўзини сувга чўктириб юбориши ва ана шу ҳолатда ҳам мудҳиш воқеа ўқувчини ҳаяжонга солиши мумкин эди. Лекин ёзувчи Робертани ҳомиладор ҳолатида сувга чўктиради. Фожа кўламини кенгайтириб, асар гоёсини янада кучайтиради. Очкўзлик нафақат соф инсоний муҳаббат тимсоли Робертани, балки унинг қорнидаги Келажакни ҳам ўлдиради...

Ҳа, инсондаги энг саркаш туйғулардан бири – бойлик ҳирси. Яратган инсоннинг Ўзига бўлган эътиқодини бойлик орқали имтиҳон қилади. Шу сабаб мол-дунё ичига ажиб бир фароғатни яшириб қўяди. Одамзоднинг ён-атрофини кайфу сафо ва ҳашам билан ўрайди. Минг ваҳки, нафс бандалари унга ошиқ бўлади, қуллик изҳор қилади. Шундай экан, инсон мудом уйғоқ бўлишга мажбур. Акс ҳолда синов-имтиҳондан ўтолмайди.

Муаллиф ана шу ҳақиқатни Клайд фожиаси орқали кўрсатиб беради. “Америка фожиаси” гоёвий салмоғи ва воқеалар қамровининг кенглиги жиҳатидан жаҳон адабиётидаги сара реалистик асарлар қаторидан жой олди. Мана, бир асрки, Драйзер қаламига мансуб асар энг ўқишли китоблар рўйхатидан тушмай келаётир.





Ма'naviyat ham eskiradimi?

Куришдан бузиш осон, дейдилар. Чиндан ҳам, йиллар давомида барпо этилган тарихий обида бир зумда вайрон қилиниши ҳеч гап эмас. “Бузиш” сўзини номоддий маданиятга, хусусан, маънавиятга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Аслида, маънавият асрлар мобайнида шаклланади, мустаҳкамланади. Аммо бир тўда жоҳиллар уни қисқа фурсатда маҳв этиши мумкин. Чунки маънавият қанчалик кучли бўлса, кези келганда шунчалик мўрт ҳамдир.

“Маънавият” калимасига истиқлол туфайли янада зарурат кучайди. Зеро, миллий, диний қадриятларимизга, халқимизга хос урф-одатларга қаратилган турли таҳдид, таъйиқлар шунга мажбур қилди бизни. Бугун эса, не тонгки, ижтимоий тармоқлардаги айрим фойдаланувчилар маънавият ёшини яшаб бўлгани, ундан воз кечиш вақти етганини даъво қилмоқда. Шундай бўлиши мумкинми? Маънавият ҳам эскирадими, кераксиз матоҳга айланадими? У ўзгарувчанми? Хўш, унинг муқобили борми? Балки унинг ўрнига “оммавий маданият”га эргашган маъқулдир? Ёки вайронкор ғоялар урчишига олиб келадиган мутлақ эркинлик тақлиф этилмоқдами?

Бизнингча, маънавият – кеча, бугун ҳамда эртанинг эҳтиёжи. Ундан юз ўгириш эса асло мумкин эмас.

Мустабид тузум парчаланганига 27 йил тўлди. Луғат бойлигимизда “маънавият” истилоҳи пайдо бўлганига ҳам чорак асрдан ошди. Хўш, ўтган йиллар мобайнида маънавиятдан қандай манфаат кўрдик?

Маънавият бизга экстремизм оқибатларидан сабоқ берди. Эзгулик таълимоти бўлган диндан ғаразли мақсадлар йўлида фойда-

ланиш мумкинлигига гувоҳ бўлдик. Дин ниқо-бидаги динсизликка қарши айнан маънавият воситасида курашдик. Бунда эса буюк аждодларимиз меросига таяндик. Бу каби ёт унсурлар устидан маънавият кўмагида ғалаба қозондик. Аммо бу жабҳада ҳали қилинадиган ишлар, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар талайгина.

Маънавият бизга “оммавий маданият”нинг мазмун-мундарижаси, моҳиятини очиб берди. Сиртдан беозор, ёқимли кўринган “оммавий маданият” асоратлари йиллар ўтиб намоён бўлади. Эътибор қилсак, либосларимиз ўзгарди, ғарбона ҳаёт тарзи устуворлик қила бошлади, эр-хотин муносабати, ота-она ва фарзандлар оқибати, силаи раҳм каби фазилатлар “таҳрир”га учради. Сақлаб қола олган, ривожлантирган фазилатларимиз ҳам бор, албатта. Энг муҳими, маънавият бизга бу борада онгли ёндашувни ўргатди. Дейлик, замондошларимизда ёт ғояларни тарғиб қилувчи кино маҳсулотларига нисбатан салбий муносабат шаклланди; мутолаа маданияти мустаҳкамланди; дунё халқларидан ўрганиш баробарида улар билан маънавий меросимизни ўртоқлаша бошладик.

Маънавият бизга тарбиянинг моҳиятини ўргатди. Шарқ ва Ғарбда тарбиянинг муддати борасида турлича ёндашув мавжуд. Албатта, таълим, яъни илм ўрганиш ва ўргатиш – Одам боласининг бир умрлик аъмоли. Ислом динида фарз амал саналади. Аммо тарбиянинг йўриғи бўлак. Масалан, Ғарбда тарбия бериш балоғат ёшида тўхтайдди. У ёғига йигит-қизларни “ҳаётнинг ўзи тарбиялайди”. Шарқда эса таълим каби тарбия ҳам бир умрлик иш. Шарқ ўлкала-

рида тарбиячининг ўзи ҳам тарбияланувчидир. Бинобарин, ҳаё, илм, имон, одоб-ахлоқнинг салмоғи, даражаси тарбиянинг муддатига ҳам боғлиқ. Шу боисдан Шарқ ҳаё, илм, эътиқод ҳамда маънавиятда пешқадам.

Маънавият ажодларимизни танитди. Шу пайтга қадар уларни юзаки билар эдик, фақат манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганар эдик. Энди эса алломаларимизнинг илмий меросини чуқур тадқиқ этиш, ҳаётга кенг жорий қилишга интилмоқдамиз. Биргина мотуридия таълимотининг ёрқин вакили, таниқли илоҳиётшунос Абул Муин Насафийни олайлик. “Бундан минг йил олдин жаҳолатга қарши маърифат билан курашган аллома” ўз даврида бугуннинг бузгунчи ғояларига қарши самарали курашиш йўлларини ўргатиб кетган экан. Асарларида исёндан қайтариб, илмга тарғиб қилган аллома мероси қайтадан тирилди; махсус шарҳлар билан таржима қилинди. Аллома исён ва итоат, бойлик ва фақирлик каби тушунчаларнинг мазмунини шу қадар мукамал тушунтириб берганки, унинг мероси динни ниқоб қилган бузгунчи тўдалар тобора кучайиб бораётган ҳозирги кунда, айниқса, аҳамиятлидир.

Маънавият исроф – дунёю охиратда хунук оқибатларга олиб келишдан сабоқ берди. Исроф молу дунё ва илм сарфида ҳам бўлиши мумкин. Ҳадисда айтилганидек, зиёфатнинг ёмони муҳтожлар қолиб, қорни тўқлар жамланганидир. Илмни уни қадрламайдиган кимсага ўргатиш ҳам, бефойда илмга ружу қўйиш ҳам исроф. Бизнингча, фитначи ва жоҳиллар билан бефойда баҳсу мунозарага киришиш ҳам вақт ва илм исрофидир. Юксак маънавиятли инсон буларнинг барига тафаккур ила ёндашади, ҳар жабҳада исрофдан ҳазар қилади.

Маънавият оила маданиятини ислоҳ этди. Яхши ва ёмон хулқ оилада шаклланади. Оила раҳбарининг маданияти – қолган аъзоларга ибрат, намуна. Аслида, ҳар бир оила аъзосининг бурч-вазифалари, мажбуриятлари аниқ белгиланган, қадриятларимиз билан тартибга солинган. Уларнинг барчасига бирдек амал қилиш лозим.

Маънавият шукрни тарғиб қилди. Бу борада ҳар бир инсоннинг ўз бурчи бор. Раҳбарнинг шукри – адолати, ходимники – итоати, ота-она-

ники – масъулиятни ҳис этиши, фарзандники – хизматга шайлиги; олимники – билганларини бошқаларга етказиши, илмсизники – ўрганишга жаҳд қилиши... Хуллас, ҳар ким ўз бурчига садоқат кўрсатиши – шукр.

Ҳар бир иш-юмушда меъёр бор. Эътиқодда меъёрни билмаслик ё экстремизм, ё миссионерликка олиб боради. Ижтимоий одатларда ҳаддан ошиш “оммавий маданият” гирдобига тортади. Таомнинг ва ҳатто асалнинг кўпи – заҳар. Бойликнинг кўпи ёки ҳаддан ози – офат. Мўътабар манбаларда таъкидланишича, амалларнинг энг яхшиси – ўртачасидир. Истак, ниётларда ҳам меъёр лозим. Унутмаслик керакки, Оллоҳ ҳар бир мавжудот, махлуқотни аниқ ўлчов, меъёр билан яратган. Уни бузиш таназзулга олиб боради. “Ҳаддини билган ҳоримас” деган нақл бежиз айтилмаган, ахир. Маънавият аслида ана шу ҳадни билиш, бошқаларга билдиришдир.

Маънавият барчамизга табиатнинг бир бўлаги эканимизни англатди. Унинг тартиб-низомига хиёнат қилишга ҳаққимиз йўқ. Бойликларни асраш, тежаб фойдаланиш – барча замонлар талаби. Табиий бойликларни ўйламай сарфлаш қандай оқибатларга олиб келишини Орол фожиаси мисолида кўрдик. Демак, табиатни эъзозлаш, бойликларини ўзимиз, қолаверса, келажак авлод учун асраш лозим.

Умуман, маънавият жазо воситаси ёки қуроли эмас. Билъакс, у инсониятга эзгуликни эслатади, ёдга солади, ўргатади. Жамиятни ислоҳ этади, ҳаётимизни тўқис қилиш борасида тавсия беради, амалларимиз оқибатидан огоҳлантиради.

Ҳар жабҳада бўлгани каби маънавий соҳада ҳам ечимини кутаётган муаммолар бор, албатта. Уларни бартараф этиш эса миллат равнақи, жамият тинчлиги учун зарур. “Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб – шукр”, дейди доно халқимиз. Дунёга боқайлик, маънавиятдан воз кечганлар аҳволига назар солайлик. Маънавиятни қадрлагани боис тараққий этган юртлардан ибрат олайлик. Зотан, маънавият аввало ибрат демақдир.

Иргаш ДАМИНОВ,

*Республика Маънавият ва маърифат
маркази бўлим бошлиғи*

Qurbonjon dodxoҳning taxallusi nima?

Қўқон хонлиги маданий ҳаёти тарихини тадқиқ этишда XIX аср бошларида салтанат пойтахтида шаклланган адабий муҳит муҳим аҳамият касб этади. Қўқоннинг аксар ҳукмдорлари илм аҳлига ҳомийлик қилиш баробарида, ўзлари ҳам қалам тебратгани маълум. Хусусан, шоҳ ва шоир Умархон ҳукмронлиги даврида илм-фан, маданият гуллаб яшнаган. Унинг вафотидан сўнг рафиқаси Нодирабегим илму маърифатга раҳнамолик қилган. Эътиборли жиҳати, Қўқон хонлигида кўплаб аёл ижодкорлар, шоира адибалар етишиб чиққан. Бу ўринда Нодирабегим, Увайсий, Дилшоди Барно, Зебуннисо, Зиннат, Моҳзодабегим, Маҳзуна, Муштарий, Нозухоним каби ижодкорлар номини эътироф этиш жоиз. Манбаларда мазкур шоираларнинг ижодига доир бир-бирини тўлдирувчи, баъзан эса инкор этувчи маълумотлар учрайди. Чунончи, Зиннат тахаллуси билан шеър битган ижодкор аёл ҳаётига доир турли қарашлар мавжуд.

Тадқиқотчи Ҳайдарбек Бобобеков бундан қарийб ўттиз йил аввал чоп этилган мақоласида шоира Зиннат шахси ва ижодига доир дастлабки маълумотларни баён этган (*Бобобеков Ҳ. Зиннат – Қурбонжон додхоҳнинг тахаллуси. // “Ёш куч” журнали. 1989 йил 3-сон*). Бизнингча, бу маълумотларни бугунги кун нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш лозим.

Муаллиф шоира Зиннат шахсини ойдинлаштириш мақсадида рус олимлари Владимир Наливкин ва Мария Наливкиналарнинг китобидан парча келтиради: “Қўқонда бири Зиннат, иккинчиси Маҳзуна тахаллуси билан ижод қилиб келаётган икки шоира бор. Айтишларича, улардан бири хон саройига эркаклар либосида юзи очик ҳолда кириб бора олади. Унга додхоҳ – генерал унвони берилган. Ҳар икки ижодкорнинг шеърлари Умархон ва унинг сарой шоирлари томонидан тартиб берилган “Мажмуаи шуаро” назмий тўпламига киритилган” (*Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886*).

Тадқиқотчи ушбу манбага таяниб, Зиннат – Қурбонжон додхоҳнинг адабий тахаллуси, деган хулосага келади. Чунки унинг фикрича, Қўқон хонлигида аёллардан Қурбонжонгина додхоҳ унвонини олган.

Бизнингча, Зиннат шахси ҳақидаги ушбу хулоса илмий ҳақиқатга мувофиқ эмас. Қирғизистонда чоп этилган энциклопедияда ёзилишича, XIX аср ўрталарида Қўқонда Зиннат тахаллуси билан танилган қирғиз шоираси яшаган (*“Қирғизистон тарихи мухтасар энциклопедияси”. Бишкек, 2003*). У 1800 йили қирғизларнинг сору уруғи бийи Асперди додхоҳ оиласида дунёга келган. Зиннатнинг отаси Қўқон мадрасаларида таҳсил олган. Даставвал хонлик кўшинида хизмат қилган Аспердини 1797 йили Қўқон ҳукмдори Норбўтабий – Марғилон беги, 1800 йили Олимхон эса вазир лавозимига тайинланган. 1810 йилдан бошлаб сору уруғининг бийи сифатида фаолият юритган. 1826 йили Мадалихон томонидан унга додхоҳ унвони ва Талас водийси бошқаруви пешкаш қилинган. Унинг кенжа қизи Ёрқиной Таласда яшаётган бўлажак ҳукмдор Шералига турмушга чиқади. 1842 йил Шерали Қўқон тахтига ўтирганида Ёрқиной ва унинг опаси Зиннат ҳам пойтахтга келади. Шералихон қайнэгачиси Зиннатга додхоҳ унвонини берган. Хонлик сиёсий ҳаётида фаол қатнашган Зиннат Таласга қайтмайди. Унинг ҳаётига доир бошқа маълумотлар сақланмаган. Қабри Қўқонда деб тахмин қилинади.

Демак, Қўқон хонлиги тарихида додхоҳ унвонли икки аёл ўтган, дея хулоса қилиш мумкин. Бири малика Ёрқинойнинг опаси Зиннат додхоҳ, иккинчиси – Қурбонжон додхоҳ. Бизнингча, Ҳ.Бобобеков Зиннат додхоҳ ҳақида етарли маълумотга эга бўлмагани боис икки тарихий шахсни чалкаштириб юборган. Олим асосий манба сифатида таянган илмий рисолада шоира Зиннатнинг шеърлари “Мажмуаи шуаро” тазкирасига киритилгани қайд этилган. Мазкур тўплам тузилган вақтда Қурбонжон ҳали 11 яшар қизча бўлган.

Тўғри, Қирғизистонда чоп этилган айрим адабиётларда Қурбонжон додхоҳ ҳам Зиннат тахаллуси билан шеър ёзгани ҳақида тахмин илгари сурилади (*Бектурганова К. Қирғизистоннинг асл қизлари. Бишкек, 2006*). Аммо бу борада барча олимлар яқдил фикрда деб бўлмайди. Хусусан, Манас номидаги Қирғиз-Турк университети профессори Жээнбек Алимбоевга кўра, Қурбонжон додхоҳни Зиннат тахаллуси билан шеър ёзган, деб даъво қилаётган тадқиқотчилар буни тасдиқловчи тайинли манба келтира олмаётир (*Алымбаев Ж. Курманжан датканын Зыйнат деген ат менен ыр жазганы чындыкка дал келбейт. <http://old.kabar.kg/kyr/ishembilikbet/full/71447>*). Аммо профессор Д.Алимбоев “Домашняя жизнь последнего Кокандского хана Худаярхана” (*Алибеков М. “Ежегодник Ферганской области”, 1903*)

номли мақолага асосланиб, Худоёрхоннинг Зиннат исмли холаси бўлганини тасдиқлайди.

Тарихий манбаларда шоира Зиннат қаламига мансуб санокли шеърӣ намуналар сақланиб қолган. Хусусан, тарихчи Ҳ.Бобобеков шахсий кутубхонасида Зиннатнинг “Баҳру одобки...” дея бошланувчи шеърӣ борлиги, унда муаллиф одоб-ахлоқ хусусида фалсафий мушоҳада юритганини баён этади. Аммо шоира ижоди адабий жиҳатдан ҳали тўлиқ баҳосини олмаганини таъкидлаш жоиз. Тарихчи ҳамда адабиётшунос олимларимиз келгусида Зиннат ҳаёти ва ижодига доир янги маълумотларни тақдим этадилар, деган умиддамиз.

Равшанжон АБДУЛЛАЕВ,

Богдод туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактаби тарих фани ўқитувчиси

“Adl shunday ne'matdirki...”

Шарқ алломалари давлатчилик асослари, раҳбар ахлоқи мезонлари, жамият бошқаруви борасида ҳам асарлар ёзиб қолдиргани маълум. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний” асари ана шундай қимматли манбалардан бири саналади.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғли, Марв хукмдори Абул Муҳсин Мирзога бағишланган рисола 1495 йилда ёзиб тугалланган. Орадан беш аср ўтган бўлса-да, ҳам илмий, ҳам бадий қарашлар ифодаланган асар ҳамон аҳамиятини йўқотмаган.

“Ахлоқи Муҳсиний” дунё бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, асарнинг XVI-XX асрларда кўчирилган 50 дан зиёд ноёб қўлёзмаси ҳозирда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази хазинасида сақланмоқда.

Асар 40 бобдан иборат бўлиб, унда подшоҳ ва давлат арбобларининг вазифалари, ахлоқ-одоби масалалари тарихий шахслар тўғрисидаги маълумотлар асосида ёритилган. Китобда ахлоққа доир машҳур асарлардан иқтибослар келтирилган. Шу боис Кошифий камтарлик билан ўзини “мусанниф”, яъни асар тузувчиси, деб атайд.

Ҳусайн Воиз Кошифий яхшилик ва ёмонлик, адолат, виждон, бурч тушунчалари ҳақида мушоҳада юритади. Сабр, ҳаё, ифпат, покизалик,

собиққадамлик, саховат, ростгўйлик, шижоат, камтарлик, хушёрлик, ҳиммат, диёнат, аҳдга вафо, андиша, иззат-ҳурмат, сир сақлай билиш каби фазилатларга бирма-бир таъриф беради. Муаллифнинг таъкидича, “ахлоқи инсон” деганда илм-маърифатга интилувчи, ҳақиқат ва адолатни севувчи, адолатсизликка қарши курашувчи, мард, олижаноб, сахий ва очиққалб инсонни тушунмоқ керак.

Адолат масаласи асарнинг етакчи мавзуларидан бири саналади. Муаллиф бундай ёзади: “Адолатнинг маъноси халқнинг ҳуқуқий тенглигини таъминлашдир. Адл шундай неъматдирки, у мамлакатга оройиш беради, бир куёшки, унинг нури билан зулмат ёруғликка айланади. Адолат зулм кўрганларнинг додига етиб, аҳволларига шафқат назари билан қараш демак” (*Ҳусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний. Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашриёти, 2011. 160-бет*).

Муборак ҳадисда айтилишича, тарози палласида бир соатлик адолат олтиш мукаммал ҳаждан оғирроқ тош беради. Негаки, ҳаждан мўминнинг ўзигина наф кўрса, адолатдан каттаю кичик баҳраманд бўлади.

Бошқарувда адолат ва тенгликни таъминлаш, жамият неъматларини тўғри тақсимлаш

тамойилларига асосланган қонунлар сиёсий ахлоқнинг мезони вазифасини ўтайди. Демак, адолатнинг давлат тизими барча бўғинларида пойдор бўлмоғи раҳбарлар фаолиятининг ахлоқийлигини кафолатлайди.

Дарҳақиқат, адолат – инсон учун ижтимоий эҳтиёж ва зарурат. Адолат асосида муносабатлар мувозанати таъминланади, тартибга солинади, тенглик, тинчлик, барқарорлик кафолатланади, моддий неъматлар тақсимланади. Сирасини айтганда, адолат асосида инсон хоҳиш-истаклари рўёбга чиқади, эркинлик ва озодлик муҳофаза этилади (*Алимардонов Т. Эркинлик руҳи. Тошкент, “Нишон-ношир” нашриёти, 2014. 68-бет*).

Кошифийнинг таъкидлашича, адолат тамали бузилган ерда заифу бечоралар кўпаяди. Пировардида, адолатсизлик кучлиларни ҳам омон қолдирмайди. Чунки давлат билан раиятнинг турмуши бир-бирига боғлиқдир. Адолат поймол этилган жойда давлат ҳам, халойиқнинг турмуши ҳам хароб бўлади.

Жамият аъзоларининг ижтимоий муносабатлари адолат ва адолатсизлик тўғрисидаги тушунча ҳамда тасаввурларни акс эттиради. Бу борада муҳим масала – адолат субъекти қонунлар, институтлар ва ижтимоий тизим фаолиятида қандай ҳуқуқий-маънавий мезонлар асосида белгиланишидир. Эркин фикр, эркин эътиқод, ҳақ-ҳуқуқ, эркин бозор, хусусий мулкнинг қонун билан ҳимоя қилиниши ижтимоий институтлар ўзагини ташкил қилади. Улар яхлит ҳолда турли манфаатлар ҳамда қарашларга эга бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тақсимотини таъминлайди, ҳаётий истиқболларига таъсир кўрсатади. Фуқаролар мазкур институтлар воситасида жамиятда ижтимоий мавқега эга бўлади.

Адолат тушунчаси орийат, уят, ор-номус, қадр-қиммат, садоқат ва шу каби тушунча ҳамда қадриятларни қамраб олади. У одамларни турли ғайрияхлоқий ҳаракатлардан сақланиш, жамиятни маълум қоидалар асосида бирлашишга ундайдиган кучдир. Адолат туйғуси инсон руҳиятини поклайди, эътиқодини мустаҳкамлайди, виждонини мунтазам равишда муолажа қилиб боради.

Аксар одамлар ҳурмат ва иззат-икромдан айрилиш, эл-юрт олдида шарманда бўлишдан қўрқадилар. Бу эса инсонларни қонун ва тарти-

ботлар асосида яшашга мажбур этади. Демак, уят-андиша кишиларни бир-бирига ҳурмат, иззат-икром кўрсатиш, марҳаматли ва илтифотли бўлишга чорлайди.

Давлат адолатни рўёбга чиқарувчи ва кафолатловчи институт сифатида намоён бўлади, инсонни ижтимоий даражага олиб чиқади, қавм, уруғ, қабила, миллат, халқ эҳтиёжи ва манфаатларини уйғунлаштиради, мурокаи мадора тамойили доирасида кишилик жамиятининг тарққиётини таъминлайди. Шу тариқа инсоннинг адолат туйғуси индивидуал ҳолатдан ижтимоий даражага кўтарилади ва давлат бошқарувининг моҳият-мазмунини белгилайди.

Кошифий давлатчилик ҳақидаги фикрларини ривоят у қикматлар билан асослайди. Аллома бир ўринда давлатнинг умрбоқийлиги хусусида бундай ёзади: “Адолат бисоти ва эҳсон гилами бизнинг айвонимизда ёйиғлик тургунча, давлат ҳам боқий туради, агар унда ўзгариш бўлса, ўша онда елга кетади”.

Адолатнинг мазмун-моҳияти тенгликни кўзлашдан иборатдир. Адолат тамойили пойдор бўлган давлатда бир гуруҳ иккинчисидан устун қўйилмайди. Асарда келтирилишича, подшоҳларнинг тобелари тўрт гуруҳга бўлинади. Биринчиси – шамшир аҳли, чунончи, амирлар ва лашкар бўлиб, улар оловга ўхшайди. Иккинчиси – қалам аҳли, чунончи, китобдор ва вазирлар бўлиб, улар ҳавога ўхшайди. Учинчиси – муомала аҳли, чунончи, савдогар ва хунармандлар бўлиб, улар сувга ўхшайди. Тўртинчиси – зироат аҳли, чунончи, деҳқонлар бўлиб, уларнинг меҳнати туфайли эл фаровон яшайди. Табиатнинг жонланиши ва ривожланиши олов, ҳаво, сув ва тупроқнинг мутаносиблигига боғлиқ бўлса, жамият равнақи мазкур тўрт ижтимоий гуруҳнинг ўзаро мувозанатига боғлиқдир. Мувозанат эса адолат воситасида ўрнатилади. Адолат мезонлари бузилса, олам тинчлиги ва одамзод ҳаёти издан чиқади.

Адолатнинг асосий шартларидан бири шуки, мазлум киши ишбоши ҳузурига адолат талаб қилиб келса, унинг сўзларини шафқат қулоғи ила тинглаш, мушкулини осон этиш учун унга марҳамат кўзи билан қараш лозим. Адолат сўровчи сўзини узайтирса, малол олмаслик керак. Негаки, подшоҳ – табиб, ситам кўрган одам эса беморга ўхшайди. Бемор табибга ўз ҳолини

батафсил баён қилади. Табиб беморнинг ҳар бир сўзини сабр ила тинглаб, иллатнинг ҳақиқатига етмаса, муносиб давони қандай топади?!

Бошқарувда адолатни таъминлаш раҳбарнинг маънавияти ва ахлоқига боғлиқ. Инсонлар турмушида учрайдиган муаммоларни раҳбар ҳал қилиши лозим. Акс ҳолда, адолат меъёрлари бузилиб, халқнинг ғазабу нафрати кучаяди.

Асарда ҳар бир мавзуга доир ибратли ривоятлар келтирилган. Ҳикоя қилинишича, бир подшоҳ қўл остидаги олимдан “Ҳар бир нарсанинг закоти бор дейдилар, салтанатнинг закоти нима?” деб сўради. Олим бундай жавоб берди: “Подшоҳлик ва жаҳондорликнинг закоти шуки, агар бир зулм кўрган одам адолат сўраса, унга қулоқ солиш, лутф ва марҳамат ила жавоб бериш, қўполликдан сақланиш, заиф ва бечораҳоллар билан сўзлашишдан ор қилмасликдир. Чунки кичиклар бирла сўзлашиш улуг кишиларнинг хислатидир”.

Адолатнинг муҳим талабларидан яна бири шуки, раҳбар халққа нисбатан ниятини тўғри қилиши, уларга яхшилик қилишга мойил бўлиши лозим. Негаки, ҳукмдорнинг нияти ва сўзи ҳар бир соҳага кучли таъсир кўрсатади. Агар у адолатни ният қилса, юртда барака ва хотиржамлик ҳукм суради. Агар зулмни ихтиёр этса, мамлакатдан бахт ва барака кетади, элнинг ҳаловатига путур етади, деб таъкидлайди Кошифий.

Замонавий давлатчилигимизни янги тараққиёт босқичига кўтаришда миллий меросимиз ҳам муҳим аҳамият касб этади. Раҳбар кадрларнинг миллий меросимизда акс этган маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлмоғи эса жамият фаровонлиги ва тараққиётига хизмат қилади.

Ўқтам ШАКАРОВ,

*Тошкент Архитектура-қурилиш
институтини ўқитувчиси*

Хувайдо ма'рифати

Хожамназар Ғойибназар ўғли Хувайдо (1704-80) Қўқон хонлигининг Марғилон беклигига қарашли Чимён қишлоғида, уламо оиласида дунёга келган. “Хувайдо” – шоирнинг тахаллуси бўлиб, “ошкора”, “равшан” деган маъноларни англатади.

Хожамназар отаси Ғойибназар эшондан диний билимлар билан бирга тасаввуфий илм асосларини ҳам ўрганади. Бу ҳақда шоир шундай деб ёзади: “Ҳам ўқуб илму адаб, бўлдум “Ақоид” хони ишқ, / Мушкilotу илми фикҳдин сўрсалар бердим жавоб” (*Хожамназар Хувайдо. Девон. 2-нашр. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2017. 252-бет. Бундан кейин шу нашрдан олинган парчаларнинг саҳифаси қавсда бериб борилади*).

Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти Туркистон халқлари ҳаётида XVII-XVIII асрларда сурункали давом этган ижтимоий-сиёсий парокандалик, маънавий-ахлоқий таназул авж олган, “замона мардларининг чўпча қадри қолмаган”, тож-тахт урушлари халқнинг тинка-мадорини қуритган, дунё “мусибатхона”га айланган оғир ва мураккаб даврга тўғри келади. Маънавий-ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий инқирозларни оқилона

ҳал этиш, мамлакатни парокандалик, чорасиз халқни жаҳолат ва қашшоқликдан қутқариш зарурати Бобораҳим Машраб, Сўфий Аллоҳёр ва Хожамназар Хувайдо олдига янги талаблар кўяди.

Бир тарихий даврга мансуб уч мутасаввиф шоир ва авлиёнинг тасаввуфий қарашларини қиёсий таҳлил қилиш алоҳида тадқиқот мавзуси саналади.

Хувайдо Бобораҳим Машраб ва Сўфий Аллоҳёрнинг кичик замондоши эди. Бироқ у, ўз салафларидан фарқли равишда, ислом тасаввуфи тарихида алоҳида ўрин эгаллаган, Боязид Бистомий (вафоти – 857 йил) асос солган тайфурия йўлидан эмас, балки Жунайд Бағдодий (вафоти – 910 йил) асос солган жунайдия йўлидан боради.

Хувайдонинг тасаввуфий қарашларида Жунайд Бағдодий, Мавлоно Жалололдин Румий, Аҳмад Яссавий, Абу Ҳомид Ғаззолий таълимотининг таъсири яққол сезилади. Хувайдо Баҳроуддин Нақшбанд (1318-89) таълимотининг изчил давомчиси ва тарғиботчиси сифатида, аввало, мамлакатнинг сиёсий марказидан анча олисдаги Чимён қишлоғида ҳалол меҳнати би-

лан фақирона ҳаёт кечиради – мактабдорлик қилиб, болаларга бошланғич диний илм беради. Унинг шогирди Носих Чимёнийнинг ёзишича, Хувайдо шарият қоидаларига қаттиқ риоя қиладиган, доимо шайтон ва нафснинг истакларига қарши курашадиган, қаршисидан келган ҳар бир одамга Хизр ва Илёс деб эҳтиром кўрсатадиган, шеър воситасида тасаввуф ғоялари, Қуръони Карим оятлари ва ҳадис одобларини тарғиб этадиган ҳудожўй валий эди.

Хувайдо ўзи мансуб бўлган жамиятнинг энг оғриқли муаммолари илдизи ҳақида фикр юритар экан, барча иллатларнинг бош сабабларини, имонсизликда, Оллоҳ билан тузилган “абдий аҳд”, яъни “ал-мийсоқ”қа хиёнат қилиш, молу дунёга ҳирс қўйишда, манманлик ва шуҳратпарастликда, деб билади. Кишилар ўртасида ислом асосларини, Қуръон ва ҳадис ҳикматларини, буюк авлиёларнинг Оллоҳ йўлидаги фидойиликларини тарғиб қилмай туриб, жамиятни жаҳолат, зулм, адолатсизлик ва нондонликдан халос этиб бўлмайди, деган хулосага келади. Шу эзгу мақсад йўлида тасаввуфий адабиётнинг бой имкониятларидан моҳирлик билан фойдаланади. Аҳмад Яссавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Бобораҳим Машраб, Сўфий Аллоҳёр аънаналарини изчил давом эттиради. Сўфиёна сўз санъатиға янги мазмун, услуб ва шакл олиб қиради.

У, аввало, ўз газаллари билан жамият тақдирини учун масъул бўлган илм аҳли, хожа ва мансабдорларга мурожаат қилар экан, икки кунлик ўткинчи дунёнинг роҳатини кўзлаб, ўз илмига амал қилмай, ҳаром еб, ҳаром кийиш шайтонликдан бошқа нарса эмаслигини, инсоний ҳаётнинг маъноси савобли ва хайрли ишларинг билан ўзингдан ҳеч ўлмайдиган яхши ном қолдириш эканини алоҳида таъкидлайди: “Дурўза иззати дунё учун, эй хожау мулло, / Ўқуб, илмингга қилмасанг амал, монанди шайтонсан” (181-бем).

Хувайдо ишқни барча иллатларнинг давоси деб ҳисоблади. Оллоҳга бўлган муҳаббат солиқ кўнглидан жой олиши учун унинг қалби, аввало, покланиши керак.

Тасаввуфда “дўст”, “ёр”, “нигор”, “жонон” ва бошқалар “Оллоҳ” сўзининг мажозий ифодаси бўлиб келади.

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг таълим беришича, одамлар нима ҳақда кўп ўйласа, уларда ўшанга

нисбатан муҳаббат пайдо бўлади ва ўша унинг ҳаёти маъносига айланади. Хувайдо маънавиятни олам, жамият ва инсон борлигининг асосига қўяр экан, замондошларини ҳамisha Оллоҳ ёди билан яшашга, унинг ҳузурдаги мўминлик, бандалик бурчларини сидқидилдан адо этишга чақиради: “Худонинг йўлига кирмак, – деманглар, – кори осондур”, / Азиз жондин кечиб, бош ўйнамоғлик кори мардондур” (62-бем).

Хувайдонинг ишончига кўра, фақат мард одамларгина ўз жонининг ҳузур-ҳаловати, молу дунёсидан кечиб, Яратганга хизмат қилиш йўлига кира олади. Ана шундай мард зоҳидлардан бири – Балх подшошининг ўғли Иброҳим Аҳдамнинг шохлик тахти баҳридан ўтиб, тасаввуф йўлига киришидан Хувайдо қаттиқ ҳайратланиб, унга кўнгул орзуни, яъни идеал сифатида қарайди ва у ҳақда махсус асар яратади.

Муқаддас ҳадисга кўра, ким Худони севса, балога (синов, имтиҳон), унинг Расулини севса, фақирликка тайёр туриши керак. Хувайдо Оллоҳни севиб, оғир жабру жафоларга мубтало бўлганини ёзади: “Сани(нг) ишқингда, эй дилбар, ажаб афсоналар бўлдум, / Халойиққа бўллуб кулгу, баса афсоналар бўлдум” (165-бем).

Хувайдо жамият тақдирини учун масъул бўлган, лекин озчиликни ташкил этадиган илм аҳли, савдогар, хунарманд ва мансабдорларга катта умид билан қарайди. Айни вақтда жамиятда кўпчиликни ташкил этадиган, асосан оғир қўл меҳнати билан тирикчилик ўтказадиган, фақат эшитганини ҳақиқат деб биладиган илмсиз авомнинг диний билим ва савиясини юксалтиришга алоҳида эътибор беради. Уларнинг савияси, дунёқараш ва маънавий эҳтиёжларига мос равишда ибратли диний ривоят, афсона ва насихатларни ўз ичига олган “Роҳати дил” асарини яратади. Унинг кўп қисмини қиёмат, дўзах, жаҳаннам даҳшатларини тавсифлашга, имонсизлик ва гуноҳларга йўл қўйишнинг оқибатларини кўрсатишга ҳаракат қилади. Замондошларини илм эгаллашга, илмига амал қилишга ва олижаноб ахлоқий фазилатларга эга бўлишга чақиради: “Худонинг ёдини қилмас кишини билгил одамму, / Намозу рўзаси йўқ бўлса андин чорпо камму?” (199-бем).

Хувайдо шеърлари XIX асрда Қўқонда яратилган жуда кўп баёзларга киритилади. Ғазаллари машҳур ҳофизлар томонидан қуйланади.

Халқимиз орасида навоийхонлик, бедилхонлик, машрабхонлик бўлгани каби, ҳувайдохонлик аънанаси ҳам шаклланади.

Шоир ўз ижодининг келажакда шараф топини башорат қилиб, шундай деб ёзиб кетган: “Куюб ҳасрат билан йиғлаб, кеторман ушбу оламдан, / Чароғи субҳидам янглиғ кўп ўчмаслик нишоним бор” (67-бет).

Хуллас, Хожамназар Ҳувайдо қолдирган бой мерос миллий маънавиятимизни юксалтириш, ислом маърифати ва тасаввуф гоёларини кенг ёйишда муносиб ўринга эга.

Қодиркул РЎЗМАТЗОДА,

*Ўзбекистон Миллий университети
мустақил тадқиқотчиси*

“Tanovar”ga yashirin haqiqat

Фаргона водийси аёллари санъатида хотин-қизларнинг нозик руҳий олами, бахтли ҳаёт ҳақидаги асрий орзу-умидлари бадиий гўзал тарзда намоён бўлади. “Тановар” – аёллар даврасида доим севиб тингланган ана шундай ашулалардан бири. У XIX асрнинг биринчи ярмида яратилган.

Хонлик тугатилиб, сарой санъаткорлари ва аёл хонандалар халқ орасида ижод қила бошлагач, бу ижроларни тинглаб илҳомланган ҳофиз ва бастакорлар томонидан ашуланинг дойра усули ва куй-оҳангига назира қилиш орқали “Тановар”нинг турфа йўллари яратилади. Жумладан, Наманганда XIX асрда чойхоналарда ўтказилган мусиқий кечаларда “Тановар”ни эркак санъаткорлар томонидан дутор жўрлигида “Мани борар жойим ўшал Андижон” дея бошланадиган матн билан куйлаш урфга айланади. Шу тариқа аёлларнинг бу ашулани дутор жўрлигида ижро этиш аънанаси эркакларга ўтади.

Халқимиз орасида “Қора сочим” деса, “Тановар”, “Тановар” деса, “Қора сочим” ашуласи тушуниладиган бўлиб қолган. Чунки бу куй асосида “Қора сочим ўсиб, қошимга тушди” деб бошланадиган шеър куйланади. Аслида, “Тановар” тўрт ҳиссали муайян рақсбоп усулнинг номи. Бу усул, кўп ашулалар каби, “Қора сочим”да ҳам жуда ўринли қўлланган.

“Тановар”нинг барча тури қўшиқ эмас, балки ашула жанрига мансуб. Афсуски, аксар мусиқашунос ва санъаткорлар орасида уни “қўшиқ” деб юритиш одат тусини олган.

“Қора сочим”да ғамгинлик руҳи асосий ўринда тургани боис унинг куй-оҳанги босқичма-босқич юқори пардалар томон кўтарилиб

боради. Хусусан, ашулаларда бўлганидек, у ҳам даромад, миёнхат, авж ва фурувард каби кўринишлардан таркиб топади.

Косиблар орасида “пойабзалнинг бошлиғи ва кўнжи учун ишлатиладиган тери ва ундан бичиб олинган андоза “тановор” деб аталган (*Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 3-жилд. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2007. 687-бет*). Маҳсидўзлар тилида “тановор” атамаси оёқнинг товони, тўпиғи ва кўнжини англатади. Оёқ кийимининг ана шу тановор қисмини ишлашда меҳнат қуроллари воситасида маълум ритмик ҳаракатлар амалга оширилади. Шунга кўра, касбий фаолият асосида миллий мусиқамизда машҳур усул юзага келган ва унга шу ном берилган, деган фикрлар ҳам йўқ эмас. Эътиборлиси, товон билан боғлиқ ҳаракат “Тановар” ашулалари билан боғлиқ рақсларда ҳам кўзга ташланади. Буни Мукаррама Турғунбоеванинг халқ орасида машҳур бўлган “Тановар” рақсида ҳам сезиш мумкин. Раққоса, гавда ва қўл ҳаракатлари билан бирга, оёқ ҳаракатига ҳам асосланади. Бунда оёқнинг асосан товон қисми маҳорат билан ўйнатилади. Чунки “тана” сўзи тан, бадан, “овар” сўзи эса келтир (форс-тожик тилидаги “овардан” феъли ўзбекчада “келтирмоқ” маъносини англатади) маъносини билдирар экан, рақсда оёқ ҳаракатлари орқали танани ҳаракатга келтириш кўзда тутилади.

Бизнингча, “тановар” мусиқий тилда оёқ ҳаракатларига ишора бўлиб, шу орқали ҳарам аёллари учун махсус тайёрланган кавуш-маҳси ва шу каби бежирим оёқ кийимларини кўрсатиб рақсга тушишга нисбатан ҳам қўлланган. Бинобарин, ҳарам аёллари учун алоҳида бежирим

кавуш-маҳсилар тикилган ва улар рақсларида оёқ кийимларини кўз-кўз қилиб ўйнаганлар.

Қўқон хонлари сарой "ичкари"сида фаолият кўрсатган аксар хотин-қизларнинг ҳаёти, гарчанд уларга зарур шароитлар яратилган бўлса-да, ҳақиқий оила бахтидан йироқ ва улар дарди-ҳолини очиқ-ойдин изҳор этиши мумкин бўлмаган. Шу сабабдан ҳам улар ижодида ушалмаган орзу, рўёбга чиқмаган оилавий бахт мавзулари шеърый мисраларда яширин ишора тарзида намоён бўлади. Тановар усулига асосланган "Қора сочим" ашуласи ҳам ана шундай ижод намуналаридан бири. Мазкур ашуланинг яратилиш тарихи ҳақида турли фикрлар мавжуд. Мусиқашунос К. Олимбоева буни шундай изоҳлайди: "Қора сочим" қўшиғи аёлларнинг маҳзун қўшиқлари туркумига киради. Ўтмишда қизларни ўн икки-ўн уч ёшидаёқ эрга бериш расм бўлган. Буни сезган қизчани ғам босади. У қайғули қайфиятда бўлади. Бу ёшдаги қизчалар дугоналари билан ўйнаб-кулиш, шодиёна ҳаёт кечириш, рақсга тушиб, хурсандчилик қилиш ўрнига, атрофдаги тенгдошларини ҳам чуқур ўйга соладиган мунгли, ғамгин қўшиқлар айтади" (Олимбоева К. *Ўзбек аёли ҳаётида мусиқа. Тошкент, "Ёзувчи", 1996. 21-бет*).

"Қора сочим" ашуласи, анъанага кўра, дутор чертиб айтилган. Ўйлашимизча, 12-13 ёшли қизлар, олима тарифлаганидек, "дугоналари билан ўйнаб-кулиш"га мойил бўлса-да, бу пайтда дутор чертиб, ғамгин ашула куйлаш – уларнинг ўсмирлик табиатига мос келмагани боис бироз мунозарали. "Қора сочим" ашуласи эса асосан аёллар даврасида машхур бўлиб, улар томонидан севиб тингланган.

"Тановар" тарихига оид яна бир маълумотга кўра, Қўқон хони ҳарамига келтирилган янги қизларнинг сочи одатда бошқа аёллардан фарқлаш

учун пешонаси юқорисидан қалта (2-3 см) қилиб, кесиби қўйилар экан. Уларнинг сочи, табиийки, маълум вақт ўтиши билан қайта ўсиб, қошлар устига тушган. Ана шу вақт мобайнида сочи кесилиб ҳарамга олинган қизларнинг нафақат турмуш тарзида, балки тақдирида ҳам катта ўзгаришлар рўй берган. Хонга тортиқ қилинганлар орасида Адолат исмли истеъдодли қиз ҳам бўлиб, у кесилган сочи қоши устига тушгунга қадар кўрган-кечирганларини тановар усули вазнида дардли оҳангларга солиб, дутор чертиб куйлаган экан. Ҳарамдагиларга бу вазмин рақс руҳидаги маҳзун ашула жуда манзур бўлган, зеро, бу хонишда ўша даврадаги ҳар бир аёл ўз қисматининг бадиий ҳикоясини англайди (*Маълумот Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муъяссар Сотволдиева билан бўлган суҳбатдан олинди (2015 йил, октябрь). Уни М.Сотволдиева ўтган асрнинг 70-йилларида Фарғонанинг кекса онахонларидан эшитган*).

Демак, "Қора сочим" сарой аёллари ижодида мансуб бўлиб, ашуланинг анъанавий тарзда дутор чертиб айтилиши ҳам сарой санъатида хос. Чунки юқорида кўриб ўтилганидек, аёллар орасида дутор ижрочилиги дастлаб хон саройида урф бўлган.

"Тановар" ўндан ортиқ куй ва ашула йўли устоз-шогирд анъаналари орқали сайқалланиб, янада ривожланиб, буғунги кунга қадар етиб келди. Эндиликда уларнинг замонавий талқинлари ҳам кенг тарқалмоқда. Хусусан, Насиба Абдуллаева ижросида "Сунбула", Аброр Парпиев ижросида "Ёввойи тановар", Малика Эгамбердиева ижросида "Наманган тановари" ва бошқалар шулар жумласидан.

Насиба ТУРҒУНОВА,
санъатшунос

Musofir bo'lmaguncha...

Умр давомида камида бир бор ҳаж зиёратини амалга ошириш мусулмонлар учун беш фарзнинг бири ҳисобланади.

Ўрта асрларда масофанинг узоқлиги, йўлда қароқчилар ҳужуми, чўл шароитларидаги сувсизлик муаммоси, денгиздаги тўфонлар, юкумли касалликлар, давлатлар ўртасидаги ҳарбий

тўқнашувлар каби муаммолар ҳам ўртаосиёлик зиёратчиларни узоқ ҳаж сафарига чиқишдан тўхтайтиб қола олмаган.

У даврларда минтақамиздан ҳозирги Сауд Арабистонининг Макка ва Мадина шаҳарларида борувчи зиёратчиларнинг асосан учта йўналишда ҳаракатланишига тўғри келган. Биринчи-

си – шимолий бўлиб, Русия империяси ҳудудидан; иккинчиси – жанубий Ҳиндистон ва Араб денгизи орқали; учинчиси эса, марказий – Эрон давлати сарҳадларидан ўтган. Ҳожилар ҳам куруқлик, ҳам сув йўлларида фойдаланиб, Маккага етиб боришган. Манзилнинг узоқлиги зиёратчиларнинг ҳаж муддатига етиб олиши учун анча вақт олдин сафарга чиқишини талаб этган.

Бу даврда биздан Маккага бориладиган энг тўғри, яъни қулай йўл Эрон ҳудуди орқали ўтган. Бироқ бу йўналишда сафар қилиш бир оз хавфли саналган. Чунки Эронда ислом динидаги шиалик, Мовароуннаҳрда эса суннийлик устунлик қилиши давлатлар ўртасида қарама-қарши мафкуравий қарашларнинг вужудга келишига сабаб бўлиб, зиёратчилар кўпинча узоқ ва машаққатли бўлса-да, бошқа йўллари танлашга мажбур бўлган. (Лекин бу билан, ўртаосиёлик зиёратчилар сафавийлар ҳукмронлигидаги Эрон ҳудуди орқали умуман ҳаж сафарини амалга оширмаган, дейишдан йироқмиз. Савдогарлар, ҳожилардан ташқари, Яқин Шарқнинг нуфузли мадрасаларида таҳсил олиш, машхур авлиёлар мазорларини зиёрат қилиш ниятидаги ўртаосиёлик кўплаб олимлар, элчилар, дарвешлар айнан шу йўл орқали сафар қилгани маълум.) Бундай йўллар шимолда Астрахань шаҳри, жанубда эса Ҳиндистон ерлари орқали ўтган. Ўрта асрларда минтақамиз ҳожилари хавфсизлик мақсадида бу узоқ йўлни кўпинча савдо карвонлари ҳамроҳлигида босиб ўтган.

XVI-XIX асрларда Астрахань шаҳрига икки йўналиш бўйича ҳаракатланиш мумкин бўлган. Биринчиси Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент, Қўқон каби йирик шаҳарлардан бошланиб, Кат – Кўҳна Урганч – Устюрт – Каспийбўйи чўллари – Астрахань йўналишида давом этадиган йўл эди. XVI аср ўрталарида Бухоро билан Урганч оралигидаги масофани босиб ўтиш учун карвонда 18 кун сарфланган. Урганчдан Манғишлоқча карвон билан 25 кунлик йўл бўлган. У ердан Каспий қирғоқлари бўйлаб сузиб, Сарайжиққа, ундан эса Астрахангача 28 кун йўл юрилган (*Hélène Carrère d'Encausse. Les routes commerciales de l'Asie Centrale et les tentatives de reconquête d'Astrakhan: D'après les registres des "Affaires importantes" des Archives ottomans / Cahiers du Monde russe et soviétique, Vol. 11, No. 3 (Jul. - Sep., 1970), p. 403.*

Ўрта Осиёдан Астраханга йўналган иккинчи йўналиш эса Бухоро, Самарқанд каби йирик шаҳарлардан бошланиб, Кат – Кўҳна Урганч – Каспий денгизининг шарқий томонидаги Манғишлоқ яриморалининг кемалар тўхташ жойлари – Қабақлигача (ёки Қараған) куруқлик орқали юрилиб, ундан кемаларга ўтирилган ва Астрахангача сузилган. Қараған билан Астрахань ўртасидаги масофани кемада сузиб ўтиш учун тахминан 3 ҳафта вақт сарфланган бўлса (ЦГАДА. Ф. *Посольский приказ. Сношения России с Индией, 1671. Д-1. Л. 5*), Бухородан Урганч орқали Қарағангача бўлган йўлни босиб ўтиш учун эса 6 ҳафта вақт талаб этилган (*Ульяницкий В. Сношения России с Средней Азией и Индией в XVI-XVII вв. Москва, 1889. Кн.3. Стр. 44*). Демак, XVII асрда Бухородан чиқиб, Урганч орқали юрган ва Каспий денгизига сузган зиёратчилар тахминан 9 ҳафтада Астраханга етиб борган. Йўлни қанча муддатда босиб ўтиш кўп жиҳатдан йил фасллари ва об-ҳавога ҳам боғлиқ бўлган.

Боя тилга олинган шаҳарлар орасида 1743 йили чор ҳукумати томонидан қозоқ даштининг Русия билан чегарадош ҳудудида ҳарбий қалъа сифатида бунёд этилган Оренбург шаҳри алоҳида ўрин тутган. Ўрта Осиёдан тўғри Астрахань томонга йўналган шимолий ҳаж йўли XVIII асрнинг 30-40-йилларида Русия орқали ўтган энг серқатнов йўл саналган бўлса, кейинчалик унинг илгариги аҳамияти пасаяди. Энди Оренбург, шунингдек, XVIII асрнинг иккинчи ярмида барпо этилган Троицк, Петропавловск, Бухтарминск ҳарбий қалъалари орқали ўтган йўл Ўрта Осиё савдо карвонлари ва ҳожилари учун қулай бўлиб боради.

Манбаларга кўра, Шимолий йўналишдаги барча йўллар асосан Азов томонга йўналиб, у орқали Каффа, яъни ҳозирги Феодосиягача давом этган. У ердан эса яна турли тармоқларга ажралиб, ҳозирги Туркиянинг Анатолия, Синоп, Трабзон, Истанбул каби шаҳарлари томонга йўналган. Трабзондан Бағдод орқали Мадина ва Маккагача, Синопдан эса Анқара ёки Истанбул орқали Дамашққа, у ердан Мадина ва Маккага томон ҳаракатланилган. Бу йўллардан ташқари, Миср томонга йўналган яна бир йўл ҳам мавжуд бўлган.

Ўрта асрларда бутун дунё мусулмон зиёратчилари Макка томонга ҳаракатланиш учун

Бағдод, Дамашқ, Қоҳира ва Сано шаҳарларида йиғилган. Хоҳ Русия, хоҳ Эрон орқали Усмонийлар империяси ҳудудига кириб келган ўртаосиёлик зиёратчилар қайси йўлдан келганига қараб, Бағдод, Дамашқ, Қоҳира карвонларидан бирортасига қўшилиш учун ҳаракат қилган. Бу даврда Макка ва Мадина усмоний султонлари қаламравида бўлган. Ўртаосиёлик зиёратчиларнинг асосий қисми турк султонлари томонидан расмий ташкил этиладиган Дамашқ ҳаж карвонига қўшилиб, Макка томонга сафар қилишни маъқул кўрган.

Дамашқ ҳаж карвони билан яна Маккагача 30 кунча йўл юрилган. Макка билан Мадина оралиғида ҳам қуруқлик орқали тўртта ва сув орқали битта йўл мавжуд бўлган (*Personal narrative of a pilgrimage to Al-Madinah and Mekkah by Sir Richard F. Burton. Volume II, New York. 1964, p.58; Отчет штабс-капитана Давлатшина о командировке в Хиджаз. Спб. 1899. Составитель И.Нуриманов. Хадж Российских мусульман. Нижний Новгород. № 2. 2009. Стр. 24*). Мадинадан Маккагача бўлган қуруқлик йўлини босиб ўтиш учун тахминан 12 кун талаб этилган.

Бу даврда жанубий йўл ҳам анча серқатнов ҳисобланган. XIX асрда А.Вамберининг ёзишича, минтақамиз зиёратчилари Макка томонга сафарга чиққанда асосан Бухоро, Қарши ёки Ҳиротда тўпланган (*Вамбери А. Очерки и картины восточных нравов. Спб., 1877. Стр. 143-144*). Ҳирот йўли бошқаларига қараганда серқатнов бўлган. Чунки бу шаҳардан яна икки йўналишдаги йўл ўтган. Бири афғон уруғлари ва Эрон томонга йўналган бўлса, иккинчиси эса Ҳиндга томон йўналган. Қаршидан Балх ва Кобул томонга йўналган йўл эса иккинчи даражали саналган. Чунки бу йўл Ҳиндикушдан ўтгани учун ундан ҳатто ёз ойларида ҳам юриш жуда мушкул бўлган.

Ҳиндикуш тоғидан ўтилгач, икки хил йўналишда ҳаракатланиш мумкин бўлган. Биринчисида – Балх – Кобул – Пешовар – Лохур – Агра – Деҳли – Сураат портигача қуруқлик билан юриб, кейин кемаларга ўтирилган, шу тариқа Моҳа (Яман) ёки Жиддагача денгиз орқали сафар қилинган. Жиддадан эса яна қуруқлик орқали Маккага етиб олинган. Иккинчисида эса Қандаҳор – Кветта – Шакарпур – Карачи портигача қуруқликда юрилиб, у ердан кемаларга тушилган ва денгиз йўли орқали Арабистон яриморотидаги Моҳа ёки Жиддадан Макка томон ҳаракатланилган.

Ўрта Осиёдан Макка томонга йўналган марказий йўл туркман уруғлари ва ҳозирги Эрон ҳудудларидан ўтиб, Бағдод, Дамашқ каби шаҳарларда тўпланувчи йирик ҳаж карвонлари таркибига қўшилиш имконини берган.

Ҳожилар йўл-йўлакай кўплаб муқаддас маконларни ҳам зиёрат қилишган. Баъзан карвонлар янада йириклашгунча кутиб турилган. Чунки карвон қанча йирик бўлса, қароқчилар ҳужуми хавфи шунча камайган.

Зиёратчилар асосан савдо карвонлари сафида сафар қилишган. Савдогарларнинг турли шаҳар бозорларида ўз молларини сотиши ҳамда у ерда от, туя ва моллари учун бож солиғи тўлаш жараёнидан ўтиши учун сарфланадиган вақт ҳам ҳаж сафари муддатининг чўзилиб кетишига сабаб бўлган.

Ўрта Осиё ҳожиларининг ўтмишдаги машаққатларидан бохабар бўлмоқ ҳар биримизни мустақиллик йилларида ҳаж сафари учун яратилган замонавий имкониятлар қадрига етишга ундайди.

Гулдона ТАНИЕВА,

тарих фанлари номзоди,

ЎзР ФА Тарих институти докторанти

Asr oshgan an'analar

XIX аср охири – XX аср бошларида Денов, Термиз, Бойсун, Қарши, Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарлари Жанубий Ўзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган марказлар ҳисобланган. Ҳунармандчилик ушбу шаҳарлар иқтисодиётининг етакчи тармоғи бў-

либ, минтақада тўқимачилик, кулолчилик, темирчилик, дурадгорлик, кўнчилик, атроф ҳудудларда эса қишлоқ ҳўжалиги хомашёсини қайта ишлаш билан боғлиқ уй ҳунармандчилиги ривожланган.

Шаҳарнинг қишлоқдан асосий фарқи аҳолининг қишлоқ ҳўжалиги эмас, ҳунар ва савдо би-

лан шуғулланганида кўринади. Тарихий маълумотларга кўра, Ўрта асрларда шаҳар мақомини олиш учун бу жойдаги аҳолининг 32 хил ҳунар тури билан шуғулланиши лозим бўлган (*“Қадимги Кеш – Шаҳрисабз тарихидан наҳалар”*. Тошкент, “Шарқ”, 1998. 97-бет).

Худудда ҳунармандчиликнинг асосий тармоғи тўқимачилик бўлиб, мато тўқиш, гиламдўзлик, каштачилик ва зардўзлик каби турлари тараққий этган. Зарур хомашёни, яъни жун, пахта, ипакни қишлоқ деҳқонлари ва чорвадорлари етказиб берган. Бу ҳунарлар орасида жундан ип йиғириш энг қадимгиси ҳисобланган. Жундан ип тайёрлаш анъанавий чорвачилик марказлари, дашт ва тоғолди ҳудудларида, пахтадан ип тайёрлаш эса суғориладиган ерларда тараққий этган. Ип тайёрлаш кўпроқ қишлоқларда кенг ёйилган бўлса-да, Денов, Бойсун, Шеробод, Қарши ва Шаҳрисабзда ҳам ушбу ҳунар билан шуғулланувчи оилалар бор эди.

Бу даврда шаҳар ҳунармандлари турли газламалар, хусусан, ипақдан олтин ва кумуш безакли йўл-йўл парчалар, адрас, беқасам, шойи, дуруя атласлар, пахтадан эса дока, олача, бўз, бахмал, қалами, чит ва бошқа матолар тўқиган. Жанубий Ўзбекистон шаҳарларида тайёрланган матолар ичида бўз катта салмоқ ташкил этган. Бу оддий, аммо пишиқ мато пахта ипидан тайёрланган. Айниқса, Денов, Шаҳрисабз, Қаршида катта ҳажмда бўз ишлаб чиқарилган. Бўзни ҳар хил тусга бўяш мумкин бўлиб, ўша даврда шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб ушбу матони сотадиган алоҳида савдогарлар ҳам бўлган. Бўздан асосан кийим-кечак, салла, дастурхон ва бошқалар тикилган. Бўзни турли рангларга бўяб, унга нақш босиб, янги мато – чит ҳосил қилинган. Ундан аёллар кийим-кечаги, чойшаб, кўрпа-ёстиқ тайёрланган (*Мукминова Р. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI в. Ташкент, “Фан”, 1976. Стр. 66*). Оқ бўздан кекса ёшли эркакларга кўйлак, иштон, қизил рангли бўздан эса аёллар кийими тикилган.

Маҳмуд ибн Валининг маълумотига кўра, Шаҳрисабзда кўп миқдорда карбаз бўз (бўялмаган оқ мато) тайёрланган (*Маҳмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благодородных. Перевод Б. Ахмедова. Ташкент, 1977. Стр. 176*). Бошқа манбаларга кўра, Шаҳрисабз-

да читгарлар шаҳарнинг Раис гузарида яшаган. Китоблик читгар усталар ҳам алоҳида гузарда истиқомат қилган.

Сурхондарёда беқасам ҳам маҳаллий аҳоли севиб киядиган мато ҳисобланган. У ингичка йўлли бўлиб, олачадан ўзининг сифати, тайёрланиш усули билан ажралиб турган. Аҳоли беқасамдан чопон, камзул, курта, кўрпача тайёрлаган. Аёллар ва болалар кийими учун эса дағалроқ тўқилган сўсидан ҳам фойдаланилган. Бахмал ва адрас ҳам анча қадимий матолар бўлиб, асосан уй шароитида тўқилган. Бахмалдан аёллар ва болалар кийими, дўппи, кўрпа ва ёстиқ тикилган. Бахмал зардўзларнинг энг сеvimли матоси бўлиб, ундан турли буюмлар тайёрлашда фойдаланилган (*Дала ёзувлари, 2018 йил. Бойсун, Сарисийё, Шеробод туманлари*).

Қадимдан Бойсун, Сарисийё ва Шеробод худудларида ипақдан саллабошлар четига жияк, чироз, соч попуқлари ва жамалаклар тайёрланган. Банорас, шойи, атлас, адрас ва парпуша шойи эркаклар ва аёллар учун байрам либослари тайёрлашда ишлатилган матолар сирасига кирган.

Жанубий Ўзбекистон шаҳарларида “олача” деб аталадиган мато анча машхур бўлган. У юқори сифатли, ранг-баранг ингичка ипақ ҳамда пахта толасидан тўқилган. Унга маҳаллий ва хорижий бозорларда талаб юқори, жумладан, олача Русия бозорларида ҳам харидоргир бўлган.

Олача Шаҳрисабзда кўп миқдорда тайёрланган бўлса-да, унинг асосий маркази Қарши саналган. Олача тайёрлаш шаҳар аҳолиси фаолиятида ҳам катта ўрин тутган. XIX асрнинг биринчи ярмида Қаршида 19 та шойи тўқиш устaxonаси бўлган. Беклик учун шойи матолар тайёрланган. Маҳаллий тўқувчилар ишлаб чиқарган ушбу матолар хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинган. XIX аср охири – XX аср бошларига келиб эса бу матони тайёрлашда қаршилиқ усталар шунчалик маҳоратли бўлишганки, бутун амирликда уларга тенг келадигани топилмаган (*Разводовский В. Опыт исследования гончарного и некоторых других кустарных промыслов в Туркестанском крае // Туркестанское сельское хозяйство. 1916. № 3, 4, 5, 6, 7, 8. Стр. 256*).

XX аср бошларида амирлик ҳунармандчилигида мануфактурага яқинлашиш ҳоллари кузатилган. Мустақил ишлашга имкони бўлмаганлар ҳунармандчилик уюшмалари (қасабалари)

га бирлашиб, ишлаб чиқаришда фаол иштирок этган. Биргина Қаршининг ўзида 25 га яқин йирик тўқувчи тадбиркорлик уюшмаси фаолият юритган.

Қаршида ишлаб чиқарилган шойи, нимшойи, олача, бўз каби арзон ва пишиқ матоларга Сибирда талаб жуда катта бўлган. Газлама Қаршидан Бойсун, Ҳисор, Ғузор, Сарийосиёга жўнатилган.

Рус савдогарлари Ўрта Осиёдаги хунармандчиликнинг кенг тараққий этишидан манфаатдор бўлган. Маҳаллий газламаларга бўлган катта талаб Бухоро амирлигидаги шаҳарларнинг ривожланиши ва тўқимачиликнинг такомиллашиб боришига катта таъсир кўрсатган. Йирик рус тадбиркорларидан бири Филипп Ефремов ўз хотираларида тўқимачилик соҳасига таъриф бериб куйидагиларни қайд этган: “Бу ерда ипак курти боқилади. Ундан кўпинча ипак олинади. Ипакдан зарли ва кумушли йўл-йўл парчалар, атлас, бекасам тўқилади... Булар нафақат Осиё, балки Европа давлатлари бозорларида ҳам ўз харидорига эга саноат маҳсулотлари ҳисобланади (Сухарева О. К истории городов Бухарского ханства. Историко-этнографический очерк. Ташкент, 1958. Стр. 115).

Бойсун ва Деновда ҳам тўқимачилик тараққий этган. Асосан уй шароитида сидирга ва гулдор ип тайёрланиб, ундан ипак ва ярим ипак газламалар тўқилган.

Тўқимачилик ип йигириш, мато тўқиш ва бўяш каби бир неча тармоқдан ташкил топган. Ип йигирувчиларнинг асосий хомашёси пахта, жун ва ипак бўлган. Мато ишлаб чиқариш аҳолининг анъанавий хўжалик машғулоти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, жумладан, шерободликлар қадимдан пахта етиштириш ва ундан мато тайёрлаш билан шуғулланиб келган. Йигирилган иплардан “дўкон” деб номланувчи тўқув мосламасида турли матолар тўқилган. Дастгоҳда тўқиладиган матоларнинг узун тортилган иплари “танда” ёки “ўрим” деб, кўндаланг тортилган ипи эса “арқоқ” деб аталган. Мокига танда ўтказилиб, ҳар сафар дўкон дастаси билан жипсланган. Матолар қаричлаб ўлчанган. Матоларнинг эни қисқа, яъни 35-40 см бўлган. Дўконда икки марта тўқилган мато бир кийимлик бўлган (Дала ёзувлари, 2017 йил. Шеробод тумани, Сеплон, Хитой қишлоқлари).

Бойсун тумани олача, жанда, шойи тўқиш марказларидан бири саналган. Жанда матоси эса Бойсуннинг Сарийосиё қишлоғида тўқилган. Худудда ном чиқарган машҳур усталар бўлган. Жанда тўқиш учун ишлатиладиган оқ пахта Жарқўрғондан, бўёқ эса Деновдан келтирилган.

Ипак газмоллар пахта матоларига қараганда қимматроқ бўлган. Ипак олиш учун пилла қайта ишланиб, иплар чархда тўқилган. Ипак ип ва матодан саллалар четига жияк, чироз тўқиш, сочга тақиш учун сочпопуклар тайёрланган. Бойсун шойисининг шуҳрати анча юқори бўлган.

Маҳаллий хунармандлар тайёрлаган матолар уй шароитида бўялган. Узоқ йиллик тажриба ва машаққатли меҳнат маҳсули бўлган бўёқ тайёрлаш усули сир тутилган. Бўёқчилар ранг тайёрлаш учун худудда ўсадиган маҳаллий ўсимликлар – рўян, испарак, мардона, жинжақдан, шунингдек, анор ва ёнғоқ пўстлоғидан фойдаланишган. Матони бўяш жараёни тўқийдан аввал бажарилган. Бундан ташқари, матоларга босма нақшлар ҳам солинган. Бунда бир неча қолипдан фойдаланилган. Қолиплар терак, тол, заранг, ўрик, бодом ва ёнғоқ ёғочидан қилинган.

Матони бўяш билан шуғулланувчилар “нилчи”, матога гул босувчилар эса “читгар” деб аталган. Ҳар бир устанинг ўзига хос иш услуги матога гул босиш жараёнида яққол кўринган. Гул қолиплар ўта чидамли бўлган ва аждодлардан авлодларга мерос бўлиб қолаверган.

Жанубий Ўзбекистонда яшовчи кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли эса матоларни асосан жундан тўқиган. Жун ип тузли сувда қайнатиб олингани учун ҳам пишиқ ва чидамли чиққан.

Жанубий Ўзбекистоннинг дашт, тоғли ва тоғолди минтақаларида яшовчи чорвадор аҳоли жундан кийим-кечак, шунингдек, кундалик хўжалик ашёлари – гилам, кигиз, хуржун, халта тайёрлаган. Қўй жуни, туя жуни ва эчки жуни (тивит) мато тайёрлашда асосий хомашё бўлган.

Хуллас, хунармандчилик хўжалигининг таркибий қисми саналган тўқимачилик Жанубий Ўзбекистон аҳолиси турмуш тарзида муҳим ўрин тутиб, аҳолининг кийиниш маданиятига жиддий таъсир кўрсатган.

Нурулла ТУРСУНОВ,

*Термиз давлат университети
докторанти*

SUMMARY

What is a theater? Conversation with the prominent stage director Olimjon Salimov. pp. 4-19.

A well-known Russian stage director Georgy Tovstonogov wrote in his book "The Mirror of the Stage": "The twentieth century has been a century of atom, satellites, cybernetics and ...stage directing". Does the stage directing really play an important role in human life? If so, why is society's interest in dramatic art considerably decreased these days? Why do not even the leading theaters play performances on everyday topics instead of the actual issues? Such matters were discussed in the interview with Olimjon Salimov, the head of the State Drama Theater of Uzbekistan.

How will the nation raise? pp. 20-35.

Today, mass media and social networks are actively discussing the reform of education in Uzbekistan. The government has also taken practical measures by recognizing that education is a matter of life and death. It should be noted that since the beginning of this year six Decrees of the President of Uzbekistan have been adopted. These documents set the task of raising the education system to a qualitatively new level, material and moral support of teachers. So what else is needed to advance the education of Uzbekistan and to raise the pedagogue's position? Representatives of education and intellectuals share their views on this issue.

Abdulla Azam. Amber in the river of knowledge. pp. 42-52.

It is well-known that the science is important in the material and spiritual development of a society. Especially in the era of globalization, scientific novelties and discoveries have dramatically changed the lifestyle and the outlook of people. In such situations, it is very important to understand the function of science. The article focuses on this subject, which clarifies the concepts of scientific truth, experience, and observation. The author concludes – “Only the search for truth in science gives meaning to human life”.

Abai. “Words of edification” (literally, “Black words”). pp. 78-87.

Abai is a writer, who started a new era in Kazakh literature, which has many centuries-old folklore traditions. He began to write the “Words of edification” from 1890, when he reached the highest level of his maturity. For eight years, the writer completed his work, where expressed the philosophic, didactic, ethical, social, political, and economic issues, which was novelty not only in Kazakh literature, but also in Turkic folk literature. The proverb “A true friend tells you bitter truths” fully reflects the spirit of the “Words of edification”. Abai loves the Kazakh nation as a son. Therefore he tries to show shortcomings of his every countryman’s mind and searches ways to get rid of them. In this issue of the magazine, samples of the new translations of this book have been published to the attention of the audience.




Пыяр МАНСУРОВ. "Афросиё манисаи"

Хр. 12824с.

Нашр кўрсаткичи: 869/870
Баҳоси келишилган нархда

TAFAKKUR

ТАФАККУР 4/2018



ISSN,2010-6491



9 772010 649005